

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**З.Т.НИШАНОВА, П.С.ЭРГАШЕВ**

# **ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИ**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан педагогика олий  
ўқув юртлари магистратура талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ – 2012**

**З.Т.Нишанова, П.С.Эргашев. Олий мактаб психологияси. – Т.: 2012, 220 бет.**

Ушбу ўқув қўлланмада талабаларнинг психологик хусусиятлари ва фаолиятлари, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари ва шарт-шароитлари, ўқитувчи фаолиятининг психологик хусусиятлари, кафедра жамоаси, олий ўқув юртини бошқаришнинг психологик асослари ҳақида фикр юритилади.

Ўқув қўлланма магистратура босқичи талабаларига «Олий мактаб психологияси» билан танишиш, уларга бу йўлда чуқур билим ва кўникмаларни эгаллашда катта ёрдам беради. Магистрлар ва ёш ўқитувчилар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** **ҒОЗИЕВ Э.Ғ.** – ЎзМУ «Психология» кафедраси профессори, психология фанлари доктори;  
**УБАЙДУЛЛАЕВ А.Х.** – ТДПУ «Умумий психология» кафедрасининг доценти, психологи фанлари номзоди

## КИРИШ

Миллий мустақиллик халқимиз манфаатлари йўлида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли туб ислоҳотларни амалга ошириш, давр талабларига монанд равишда модернизация ва инновация жараёнларини собитқадамлик билан рўёбга чиқариш имкониятини бермоқда. Ушбу ўз умумий мақсадига кўра миллий истиқлол асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларнинг истиқболга йўналтирилгани жиҳатидан энг муҳим йўналиши, шубҳасиз, ёш авлод таълим-тарбияси тизимини такомиллаштиришга, мустақиллик даврида қўлга киритилган улкан ютуқларни сақлаш ва кўпайтиришга қодир шахсларни вояга етказишга қаратилган чора-тадбирларни янада қўллаб қувватлаш билан боғлиқ. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Биз фарзандларимизнинг фақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб, вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатаптики, ҳар қандай замонавий мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқ хўжалигининг барча соҳаларида инновацияларни жорий этиш қанчалик тез ва кенг рўй бераётганига боғлиқдир. Мазкур мураккаб жараённинг муваффақиятини белгилаб берувчи асосий омил эса тегишли тармоқ ва соҳада меҳнат қилувчи мутахассисларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятидир.

Ўқув қўлланмада олий мактаб психологияси, талабаларнинг психологик хусусиятлари, олий таълимда таълим ва тарбияни ташкил этиш, олий ўқув юрти ўқитувчисига қўйиладиган талаблар, олий таълимни бошқариш, битирувчиларда ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантириш каби қатор мавзулар ёритилган. Магистратурани битирган талабаларнинг кўпчилиги олий таълимда ўқитувчи бўлиб ишлашларини ҳисобга олиб ёзилган ушбу қўлланма уларнинг машақатли ва сермазмун фаолиятларида катта ёрдам беради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.75.

*Илм намоёндаларига бахиллик қилма, зеро илм хазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам бойликдан фарқли, ўлароқ барибир кўпайиб бораверади.*

*Мажид Хавофий.*

## **ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ**

### **Режа:**

1. Олий мактаб психологияси фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари.
2. Олий мактаб психологияси фанининг методлари.
3. Талабаларга таълим беришнинг психологик хусусиятлари.
4. Олий мактабга йўллаш ва танлаш

### **Мавзунинг ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларни олий мактаб психологияси фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари, методлари, олий мактабга йўллаш ва танлаш ҳақида билимлар билан таништириш.

**Тарбиявий:** Талабаларда олий мактаб психологияси фанининг методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларни олий мактаб психологияси фанининг предмети, мазмуни, мақсади ва вазифалари, методлари тўғрисидаги билимлар билан таништириш орқали уларнинг дунёқарашини ривожлантириш.

«Бугун қилаётган яхши ишларимиз ёш авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксақ, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор» - дея таъкидлайди И.А.Каримов (3, 203).

Мустақиллик давридаги таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар том маънода баркамол етук комил шахсни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. «Ақл - заковатли юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсақкина олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади»-деб таъкидлайди президентимиз И.А. Каримов.

Психология индивидуал ва гуруҳий психологик ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, инсон хулқ-атворида уларнинг ўрнини ва ролини ўрганеди. ✓ **Олий мактаб психологияси** олий ўқув юрти раҳбарларининг, ўқитувчилари, талабалари фаолиятининг психологик хусусиятларини ва психикасини ўрганеди. ✓

✓ Инсон психикаси психологик жараёнларни, ҳолатларни ва хусусиятларни ўз ичига олади. Психик жараёнлар - билиш, ҳиссий ва иродавий жараёнларга бўлинади. ✓

✓ Билиш жараёнларига - сезги, идрок, тасаввур, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ киради. Улар билимларни эгаллаш, муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ҳиссий жараёнлар - инсоннинг ички дунёсини акс эттиради, теварак атрофда рўй бераётган ҳодисаларнинг эҳтиёжлар ва мақсадларга мос ўз-ўзини бошқаришда, ўз хулқ-атворини онгли бошқаришда кўринади.

Психик ҳолатлар психиканинг вақтинчалик ҳолати бўлиб /ўзига ишонил, тайёрлик, қониқиш, иккиланиш.../ амалий ҳаракатдаги муваффақият шуларга боғлиқ бўлади.

Психик хусусиятларга йўналтирилганлик, характер, темперамент ва қобилиятлар киради. Йўналтирилганлик шахс хусусияти бўлиб - мақсадга интилишдир. Йўналтирилганлик асоси - эҳтиёжлар, қизиқишлар, лаёқатлар, идеаллар, дунёқарашдир. Психик хусусиятларга қараб, инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳақида билиш мумкин. Индивидуал психика билан биргаликда инсонларнинг жамоа ва гуруҳларида вужудга келадиган ижтимоий психологик ҳодисалар ҳам мавжуд. Уларга анъаналар, баҳолар, қизиқишлар, урф-одатлар киради. Ижтимоий психологик ҳодисалар олий ўқув юрти ҳаётида, талабалар таълим ва тарбияси масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

**Олий мактаб психологияси предмети** - олий ўқув юрти шароитида вужудга келадиган индивидуал ва ижтимоий психологик ҳодисалар ҳисобланади. Олий мактаб психологияси психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, тажрибанинг ўрни ва ролини, олий ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчилари ва талабалари фаолиятида уларнинг кўриниши ва ривожланишини ўрганеди.

Олий мактаб психологияси психологиянинг нисбатан янги тармоқларидан биридир. У педагогик, ижтимоий ва ёш

психологияси, меҳнат психологияси ва бошқа фанларнинг ютуқларини бирлаштиради. Ўзининг асосий мазмунига кўра, у олий ўқув юртининг педагогик психологияси ҳисобланади.

**Олий мактаб психологиясининг асосий вазифалари** - куйидагилар:

1. Замонавий олий маълумотли мутахассис тимсолини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

2. Олий ўқув юрти раҳбарларининг, кафедраларининг, ўқитувчиларининг, талабаларининг фаолиятини психологик таҳлил қилиш, шу асосда ўқув жараёни, таълим тарбия маҳсулдорлигини оширишнинг психологик омилларини аниқлаш.

3. Талабалар жамоаси психологиясини, унинг ўқишга, талабаларнинг жамоат, илмий, ишлаб чиқариш фаолиятига таъсирини ўрганиш.

4. Бўлажак олий маълумотли мутахассис касбий муҳим хислатларини ва шахсини ривожлантиришнинг қонуниятларини аниқлаш.

5. Талабаларнинг олий ўқув юртини тугатгандан сўнг амалий фаолиятга психологик тайёрлиги муаммоларини ишлаб чиқиш.

6. Ўқитувчи меҳнати ва шахси психологиясини, унинг педагогик маҳорат ва ижодининг психологик асосларини ўрганиш.

7. Олий ўқув юртларига танлаш ва йўллаш муаммоларини текшириш.

8. Талабаларнинг олий ўқув юртидаги таълимга мослашиш жараёнини, битирувчиларнинг меҳнат фаолияти, шароитларига мослашиш жараёнларини таҳлил қилиш.

Олий мактаб психологиясининг муҳим вазифаларидан бири талаба фаолиятини психологик таҳлил қилишдан иборат.

Олий мактаб психологиясидаги тадқиқотлардан олинган маълумотлар турли фанларни ўқитиш методикаларини яхшилашга, талабалар таълим-тарбияси маҳсулдорлигини ва ўзлаштиришни оширишга ёрдам беради.

Олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методикаси ва методологиясига тўхталамиз.

**Методология** - борлиқни ўзгартириш ва билиш методлари ҳақидаги, билиш ва тажриба жараёнларига дунёқараш тамойилларини қўллаш ҳақидаги таълимотдир. **Олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методологиясини** диалектик материализм қонунари ва психология фанини психиканнинг

моҳияти, онг ва фаолият бирлиги ҳақидаги, олий мактабдаги таълим ва тарбия шароитида психик ҳодисаларни ўрганиш жараёнига умумий талаблар ташкил қилади.

**2. Олий мактаб психологияси методлари** - раҳбар ўқитувчилар, талабалар, фаолиятининг психик хусусиятларини ўрганиш усулидир. Олий мактаб психологиясининг асосий методлари кузатиш ва экспериментдир. Кузатиш методининг объекти ўқитувчилар ва талабалар хатти - ҳаракатларини кузатиш ҳисобланади. Эксперимент методи кузатиш методига қараганда фаолроқ, бўлиб у иккига бўлинади:

а/ лаборатория эксперименти, б/ табиий эксперимент.

### **Ёрдамчи методлари**

Сухбат - кузатиш ва экспериментни тўлдиради. Сухбатнинг муваффақияти тадқиқотчига ишонч билдиришга, қулай психологик иқлим яратишга боғлиқ.

Ўқитувчи ва талабалар фаолиятини таҳлил қилиш методи талабалар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Тест методи - талабалар қобилиятини, интилиш даражасини ва бошқаларни аниқлаш имконини беради. Сўров ва анкета методи талабаларнинг турли ҳодисаларга муносабатини, фикрини ўрганиш имконини беради.

Олий мактаб психологиясида тажрибали ўқитувчилар фикрларидан ҳам фойдаланилади. Психологик тадқиқотларда **электроэнцефалография** методи /миа биотокларини ёзиб олиш/ талабалар ҳолати ва психологик жараёнларини объектив назорат қилиш учун қўлланилади.

Шундай қилиб, олий мактаб психологиясида турли методлардан фойдаланилади.

### **3. Талабаларга таълим беришнинг хусусиятлари.**

Олий мутахассислик таълим бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинади.

**Бакалаврлик** - йўналишлардан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, у олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

**Магистратура** - аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификациян давлат аттестацияси

ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади. (2, 25)

Талабаларга таълим бериш бу уларни билимлар, кўникмалар ва малакалар билан қуроллантириш мақсадида улар фаолияти ва психикасига таъсир қилишдир. Таълим жараёнида унинг моҳияти асосида талабалар психикасининг турли томонлари шаклланади. Таълим бўлғуси мутахассис шахсининг шаклланишида, илмий дунёқарашининг такомиллашувида, ақлий ва бошқа хислатларининг ривожланишида бевосита аҳамиятга эга.

Олий ўқув юртидаги таълим демократик жамият қурилиш назариясини яхши билишни ўз ичига олади. Истиклолдан кейин таълим жараёнида қўлланилиб келаётган сабоқ бериш ва тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, восита ва услублари тизимига ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини, муомала маданиятини қадрлаш ва маънавият дурдоналарини киритмасдан туриб олий мактабда ўқитиш самарадорлигини ошириш, шарқонона тарбия назариясини талабалар онгига сингдириш мумкин эмаслиги дарров кўзга ташланади.

Жаҳон маданияти ва маорифининг илғор ғояларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан бирга бир неча ўн асрлик тарихга эга бўлган, ҳатто унутулиш даражасига бориб қолган миллий туйғу, миллий характер, миллий қиёфа, миллий дид ва ҳоказоларсиз иймон, эътиқод, ватанпарварлик, софлик, виждонлилик, ростгўйлик, маъсулият ва бурч ҳисларини таркиб топтириб бўлмайди. Миллий психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим -тарбия ишларини йўлга қўйиш, бунда тарбияга асосий эътиборни қаратиш, унинг бирламчи эканлигини тан олдириш муҳимдир.

Замонавий олий таълимнинг муҳим элементи бу методологик тайёргарликдир. Фан ва амалиёт шундай даражага етдики, талаба бўлғуси ишида зарур бўладиган барча нарсаларни ўзлаштириши ва эслаб қолиши мумкин эмас.

Шунинг учун проф. Н.Ф. Тализина талабаларга ортиқча вазифа юклашларни йўқотиш учун маълумотларни саралашнинг янги усулини таклиф этади: «Кўп тайёр билимларни сақлаш ўрнига хусусий ҳодисаларнинг барча системасини таҳлил қилиш ва қайта тиклаш имконини берадиган методни қўллаш зарур».

Олий мактаб ўқитувчисининг вазифаси - мустақил иш йўналишини кўрсатиш, методика билан таништиришдан иборат,



Ўқитувчининг чўққига кутариб олиб чиқиб қўйишини кутмасдан шу чўққига талабанинг ўзи интилиши керак. Шундай қилиб, талабалар таълимнинг методлари ва тамойилларини мазмуни асосий ўқув тарбия мақсадида бўлишини, уларни ҳар томонлама камол топган, юқори малакали мутахассислар бўлиб етишишларини таъминлашга бўйсундирилмоғи лозим.

М.Г.Давлетшин, С.Х.Жалилова (10) ҳозирги замон таълимнинг асосий йўналишларини қуйидагича белгиланган:

а) Таълимнинг ҳар бир даражасини узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида англаш. Бу йўналиш мактаб билан олий ўқув юрти ўртасидаги алоқа муаммоларинигина эмас, балки талабаларнинг касбий тайёрлигини ошириш вазифасини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юрти билан мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти ўртасидаги алоқани ҳам кўзда тутуди;

б) «Таълимни индустриаллаштириш», яъни компьютерлаштириш ва технологиялаштириш асосида ҳозирги замон жамиятининг ақлий фаолиятини кучайтириш;

в) Таълимнинг ҳозирги вақтгача устунлик қилган ахборот берувчилик шаклларида фаол ўқитиш методлари ва шаклларига ўтиш. Бу йўналиш «хотира мактабидан», «тушуниш мактаби», «тафаккур мактаби»га ўтишдан иборат;

г) ўқув тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва бошқаришнинг қатъий белгиланган назорат усулларида ривожлантирувчи, фаоллаштирувчи, такомиллаштирувчи усуллар ва ўйин усулларига ўтиш. Бу эса таълим олувчиларнинг ташкилий-ижодий, мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришни тоқазо этади;

д) таълим олувчи билан муаллим ўртасидаги ўзаро таъсирни ташкил этиш, таълимни талабаларнинг биргаликдаги жамоа фаолияти сифатида ташкил қилиш зарурияти қайд қилинади. Бунда асосий урғу «ўқитувчининг билим бериш фаолиятдан талабанинг билим олиш фаолиятига» ўтказилади.

#### **4. Олий мактабга йўллаш ва танлаш**

1936 йил 4 июндаги МК «Педагогик қарашларни тўхтатиш ҳақидаги» қароридан сўнг касбга йўллаш, касб танлаш бўйича маслаҳатлар бериш ишларининг барчаси тўхтатиб қўйилди.

Фақат 60-йилларнинг ўрталарида касбга йўллаш илмий асосланган характер касб этди. Киевда 1967 йилда бу муаммога бағишланган анжуман бўлиб ўтди. 1969 йилда I Умумиттифок

анжуман бўлиб ўтди. Қатор шаҳарларда ишга жойлашиш бўйича инфор­мацион бю­ролар таш­кил этилади /Касб нимани талаб қилади, иш характери, маоши ва ҳоказо/.

Касб - меҳнат фаолиятининг тури бўлиб, уни бажариш учун инсон мах­сус билимларга, кўникма ва малакаларга, қобилиятларга эга бўлиши зарур. Касбга йўл­лаш ва олий мактабга тан­лаш ишлари профес­сио­графияга асосланиши керак.

Касбларни ва мутахассисликларни психологик нуқтаи назардан ўрганмасдан, касбий фаолият хусу­сиятларини, шахсга қўйиладиган талабларни тушуниш мумкин эмас. Касбга йўл­лаш асосан 2 мақсадни кўз­лайди:

1. Ёшларга зарур касбларни тан­лашга ёрдам беради, ҳар бир инсон ўзига берилган ишни аъло даражада бажариши учун.

2. Ёшларда меҳнатдан ижодий завқ, қониқ­иш ҳисси пайдо бўлиши учун, улар ўзлари энг яхши хис­латларини намоён қила олишлари зарур.

Касбга йўл­лаш асосан мактабларда олиб борилади. Касбга йўл­лаш 3 босқичдан иборат: тайёрлов, асосий, аниқловчи. Тайёрлов босқичда ўқув­чига касбга йўл­лаш ва касб ҳақида маълумотлар беришади. Асосий босқичда ўқув­чи ўз қобилиятларидан келиб чиқиб бўлғуси танлаган касбида керак бўладиган фанлар бўйича тўғарақларга, факультативларга қатнайди, зарур адабиётлар билан танишади /бадий/. Касб тан­лаш бўйича мас­лаҳатлар бериш, 9-синф ўқув­чиларига ўз им­кони­ятларига қараб тан­лашга ёрдам беради. Аниқловчи босқичда мактаб битирув­чилари сиз берган мас­лаҳатлар асосида касб тан­лаб, ўқиётгани ёки иш­лаётганини назорат қилишдан иборат.

Республикамиз мустақил­ликка эришгандан сўнг 1993 йилда психология фанлари ном­зо­ди илмий даражасини бериш бўйича К.113.18.05 Ихтисос­лашган кен­гаш психология фанлари доктори, профессор М.Г.Дав­летшин ташаббуси билан, бевосита унинг раҳ­барлигида очилди. Ана шу Кен­гашда биринчи бўлиб, Н.Ма­жидов «Ўқитувчи касбига йўл­лаш ишларининг психологик жи­хатлари» мав­зуида ном­зод­лик дис­сер­та­ция­сини ҳимоя қилди. Н.Ма­жидов ўз тадқиқотида ўрта мактабларда таш­кил этилган педа­го­гик синфлар мисо­ли­да ўқитувчи касбига йўл­лаш ишларини олиб борган. Унинг бу ишлари қаторига ўқитув­чи­лик касбининг иж­ти­моий аҳамиятини тушунтиришда психологик-педа­го­гик фанлар им­кони­ятларидан фой­даланиш, педа­го­гик синф

Ўқувчиларини ҳар хил меҳнат ишларига, жумладан, педагогик меҳнат элементларига тортиш, (бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш, қуни узайтирилган гуруҳларда ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлаш) ва бошқаларни киритиш мумкин. (18)

### **Олий ўқув юртига танлаш**

**Касб танлаш** - бу танловчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ равишда бўлғуси танлаган касбида энг кўп касбга яроқлилигини намоён қила олишга имкон берадиган танлаш жараёнидир. Инсоннинг индивидуал хусусиятлари билан у тайинланган лавозимга мослиги касбга яроқлиликнинг психологик таърифидир. Касб танлаш шундай амалга оширилиши керакки, абитуриентларнинг шахсий хусусиятлари, психик жараёнлари, тажрибасининг хусусиятлари аниқланиши керак.

### **Мавзуни мутаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Олий мактаб психологияси фанининг предмети нима?
2. Олий мактаб психологияси фанининг методлари?
3. Олий мактаб йўллаш ва танлаш сизнингча, нималардан иборат?

*Билим туфайли одам буюклашиб, шухрат топади.  
Кишилар орасида юқорилашади, барча иши унади.  
Билимсиз киши қуруқ бўёқ ва суратдир.  
Билимли кишининг ўрни кўкдан ҳам баланд.*

Юсуф Хос Ҳожиб

## **ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **Режа:**

1. Талабаларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари.
2. Ўқиш – талабаларнинг етакчи фаолияти сифатида.
3. Талабалар жамоатчилиқ фаолиятининг психологик хусусиятлари.
4. Талабалар илмий фаолияти.

### **Мавзунинг ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари, ўқиш, илмий, жамоатчилик фаолиятининг психологик хусусиятлари ҳақида билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш.

**Тарбиявий:** Талабаларда ўқиш, илмий, жамоатчилик фаолиятининг психологик хусусиятлари ҳақида кўникма ва малакаларини тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларни ўқиш, илмий, жамоатчилик фаолиятининг психологик хусусиятлари ҳақида билимлар билан таништириш орқали уларнинг дунёқарашини ривожлантириш.

### **1. Талабаларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари**

«Талаба» атамаси латин тилидан келиб чиққан бўлиб, билимларни эгалловчи, ўз устида тинмай мустақил ишловчи деган маънони билдиради. Талаба бу ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрланаётган ёшлардир. Талабаларни тарбиялаш - бу қобилият, онглилик, бурч ҳисси, интизомлилик, одамлар билан ишлаш, ўз ўзини танқид қилиш каби шахс хислатлари ва хусусиятларини шакллантириш мақсадида уларнинг психикасига ва фаолиятига таъсир қилишдир.

У ёки бу хислатнинг тузилиши ва табиатини билган ҳолда, турли предметларнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш

мумкин: Олий мактабда танланган касбга қизиқиш ва танланган касбни ёқтиришни тарбиялаш - талабаларда танланган касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри тасаввур қилиш, ҳар бир талаба ўз касбига яроқлилиги ҳақида қатъий ишонч, олий ўқув юрти ўқув режасида кўзда тутилган барча фанларни эгаллаш зарурлигини тушуниш, иш фойдасига ўз-ўзини тарбиялай олишга йўллаш ўз билимларини доимо тўлдириб бориш каби йўллар билан амалга оширилади.

Ёшлар катталардан фарқли равишда ҳаёт мактабидан ўтмаган бўлади. Уларда меҳнат тажрибаси, катталарни ҳурматлаш, уларнинг энг яхши анъаналарини ва маънаний қадриятларни қадрлаш тажрибаси етишмайди. Талабаларни тарбиялашнинг сўнгги натижасига хусусий, ҳар кунги доимо ўзгарувчи тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Инсон шахсининг шаклланиши бутун ҳаёти давомида рўй беради, лекин айнан олий ўқув юртида мутахассис хислатларининг асоси қўйилади. Шахс хислатларини шакллантиришда, тарбия тамойиллари ва методлари қўлланилади.

#### **Тарбия тамойиллари қуйидагилар:**


Жамоада тарбиялаш, индивидуал ёндашув, мақсадга интилувчанлик, ижобий хислатларга суяниш ва бошқалардир. **Тарбия методлари:** ишонтириш, машқ қилдириш, тақдирлаш, намуна бўлиш ва бошқалар киради.

#### **2. Ўқиш талабаларнинг етакчи фаолияти сифатида**

Маълумки, талабаларнинг етакчи фаолияти ўқиш ҳисобланади. Ўқув фаолияти жараёнида мутахассисларни тайёрлашнинг асосий мақсадларига эришилади. Ўқиш фаолияти талабани психик жараёнларининг хусусиятлари ривожланишига касбий муҳим билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллашга таъсир кўрсатади. Агар ўқиш ижодга айланса, талабаларнинг хиссий соҳасига ижобий таъсир қилади, диққат ва хотирасини ривожлантиради, қониқиш ҳиссини пайдо қилади, билиш фаолиятига қизиқиш ортади.

А.А.Абдураззоқов ва Э.Назировларнинг ўтказган тадқиқотларидан маълум бўлишича, биринчи ва иккинчи курсларда аудиторияда бериладиган вазифаларга қизиқиш кучли бўлади. Юқори курсларда эса, аудиториядан ташқари вазифаларга ва мутахассисликка боғлиқ фанларни чуқур ўрганишга қизиқиш кучаяди. Шунинг учун талабаларнинг ўқув фаолиятини

режалаштиришда уларнинг бу хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофик.



Олий ўқув юртидаги ўқув юкнамалари ҳажми шундайки, уларни муваффақиятли бажариш учун кучли мотивлар керак. А.Н. Леонтьев, Л.Н. Божович, П.Я. Якобсон, В. Оконь ва бошқаларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, ижобий мотивациясиз талаба ва ўқувчилар ташқаридан мажбурлаб ўқитилса, қутилган натижага эришиш мумкин эмас. Демак, агар талаба ташқаридан мажбурлаб ўқитилса, қутилган натижага эришиш мумкин эмас экан.

Талабаларнинг ўқув фаолияти билан ўз-ўзини баҳолашлари ўртасидаги боғлиқлик ҳам анча қизиқиш уйғотади. Тадқиқотларда шахснинг 27 та ижобий психологик хислатларига (талабалар ўзларига ўзлари баҳо беришган ҳамда гуруҳ аъзолари уларга) баҳо беришган. Ўз-ўзига баҳо ва гуруҳий баҳони таққослаб, қуйидаги қонуният аниқланди. Ўқув фаоллиги юқори, яъни яхши ўқийдиган талабаларда гуруҳнинг баҳоси ўз-ўзини баҳолашдан юқори. Ёмон ўқийдиган талабаларда эса, тесқари боғлиқлик кўринади, яъни улар ўзларини ўзлари гуруҳнинг баҳосига қараганда юқори баҳолаганлар.

Тадқиқотчилар шахснинг ўз-ўзини англаши тузилишида ўз-ўзини баҳолашни муҳим элемент сифатида қараб қуйидаги

хулосаларга келдилар. Паст ўзлаштирувчи талабалар ўзларининг асосий ижтимоий психологик хислатларини баҳолашда нотанқидий ёндашув билан ажралиб турадилар.

Ўқув мотивацияси ўзгарувчандир: ўқишнинг биринчи ойларида у жуда кучли бўлади, талабаларнинг учдан бир қисмида у ўзгаришсиз қолади. Ўқув мотивациясига куйидаги омиллар таъсир қилади: машғулотларнинг мазмуни, ўқитиш методикаси, ўқитувчининг шахси, талабалар жамоасидаги ўзаро муносабат, эришилган натижалар, мусобақалар. Кўпинча талабалар ўқитиш даражасидан норози бўладилар. Ижодийлик, тадқиқотчиликка эътибор берилган ўқув фаолияти улар учун кизиқарлидир.

Талабалар билан ўтказилган экспериментал тадқиқотлар ижобий ўқув мотивларини шакллантиришга боғлиқ бўлган баъзи шароитларни аниқлаш имконини беради. Улар: 1. /таълимнинг - яқин/бевосита/ ва охириги /перспектив/ мақсадларини англаш, 2./ўзлаштирилган билимларнинг назарий ва амалий аҳамиятини англаш /Н.Ф. Добринин/, 3/илмий маълумотни ҳиссий шаклда баён этиш, 4/ ўқув материалнинг янгиллиги ва унинг мазмунини етказиш, 5/ ўқув материалнинг касбий йўналганлиги, 6/ ўқув фаолиятида қарама-қарши маълумотли вазифаларни танлаш, 7/ гуруҳларда билишга интилувчанликни ва кизиқувчанликни қўллаб-қувватлаш.

Талабаларнинг ўқув фаолияти республикамизда Э.Ф.Ғозиев раҳбарлигида унинг шогирдлари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилди. Жумладан, Х.А.Рухиева «Талабанинг ўқув фаолиятини ўзи бошқаришнинг психологик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида умумлашган ўқув фаолияти усуллари системаси орқали ўқув фаолиятини ўзи бошқариш методларини ишлаб чиқди. Х.А.Рухиева тадқиқотида ўқув фаолиятини бошқариш деганда, мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган, назорат қилинадиган, системалаштириладиган, ташкил қилинадиган, мустақил билим олишга қодир бўлган фаолиятни тушунилди. Тадқиқотда ўз-ўзини бошқаришнинг барча компонентлари, таркибий қисмларининг жамики даражалари ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиш хусусиятларига эгаллиги, профессионал кизиқишни такомиллаштириш ва фаолиятни амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни енгиш орқали талаба ўқув фаолияти субъектига айланиши исботланган (21).

Шундай қилиб, талабаларнинг ўқув фаолияти учун кучли ақлий зўриқиш, турли мотивлар хос.

### **3. Талабаларнинг жамоатчилик фаолиятларининг психологик хусусиятлари**

Талаба шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун ўқув фаолияти билан биргаликда бошқа фаолият турлари ҳам зарур. Ижтимоий сиёсий фаолликни ошириш талабанинг маънавий етилишида, ижтимоий тажрибани тўплашда, амалий ишда учрайдиган ташкилий вазифаларни ҳал қилишда жамоатчилик фаолиятлари муҳим замин ҳисобланади.

Жамоатчилик ишлари билан шуғулланадиган талабалар унинг бўлғуси фаолият учун аҳамиятини тушуниб яхши ўқишади, уларда ижобий ўқув мотивлари кучли.

Олий ўқув юртига топширгунга қадар жамоат ишлари билан шуғулланган абитуриентларнинг кўп қисми, у ёки бу жамоат топшириқларини бажаришни давом эттирадилар, бу эса олдинги малака ва қизиқишларнинг барқарорлигидан далолат беради. Жамоатчилик фаолиятига тўғри муносабатни шакллантиришнинг ўзи етарли эмас, балки ҳар бир жамоат топшириғи талаба томонидан ижобий идрок етилиши муҳим.

«Жамоат ишлари билан шуғулланишга сизни нима ундайди?» деган саволга талабалар ўзларини кўрсатиш ва шахсларини ривожлантириш мотивлари юксак аҳамиятга эгаллигини кўрсатганлар. Биринчи ўринда ижтимоий сиёсий йўналган мотивлар одамларга фойда келтириш мотиви кўрсатилди. Иккинчи ўринда топширилган иш учун гуруҳ жамоаси олдида жавобгарлик ҳисси, олий ўқув юртидаги ишлардан хабардор бўлиш истаги туради. Жамоатчилик ишлари билан шуғулланган талабаларда мулоқотга киришувчанлик, кўпчилик олдида ўзини тута билиш, маъсулият, мустақил фикрлаш каби шахс ҳислатлари ривожланади.

Шундай қилиб, жамоатчилик ишининг психологик хусусиятлари талабаларнинг уларга муносабатида, жамоат ишларида иштирок этиш мотивларида, унинг шахс сифатида шаклланишига таъсирида кўринади.


### **4. Талабалар илмий фаолиятининг хусусияти**

Кўпчилик олий ўқув юртлари йирик ўқув илмий марказларга айландилар. Илмий тадқиқотларни ўтказган олий ўқув юрти битирувчилари, ўз касбларига ижодий ёндашадилар, уларда меҳнатга тайёргарлик юқори, меҳнатга кўникишга оз вақт кетади.



Илмий ишларда иштирок этиш ижодий тафаккур, ташаббускорлик, мустақилликни, кўп маълумотлар ичидан зарурларини танлаб олишни ривожлантиради. Талабалар илмий фаолиятининг муҳим хусусиятлари куйидагилар ҳисобланади; 1/ унинг мақсадларининг ўқув мақсадларига бўйсундирилганлиги, 2/ асосий мотивлар билиш мотивлари ҳисобланади, 3/илмий ишлар ўқитувчилар ва илмий ходимлар раҳбарлигида амалга оширилади.

Талабаларнинг илмий ишларда иштирок этишдан мақсади - касбий мустақилликни, меҳнат фаолиятига борганда амалий вазифаларни ижодий ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга талабанинг илмий фаолияти бу шахснинг маълум даражада ўзини ифодалашни, ҳаётий ўзини кўрсатишга интилишидир. Илмий ишларда иштирок этиш мотивлари I курсдаёқ пайдо бўлади. Илмий ижод мотивларини кучайтирадиган муҳим омиллар I курс талабаларига ўқитувчиларнинг, юқори курсларда ўртоқларининг таъсири катта. Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятининг мақсади ва мотивларни шакллантиришнинг асосий сабаби уларнинг мустақил ишини ташкил қилиш ҳисобланади. Талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари куйидаги ишларни ўз ичига олади:



Талабалар илмий тадқиқот ишларининг маҳсулдорлиги ҳақида нафақат уларнинг семинарлардаги чиқишларининг ижодий даражасига қараб эмас, балки, курс ва битирув ишларининг сифатига қараб, юқори рейтинг балларига қараб ҳам ҳудуд

923349

Nizomiy nomli  
F D P U  
kutubxonasi

чиқариш мумкин. Талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига ўрганаётган соҳалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш методикаси ва методологияси бўйича билимларни чуқурлаштириш, илмий топилмалар тарихи билан таништириш ижобий таъсир қилади.

Биринчи курслардан бошлаб, ҳамма тадқиқотларнинг натижаси курс ва битирув ишлари ҳимояси ҳисобланади. Улар дастлабки чуқур илмий иш ҳисобланади. Бу ишларни талабалар илмий тўғарақларида қатнашган талабалар муваффақиятли бажарадилар.

## **Олий мактабда талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари тизими**

**1. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педогогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарурлиги миллий дастурда белгиланган:**

- илғор педогогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш;

- илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқот натижаларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш;

- юқори малакали кадрлар сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар, совринлар, стипендиялар таъсис этиш, ёшлар илмий техника ижодиётини доимий ишлайдиган кўرғазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

**2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартида бакалаврият ва магистратура таълимига қўйилган умумий малака талаблари қаторида қуйидагилар белгиланган:**

- ўз устида мустақил ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- илмий ва илмий техник ахборот билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- илмий ижодиёт методологияси, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар, қоидалар мантигини асослаш ва инкор этиш йўлларига доир билимларни эгаллаш.

Магистратура таълимининг илмий фаолият блоки, илмий тадқиқотлар методологиясини ўзгартиришни, ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида талабалар муайян илмий тадқиқот ва илмий-педагогик ишларни бажаришларини назарда тутати.

3. Ўзбекистон ижтимоий ишлаб чиқариш, маданий маърифий соҳаларида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига эришиши учун меҳнатни илмий асосда ташкил этиш лозим. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари, маданият, маънавият, таълим, соҳаларида, меҳнатни илмий ташкил этиш ҳаётий заруриятга айланди. Шунингдек, педагогик ходимлар меҳнатини ҳам илмий асосда ташкил этиш давр талабидир. Бу, аввало, барча ишларни аниқ ва пухта уюштириш, таълим-тарбия ишларини ташкил этишга илмий ёндошиш демакдир. Бўлажак мутахассислар олий таълим муассасасида ўқиш даврида фақат фан блоклари ва касбий билимларни чуқур эгаллашларининг ўзигина кифоя қилмайди, улардаги иқтидор ва қобилиятларни ўстириш, талабаларни илмий тадқиқот ишларига кенгроқ жалб этиб, тадқиқотчилик малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш, илмий ижод методологияси ва усулларини эгаллаб олишга эришиш зарурлиги, юқорида келтирилганидек, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларида аниқ белгиланган,

4. Олий таълим муассасасида талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари ўз навбатида улардан чуқур, мустақкам билим эгаллашни талаб қилади. Мустақил, пухта билимларсиз амалий ишларга ижодий ёндошиш, ўқув тадқиқот, илмий тадқиқот ишларини бажариш мумкин эмас.

5. Олий мактабда талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари асоси, касбга доир педагогик, ўқув-тарбиявий йўналишларда амалга оширилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларда тадқиқотчилик фаолиятига, ижодий изланишга қизиқиш ўстириш, ўқув-тарбиявий ишларга илмий ёндошиш малакасини ҳосил қилиш;

- мутахассисликка оид ва бошқа фанлар блокларни ўрганиш жараёнида ўқув тадқиқот кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- адабиётлар ва бошқа илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилияти, малакаларини ўстириш;

- ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари, шунингдек, мутахассислик фанлари соҳасида муаммоларни кўра олиш ва шу соҳада илмий тадқиқот ишларини бажара олиш кўникма ва малакаларни эгаллаш;

- илмий тадқиқот методларини билиб олиш ва уларни амалда қўллай олишни ўрганиш.

6. Талабалар бажарадиган илмий тадқиқот ишлари икки йўналишда ташкил этилади: биринчиси, ўқув машғулотлари билан боғлиқ тадқиқот ишлари; иккинчиси, кафедраларнинг илмий йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари.

7. Ўқув машғулотлари билан боғлиқ тадқиқот ишларига қўйиладиган талабларга қуйидагилар киради;

- илмий адабиётлар ва манбаларни, интернет ахборотларини, ватан ва чет эл олимларининг асарларини, шунингдек, илмий тадқиқот методологияси ва методларига доир адабиётларни ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш;

- ўқув фанларидан амалий машғулотлар учун тажриба ва эксперимент материалларини тўплаш, тайёрлаш;

- лаборатория машғулотларига тайёрланиш ва уни бажариш билан боғлиқ тадқиқот ишлари;

- махсус курс ва семинарларни ўрганиш билан боғлиқ ўқув тадқиқот ишлари;

- тўпланган тадқиқот материаллари асосида реферат, доклад ва маъруза матнларини тайёрлаш;

- педагогик, ишлаб чиқариш ва дала амалиётлари давомати, ўқув экспедициялари вақтида ўқув топшириқлари бўйича яқка ва жамоавий тадқиқот ишлари олиб бориш; ўқувчиларнинг қизиқишлари, индивидуал хусусиятларини ўрганиш; жамоада шахслараро муносабатлар, бир мақсадга қаратилган педагогик, психологик ва социологик тадқиқотлар; ёшлар этикоди ва идеали, таълим-тарбия усулларини қиёсий ўрганиш; археологик, этнографик тадқиқотлар; гербарийлар тўплаш, ўқув устахоналарида меҳнат таълим усулларининг самарадорлигини тадқиқ этиш кабилар;

- курс ишлари, доклад, илмий маърузаларни тажриба-тадқиқот йўналишида бажариш кабилар.

8. Кафедраларнинг илмий тадқиқот йўналишлари билан боғлиқ талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига қуйидагилар кириди:

- талабаларнинг илмий (фан) тўғарақларидаги ишлари. Тўғарақларда талабалар мавзу танлашни, библиография тузишни, илмий билиш методлари ва тадқиқот усулларини ўрганадилар, адабиётлар, Интернет ва бошқа манбалар асосида илмий доклад, маърузалар тайёрлайдилар, ўзларининг тадқиқот ишлари ҳақида чиқишлар қиладилар, илмий муаммоларни муҳокама қилишда, мунозараларда қатнашиш;

- кафедра ўқитувчилари, стажёр-изланувчи тадқиқотчилар бажарадиган илмий ишларда, шунингдек, корхоналар, халқ таълими тизимидаги илмий методик муассасалар томонидан олиб бориладиган тадқиқот ишларида қатнашиш;

- илмий тадқиқот муассасалари томонидан ўтказиладиган археологик, этнографик ва бошқа экспедицияларда иштирок этиш;

- конструкторлик бюрolariдаги ишларда, грант, шартнома асосида олиб бориладиган тадқиқот ишларида қатнашиш; асбобларни конструкция қилиш, таълимнинг техник воситалари, кўрсатмали қуролларни яшаш, жамоа хўжаликларида, таълим муассасаларида меҳнатни илмий ташкил этишни ўрганиш;

- ўзининг илмий тадқиқот натижалари асосида конкурслар, олимпиадаларда қатнашиш;

- малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш, ҳимоя қилиш, илмий мақолалар, рисоалар тайёрлаш, чоп эттириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти уларнинг ақлий фаоллигини оширади, ўқув материални ижодий ўзлаштиришга ёрдам беради, илмий тафаккурни ривожлантиради, шахснинг касбий муҳим хислатини шакллантиради.

# ТАЛАБАЛАР ЖАМОАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING ПСИХОЛОГИЯСИ

## Режа:

1. Жамоа ва унинг турлари.
2. Талабалар жамоасини шакллантириш йўллари.
3. Мураббийларнинг талабалар жамоасини мустаҳкамдаги роли.
4. Талабалар фаолиятининг хусусиятлари.
5. Талабалар жамоаси фаолиятининг психологияси.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабалар жамоаси, унинг турлари, шакллантириш йўллари, талабалар фаолиятининг хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабалар жамоасини шакллантириш йўллари бўйича кўникма ва малакаларини тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** Талабалар жамоаси, унинг турлари, шакллантириш йўллари, талабалар фаолиятининг хусусиятлари тўғрисидаги билимлар билан таништириш орқали уларнинг дунёқарашини ривожлантириш.

## I. Жамоа ва унинг турлари.

Талабалар жамоаси деганда, бирор умумий мақсад йўлида бирлашган кишилар гуруҳи, бирор вазифани бажариш учун жамият томонидан махсус равишда ташкил этилган одамлар бирлашмаси тушунилади. Одатда, умумий ва бошланғич жамоларга бўлинади.

Аъзолари бир-бири билан доимий, бевосита алоқада бўлган жамоа **бошланғич жамоа** деб аталади. Бошланғич жамоада йигит ва кизлар биргаликда бажариладиган фаолият жараёнида, ягона мақсад учун бевосита курашиб бир-бирлари билан ижтимоий алоқада бўладилар. Бошланғич жамоа энг яқин ижтимоий муҳитдир. Олий мактабда ўқув гуруҳи, илмий тўғарак қабилар бошланғич жамоа ўқув ишлари, илмий ишлар, ижтимоий фойдали меҳнат, жамоат топшириқлари каби вазифаларни бевосита бажаради.

Бошланғич жамоада ижтимоий хулқ тажрибаси ҳосил қилинади, одатлар шаклланади. Талабалар гуруҳда ҳар куни ўзаро алоқада, муносабатда бўладилар, ҳар бир талабанинг яхши ёки

ёмон барча қилиқлари ўртоқларининг кўз олдида содир бўлади ва беихтиёр равишда уларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқи тўғрисида ўйлашни бу хатти-ҳаракатларга нисбатан маълум муносабатда бўлишни, унга баҳо беришни талаб этади.

Факультет ва олий ўқув юрти жамоаси бир қадар умумий бирлашма бўлиб, **умумий жамоа** ҳисобланади. Лекин у бошланғич жамоаларнинг механик равишда бирлашувидан иборат эмас, балки ундан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Факультет ва олий ўқув юрти жамоасида ёшларнинг алоқа ва боғланишлари бирмунча мураккаблашгандир. Агар бошланғич жамоада кишилар бевосита боғланиш асосида ва биргаликда бажариладиган фаолият жараёнида алоқада бўлсалар, бирлашсалар, умумий жамоада эса, аввало, ташкилотнинг иш режаси, принциплари, қурилиши туфайли умумий мақсадни, умумий вазифаларни бажариш учун бирлашадилар. Факультет ва ўқув юрти жамоасида талабалар бир-бирлари билан бевосита боғланадилар ва бу боғланишлар олий ўқув юрти фаолиятининг ташкилий ва маънавий йўналишига боғлиқ бўлади.

Ўқув гуруҳи олий ўқув юрти жамоасининг бир қисми ҳисобланади. Унинг самарали ишлари факультет ва олий ўқув юрти жамоасида ташкилий ва тарбиявий ишларнинг қай даражада уюштирилганлигига боғлиқ. Агар олий ўқув юртининг фаолиятида ягона тартиб-интизом, ягона режа мавжуд бўлмаса, айрим гуруҳнинг фаолияти самарали бўлиши жуда қийин. Умумий жамоада ишларнинг ташкил этилиши бошланғич жамоанинг фаолиятини белгилайди, унга таъсир этади, чунки бошланғич жамоанинг фаолияти умумий жамоа фаолиятининг аниқ ифодасидир.

Умумий жамоанинг барча ютуқлари, шунингдек, унинг фаолиятидаги баъзи камчиликлар бошланғич жамоа ва унинг айрим аъзолари фаолиятига таъсир ўтказди. Шунинг учун ҳам бошланғич жамоадаги тарбиявий ишларни яхшилаш учун жиддий киришиш умумий жамоа яратиш соҳасидаги ишларни кучайтиришни талаб этади. Олий ўқув юртидаги барча ишларни изчил, режали умумий мақсадга йўналтирилган бўлиши бошланғич жамоа фаолиятининг сермазмун бўлиши учун зарурий шартдир. Гуруҳнинг иш режаси ҳар қанча мукамал ўйлаб тузилган бўлса ҳам, уни амалга ошириш учун қанча фаол киришилса ҳам, барибир,

агар олий ўқув юртидаги ишларнинг умумий режасига асосланмаган бўлса, кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Кишиларни расмий равишда маълум гуруҳга тўплаш билан жамоа ҳосил бўлмайди. Гуруҳга тўпланган одамлар жамоа ташкил қилиши учун улар орасида ўзаро мустаҳкам маънавий-руҳий алоқалар бўлиши лозим. Бошқача айтганда, объектив ижтимоий фаолият ва демократик бошқарув асосида гуруҳдаги кишиларни бир-бирига маҳкам бирлаштирадиган, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга соладиган ва маънавий ўсишига, ривожланишига имкон берадиган ҳолат вужудга келган тақдирдагина жамоа яратиш мумкин.

Шундай қилиб, педагогика ва психология фанлари жамоада куйидаги белгилар мавжуд бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.

Жамоа аъзолари, аввало, умумий мақсад йўлида бирлашадилар.

Жамоанинг ягона мақсади ва умумий интилишлари шахсий ҳамда ижтимоий қимматга эга бўлади.

Жамоа учун муҳим белгилардан яна бири – биргаликда **фаолият кўрсатишдир**. Бундай фаолият шахсий ва ижтимоий фойдали мақсадни кўзда тутлади. Ана шу фаолият жараёнида жамоа аъзоларида масъулият, талабчанлик, принципиаллик, бир-бирига дўстона кўмаклашиш, ўзаро бир-бирига иттифоқ этиш муносабатлари вужудга келади. Бу муносабатлар жамоада шахснинг шаклланиши учун асосий восита ҳисобланади.

Жамоанинг шаклланиши муаммосига доир илмий тадқиқот ўтказган олимлар унда **икки хил муносабатлар** мавжудлигини таъкидлайдилар.

Биринчиси – **расмий**, яъни староста билан талаба ўртасидаги муносабатлар;

Иккинчиси – **норасмий** (шахсий): ёқтириш, ёқтирмаслик, самимият ва адолат каби муносабатлар. Бу хил муносабатларнинг иккаласи ҳам бир гуруҳда ва шу гуруҳ аъзолари ўртасида мавжуд бўлади. Бу муносабатлар бир-бирига таъсир ўтказиши. Хизмат вазифасига оид муносабатлар жамоада етакчи муносабат ҳисобланади. Лекин жамоа аъзолари ўртасидаги норасмий (шахсий) муносабатларни ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Шаклланган жамоада бу муносабатлар бир-бирига мос, уйғун бўлади. Расмий ва норасмий муносабатларнинг бирлиги жамоада қулай маънавий-руҳий ва ахлоқий муҳитни вужудга келтиради,



бундай муҳит жамоанинг ва жамоа аъзоларининг маънавий-ахлоқий ўсишига имкон беради.

Фаоллар бўлмаса ташкилот ҳам, жамоа ҳам бўлмайди. Жамоа, бу тирик организмдир ва ҳар қандай тирик организм сингари жамоа ҳам ўз органларига, аъзоларига эга бўлади. Агар аъзолар ишламаса, ташкилот хароб бўлади. Ишчан, обрўли, барча аъзоларини ўз ортидан эргаштира оладиган кишининг, фаолнинг мавжудлиги жамоанинг шаклланганлигини кўрсатувчи муҳим белгидир.

Жамоада ҳамма тенг бўлиши керак: сайлаб қўйилган раҳбар ҳам, унга итоат этувчилар ҳам тенг ҳуқуқга эга бўлишлари лозим. Жамоанинг раҳбарлари алоҳида имтиёзларга эга бўлиши мумкин эмас, чунки у нотекис муносабат, носоғлом, ёмон кайфиятни ҳосил қилади, жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатлар мураккаблашади ва жамоанинг тарбиявий таъсири камаяди.

## **2. Талабалар жамоасини шакллантириш йўллари**

Талабалар жамоасини шакллантиришнинг йуллари қандай?

Даставвал таъкидлаш жоизки, жамоадаги муносабатлар шахснинг мустақиллигини ҳар томонлама ривожлантиради. Ҳар бир талабалар гуруҳи ўз мураббийларига эга бўлиб, у жамоани жипслаштиришда, гуруҳнинг ижтимоий бурч ҳиссини шакллантиришда ижодий ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Мураббийлар учун рағбатлантириш чоралари ҳам мавжуд: ректоратнинг, касаба уюшмасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш, «Йилнинг энг яхши мураббийси» танловида иштирок этиш, энг яхши мураббийларни ҳурмат тахтасига расмини қўйиш, ректорат томонидан илмий тадқиқот ишини тутатиш учун 3 ойлик таътил бериш ва ҳоказо.

Талабалар жамоасини жипслаштиришда гуруҳлар ўртасида доимий равишда ўтказилиб туриладиган мусобақалар, кувноқлар ва зукколар танловлари, турли байрам тадбирлари, билимлар конкурслари катта аҳамиятга эга. Бундай мусобақаларнинг ундовчи фаоллиги шу билан тушунтириладики шахснинг жамода ўзини кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқ.

Талабалар жамоаси ривожланишининг бир неча босқичлари бор.

Биринчи босқич- 1-курс ва қисман 2-курсга мос келади Иккинчи босқич - қисман 2-курс ва 3-курс. Учинчи босқич 3-4-курсларга хосдир. Биринчи босқич ишлаб чиқариш ижтимоий

психологик мослашув билан характерланади, яъни ўқув жараёнига ва янги жамоага фаол кўникишдир.

Талабалар жамоаси ўз-ўзидан вужудга келмай, балки мураббийнинг мунтазам тарбиявий ишлари натижасида шаклланади. Бошлангич жамоа тузиш гуруҳ аъзоларини ўрганишдан бошланади. Бу даврда мураббий гуруҳнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот тўплайди, гуруҳда бошлангич жамоага хос қандай белгилар мавжудлигини, гуруҳ аъзоларининг шахсий нуқтаи назарларини ва гуруҳдаги муносабатларда уларнинг ўрнини, ҳар бир талабанинг бошқаларга қандай таъсир ўтказа олишини аниқлайди. Олинган маълумотлар асосида гуруҳ жамосини яратиш учун тарбиявий ишларнинг режасини тузиб чиқади. Бу вазифаларни бажариш учун ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятларини, шунингдек, талабалар гуруҳини ўрганиш талаб этилади. Гуруҳ мураббийси ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятларини ўрганишда куйидагиларга эътибор бериши зарур: талаба тўғрисида умумий маълумот; талабанинг майл ва кизиқишлари, интилишлари; талабанинг ўқиш фаолияти, унинг иродаси ва характериға хос хусусиятлар; ўқишдан ташқари вақтини қандай ўтказиши ва нималар билан шуғулланиши кабилар.

Талабалар гуруҳини ўрганишда куйидагиларга эътибор бериш талаб этилади: гуруҳ тўғрисида умумий маълумот; гуруҳнинг маънавий-руҳий тузилиши; талабаларда ташкилотчилик қобилиятини ривожланганлик даражаси; гуруҳда жамоатчилик фикрининг ўсганлик даражаси; гуруҳнинг бошқа жамоалар (факультет, олий ўқув юрти жамоалари) билан алоқаси.

Юқоридаги масалаларни ўрганиш асосида мураббий талабалар ва гуруҳ тўғрисида мукамал маълумот тўплай олади. Шунинг таъкидлаш лозимки, гуруҳ ёки талабани ҳар томонлама ўрганиш мураккаб иш. Гуруҳ мураббийси таълим-тарбия жараёнида вужудга келган айрим масалаларни ва муаммоларни чуқурроқ ўрганиши лозим. Бундай муаммо ва масалалар турлича бўлади. Масалан, айрим ҳолларда гуруҳ аъзоларидан кўпчилиги ёки бир нечтаси ўқишга, танлаган касбни эгаллашга эътиборсизлик билан қарайди. Баъзан талабалар ўртасида, шунингдек, гуруҳ талабалари билан фаоллар ўртасида, талабалар билан профессор-ўқитувчи ўртасида низолар чиқиши, гуруҳ аъзолари орасида айрим одобсизлик ҳоллари учраб қолиши мумкин. Бундай пайтларда ана шу муаммони вужудга келтирган сабабларни чуқур ўрганиш зарур.

Олий мактаб тажрибасида аҳил, иноқ талабалар гуруҳи кўпроқ учраб туради. Бундай гуруҳлардаги талабаларнинг кўпчилигида жамоавийлик, ўртоклик, дўстлик туйғулари анча ривожланган бўлади. Лекин ана шундай гуруҳларда ҳам бошланғич жамоа ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бундай гуруҳларга ҳам алоҳида эътибор бериш, гуруҳ жамоасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Мураббий ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бундай гуруҳларнинг аъзолари олдида мураккаброқ вазибаларни қўйишлари лозим.

Талабалар жамоаси соҳасида махсус тадқиқот ўтказган олимлар бошланғич жамоани тузиш ва мустаҳкамлаш уч босқичдан иборат, деб кўрсатадилар. Биринчи босқич – янги қабул қилинган талабаларнинг олий ўқув юртининг анъаналари, ички тартиб-қоида ва талабаларни ўзлаштириб олишларидан бошланади. Олий мактаб ҳаётининг бутун тажрибаси, ички тартиб-қоидалари, талаблари талабаларга профессор-ўқитувчилар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари орқали ўтади.

Бу даврда профессор-ўқитувчилари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари янги қабул қилинган талабаларга олий ўқув юртининг мақсади ва вазибаларини, шунингдек, талабаларга нисбатан қўйиладиган талабаларни тушунтиришлари лозим. Улар олий мактабда ўқиш малакаси ва кўникмаларини ўзлаштириб олишда, ўқишдан ташқари бўш вақтни оқилона уюштиришда уларга кўмаклашадилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосидаги хислатларни аниқлайдилар. Маърузалар, семинар ва амалий машғулотларга бирга тайёрланишга ўргатадилар. Мураббий талабалар орасидан фаоллар танлаб, жамоани ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришда, фаолларни секин-аста обрўли ва мохир ташкилотчилар бўлиб етиштиришларида кўмаклашади. Бу ишларни амалга оширишда ҳозирда кўпчилик олий ўқув юртларида ташкил этилган «Биринчи курс мактаби» курслари катта аҳамиятга эга.

Талабаларнинг олий мактабда олган дастлабки таассуротлари ва орттирган тажрибаси улар онгига кучли таъсир этади, олий мактабда таълим олиш давридаги бутун фаолиятида маълум из қолдиради. Шунинг учун ҳам бошланғич жамоа тузишнинг дастлабки даври мураббий ва жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан юксак маъсулият ва жиддий ишлашни талаб этади. Улар бу даврда ҳар бир талабани, унинг эҳтиёжлари, қизиқиш ва қобилиятларини синчиклаб ўрганадилар. Олий мактабда ақлий меҳнатни уюштиришнинг илмий асосларини – маъруза тинглаш,

ёзиб олиш, семинар ва амалий машғулотларга тайёрланиш, китоб устида мустақил ишлаш, кун тартиби ва гигиена қоидаларига амал қилиш кабиларни ўргатадилар. Шу билан бирга мураббий ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари талабаларнинг моддий-маиший турмуши ва дам олишини уюштиришга катта эътибор берадилар, ҳар бир талабани унинг қобилиятига мос келадиган жамоат топшириқларини бажаришга жалб этадилар.

Биринчи босқичнинг охирларига келиб талабалар олий ўқув юртида таълим олишнинг йўл-йўриқларини, олий мактабнинг кун тартиби, анъана ва талабларини ўзлаштириб оладилар. Гуруҳда ишчан фаоллар пайдо бўлади, ўқув ишлари соҳасидаги топшириқларни бемалол бажара олишга, завқли яшаш ва меҳнат қилишга ишонч ҳосил бўлади. Бу даврда бошланғич жамоа талабаларнинг ўқиш, меҳнати ва маиший турмушини уюштиришга доир кундалик масалаларни мустақил равишда ҳал қила олади. Шундай қилиб, бошланғич жамоа тузишнинг дастлабки даври олий мактаб ҳаётининг оддий талабларини ўрганиш, жамоани ташкилот сифатида расмийлаштиришни, жамоавий турмуш соҳасида дастлабки тажриба орттиришни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичда фаолларни тарбиялаш ва ўстириш соҳасида ишлар давом эттирилади. Танланган касби муаммосига доир масалалар ва педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари кенг муҳокама қилинади. Мураббий ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари барча талабаларни ташкилотчилик ишларига жалб этиш, берилган топшириқларни ижодий бажариш, гуруҳда вужудга келган тартиб-қоидаларни ҳар бир талабанинг барқарор хулқига айлантириш, анъаналар ҳосил қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор беради. Бу босқичда мураббий ва жамоат ташкилотлари танлаган касб билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур англаб олишда бўлажак мутахассисни шакллантиришга қаратилган амалий ишларни бажаришда, гуруҳда ҳақиқий жамоавий муносабатларни қарор топтиришда талабаларга кўмаклашадилар.

Учинчи босқичда гуруҳда ишчан ва обрўли фаоллар мавжуд бўлади, улар билан талабаларнинг бирлиги, улар орасида дўстона ва талабчанлик муносабатлари қарор топади. Ҳар бир талаба умумий ишга катта қизиқиш билан қарайди, бирлашиб ҳаракат қилишга тайёр туради, умумий жамоадаги ишлардан атрофлича хабардор бўлади. Бу эса жамоага гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига тааллуқли барча масалаларни мустақил равишда, мураббийнинг

ёрдамисиз ҳал этиш имконини беради. Бошланғич жамоанинг олий ўқув юрти жамоаси билан алоқаси кучаяди. Бу даврда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси олий мактабдаги жамоавий турмуш тажрибасини қатъий эгаллаб олган бўлиб, жамоатчиликнинг фикри ва талабларини фаол ифодалайди. Бу бўлажак мутахассиснинг илм-фанни эгаллаш, касбий ва ахлоқий жиҳатдан шаклланишида энг самарали давр ҳисобланади.

### **3. Мураббийларнинг талабалар жамоасини мустаҳкамдаги роли**

Олий мактабда талабаларнинг бошланғич жамоасини шакллантириш объектив шарт-шароитларнинг мавжудлигига, шунингдек, раҳбарликнинг характери ва савиясига, умумий жамоанинг иш услубига кўп жиҳатдан боғлиқ. Гуруҳда талабалар жамоасини мустаҳкамлашда мураббий катта рол ўйнайди. Яхши ва ишчан гуруҳ раҳбарини танлаш бошланғич жамоа тузишнинг муҳим шартидир.

Бошланғич жамоанинг вужудга келиши ва аҳиллиги кўп жиҳатдан мураббийнинг кўзлаган мақсади ва тутган йўлига боғлиқ. Гуруҳ раҳбари ишчан, серғайрат, талабаларга таъсир ўтказа оладиган, уларнинг қалбига йўл топа биладиган, гуруҳда вужудга келган айрим мураккаб вазиятларни ҳам юмшата оладилар, ҳазил-мутойибани ҳам биладиган киши бўлиши лозим. Тунд, писмиқ раҳбар гуруҳда бошланғич жамоа туза олмайди.

Раҳбарлик услуби демократик асосда бўлса, гуруҳда дўстлик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик муносабатлари тезроқ қарор топади. Шунинг учун ҳам мураббий принципааллик ва талабчанликни талаба шахсини ҳурмат қилиш билан қўшиб олиб бора билиши, гуруҳдаги ҳар бир талабага нисбатан адолатли ва ғамхўр бўлиши лозим.

Мураббийнинг ишчанлик сифатлари бошланғич жамоа яратишда муҳим аҳамиятга эга. Мураббий ўзига топширилган ишни яхши билиш билан бирга жамоанинг ҳар бир аъзоси унинг қобилиятига яраша вазифа топшира олиши, бошланган ишни охиригача етказадиган бўлиши ҳам керак. Ана шу сифатларга эга бўлган раҳбар талабалар орасида обрў қозонади, гуруҳда аҳил жамоани ярата олади.

Гуруҳ раҳбарларига қўйиладиган бу талабларнинг ҳаққонийлигини мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари ва талабаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам исботлаб

турибди. «Гуруҳга мураббий керакми ва у қандай бўлиши керак, гуруҳ раҳбарингиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз қандай?», – деган саволга IV курс талабалари куйидагича жавоб қайтардилар, «Гуруҳ раҳбаримиз Қ.Х. яхши киши, ишбилармон, моҳир педагог. У гуруҳимиздаги барча талабаларни беш бармоғидек билади Қ.Х. принципиал, талабчан киши, у бизларни ўз касбдоши қаторида кўради, ҳар биримиз учун жон куйдиради. Талабаларнинг илмий конференцияси учун тайёрланган докладларимиз у кишининг ташаббуси билан кафедра мажлисида муҳокама қилинди. У гуруҳимизнинг ҳаёти ва айрим талабаларнинг фаолиятига доир фикр-мулоҳазаларимизга, таклифларимизга қулоқ солади, уларни амалга оширишда кўмаклашади. Гуруҳ сардорининг ташаббуси, гуруҳ раҳбаримизнинг ёрдами билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида сафарда бўлдик...»

Лекин ҳамма гуруҳларга ҳам ана шундай ишбилармон, моҳир педагоглар раҳбарлик қиляпти, деб айта олмаймиз. Бошқа бир гуруҳнинг талабаси ўз раҳбари ҳақида бундай деб ёзади: «Мураббий талабалар ҳаётида катта рол ўйнашини, гуруҳимизга мураббий зарурлигини тушунамиз. Афсуски, раҳбаримиз Р. ўзини осмон чоғлаб юрадиган киши. Айрим одобсиз «эркатой» талабалар билан апоқ-чапок, унинг бирор фикрига эътироз билдирган киши балога қолади».

Гуруҳда аҳил жамоа тузиш учун мураббий ҳар бир талабани, унинг жамоадаги ўрни ва шахсий хусусиятларини кузатиб бориши, фаоллар ҳамкорликда ҳар бир талабанинг жамоага муносабатини, шунингдек, талабалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туриши лозим. Бу иш, айниқса, қуйи курсларда бошланғич жамоа шаклланиши даврида жуда зарур.

Талабаларни тўғри тарбиялаш учун қулай вазиятни вужудга келтиришда сардор, ёшлар ташкилотчиси ва бошқа фаолларнинг роли катта. Айниқса, сардор хушмуомала, ширинсўз, дилкаш киши бўлиши, гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг энг нозик томонларини ҳам сезиши, пайқаши керак. Гуруҳдаги ишларнинг бориши кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Талабалар орасида бир амаллаб «қониқарли» баҳо олиш кайфияти ҳукмронлик қиладими ёки бутун ўқув йили давомида жамоанинг барча аъзолари куч-ғайрат сарфлаб, билим ва ихтисослик сирларини ўрганадилар-ми, бу – сардор, гуруҳ фаолларига жуда боғлиқ. Шунинг учун ҳам фаоллар принципиал, қатъий кишилар бўлиши лозим. Улар низолардан кўрқмаслиги,

ғайратли, рухи баланд, ташаббускор, бошқаларни ўз кетидан эргаштира оладиган бўлиши зарур.

Бошланғич жамоани шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири – гуруҳ аъзоларини фаол фаолиятга жалб этишдир. Истиқболга интилиш, фаолият бўлмаса, жамоа ҳам бўлмайди. Жамоа биргаликда бажариладиган амалий фаолият натижасида яратилади. Жамоавий фаолиятда кишиларни ҳис-туйғулар, кечинмалар яқинлаштиради ва бирлаштиради. Биргаликда бошдан кечирилган таассуротлар ёшларни руҳий яқинлаштиради. Бу таассуротлар қанчалик хилма-хил ва чуқур бўлса, руҳий яқинлик шунчалик кучли булади. Бошқаларнинг аҳволини тушуна билиш секин аста яқин ўртоқларидан кенг доирадаги бошқа кишиларга ҳам кўчади.

Биргаликда бажариладиган фаолиятда ғамхўрлик, сезгирлик, раҳмдиллик каби юксак ахлоқий ҳислар, бир-бирига кучли қизиқиш вужудга келади, кишилар бир-бирини тушунадиган бўлади. Инсоний муносабатларни қадрлай олишни ўрганади. Бошқача сўз билан айтганда, биргаликда бажарилган фаолият натижасида жамоанинг шаклланишига маънавий асос бўладиган руҳий сифатлар вужудга келади. Психолог олимлар маънавий-руҳий бирликни жамоа аъзоларини бирлаштирадиган етакчи омил деб хисоблайдилар.

Шунингдек, жамоавий фаолият жараёнида ўзаро бир-бирига талабчанлик, маъсулият, ўзаро ёрдам кўрсатиш муносабатлари пайдо бўлади, ҳамкорлик натижасида кишида ўзининг ёки ўртоқларининг хатти-ҳаракатларидан қаноат ҳосил қилиш ёки қониқмаслик туйғулари, ўз хулқига ва ўртоғининг хулқига маълум бир муносабат вужудга келади. «Мен ишляпман, сен эса ишлямаяпсан. Нега?», «Сен топширикни ўз кучинг ва қобилиятинг имкон берадиган даражада бажармаяпсан. Нега?» Агар ўртоғи орқада қолаётган бўлса, теварак-атрофдагилар унинг ҳам, ўзларининг ҳам бу ишдан, қўлга киритилган умумий ютуқдан манфаатдор эканликларини билиб, унга астойдил ёрдам берадилар. Шу тариқа иш-ҳаракат пайтида умумий талабчанлик фикри ва ўзаро ёрдам бериш вазияти вужудга келади.

Ҳар қандай фаолиятда ҳам жамоавий муносабатлар, алоқалар пайдо бўлавермайди, балки фақат жамоа қадрлайдиган, шахсий ва ижтимоий қимматга эга бўлган, гуруҳнинг барча аъзоларига ёки кўпчиликка аҳамиятли бўлган фаолият жараёнидагина бундай

муносабатлар вужудга келади. Шундай қилиб, ҳамма учун муҳим бўлган жамоавий фаолиятда гуруҳ аъзолари маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлашади, уларда дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик каби сифатлар ўсиб ривожланади. Айниқса, жамоа шаклланаётган дастлабки даврларда мураббий талабаларнинг кўпчилиги бажара оладиган шахсий ва ижтимоий қимматга эга бўлган ишлар, топшириқлар танлашда гуруҳ фаолларига кўмаклашиши лозим. Шу йўл билан у гуруҳнинг барча аъзоларини ҳаракатга келтиради, уларнинг ўсишига имкон яратади.

Биргаликда бажариладиган ишлар бошланғич жамоа тузишга имкон берадиган муҳим восита бўлибгина қолмасдан, балки жамоани мустаҳкамлашнинг ҳам асосий йўлидир. Ҳар хил фаолият: ўқув, жамоат ишлари, илмий тадқиқот, маданий оммавий ва спорт ишлари, ижтимоий фойдали меҳнат кабилар жараёнида жамоа шаклланади.

Жамоа педагогик таъсирлар тизими натижасида ўсиб мустаҳкамланади. Хилма-хил фаолият турлари гуруҳни ва унинг ҳар бир аъзосини турли вазиятларга кўяди. Фаолиятнинг бир турида талаба раҳбар вазифасини бажарса, бошқа бир турида эса бўйсунувчи ролини ўйнайди. Фаолият жараёнида ҳар хил вазифаларни бажариш, жамоа аъзоларини ўрганиш учун ўзига хос машқ ролини бажаради, гуруҳда мураккаб боғланишлар тизимини вужудга келтиради.


Хилма-хил фаолиятдан, албатта, ишнинг бирон муҳимроқ тури жамоани ва ахлоқий муносабатларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Талабалар ҳаётида ўқув фаолияти етакчилик ролини ўйнайди. Ўқув фаолияти бошланғич жамоа тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Олий ўқув юртининг талабаси учун асосий вазифа яхши ўқиш, танлаган касбини мукаммал эгаллашдан иборат. Демак, талабаларни, аввало, гуруҳда ўқув ишини тўғри уюштириш, «аъло» ва «яхши» ўқиш, юқори рейтингни эгаллаш учун сафарбар этиш зарур. Шунга эришиш лозимки, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маърузалар, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ишининг бошқа турларида фаол қатнашсин. Гуруҳда ва факультетда ўқув интизомини мустаҳкамлаш учун ҳар бир талаба курашиши, барча талабаларнинг чуқур билим олиши, танлаган касбини эгаллаши учун зарур бўлган барча шароитлар яратилиши лозим. Чунки ўқув фаолияти жамоавий муносабатларнинг вужудга келиши учун асосий база, замин бўлиб хизмат қилади. Талабалар фаолиятининг



бошқа барча турлари ўқув фаолиятида пайдо бўлган алоқа ва муносабатларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш учун ёрдамчи восита ҳисобланади. Ўқув иши гуруҳдаги барча талабалар учун қизиқарли, завқли бўлган таққидирдагина соғлом маънавий-руҳий муносабатларнинг шаклланиши, мустаҳкамланиши учун самарали омил бўла олади.

#### 4. Талабалар фаолиятининг хусусиятлари

Талабалар фаолияти ўз тузилиши ва мазмунига кўра ўзига хос хусусиятга эга. Талабалар фаолияти хусусиятларига қуйидагилар қиради



а/ мақсад ва натижаларнинг ўзига хослиги /мустақил ҳаётга тайёргарлик, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, шахсий ҳисларни ривожлантириш.

б/ ўрганиш объектининг махсус характери /илмий билимлар, бўлажак меҳнат ҳақида маълумот ва бошқалар/.

в/ талабалар фаолияти режалаштирилган шароитда амалга оширилади /дастурлар, таълим муддати/.

г/ фаолиятнинг махсус воситалари - китоблар, лаборатория куроллари.

д/ талабалар фаолияти учун ақлий зўриқиш хос /оралиқ ва якуний назоратлар, назорат ишлари, рефератлар топшириш, курс ишлари, битирув малакавий иш ҳимояси ва х/.

Ўқув ва жамоат ишларида қийналган пайтда баъзи салбий ўзгаришлар кўзга ташланади: психик жараёнлар ички жамланганлигининг йўқолиши, хотиранинг пасайиши, тафаккурнинг ёмонлашуви, амалий ҳаракатлар аниқлигининг камайиши, фаолликнинг камайиши, иш қобилиятининг пасайиши.

Шундай қилиб, талабанинг фаолияти мустақил ҳаётга тайёрланиш, бунинг учун зарур билимлар, кўникмалар, малакаларни ривожлантириш ва шакллантириш мақсадига эришиш жараёнидир.

Талаба фаолиятининг хусусиятлари биринчи курсдаёқ намоён бўлади. Талабанинг олий ўқув юртидаги фаолияти унинг мактабдаги фаолиятининг махсус шаклда давом этишидир. Лекин тадқиқотлардан маълум бўлишича, мактабда яхши ўқиган талабаларнинг 80% олий ўқув юртида яхши ўқимаган.

Талабалар фаолиятида айниқса юқори курсларда, уларнинг ишлаши ҳам муҳим ҳисобланади. Талабалар фаолияти мотивлари қуйидагилар:

Ватанга хизмат қилиш, яхши мутахассис бўлиш, яхши ўқиш, жамоат ишларида қатнашиш, спортда ва бошқа фаолиятларда маълум натижаларга эришиш. Шундай қилиб, талабанинг фаолияти олий маълумотли бўлгуси мутахассисни шакллантиришда асосий усул ҳисобланади.

Талабалар фаолиятини бошқаришда шахснинг йўналганлиги, темперамент, характер ва қобилиятларни ҳисобга олиш муҳимдир. Йўналганлик - талаба шахсининг муҳим хислатларидан биридир. У ҳулқ-атвор мақсади ва мотивларида, эҳтиёжларда, кизиқишларда, эътиқодда намоён бўлади.

Талабалар фаолияти ва ҳулқ-атворидаги фарқлар улар темпераментидаги фарқларга боғлиқ бўлади. Талабалар фаолиятида уларнинг характери ҳам намоён бўлади. Характер инсон ҳулқ-атворида таъсир этувчи нисбатан барқарор психик хислатлар мажмуидир. Талабалар фаолиятида уларнинг қобилиятлари ҳам намоён бўлади. Қобилиятлар бу олий ўқув юрти дастурини

муваффақиятли эгаллаш. бўлгуси мутахассис сифатида етишишга ёрдам берадиган психологик хусусиятлардир.

С.Х.Жалилова «Педагогика институти талабаларида шахсий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари» мавзудаги номзодлик диссертациясида талабаларда шахсий сифатлар шаклланишининг динамикасини аниқлашга уринган. (11). Педагогика институтларидаги таълим жараёнида талабаларни системали ўрганиш шуни кўрсатдики, «ретроспектив», «реал», «идеал» ва «рефлексив - Мен»ни бир-бири билан таққослаш талабаларнинг шахсий-эҳтиёж соҳасига ҳамда уларнинг шахсий профессионаллашув жараёнига таъсир қилади. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар асосида педагогика институтлари талабаларини психологик педагогик тайёрлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу тавсиялар миллий психология ва педагогиканинг энг яхши анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, педагогика олий ўқув юртида бўлажак ўқитувчиларни психологик-педагогик жиҳатдан тайёрлашни такомиллаштириш талабалардаги ўз касбига бўлган психологик қайта қуриш ҳамда «идеал ўқитувчи» образига таянган ҳолда олиб борилиши зарур. Касбий фаолият бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг асосий воситаси эканлиги сабабли талабаларнинг узлуксиз амалиётда қатнашиш жараёнини сифат ва миқдор жиҳатдан кучайтириш лозим. С.Жалилованинг фикрича, талабаларни психологик-педагогик томондан тайёрлашда машғулотларнинг усул ва турлари, аввалом бор, талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга, уларнинг ўзларига, атрофдагиларга, жамиятга бўлган субъектив муносабатларини психологик жиҳатдан қайта қуришларига йўналтирилган бўлиши керак.

### **5. Талабалар жамоаси фаолиятининг психологияси**

Талабалар жамоасининг муҳим мақсадларидан бири - бўлажак касбий фаолиятга тайёрланишда ҳамкорлик кўрсатиш, бунинг учун зарур бўлган шахсий хислатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Талабалар жамоаси бошқа жамоалардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:



Талабалар жамоаси психологияси уларнинг ҳаёт ва фаолиятини ўзаро муносабатларини, жамоа кайфияти, анъаналарини ўз ичига олади. Талабалар жамоаси касбни эгаллашга ижтимоий йўналганлик, эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсадлар ва вазифаларнинг умумийлиги билан характерланади.

Талабалар академик гуруҳлари олий ўқув юртлари тизимида дастлабки асосий жамоа ҳисобланади. Гуруҳнинг талабага таъсир кучи ундаги психологик иқлимга боғлиқ бўлади. I курс талабалари гуруҳлардаги муносабат ва ўқиш бўйича муносабатга энг юқори баҳо берадилар. Талабалар юқори курсларга ўтган сайин шахслараро муносабатга бериладиган баҳо пасайиб боради. Талаба ёшлар чин дўстга, яқин инсонга, очиқ ва ишончли муносабатга эҳтиёж сезишади, тақлид қилиш учун инсонни излайди.

Талабанинг гуруҳ билан ўзаро таъсири дўстона муносабат ўрнатишга боғлиқ бўлади. Психологлар олган маълумотларга қараганда, кайфияти доимо яхши, ҳазилкаш, келажакка ишончни 71,3% синалувчилар ёқтиришади. 63,1 % синалувчилар юксак маданиятли дўстларни ёқтирашади. Ўзга кишиларни тушуна оладиган ва қийин пайтда ёрдам берадиган дўстларни 62,8% синалувчилар, мустақил фикрлайдиганларни 61,5% синалувчилар, юксак ахлоқий хислатларга эга бўлишни 6% синалувчилар,

дўстларнинг касбий билимларини билишни 35,4% ташаббускор, ҳаракатчан бўлишни 32,2% талабалар билдиришган.

Ҳар бир талабалар гуруҳининг пешқадами бўлиб, улар ўзларининг шахсий сифатлари билан ўртоқларига - ижобий таъсир кўрсатадилар. Талабанинг гуруҳдаги психологик статуси /ўрни/ ўқув фаоллигига боғлиқ.

Гуруҳдаги яхши ўқийдиган талабалар шахслараро муносабатда етакчи ўринга эга бўлишади. Лекин баъзи аълочилар ҳам гуруҳга қарши чиқишса, хўрланиб қолишлари мумкин.

Шундай қилиб, шахслараро муносабат ва мулоқот жамоа фаолиятининг томонларидан бири ҳисобланиб, улар талабалар хулқ-атворига катта таъсир кўрсатади.

**Талабалар жамоасини ўрганишнинг асосий методлари:**

1 / турли вазиятларда кузатиш. 2/ жамоа ва ҳар бир талаба билан суҳбатлашиш. 3/ жамоат ташкилотларининг ишини таҳил қилиш учун анкеталар ўтказиш. 4/ социометрия методи.

Жамоадаги ўзаро муносабатларни ўрганиш учун горизонтал ва вертикал бўйича кесимлар методидан ҳам фойдаланилади. Горизонтал кесим талабаларнинг катта ўртоқлари билан ўқитувчилари билан муносабатни аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, талабалар жамоасини ўрганиш қийин бўлиб, бу ишни I чи курсданок бошлаш керак.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Талабалар жамоасини ўрганиш методлари.
2. Талабалар жамоасини шакллантириш йўллари.
3. Талабалар жамоаси ривожланишининг босқичлари

# ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## Режа:

1. Ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шартлари .
2. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг ўзига хос хусусиятлари
3. Олий ўқув юрти ўқитувчиси меҳнатини илмий ташкил этишининг психологик муаммолари.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда олий ўқув юрти ўқитувчисининг психологик хусусиятлари, ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шартлари, ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишининг психологик муаммолари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг олий ўқув юрти ўқитувчисининг психологик хусусиятлари, ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шартлари, ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишининг психологик муаммолари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг олий ўқув юрти ўқитувчининг психологик хусусиятлари, ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шартлари, ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишининг психологик муаммолари ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

*Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,  
ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар  
(Абдурахмон Жомий)*

## 1. Ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шартлари.

Президентимиз И.А.Каримов Олий мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган тарихий «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли нутқларида «...Навбатдаги муҳим масала - олий ўқув юртлари ислохотидир» [2,19], - дея таъкидлаган эдилар. Сўнгра юртбошимиз олий таълимдаги камчиликларга жамоатчилик эътиборини қаратдилар. Ана шу сессияда президент таклифлари

билан олий мактабдаги домлаларнинг хорижда малака оширишлари учун «Устоз» фонди ташкил этилди.

«Улар чет элларда малакасини оширсин, донги чиққан университетларда ўзлари лекция ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўи — номи оламга овоза бўлади, иншоллох», - дея таъкидладилар, юртбошимиз И.А.Каримов (2, 21).

### **Ўқитувчи фаолияти самарадорлигини оширувчи психологик омиллар**

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги кўпгина омилларга боғлиқ: иқтисодий, сиёсий, илмий, ташкилий ва бошқалар. Улар шахснинг ички олами орқали фаолиятга таъсир этади. Турли омиллар ўқитувчи фаолияти самарадорлигини оширади ёки камайтиради. Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, самарадорлик кўрсаткичи куч ва воситаларни онгли равишда қўллаш орқали мақсадга эришишдир. Ўқитувчи фаолиятини самарадорлиги – бу бажариладиган топшириқларга қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда намоён бўладиган шахснинг ўзига хос хусусиятидир. Бошқача айтганда, самарадорлик учун ўқитувчи психикасининг структураси ва функциялари унинг фаолияти тузилиши ва динамикасига мувофиқ бўлиши даркор.

Ўқитувчи фаолияти самарадорлигини аниқлаш қийин муаммони келтириб чиқаради: ўқитувчининг мотивлари, установкалари ва педагогик маҳорати даражаси ва бошқаларни билиш керак. Талабаларнинг тарбияси ва билими қанчалик ортганини аниқлаш осон эмас. Қолаверса, ҳар бир ўқитувчи бири-бирдан ўзининг тажрибаси ва шахс хусусиятлари билан фарқланади. Қўйилган мақсадга турли восита ва усуллар орқали эришиш мумкин. Уларни қўллаш муайян бир дунёқараш, қобилият, характер ва психологик ҳолатни талаб этади. Масалан, ОТМда дарс берувчи математика ўқитувчиси тартибли шахс. У дарсларни қатъий тартиб асосида ўтади. У бунга ўзининг илмий салоҳияти, методик маҳорати, талабалар фаолиятини режалаштира олиши билан эришади. Ўқитувчи ўз олдига аниқ вазифа қўя олади – талабаларга муайян билимларни беради. Тартиб – унинг фаолиятининг муҳим мезонидир. Ўқитувчи талабалар билан дастлабки учрашувидаёқ математик билимлар уларнинг

келгусидаги фаолияти учун муҳимлигини сингдириб қўйган. Ўзининг мақсадга интилувчанлиги орқали талабаларни мотивациясини ошира олди. Бошқа ўқитувчилар эса ўзларининг шахс хусусиятларига мувофиқ равишда ўзгача натижаларга эришадилар.

Айрим вақтларда ўта талабчан ўқитувчиларни талабалар хушламайди, деган гапларни эшитиб қоламиз. Шундай қилиб, факультет декани талабаларнинг эътирозлари асосида талабчан ўқитувчини дарслардан четлаштиради. Кафедра мудири декан билан баҳслашмай 1-2 курсларда анкета ўтказди. Ҳар бир талаба аноним тарзда 5 та саволга жавоб бериши керак эди: маърузачининг фамилияси, ассистентнинг фамилияси, маъруза ўқиши методикаси бўйича камчиликлар, амалий машғулотни ўтказиш методикаси бўйича камчиликлар, имтиҳон ва якуний назорат ўтказиш методикаси бўйича камчиликлар. Олинган натижаларга кўра энг талабчан ўқитувчилар яхши натижаларга эришганлар. Декан, бундай натижани кутмаган эди.

Аслида талабаларнинг кўпчилиги биладикки, ўта талабчан ўқитувчининг талаблари талаба қизиқишларига мувофиқ келади. Бунга кўнгина ОТМ тажрибасидан намуна келтириш мумкин. Битирув кечаларида айнан талабаларни «ўз устида ишлашга» мажбур қилган ўқитувчиларга миннатдорчилик билдирилади.

Ўқитувчи ўз талабларини талаба шахсига ҳурматни сақлаган ҳолда билдирса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг ғоявий-сиёсий, ахлоқий, тадбиркорлик ва психологик жиҳатлари педагогик жараён самарадорлигини таъминлайди. Ўқитувчи шахси талабага ҳар қандай вазиятда таъсир ўтказди.

«Тарбиячи – дейди К.Д.Ушинский – тарбиядаги барча муваффақиятни ўзида мужассамлаштиради». Ўқитувчининг онгли фаолияти, яъни қобилияти, иродаси, маҳорати орқали муайян мақсадлар асосида талаба шахсига таъсир эта олишига боғлиқ. Бунда ҳар томонлама тайёрлик ва тарбияланганлик муҳим аҳамият касб этади, В.А.Сухомлинскийнинг фикрича, «ақл – ақл билан, виждон – виждон билан, Ватанга садоқат – Ватанга хизмат қилишни тарбиялаш билан шакллантирилади». Адабиётларда гуманизм, педагогик касбий бурч, педагогик адолат, касбий ғурур ва қадр, педагогик оптимизм ҳақида маълумотлар келтирилган. Талабалар ўқитувчидаги қайси сифатларни кадрлайдилар?



ОЎЮ ўқитувчисининг талабалар орасидаги авторитетини белгилаб берувчи омиллар:

- 1) эрудиция – 64,6%;
- 2) маълумотларни етказиб бера олиш малакаси – 38,5 %;
- 3) умумий маданият даражаси – 29,7 %;
- 4) қатъийлик – 28,6%.

ОЎЮ битирувчилари ўқитувчининг қуйидаги ижобий сифатларини санаб ўтганлар: фанни чуқур билиш, юқори маданият, эрудиция. Улар талабаларни севиш, ишини севиш, қатъийлик, ишонч, адолат, самимийлик, ростгўйлик, талабчанлик, мулоқимлик, тактика, талаба шахсида ижобий сифатларни кўра билиш малакаларини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Ўтказилган сўров натижаларига кўра талабалар ўзининг шахсий педагогик нуқтан назарига эга бўлган ва фаннинг мураккаб муаммоларини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берувчи педагогларни маъқуллаганлар. Бу энг аввало ижтимоий фанлар ўқитувчиларига тааллуқлидир. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг индивидуал услубига эга бўлиши табиий ҳолдир. Педагогик жараёнда икки томонлама, диалектик таъсир амалга ошади:



Анкета саволларидан бири қуйидагича бўлиб: «ОЎЮ педагоги қандай сифатларга эга бўлиши керак?», ушбу саволга талабалар ОЎЮ педагогининг қуйидаги уч сифатини келтириб ўтганлар: чуқур илмий билим, педагогик маҳорат ва талабага нисбатан инсоний муносабат. Олинган натижаларга кўра 2-курсларнинг 67%и ва юқори курсларнинг 58%и ОЎЮ педагогидаги энг муҳим хусусият сифатида талабага нисбатан инсоний муносабатни кўрсатганлар. Талабаларнинг ёзма жавобларида қуйидаги фикрлар учрайди: «Қачонки бизга ишонсалар, қачонки бизга ҳақиқий инсон сифатида қарасалар, биздаги имкониятларни кўра билсалар ва ниҳоят биздаги интилишларни ҳурмат қилсалар».

Олий ўқув юртларида 200 нафар талабалар орасида ўқитувчи ҳақидаги илк тассуротларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказилган:

1. Ташқи кўриниш (ўзини тутиши, аудиторияга қандай кириб келганлиги, юз ифодаси ва бошқалар) – 37,2 %.

2. Биринчи маърузанинг хусусияти (нутқи, эмоционаллик, маълумотларни баён қилиш кўникмаси, дарҳол ишга ўтиши) – 34,0 %.

3. Талабага муносабат (талабчанлик, талабанинг хулқ-атворини назорат қилиши, талабалар билан мулоқотда бўлиш, адолатли баҳолаш, эътиборлилик) – 17%.

4. Эрудицияни намоён қилиш, интеллекти, маърузани ўқиб бериши – 8,5 %.

5. Юқори курс талабаларидан олинган маълумот – 2,5 %.

6. Бошқа белгилар – 0,8 %.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, талабаларни педагог ҳақидаги илк таассуроти узоқ сақланади.

Олий мактаб психологиясининг кўрсатишича, ўқитувчининг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ: талабаларни ўқита олиш кўникмаси, педагогик такт, ҳақиқатни ҳимоя қила олиши, аввалдан муаммони ечимини кўра билиш, педагогик кузатувчанлик ва педагогик ҳаёл, ҳалақит берувчи ва ортиқча омиллар билан кураша олиш малакаси, янги шароитларда тезлик билан ҳаракатлар режасини тузиш ва ҳаракатланиш.

Ўқитувчи фаолиятида кўп нарса ўқитувчининг талаба билан ўзаро муносабатига боғлиқ. Бу ўқитувчининг педагогик тактига боғлиқ бўлиб, ўқитувчидан талабанинг ёш ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳақида билимларга эга бўлиши талаб этилади. Тошкент давлат педагогика институтидаги I-IV курс талабалари орасида ўтказилган анкета сўровининг кўрсатишича:

а) талабанинг ўқитувчи билан шахсий мулоқоти доираси чекланганлиги билан характерланади;

б) талаба ўқитувчи орасидаги мулоқот интенсив характерга эга эмас, балки эпизодик характерга эга;

в) мулоқот тор доирада, фақат ўқув фаолиятига йўналтирилган бўлади;

г) ОўЮ талабаларида мулоқотга нисбатан ички мотивацияни етарли даражада шакллантирмайди.

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги педагогик жараёнга ижодий ёндошиши билан белгиланади. Ўқитувчининг мақсадга йўналтирилган установакалари таълим, тарбиянинг муаммоларини ечишга ва талабалар психик фаолиятини бошқаришга қаратилган бўлиши керак. Ушбу установакалар ўқитувчининг педагогик шарт-шароитни ҳар томонлама таҳлил қилиши натижасидир. Курснинг

мақсадга йўналтирилган установакалари машғулотларнинг мазмуни, сиёсий-ғоявий даражаси, тарбиявий йўналганлигини оширади. Бирок, тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим ўқитувчиларнинг мақсадга йўналтирилган установакаларида курснинг тарбиявий аҳамияти акс этмайди. Уларнинг асосий фаолияти талабаларга имкон қадар кўпроқ илмий билимларни беришга қаратилган бўлди. Айрим ўқитувчилар мақсадга йўналтирилган установакаларни машғулот режасига алмаштириб, аудиториянинг ҳолати инобатга олинмайди.

Тажрибали ўқитувчиларнинг фаолиятини ўрганиш шундан далолат берадики, мақсадга йўналтирилган установака — бу талабаларнинг тайёрлик даражаси, фаннинг вазифа ва мақсадлари, реал педагогик имкониятларни инобатга олиб таҳлил қилишида намоён бўлувчи таълимий ва тарбиявий йўналганликдир.

Ўқитувчи талабада муайян бир хусусиятни ривожлантирмоқчи бўлса, энг аввало ушбу хусусиятнинг мутахассислик нуқтаи назаридан муҳимлик даражасини билиши ва унинг талаба шахси тараққиётидаги ўрнини билиши даркор.

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлигини ошириш шартларидан бири — бу таълимий ва тарбиявий топшириқларни (вазифаларни) тўғри ва аниқ аниқлаштириш малакасига эга бўлиши ва шу билан мувофиқ равишда ўз фаолияти ва талаба фаолиятини режалаштира олишидир.

**Ўқитувчи фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи психологик омилларни умумлаштирган ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин: шахсий ва вазиятга боғлиқ омиллар.**

**Шахсга боғлиқ омиллар** қуйидагилар: ўқитувчи шахсининг йўналганлиги (касбга нисбатан барқарор қизиқиш, маъсулият хисси); темпераментнинг намоён бўлиши, педагогик фаолиятга адекват талаблар; ижобий характер хусусиятлари; педагогик ва ташкилотчилик қобилияти.

Ушбу шахсий сифатларни шакланганлиги ўқитувчининг амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил қилиши ва доимий фаолият услубига эга бўлишига ёрдам беради.

**Вазиятга боғлиқ омиллар** қуйидагилар: ўқитувчининг ўз фаолияти ва талаба фаолиятини аниқ тушуниши; қўйилган мақсадга эришишига ундовчи вазиятга боғлиқ мотивларни кучлилиги; билиш жараёнини адекватлиги; стеник психик ҳолатлар.

Вазиятга боғлиқ омиллар машғулотларга ва уларни ўтказишга тайёрланиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда намоён бўлади.


Бунда ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги унинг фани, эрудиция, маданият ва педагогик маҳоратига боғлиқ. ОўЮ ўқитувчиси фаолиятининг самарадорлиги психологик омилларини умумий схемаси қуйидагича: шахсий омиллар, педагогик маҳорат, ситуатив омиллар ва ўз фанини яхши билиши, эрудиция, маданият.

Олий мактаб ўқитувчиси фаолиятининг самарадорлиги психологик омилларини яқдиллиги – бу педагогик меҳнатга ғоявий, ахлоқий-сиёсий, касбий, психологик ва жисмоний тайёрлиги натижасидир.

## 2. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги энг долзарб муаммолардан бири олий ўқув юртидаги таълим-тарбия ишлари самарадорлигини кескин оширишдан иборатдир, чунки республикамизнинг ривожини рағбатланиши ва истиқболли кўпроқ олий мактабда тайёрланаётган мутахассисларнинг маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун ўқитишнинг илғор, фаол усулларини қўллаш, оқилонани воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг янги материални тушуниб ва ўзлаштириб олиши учун ўқитувчи нутқининг такомиллашганлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг олий мақсади таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради.



Педагогик мулоқат жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан 3 шаклда амалга оширилади: Монолог, диалог, полилог.

**Монолог** маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки талабалар қаршисига чиқиб нутқ, сўзлаши, дарсни баён этишидир. Бу ҳолатларда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси мустақил тарзда маълумот мазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқеини тиклаш имкониятига эга бўлади. Лекин аудиторияда тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотларнинг бир қисминигина эслаб қолиш ва идрок қилишга сабаб бўлади.

**Диалог** ўқув мавзуси муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинуvidан ҳар бир иштирокчининг манфатдорлигини таъминлайди, яъни тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан, унинг тингловчи муносабат субъектига айланадилар.

**Полилог** гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчилар фаоллигини янада оширади, улардаги ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчиси сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усулда дарс мавзуси кўпроқ назарий характерли бўлиб, янги ғоялар, уларнинг амалий жиҳатларини келтириб чиқариш зарурати бўлиб қолганда туғилади.

**Олий ўқув юрти ўқитувчисига қўйиладиган талаблар.**

1) Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характереологик хусусиятлар: меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобилият, маъсулият.

2) Инсонларга нисбатан намоён бўладиган характереологик сифатлар: одоблилик, меҳрибонлик, такт, мулоқатга киришувчанлик, ғамхўрлик.

3) Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характереологик сифатлар-камтарлик, камсукумлилик.

4) Нарса ва ходисаларга муносабатда намоён бўладиган хусусиятлар: тартиблилик, оқиллик, сарамжон-сарипшталик.

**Ўқитувчи талабаларга таълим бериш жараёнида куйидаги фаолиятларни қўллаши зарур:**

**Перцептив фаолият** яъни шундай ҳаракатки уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит образ шаклланади.

**Мнемик фаолият** нарса ва ҳодисаларнинг мақсади ва мазмунига алоқадор материалларни эслаб қолиши, эсга тушириши ҳамда эсда сақлаб туриши билан боғлиқ мураккаб фаолият туридир.

**Фикрлаш фаолияти** – ақл, фаҳм, фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият.

**Талабалар билан ишлаш:**

- 1) оддий намоён этиш йўли билан;
- 2) тушунтириш йўли билан;
- 3) кўрсатиш ва уйғунлаштириш йўли билан.

**Ўқитувчининг талабалар билан муносабатининг усуллари:**

↓

дўстлик асосида мавжуд бўлган муносабат

↓

масофа сақловчи муносабат

↓

нафрат уйғотувчи муносабат

↓

юзаки бўлган муносабатлар

Ўқитувчи албатта дўстлик асосида мавжуд бўлган муносабатдан фойдаланиши зарур.

Ўқитувчи зиддиятли вазиятдан чикиши учун куйидаги қоидаларга амал қилиши ва ҳисобга олиши керак:

- 1) Авваллаббор ўқитувчи зиддиятлардан қочиши керак;
- 2) Ўз хатти-ҳаракати билан шеригига таъсир эта олиши керак;

3) Юз берган вазиятни тушунмасдан туриб хулосани чиқаришга шошмасликлари керак;

4) Мақсадга эришиш, яъни талаба билан бўлган низони иложи борича тинчлик билан ҳал қилиши муҳимдир.

5) Хулоса тўғри чиққанига ҳамиша ишонтира олиш.

Олий мактаб ўқитувчиси фаолиятининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича психолог Э.Г.Ғозиевнинг шогирдлари қатор илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Жумладан, Б.Э.Утановнинг «Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлик фаолиятига бағишланган. Муаллифнинг фикрича, ўқитишнинг самарадорлиги талаба билан ўқитувчи ҳамкорлик кўламига боғлиқ, чунки ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият доираси қанча кенг бўлса, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар шунчалик паст бўлади, муомалага киришиши нисбатан енгил кўчади. Б.Э.Утановнинг тадқиқотида ўқитишнинг самарадорлиги ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият кўламига, ўзлаштириш даражасига, мулоқот шаклига, ўзини-ўзи бошқариш механизмига боғлиқлиги тасдиқланди. Ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият 6 та ақлий ҳаракатдан ва ўзаро боғлиқ учта фазадан ташкил топганлиги исботланди. Биринчи фаза – фаолиятга киришиш: 1) ўқитувчи ва талабалар орасида ҳаракатларнинг тақсимланиши; 2) талабаларнинг ҳаракатлари; 3) талабаларни қўллаб-қувватлайдиган ҳаракатлари. Иккинчи фаза – талабаларнинг ўқитувчи билан келишилган фаолияти; 4) талабаларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган ҳаракатлари; 5) талабаларнинг ўзлари ташкил қиладиган ҳаракатлари; 6) талабаларнинг ўзини-ўзи ундайдиган ҳаракатлари. Учинчи фаза – эгаллаган ҳамкорликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш.

Ҳамкорликдаги фаолият мавзусини Э.Ғ.Ғозиевнинг яна бир шогирди Н.Ш.Азимовнинг «Ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлик фаолиятининг динамикаси» мавзуидаги номзодлик диссертациясида давом эттирган. Н.Азимовнинг таъкидлашича, ўқитиш ўқитувчи билан талабалар ҳамда талабалараро ҳамкорлик фаолияти ёрдамида олиб борилса, репродуктив йўл билан билимларни ўзлаштиришдан продуктив услубига ўтиш эгаллаган маълумотлар пухталигини таъкидлайди, ҳамкорлик иштирокчилари ҳаракат мотивларини ўстиради. Н.Азимов ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг таркибий қисмларини қайта куриш, уларга муайян

янгилик аломатларини киритиш орқали мустақил билим олиш, монологикдан, диалогик, конвергентликдан дивергентлик ҳолатларига ўзаро узлуксиз равишда ўтувчи турли механизмларни илмий назарий жиҳатдан талқин қилиб берди, ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини ташкил қилиш олий мактабда ўқитиш самарадорлигини ошириш гарови эканлигини исботлади.

### **3.Олий ўқув юрти ўқитувчиси меҳнатини илмий ташкил этишнинг психологик муаммолари**

Олий мактаб ўқитувчиси меҳнатини илмий ташкил этиш бу ўқитувчи фаолияти маҳсулдор бўлиши учун жисмоний, санитар-гигиеник, эстетик, психологик ва ахлоқий шароитларни яратишдир. Олий мактабда ишлашдан субъектив қониқиш ҳосил қилиш ва малакасини оширишдир. Ўқитувчининг фаолияти дарс ўтиш билан бирга, ўқув методик ишларни олиб бориш, илмий билимларни ташвиқот қилиш, илмий тадқиқот устида иш олиб бориш ва кафедранинг илмий салоҳиятини ошириш, кўргазмали қурооларни тайёрлаш, ахборот ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш учун слайдлар тайёрлаш, маслаҳатлар бериш, талабалар билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, кафедра мажлисларида иштирок этишлар ҳам қиради.

Кафедраларда ижобий психологик иқлим яратилиши ҳам муҳим. Шундай қилиб, олий мактаб ўқитувчисининг меҳнати илмий ташкил этилганда маҳсулдор бўлади.

**Олий мактаб ўқитувчилари қуйидаги функцияларни бажарадилар:**

1/таълим берувчи ўқитувчи билим беради, малака, кўникмаларни шакллантиради, талабаларни ўқув материални ўзлаштиришга олиб келувчи ҳаракатларга ундайди.

2/ тарбиячи ўқитувчи юксак ахлоқий, ақлий, иродавий, эстетик хислатларни талабаларда тарбиялаши, улар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши ҳақида қайғуриши лозим.

3/ дарс бераётган фани бўйича олим бўлиши: ўқитувчи ўз фанини яхши билиш билан бирга, фанни яхши хулосалар билан бойитадиган илмий тадқиқотлар олиб бориши зарур.

4/ талабалар мустақил ишини ва машғулотларининг ташкилотчиси бўлиши зарур. Ўқитувчи дарсларда интизом ва тартибни ушлаб туради, талабалар ишини назорат қилади ва баҳолайди, маслаҳатлар уюштиради.



Ўқитувчи фаолиятининг психологик тузилиши бу турли таркибий қисмларнинг кетма-кетлиги, ўзаро муносабати, боғлиқлиги, ички тузилишидир. Тузилиш ва мазмун ўзаро боғлиқ, мазмуннинг баъзи томонлари тузилишнинг у ёки бу таркибий қисмлари хусусиятларини ифодалайди.

**Ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисмлари:** мақсад, мотив ва усуллардир. Мақсад бу фаолиятнинг тасаввур қилинган натижасидир, талабаларнинг юқори ўзлаштиришига эришиш, уларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш, уларга таълим ва тарбия бериш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни, шахсий хислатларни шакллантиришни ўз ичига олади.

**Мотивлар** - ўқитувчини фаоллик кўрсатишга ва мақсадга эришишга ундайди: ўз ишига қизиқиш, мажбуриятларни тушуниш, мутахассисларни тайёрлаш сифати учун жавобгарлик ҳисси, фаол талабаларга фанни ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

**Усуллар** бу мақсадга эришишда ёрдам берадиган операциялар ва йўллардир. Ўқитувчи фаолиятининг усуллари - билимларни бериш, талабаларда кўникмаларни ва малакаларни, шахсий хислатларни шакллантириш.

Бундай усулларга ўқув вазифаларининг қўйилиши, ўқув материални оғзаки баён этиш, таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар киради. Ўқитувчининг фаолият усуллари эгаллаганлиги фикрларни аниқ баён этишда, нутқнинг ифодали хусусиятларидан моҳирона фойдаланишда, шахсий намуна кўрсатиб, талабаларга таъсир кўрсатишда, таълимнинг техник воситаларидан тўғри фойдаланишда намоён бўлади.

**Ўқитувчи фаолияти ўзига хос кетма-кетликка, ўз босқичларига эга:**

а/ мақсадни аниқлаб олиш, ўқув тарбиявий, илмий вазифаларни аниқлаш.

б/мақсадга эришиш, вазифани ҳал қилиш режасини ишлаб чиқиш.

в/ кутилган натижага олиб боровчи ҳаракатларга тайёргарлик. г/вазифаларни ҳал қилиш, мақсадга эришиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш.

д/ бажарилганларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

е/ фаолият мақсадига эришишда тўпланган тажрибага асосланиб, кейинги ҳаракатларни такомиллаштириш.

Олий ўқув юртида ўқитувчи ва талаба, мактабдаги ўқитувчи ва ўқувчига нисбатан бир-биридан узоқда, психологик нуқтан назардан бу уларнинг ўзаро таъсирига салбий таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги масофа қанчалик катта бўлса, ўқув фаолиятини бошқариш шунчалик қийин бўлади. Олий мактаб ўқитувчиси педагогик ва илмий фаолиятни биргаликда олиб бориши лозим. Агар ўқитувчи илмий ишга, китоб ёзиш, мақола ёзишга кўп вақтини сарфласа, педагогик маҳоратининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, олий мактаб ўқитувчиси фаолияти ўз мақсадлари ва натижалари, объект характерига илмий ва педагогик ишни биргаликда олиб боришига кўра ўзига хосдир.

### **Ўқитувчи билиш жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари**

Олий ўқув юрти ўқитувчисининг диққати бўлинувчанлиги, барқарорлиги юқори бўлиши лозим. Аудиториядаги барча талабаларни диққат марказида ушлаши ҳамда асосий мавзудан чалғимаслиги учун ҳам диққатнинг юқоридаги хусусиятлари керак бўлади.

Ўқитувчи янги ўқув материалнинг муваффақиятли тарзда идрок этилишини таъминланиши учун ўқувчиларни бунга тайёрлашга, уларнинг орттирган тажрибасини фаоллаштириши ва уларни янги материал билан боғлашга ёрдам бериши, ўқувчилар, талабалар олдига янги вазифалар кўйган ҳолда уларнинг идрокини йўналтириши керак. Бунинг учун ўқитувчининг ихтиёрий идроки фаол ва йўналган бўлиши керак.

Ўқитувчи хаёли ўзининг активлиги ва фаоллиги билан уйғун бўлиши керак. Хаёлнинг қиммати шундан иборатки, у хатто тафаккур учун керак бўлган тўла ва зарур билимлар бўлмаган жойда ҳам бирор қарорга келиш ҳамда муаммоли вазиятдан чиқиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, олий ўқув юрти ўқитувчиси нутки, диққати, хотира ва хаёллари мустаҳкам ва иродаси кучли бўлиши талаб қилинади. Педагог дарс бериш жараёнида пухта билимга эга бўлиши ва касбий муҳим жиҳатларидан фаоллик, билимдонлик, зиддиятларни бартараф эта олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Таълим беришга бўлган қизиқишга эга бўлиши ва масъулиятли бўлиши керак. Шахсий манфатидан кўра, билим беришга бўлган масъулият ҳисси устун бўлиши керак. Шунингдек, билиш

жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари педагогик тафаккури, нутки, идрок ва ижодий хаёли ривожланган бўлиши керак.

**Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Олий ўқув юрти ўқитувчисига қандай талаблар қўйилади?
2. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг функциялари?
3. Педагогик мулоқот шакллари?
4. Ўқитувчи ва талабалар орасидаги муносабатлар?

*Ҳақиқий тарбиячи маъруза жараёнида талабаларни ўзи билан бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз тарбиячининг маърузасида эса тингловчининг суръати ўтиради-ю, хаёли олам кезади.*

Раҳимжон Усмонов.

## ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

### Режа:

1. Педагогик маҳоратнинг ички ва ташқи кўринишлари.
2. Олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлар.
3. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг маърузалар ўқишга тайёрланиши, семинарлар ва имтиҳонлар ўтказиш фаолиятидаги психологик хусусиятлари.

### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда педагогик маҳоратнинг ички ва ташқи кўринишлари, олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлар, олий ўқув юрти ўқитувчисининг маърузалар ўқишга тайёрланиши, семинарлар ва имтиҳонлар ўтказиш фаолиятидаги психологик хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг педагогик маҳоратнинг ички ва ташқи кўринишлари, олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлар, олий ўқув юрти ўқитувчисининг маърузалар ўқишга тайёрланиши, семинарлар ва имтиҳонлар ўтказиш фаолиятидаги психологик хусусиятлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг педагогик маҳоратнинг ички ва ташқи кўринишлари, олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлар, олий ўқув юрти ўқитувчисининг маърузалар ўқишга тайёрланиши, семинарлар ва имтиҳонлар ўтказиш фаолиятидаги психологик хусусиятлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

### 1. Педагогик маҳоратнинг ички ва ташқи кўринишлари

Педагогик маҳорат бу ўқитувчи касбий фаолиятининг юқори даражасидир. У педагогик вазифаларни ижодий муваффақиятли ҳал қилишда, ўқув тарбия ишлари мақсади ва усулларига маҳсулдор эришишда кўринади. Педагогик маҳоратнинг аниқ ташқи кўринишлари: фаолиятни бажаришнинг юқори даражаси,

Ўқитувчи ишининг сифати, ўқитувчининг педагогик вазиятларда мақсадга йўналтирилган, мос ҳаракатлар қилиш, талабалар мустақил ишида, таълим-тарбияда натижаларга эришиш, талабаларни мустақил тадқиқотлар ўтказишга жалб қилиш, мустақил ўқиш қобилиятларини ривожлантиришдир.

Педагогик маҳоратнинг ички кўринишлари билим, кўникма ва малака, ўқитувчининг зарур касбий хислатлари, педагог меҳнатига ижобий муносабат, унга қизиқиш, ёқтириш, педагогик ва ташкилотчилик қобилиятлари, касбга мос характер хислатлари, темперамент кўринишлари, психик жараёнлар хусусиятлари, фаолиятга психик тайёрликни ўз ичига олади.

**2. Олий мактаб ўқитувчисига зарур билимларни 2 га бўлиш мумкин. Билимларнинг 1 чи гуруҳига:**

а/ замонавий таълим-тарбияда устувор сиёсий йўналиш бўйича билимлар;

б/ ўз фанини билиш, в/ психологик билимлар /талабалар психологияси/;

г/ педагогик билимлар /таълим-тарбия методлари, тамойиллари, қонуниятлари, мақсадлари,

д/фани ўқитиш бўйича методикадан билимлар.

Билимларнинг 2 чи гуруҳига қуйидагилар киради:

а/ олий мактабдаги ўқув жараёнини бошқариш ва раҳбарлик қилиш назарияси бўйича билимлар;

б/ қатор илмий фанлар бўйича билимлар

/педагогика, психология, физиология, фалсафа, этика, логика/;

в/ фан ва техника, адабиёт ва санъатдан асосий ютуқлар бўйича билимлар;

**Ўқитувчи малакаси** - бу ўқитувчи педагогик фаолиятининг автоматлашган таркибий қисмлари бўлиб, бу ҳаракатларни амалга оширишда диққатни бир жойга тўплаш, юқори даражада такомиллашган ҳаракатлардир. Ўқитувчининг муҳим малакаларига қуйидагилар киради: талабалар фаолияти, унинг ҳолатини жамоадаги ўзаро муносабатни ўқишдаги хатоларни қийинчиликларни ўрганиш ҳисобланади.

**Ўқитувчиларнинг кўникмаси** янги ва мураккаб педагогик вазиятларда билимлар ва малакалардан тўғри фойдаланишда кўринади.

Кўникмалар ўзгарувчан шароитларда эгалланган билимлар ва малакалар асосида фаолиятнинг аниқ турини бажариш имконини

беради. Ўқитувчининг асосий кўникмаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а/билимларни узатиш, материални аниқ баён этиш, ўз меҳнати ва талабалар меҳнатини назорат қилиш ва баҳолаш;

б/талабаларда малакаларни шакллантириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш кўникмаси;

в/талабалар ақлий фаолиятини бошқариш, уларнинг мустақил ишлаши ва ўз-ўзини тарбиялашини ташкил этиш кўникмаси;

г/ўз психик ҳолатлари, ҳиссиёти, ташқи кўринишларини, педагогик назокатини намоён қилиш кўникмаси.

**Ўқитувчининг педагогик назокати /такти/** талабалар билан ўзаро муносабатда ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлигидир. Ўқитувчининг педагогик назокати аудиторияга, талабаларга тўғри муносабатда бўлишда, уларнинг ҳолатини тўғри ҳисобга олишда, талабчанликда меъёрдан чиқмасликда намоён бўлади. Педагогик назокат учун гуманизм, бошқаларни ҳурмат қилиш, адолат-парварлик, табиийлик, талабаларга диққат билан муносабатда бўлиш хос. Ўқитувчи бир неча йил ишлаганидан сўнг педагогик маҳоратга эришиши мумкин.

Шундай қилиб, педагогик маҳоратни ошириш учун билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаш, шахснинг касбий муҳим хислатларини ривожлантириш, ўқитувчилик тажрибасини тўплаш, кафедра ва олий ўқув юрти доирасида махсус тадбирларни ўтказиш зарур.

**3. Олий ўқув юрти ўқитувчисининг маърузалар ўқишга тайёрланиши, семинарлар ва яқуний назоратлар ўтказиш фаолиятидаги психологик хусусиятлари.**

Лекция лотинча «Lectio» сўзидан олинган бўлиб, ўқиш деган маънони англатади. Дастлабки лекциялар 13-14 асрда Фарбий Европа университетларида ўтказилган бўлиб, тайёр китоблардан ўқилган. Ҳозирги кунда маъруза илмий тафаккурни, ўқитувчининг ўзини ва аудиторияни тута олиши, маданиятини, чуқур билимдонлигини намоён қиладиган ақлий меҳнатнинг қийин турларидан биридир.

Ўқитувчи фаолиятларидан бири сифатида маъруза психологик томондан мақсад, мотивлари ва усуллари билан фарқ қилади. **Маърузанинг мақсади** бу тасаввур қилинган натижа ёки ўқитувчи эришмоқчи бўлган нарсадир.

**Маъруза ўқиш ва унга тайёрланиш мотивлари** бу ўқитувчи ҳаракатларига у ёки бу бу мазмун берадиган фаолликка ундовчи кучдир. Мотивлар қуйидагича бўлиши мумкин: маъруза сифати учун жавобгарлик ҳисси, ўз мажбуриятларини чин кўнгилдан бажаришга интилиш, ўқитувчининг ўз фанига, билимларни узатишга, тушунтириш жараёнига қизиқиши, кийин материалларни ўзлаштиришда талабаларга ёрдам беришни исташи ва ҳоказо.

**Маъруза ўқиш ва унга тайёрланиш усуллари** ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва мақсадларига кўра аниқланиши мумкин. Маърузага тайёрланиш ва ўқиш - бу ўқитувчининг мураккаб фаолияти бўлиб, унинг бор кучи ва маҳоратини талаб қилади.

Семинарнинг психологик хусусиятлари.

**Семинар** сўзи латинча «seminarium» сўзидан олинган бўлиб, билимларнинг манбаи, ўчоғи деган маънони англатади. Семинар олиб боровчи ўқитувчи ўз олдига талабалар маърузада олган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришни мақсад қилиб кўяди. Семинарнинг муҳим вазифаларидан бири талабаларнинг ижодий фаоллигини ва мустақил фикрини ривожлантиришдир.

**Яқуний назорат**нинг психологик хусусиятлари. **Яқуний назорат** бу талабалар билимини текширишдир. Адабиётларда яқуний назорат талабаларда чарчаш ва зўриқиш ҳосил қилувчи омил сифатида қаралади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат бу ўқитувчи касбий фаолиятининг юқори даражасидир.

# КАФЕДРА ЖАМОАСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## Режа:

1. Кафедра жамоасининг хусусиятлари.
2. Кафедра фаолиятининг вазифалари.
3. Жамоа фаолияти ва иш фаолиятининг регламентацияси.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда кафедра жамоаси, кафедрадаги психологик иқлим, кафедра фаолиятининг мақсади, вазифалари, жамоа фаолияти ва иш фаолиятининг регламентацияси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг кафедра жамоаси, кафедрадаги психологик иқлим, кафедра фаолиятининг мақсади, вазифалари, жамоа фаолияти ва иш фаолиятининг регламентацияси ҳақида дунёқарабини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг кафедра жамоаси, кафедрадаги психологик иқлим, кафедра фаолиятининг мақсади, вазифалари, жамоа фаолияти ва иш фаолиятининг регламентацияси ҳақида дунёқарабини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

## 1. Кафедра жамоасининг хусусиятлари.

Одамларнинг ижтимоий бирлашуви гуруҳ деб номланади. **Жамоа** бу-фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти, аҳамиятли мақсади, раҳбарлик нисбатан доимий мавжуд-махсус гуруҳдир. **Кафедра** жамоасининг муҳим хусусияти – бу бир ёки бир неча фанларни ўқитишда юқори илмий даража, индивидуал ёки гуруҳий илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқитувчиларнинг гоъвий-сиёсий касбий тайёргарлигини, малакасини оширишдир. Кафедра жамоаси учун тўлиқ ўз-ўзини бошқариш хос: умумий ва индивидуал фаолиятнинг бирор томони, бирорта масала йўқки, уларнинг барчаси кафедра мажлисида муҳокама қилинади. Шунинг учун ҳам кафедра мажлисларида ҳар бир ўқитувчининг чиқишлари баённомада қайд этилади.

Кафедра жамоаси учун ўқув юкламаларининг аниқ режалаштирилиши лозим. Ҳар ярим йилда кафедра ўқитувчилари ўқув юкламаларини қандай бажарганликлари ҳақида ҳисобот топширадилар. Ўқитувчилар жамоаси учун илмий тадқиқот



ишларини ўқитувчилик фаолияти билан қўшиб олиб бориш хос. Илмий салоҳият ўқитувчига педагогик маҳоратни эгаллаш имконини беради.

Аспирантлар бириктирилган кафедра олдида юқори малакали олимларни, ўқитувчиларни тайёрлаш вазифаси туради. Кафедра жамоаси учун ҳар бир ўқитувчининг мажбуриятларини ва меҳнатини аниқ белгилаш керак. Ўқитувчилар кафедра жамоаси олдида маълум вазифаларни бажариш учун жавобгардир.

Олий мактаб кафедралардаги ўқитувчилар жамоаси юқори тайёргарлик даражасига эга. Улар орасида энг қуйи даража олий маълумот, юқори даража эса академик илмий унвонига эгалар ҳам бор. Кафедра аъзоларининг ёши 22-23 ёшдан бошлаб, инсоннинг ўқитувчилик фаолиятига жисмоний имкониятлари тугагунча давом этади. Агар ҳаётини тажриба ёшга тўғри боғлиқ бўлса, педагогик тажриба эса олий ўқув юртида ишлаш стажини билан боғлиқ.

Ўқитувчилар жамоаси фаолиятининг хусусиятларига фаннинг энг янги ютуқларидан хабардор бўлиш, илмий тадқиқот ишларини ўқитувчилик билан қўшиб олиб бориш лозим.

Кафедранинг ҳар бир жамоаси ўқитувчиларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари, кайфиятлари, қизиқишларини ўз ичига олган психологик муҳитни характерлайди. Психологик муҳит кафедра фаолияти маҳсулдорлигига, жипслашганлик даражасига, интизомга, ишчанликка ва ҳар бир ўқитувчи шахси шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ўзаро муносабат бу кафедра аъзоларининг ўқитувчилик, жамоат ва илмий тадқиқот фаолиятлари жараёнида ўзаро алоқалари, ўзаро боғлиқликларидир.

Ўзаро ҳаракат ва ўзаро муносабатлар ўқитувчиларнинг жамоадаги ўрни, обрўси, бажарадиган вазифалари, стажини, ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларига боғлиқ бўлади.

Кафедра жаммасининг ижтимоий фикри – бу кафедра фаолияти ва ҳаётининг турли томонларига ўқитувчилар, аспирантлар, лаборантларнинг муносабати ифодаланадиган баҳолар, истаклар, талаблар мажмуидир.

Жамоа кайфияти бу умумий узоқ давом этувчи ҳиссий ҳолат бўлиб, умумий ва индивидуал фаолият маҳсулдорлигига таъсир қилади.

Ҳақиқий жипслашган кафедралар учун икки хил даражада бирлашиш хос: хизмат соҳасида ҳамда ички, руҳий, ҳиссий ўзаро

муносабатлар соҳасида бирлашиш. Одамлар қанчалик кўп бир-бирини ёқтиришса, уларнинг психологик жипслашганлиги шунчалик юқори бўлади, уларнинг жипслашганлиги жамоани ташкил этиши шунчалик юқори бўлади.

Кафедрадаги психологик иқлим ҳам ўқитувчилар фаолиятига катта таъсир қилади. Бунда кафедра мудирининг роли бекиёсдир. Кафедра жамоасини жипслаштиришнинг муҳим омили жамоада интизомни сақлашдир. Интизом барча учун баробар бўлиб, интизомнинг бўшаши жавобгарликни сусайтиради.

Кафедра ҳақида олий таълим ҳужжатларида қуйидагилар баён этилган:

1. **Кафедра** олий ўқув юрти (факультет) тузилишидаги бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, илмий ва услубий ишларни амалга оширувчи, талабалар орасида маънавий маърифий ишларни олиб борувчи, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи асосий тармоқ (бўғин) ҳисобланади. Кафедра Факультет деканига ёки бевосита ректорга бўйсунди.

2. Кафедра камида бешта ўқитувчи мавжуд бўлганда, улардан биттаси фан доктори ёки профессор даражасига ва камида иккитаси фан номзоди ёки доцент унвонига эга бўлганда тузилади. Жисмоний тарбия, чет тиллари, графика ва чизмачилик, расм ҳамда мусиқа кафедралари, одатда, камида иккита ўқитувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлганда тузилади. Кафедра ўқув - тарбиявий ва илмий жараёни таъминловчи ўқув, илмий лабораторияларга, кабинетларга, марказларга ва бошқа тармоқларга эга бўлиши мумкин.

3. Кафедрани, одатда, профессор ёки фан доктори даражасига эга бўлган, танлов асосида сайланган кафедра мудирини бошқаради. Кафедра таркибига профессорлар, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистентлар, катта ва кичик илмий ходимлар, докторант ва аспирантлар, шунингдек, стажёрлар, муҳандис - техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлар кирилади. Сўнги олий таълим меъёрий ҳужжатларига кўра кафедра мудирини фан номзоди бўлса, у фақат беш йил кафедра мудирини бўлиши мумкин.

4. Кафедранинг фаолияти учун шахсий масъулият кафедра мудирини юклатилади. Кафедра мудирини олий ўқув юртининг барча тармоқларида кафедра фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама ва ҳал этилишида иштирок этади; кафедранинг, ўқитувчиларнинг,

ходимларнинг шахсий иш режасини тасдиқлайди; кафедра аъзоларига педагогик юктамаларни бўлади, вазифаларини белгилайди ва бажарилишини назорат этади; кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш, янги вазифаларга тайинлаш, рақобатлантириш, интизомий чоралар кўриш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади; зарур шарт-шароит яратишни талаб этади.

5. Кафедра фаолияти ўқув, илмий-услубий, маънавий - маърифий, тадқиқот ва бошқа иш турларини камраб олган истиқболли ҳамда жорий (йиллик) режаларга мувофиқ амалга оширилади, режаларнинг бажарилиши кафедра йиғилишида муҳокама этилади.

## **2 . Кафедранинг вазифалари:**

- олий таълимнинг давлат таълим стандарти асосида белгиланган ўқув машғулотларини юксак назарий, илмий-услубий даражада ўтказиш; талабаларнинг малакавий амалиёти, битирув ишлари, мустақил ишларга раҳбарлик қилиш, рейтинг назоратини жорий этиш;

- кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлашга тақдим этиш, турдош кафедраларнинг дастурларига тақриз ва хулосалар тайёрлаш, дарслик, ўқув, услубий кўргазмалар кўлланмалар тайёрлаш;

- иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиш шакл - усулларини такомиллаштириш;

- илмий тадқиқот ишларини бажариш, натижаларини татбиқ этиш, талабалар, аспирантлар, докторантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш, тугалланган ишларни муҳокама этиш;

- кафедра ходимларининг шахсий режалари бажарилишини таъминлаш, илғор тажрибаларни умумлаштириш, янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим тизимини, хорижий олий ўқув юртлари тажрибасини ўрганиш, жорий этиш, таълим хизматлари тизимини ривожлантириш;

-бюджетдан ташқари маблағлар жалб этиш, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар билан алоқа ўрнатиш;

- олий ўқув юртини битирганлар билан алоқа ўрнатиш. Хорижий ҳамкорлар, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқалар ўрнатиш.

Кафедра иши маҳсулдорлигини икки гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** талабалар жамоасида, шахсдаги ўзгаришларни акс эттиради: талабаларнинг фанни эгаллаганликлари, фанлар бўйича мустақил ишлаш малакаларини эгаллаганликлари, ўқув фаолияти шароитида, фанлар бўйича билимларни оҳиста қўллаш кўникмаси.

**Иккинчи гуруҳ:** Кафедра иши маҳсулдорлигининг кўрсаткичи муҳим педагогик вазифаларни ҳал қилишда жамоа ва раҳбарнинг маҳорати билан боғлиқ, яъни зарур ўқув тарбиявий натижаларга олиб келадиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва тизими, кафедра илмий ишларининг муваффақияти ўқув ишларининг натижалигига, таълимни янги методларини эгаллаш интенсивлиги, талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифати билан боғлиқ.

• Муаммоли вазият: Сиз кафедра мудирисиз. Қўл остингиздаги ўқитувчингиз эрталаб ишга келиб, 1-парани тугатиб уйига кетиб бораётган эди. Сиз қаерга кетаётганини сўраганингизда, дарсини ўтиб бўлиб, уйига кетаётганлигини айтди. Сиз иш вақти тугамаганлигини айтдингиз, бироқ ўқитувчи индамасдан кетиб юборди. Мазкур вазиятни баҳоланг ва уни ҳал этинг.

## II-ҚИСМ.ОЛИЙ МАКТАБДА ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ

### ТАЛАБАЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ВА ЭЪТИҚОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

#### Режа:

1. Шахс тизимида дунёқараш ва эътиқоднинг роли.
2. Дунёқараш тизими ва унинг билим, маҳорат, фикр, эътиқодлар билан боғлиқлиги
3. Илмий дунёқарашнинг кўрсаткичлари, умумийлик, қатъийлик, англаганлик, ўз-ўзини фикрини ёқлай олиш, фаол курашувчанлик, ён бериш.

#### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда шахс тизимида дунёқараш ва эътиқоднинг роли, дунёқараш тизими ва унинг билим, маҳорат, фикр, эътиқодлар билан боғлиқлиги, илмий дунёқарашнинг кўрсаткичлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг шахс тизимида дунёқараш ва эътиқоднинг роли, дунёқараш тизими ва унинг билим, маҳорат, фикр, эътиқодлар билан боғлиқлиги, илмий дунёқарашнинг кўрсаткичлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг шахс тизимида дунёқараш ва эътиқоднинг роли, дунёқараш тизими ва унинг билим, маҳорат, фикр, эътиқодлар билан боғлиқлиги, илмий дунёқарашнинг кўрсаткичлари ҳақида тушунчаларни шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

**Дунёқараш** - табиат ва жамият ҳақидаги фалсафий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий илмий қарашлар ва нуқтаи назарлар тизимидир. Дунёқарашда ижтимоий турмуш акс этади, у муайян тарихий даврда инсон эришган билим даражасига ва ижтимоий тизимга боғлиқ.

Инсоннинг дунёқарашини бу теварак атрофдаги борлиқ, табиат ҳақидаги, оннинг борлиққа муносабати, бошқа одамлар ва ўзи ҳақидаги билимлар, қарашлар, маслақлар системасидир. Дунёқараш инсон фаолияти, ўзаро муносабатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Дунёқараш табиат ва жамиятнинг умумий қонуниятларини очиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиради ёки аксинча, унга салбий таъсир этади. Шахс дунёқарашини мураккаб психологик

тузилма бўлиб, унинг фаолияти мақсадлари, мотивлари ва барча сифатлари ривожланишига таъсир кўрсатади. Илмий дунёқараш кишига теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларни тўғри англашга имкон беради. Дунёқараш воқеа, ҳодисаларни тўғри тушуниш, хабардор бўлиш каби вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам у шахснинг маънавий, мафкуравий, ғоявий-сиёсий, илмий-ахлоқий ва эстетик ривожланишида, ижтимоий фаоллигида муҳим асос, бирлаштирувчи фактор бўлиб, кишининг хулқи, хатти-ҳаракатларини бир мақсадга йўналтиради, ўз ғояларини ва жамиятнинг инсонпарварлик идеалларини рўёбга чиқаришда қатъий бўлишга даъват этади. Дунёқараш онг шаклларида бири бўлиб, инсоннинг атроф-оламга, унда ўзининг тутган ўрнига бўлган қараши, нуқтаи назарини англатади. Албатта, ҳар бир одамнинг теварак-атрофда, табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга нисбатан ўз муносабати, қараши, фикр-мулоҳазаси бор. Лекин бу муносабат, қараш, фикр-мулоҳазалар унинг ҳаёт тажрибаси, билим даражасига, эътиқодига қараб ҳар хил бўлади. Шу маънода дунёқараш иккига, яъни кишининг турмуш шароитидан келиб чиқадиган, ҳар бир одамнинг ақл-идрокига асосланган оддий дунёқарашга ва илмий дунёқарашга ажратилади. Шунингдек, дунёқарашлар тўлалиги, кенглиги, чуқурлиги жиҳатидан ҳам фаркланади. Дунёқараш маълум қарашлар, эътиқод ва идеалларнинг умумлашган тизими бўлиб, у кишининг табиий ва ижтимоий муҳитга муносабатини ифодалайди. Дунёқараш кишидаги билим, тажриба ва ҳиссий кечинмаларнинг бирлашмаси, кишининг бутун фаолияти ва ҳаётининг ғоявий йўналишини белгилайди. Дунёқараш ўзининг психологик тузилишига кўра билимлар, қарашлар ва маслакларни ўз ичига олади. Бу таркибий қисмлар объектив ва субъектив хусусиятга эга. Дунёқарашнинг объектив хусусияти шундаки, у билимлар, илмий ҳақиқатлар тизимидан иборатдир. У табиат ва жамият ҳодисаларининг объектив жиҳатларини англаш, тушуниш билан боғлиқ бўлиб, ҳамма одамлар томонидан бир хил қабул қилиниши, тушунилиши мумкин. Табиийки, илмий билимларни эгаллаш илмий дунёқараш ҳосил бўлиши учун замин яратади. Лекин шуниси ҳам борки, айрим кишилар билимдон бўлсалар ҳам, дунёқарашни хато бўлиши мумкин. Демак, билим ўз-ўзидан кишининг дунёқарашини белгилайвермайди. Билим кишида дунёқарашни шакллантириши ва ўстириши учун у, субъектив аҳамият касб этиши, унинг нуқтаи

назари, қараш, эътиқодига, идеалларига айланиши лозим. **Билимлар** бу инсоннинг борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни билиши натижасидир. Билимлар илмий, ҳаётий, англаш, ва формал бўлиши мумкин. Қарашлар фақатгина билимларгина эмас, шахснинг борлиққа муносабатининг маълум даражада ифодаланганлигидир. **Қарашлар** - нарса ва ҳодисаларни тушуниш, англаш тизими бўлиб, кишининг табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида фикри, хулосаси, нуқтаи назари, муносабатини билдиради. Кишининг қарашлари дунёни англаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг хулқига, хатти-ҳаракатларига таъсир этади. Лекин кишининг қарашлари ҳамма вақт ҳам унинг хатти-ҳаракатларида тўғридан-тўғри намоён бўлавермайди. Баъзан кишининг фикри, нуқтаи назари тўғри бўлса ҳам, амалда унинг тескарисини қилиши мумкин. Қарашлар - бу билимларни ўзлаштириш, баҳо тушунишдир. Улар материалистик, идеалистик, тўғри ва хато бўлиши мумкин.

Маслаклар бу билиш, ҳиссий, иродавий ва мотивацион таркибий қисмларнинг бирлашмаси бўлиб, ҳиссий ва иродавий интилишлар билан суғорилган билимлардир. **Маслак** инсоннинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ички асосидир. Маслакнинг мустақамлиги инсонга ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрида қолишга имкон беради.

Талабаларда дунёқарашни шакллантириш учун уларни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларда ғоявий эътиқодни ривожлантириш жамиятга, табиатга, шахсга меҳнат фаолиятига илмий қарашларни шакллантириш, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини тушуниш, давлат сиёсатини амалга оширишда ўз ролини англаш, келажакка ишонч, дунёқараш билан тарбиялаш зарур. Илмий дунёқарашни шакллантириш бу хулосалари фан асосларидаги билимларга таяниши, замонавий таълим нуқтаи назаридан асосланган шахсий хулосаларга айланиши зарур. Бир гуруҳдаги талабаларнинг дунёқарашини ҳар хил бўлади. Баъзиларда улар қарама-қарши бўлиб мақсадга йўналтирилгандир. Уларнинг илмий қарашлари ҳаётий тушунчалар ва теварак атроф ҳақидаги тасавурлар билан қўшилиб кетган бўлади. Баъзан диний ақидапарастликлар шахснинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Дунёқарашнинг муҳим қисми эътиқоддир. Эътиқод – бирор ғояга қаттиқ ишонч бўлиб, кишининг фаолияти, хулқи ва шахс

сифатида ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказади. Эътиқод жуда қудратли куч, эътиқодли одамни у танлаган йўлдан қайтариш амри маҳол. Шу маънода эътиқодни кишининг ҳаёт йўлини, унинг хулқи ва хатти-ҳаракатларини белгилайдиган, пухта ўйлаб, англаб олинган, қалбидан чуқур жой олган мавқуравий, ахлоқий эстетик ғояларнинг бирикмаси дейиш мумкин. Эътиқод бу шахснинг мураккаб ақлий-ҳисий кечинмалари ва ҳаёт тажрибаси асосида ҳосил бўлади. Бу жараёнда орттирилган билим кишининг қалбига чуқур ўрнашади, унинг хатти-ҳаракатлари учун туртки сабаб бўлади, ирода кучига айланади. Эътиқод – бу киши пухта ўйлаб олган, унинг ҳис-туйғусига таъсир этадиган рухий-маънавий куч бўлиб, киши ҳар қандай шароитда ҳам ундан воз кечмайди.

**Эътиқоднинг мезонлари** қуйидагилар: қатъийлик, маслакни ўз ичига оладиган билимларнинг чуқур англашганлиги ва умумлашганлиги, уларнинг тўғрилигига ишониш, ўз фикрини, эътиқодини ҳимоялаш зарур бўлганда кучли ҳисларни намоён қилиш, ҳар қандай ҳолатда уларни ўзгартирмаслик, эътиқодни ҳаётда мустақил қўллаш қўникмаси, иш ва сўз бирлиги. Дунёқарашнинг белгиларидан бири идеалдир. Идеал бу энг юксак камолотни англаш ва унинг олийжаноб мақсадга, энг юксак орзу ва тилакка, яшашдан мақсадга айланишидир.

Талабаларнинг дунёқарашни ҳақидаги билимларни мустақил ўрганиш ва фойдаланиш эътиқодни шакллантиришнинг муҳим шартидир. Шундай қилиб, дунёқараш талабалар фаолияти ва руҳиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқитувчидан билимларни беришда /мазмунлилик, мантиқийлик, ҳиссийлик, ҳаёт билан боғлиқлик,/ ғоявий эътиқод, шахсий намуна кўрсатиш, иш ва сўз бирлиги талабалар фаолиятига моҳирона раҳбарлик талаб этилади.

Талабаларда дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим шarti дунёқараш ҳақидаги билимлар, ғояларнинг шахсий қарашлар ва маслакларга айланиши ҳисобланади.

Талабалар ва ўқувчиларда қараш, эътиқод ва идеалларни ҳосил қилишга имкoн берадиган нарса, бу ғоялардир. Илмий дунёқараш ҳосил қилишда талабалар ўқувчилар ўзлаштирадиган табиий, гуманитар ва эстетик предметларга доир билимларнинг муҳим аҳамияти бор. Шу предметлар мазмунига сингдирилган табиат, жамиат ва инсон онгининг ривожланиши ҳақидаги ғоялар бу соҳада ҳал қилувчи роль ўйнайди. Демак, ҳар бир бўлажак



мутахассис бу ғояларни яхши англаб, тушуниб олиши ва ўқувчиларда илмий дунёқараш ҳосил қилишда ундан усталик билан фойдаланиши лозим.

Илмий дунёқараш ҳосил қилишнинг замини билимларни чуқур ва пухта англашдир. Талабаларда илмий дунёқарашни тарбиялаш учун илмий ҳақиқат, қарашлар ва эътиқоднинг ўзаро боғлиқлиги асос қилиб олинishi зарур. Демак, билим дунёқарашнинг негизини ташкил этади. Оламда, теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга муносабатни билдириш учун киши, аввало бу ҳодиса нималигини билиши, у ҳақда атрофлича ва тўғри тушунчаларга, билимларга эга бўлиши лозим. Шу боисдан талабаларда дунёқарашни шакллантириш жараёнида аввало, уларга фан асосларини, илмий билимларни чуқур ва пухта ўргатиш зарур. Кишининг билими пухта, кучли бўлса, у фактларни, ҳодисаларни чуқур таҳлил эта олади. Талаба илмий тушунчалар, қонуниятлар ва ғояларнинг моҳиятини чуқур англаган бўлса, ўз нуктаи назари ва эътиқодини ҳосил қилиши учун кенг тарбиявий имконият яратилади. Талабаларнинг билими саёз чала-чулпа, режасиз бўлса, дунёқарашни ўстиришга, салбий таъсир этади.

Ўрта ва олий мактабларда берилаётган билимлар уларнинг қарашини, эътиқодини ва мақсадига айланиши учун таълим-тарбия ишларини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- талабаларда дунёқарашни шакллантиришга имкон яратадиган назарий ҳулосалар, актларнинг барчаси илмий жиҳатдан исботланган, мантиқан ишонарли бўлиши, бири иккинчисини рад этмаслиги лозим. Бунинг учун бирор ўқув материални баён этаётганда аниқ, ишончли фактларга асосланиш ва уни чуқур таҳлил қилиш керак;

- ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорликни очиб бериш ҳам дунёқарашни шакллантириш учун муҳимдир;

- шаклланаётган шахс ўзида дунёқараш ҳосил қилиши учун ўрганилаётган ҳодиса, жараёнларнинг, сабаб-оқибат боғланишлари ҳақидаги турли назарияларни холисона, илмий тўғри баён этиш зарур;

- таълим-тарбия жараёнида ўрганилаётган материал, ҳодисага қизиқишни уйғотиш лозим. Талаба саволлар бериб, табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеаларни чуқурроқ англаб, билиб олишга интилин. Жамиятда, ҳаётда учрайдиган айрим

хатоларнинг сабабларини чуқур таҳлил этиш, ёшлар билан очик-ойдин мунозара қилиш, улар иккиланаётган, шубҳаланаётган саволларга бирлашиб жавоб излаш таълим-тарбия жараёнининг муҳим қисми бўлиб, талабаларда дунёқарашнинг шаклланишига кучли таъсир этади.

- Билимлар талбаларнинг қараши ва эътиқодига айланиши учун муҳим шартлардан яна бири таълимнинг мафкуравий йўналишидир. Асосий ғоялар таълимнинг мазмунида, дастур ва дарсликларда мавжуд. Гап улардан ўринли ва моҳирона фойдалана билишда. Энг муҳими – дунёқараш ҳосил қилиш учун зарур бўлган хулоса, қоидаларни аниқлаб, ажратиб кўрсатиш лозим.

# ТАЛАБА ШАХСИНING КАСБГА ЙЎНАЛГАНЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

## Режа:

1. Шахс ва касб. Шахс тизимида касбга йўналганликнинг ўрни.
2. Касбий йўналганликни шакллантиришнинг йўллари.
3. Амалиётнинг касбий йўналганликдаги ўрни.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда шахс тизимида касбга йўналганликнинг ўрни, касбий йўналганликни шакллантиришнинг йўллари, амалиётнинг касбий йўналганликдаги ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг шахс тизимида касбга йўналганликнинг ўрни, касбий йўналганликни шакллантиришнинг йўллари, амалиётнинг касбий йўналганликдаги ўрни ҳақида дунёқарабини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг шахс тизимида касбга йўналганликнинг ўрни, касбий йўналганликни шакллантиришнинг йўллари, амалиётнинг касбий йўналганликдаги ўрни ҳақида дунёқарабини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

## Талабалар шахсида касбий йўналганликни шакллантириш

Талаба олий ўқув юртида турли фанларни ўрганиш натижасида унда касбий йўналганлик шаклланади, яъни ўз билим, тажриба ва қобилиятини танлаган касби соҳасида кўллаш учун шахсий интилиш пайдо бўлади. Шахснинг касбий йўналганлигини такомиллаштириш истаги, ўз касби соҳасида меҳнат қилиб, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш истагини ўз ичига олади. Касбий йўналганлик - касбий фаолият мақсад ва вазифаларини тушунишни ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Касбий йўналганлик мазмунидаги ижобий ўзгаришлар бўлғуси касб билан боғлиқ бўлиб, мотивлар мустаҳкамланишида кўринади: иш буйича ўз мажбуриятларини яхши бажаришга интилиш, билимдон мутахассис сифатида ўзини кўрсатиш, мураккаб ўқув вазифаларини муваффақиятли бажаришга интилиш кучаяди, ишда муваффақиятга эришиш истаги кучаяди.

Талабаларда касбий йўналганликни шакллантириш учун касбни эгаллаш имкониятларига ишонтириш, бўлғуси ишнинг

келажагига ишонч ҳосил қилиш, меҳнат анъаналарини тарғиб қилиш, касбнинг ишлаб чиқариш ва эстетик томонларини, унинг ижодий характерини кўрсатиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва бир қатор чора-тадбирлар кўришни, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этиш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув-тарбиявий жараёни, илғор ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда энг асосийси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни тақозо этди.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Президентимиз И.А.Каримов Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўла рўёбга чиқса, ижобий равишда «портлаш эффекти» содир бўлишини башорат қилиб, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири саволларига берган жавобда: «... ишончим комил, агар бу ислохотни амалга оширсак тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарадорлигига эришамиз», - деб таъкидлайди.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талабаларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мултимедиалардан фойдалана олиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялаш, ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Малакали кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз равишда ривожлантириш эҳтиёжи ва турли ишлаб чиқариш соҳаларида катта иш стажи билан фаолият юритаётган шахснинг ўз

имкониятларини тўлиқ амалга оширмаслиги шахсни ҳар томонлама касбий фаолиятда ўзини намоён қилиши муаммосини юзага келтирди. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб келгуси касбий фаолиятдаги муваффақиятни сифатли таълимни ва режалаштиришни амалга ошириш мумкин эмас.

Бу муаммонинг амалий аҳамияти уни турли фан доиралар қаторида психология доирасида ҳам ўрганишнинг муҳимлигини кўрсатиб берди. Талабаларнинг касбий шаклланиш жараёнини ўрганишдаги қийинчиликлар қобилиятлар ва касбий қобилиятларнинг ишни бажаришнинг муайян бир усулига асосланган норматив фаолиятга йўналтирилганлигидадир. Шунинг учун ҳам касбий етуклик даражаси ажратиб кўрсатилмайди, балки фақатгина ёш хусусияти ва мутахассис сифатида юритилаётган вақт инobatта олинади.

Шахс ва фаолиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири жараёни динамик характерга эга бўлиб, бу жараён психологияда *мутахассис шахсини шаклланиши* муаммоси доирасида ўрганилган (Бодров, 1991; Зеер, 2003; Климов, 1986, 1996; Кондаков, Сухарев, 1989 ; Кудрявцев, 1981, 1985; Кудрявцев, Шегуров, 1983; Поваренков, 1989; Реан, 2003; Сафин, Ников, 1984 ва бошқалар). Бу муаммони ўрганишнинг муҳим нуқтаси *«профессионал (мутахассис)», «профессионализация (касбий шаклланиши)», «профессионализм», «компетентлик», «малака»* ва *«касбий етуклик»* тушунчалари ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, охириги тушунча («касбий етуклик») меҳнат субъектининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланиб, у мутахассиснинг шаклланиши («профессионализация») жараёни ва унинг натижаси («профессионализм», «компетентлик», «малака») сифатида намоён бўлади. «Касбий етуклик» тушунчасининг моҳияти қатор жаҳон психологларининг (Деркач, 2002; Деркач, Зазыкин, 1998; Зеер, 2003; Носкова, 2000; Поваренков, 1999; Реан, 2003; Толочек, 2005) тадқиқотларида ўрганилган, лекин меҳнат субъектининг бу хусусиятларини шаклланиш жараёни, унинг касбий фаолиятда намоён бўлишини ўзига хос жиҳатлари ва мутахассис шахсини шаклланишининг бошқа компонентлар билан ўзаро алоқасини характерли томонлари етарлича кенг ўрганилмаган. Бизга маълумки, айнан талабалик давридан бошлаб шахснинг касбий шаклланиш, касбга йўналганлик шакллана бошлайди. Талабанинг касбий шаклланиши ва йўналганлиги муаммоси кўпгина

муаллифлар томонидан кўриб чиқилган. Психолог М.Г. Давлетши. касб танлашни уч босқичдан келиб чиққан ҳолда шахснинг касб-хунарга ярқлиги (лаёқати) нинг ички томонларини очишга ҳаракат қилади.

А) кадр танлаш даврида шахснинг умумий ярқлиги (лаёқати);

Б) касб-хунар танлашда унинг қайси касб турига лойиқлиги;

В) касбга ўргатишда шахс сифатларини шакллантириш имкониятининг мавжудлиги ҳақидаги саволларга жавоб олишга интилади. Муаллифнинг фикрича, ўспириннинг касбга ярқлигини аниқланганда уч муҳим нарсага эътибор қилиш мақсадга мувофиқдир: касбга муносабат, қобилият, кўникма ва малакалардан иборатдир.

Талабалик даври ўспиринлик даврининг ўзига хос мураккаб босқичларидан бири ҳисобланади, чунки айнан мана шу даврда шахсда касбий билим, кўникмалар билан бир қаторда муҳим касбий сифатлар ҳам таркиб топиб боради. Талабалик даврида касбий сифатларнинг шаклланиши муаммоси қатор тадқиқотлар доирасида ўрганилган. Кўпгина жаҳон ва хориж олимларининг таъкидлашича, бугунги кунда касбий сифатларни шаклланиши ўзининг аҳамиятлилик даражасига кўра инсон эҳтиёжлари орасида биринчи ўринга кўтарилмоқда. Бу муаммо ижтимоий назария ва амалиётнинг муаммолари мажмуаси билан боғлиқ бўлиб, психологиянинг марказий қисмидан жой олган. Талабалардаги касбий сифатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий-маданий шароитлар таъсирида ўзгарувчи алоҳида турлари тадқиқ қилинган.

Замонавий тадқиқотларда талабалардаги касбий сифатлар шахс касбий тараққиётининг асосий мезони ва меҳнат субъектининг етакчи характери сифатида ажратиб кўрсатилмоқда. Ушбу нуқтаи назар жаҳон психологиясидаги мавжуд касбий тараққиёт мезонларини ходимнинг самарали фаолияти даражасидан мутахассиснинг характеристикаси даражасигача ривожланишини мантиқий ёритилиши деб ҳисобланади. Мутахассис меҳнат субъекти сифатида ходимдан фарқли равишда унинг ўзи фаолият мақсадини кўяди, унга эришиш йўли ва воситаларини аниқлайди, фаолият натижасига нисбатан маъсулиятни ўз зиммасига олади. У фаолиятни тўлиқ бошқаради, турли амалий вазиятлардан чиқиш йўллари биледи, фаолиятни ташкил қилиш, унинг ўзгариши ва тараққиётини олдиндан кўра билиш қобилиятига эгадир.

Талабаларнинг касбий шаклланишида касбий сифатлар ва тараққиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир: касбий сифатлар бир томондан касбий тараққиёт жараёнида шаклланса, бошқа томондан шахснинг мутахассис сифатида намоён бўлишининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Амалий жиҳатдан бу қуйидагини англатади: янги ижтимоий-иқтисодий динамик шароитда ўз шаънига эга бўлиш учун, рақобатда синмаслик учун, фаровон келажакни таъминлаш учун бўлажак мутахассис, яъни талаба доимий ривожланишда бўлиши, қолаверса, ижтимоий ва меҳнат шароитида ўзининг мавқеини таҳлил қилиб бориши лозим. Шунинг учун касбий сифатларни тадқиқ қилишнинг замонавий йўналиши шахснинг ижтимоий ва касбий тараққиёти жараёни билан боғлиқ жиҳатларни ўрганиш ҳисобланади.

Касбий шаклланиш талабанинг мутахассисга айланиши сифатида инсоннинг ўзи ҳақидаги, касбий ва ижтимоий муҳитдаги мавқеи ҳақидаги тасавурларининг ўзгариши, қолаверса, янги касбий сифатларни ўзида таркиб топтириши, кенг маънода айтадиган бўлсак – шахснинг касбий ўз-ўзини англаши билан ҳамоҳангликда кечадиган жараёндир. Касбий шаклланиш инқирозлари даврида касбий сифатлар яққол намоён бўлади.

Хориж манбаларида талабалардаги касбий сифатларни шаклланиши муаммосини тадқиқ қилишга нисбатан иккита йўналиш кўрсатиб ўтилган: биринчиси, касбий тараққиётга, шахснинг ўз устида ишлашига йўналтирилган, иккинчиси эса, касбий шаклланишнинг ижтимоий томонлари ва омилларига йўналтирилгандир.

Масалан, М.Аргайл 1970 йилларнинг бошларидаёқ талабалардаги касбий сифатлар ва индивиднинг касбий шаклланиши орасидаги боғлиқлик ҳақида ёзиб қолдирган. Шу билан бир қаторда бўлажак мутахассиснинг касбий шаклланиши ўзида қуйидагиларни мужассамлаштирган мураккаб жараён сифатида кўриб чиқилган: касбий тренинглар, фаолиятни амалга оширишга нисбатан қўйиладиган талаблар ва стандартларни ўзлаштириш, касбий гуруҳ доирасида хулқ-атвор нормаларини тушуниш. Айнан меҳнат жамоасидаги бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик индивидга ўзи эгаллаб турган касбнинг аниқ стандартларини ўзлаштириш имконини беради. Касбий меъёрларга амал қилиш индивиддаги касбий сифатларни ўзида таркиб топтиришга ва ўз мавқеини узок вақт сақлаб туришга замин

ҳозирлайди. Шундай экан, талабада муайян бир касбга қўйиладиган талаблар асосида муҳим касбий сифатларни шаклланишига, билим, кўникма, малакаларни таркиб топиб боришига замин ҳозирланиши лозим.

Р.Финчман ишларида асосий эътибор касбни эгаллаш жараёнида, яъни талабаларни касбга тайёрлаш давомида касбий талаблар, ахлоқий нормалар, қадриятларни англашга қаратилади. Касбий сифатларнинг шаклланиш жараёни талабага касбий ўз-ўзини бошқариш имконини берувчи касбий тараққиётни таъминлайди.

К.Мак-Говен ва Л.Хартлар асосий урғуни ўз таркибига касбий ролларни амалга ошириш ва янги қадриятларни, установакаларни ва касбий сифатлар таркибини ривожланиши учун талаб этиладиган махсус билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни қамраб олувчи ижтимоий ўрганиш жараёнига қаратадилар. Педагогларнинг касбий шаклланишини тадқиқ қилиш натижасида қуйидагича таҳлилий хулосага келинган: педагог-талабалар танқидий тафаккур, шахслараро муносабатлар, низоларни бартараф этиш каби соҳалар юзасидан махсус билим, кўникмаларни ўзлаштиришлари, қолаверса, компьютер технологиялари ва турли методларни қўллай олишлари зарур.

Е.Н.Кириянова талабалардаги касбий сифатларни ўзгарувчан касбий шароитларда кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражаси ва кейинчалик касбий ўсиш билан шартланган, муайян бир босқичда субъектнинг касбий маҳорат даражасига эришишни таъминловчи индивидуал белги, касбий шартлар ва касб мазмунининг барқарор мувофиқлиги сифатида тавсифлайди. Олима томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, талабалардаги касбий сифатлар интеграл характерга эга ва бўлажак мутахассисларнинг ўзгача маданият доирасидаги касбий фаолиятга мослашишларини универсал асоси ҳисобланади. Бу касбий сифатларнинг кўп компонентли эканлиги ҳақидаги хулосани келтириб чиқаради. Шахсдаги касбий маҳоратнинг юқори даражаси билан бир қаторда янгида шароитдаги иш жойида кўникма ва малакаларни қўллаш қобилияти таркибига коммуникатив қобилиятлар, эмоционал-иродавий соҳанинг шаклланганлиги, фаоллик, собитқадамлик, кескинлик, стрессга барқарорлик, қолаверса, меҳнат жамоасининг ахлоқий нормаларига амал қилиш киради.



Юқоридагиларни ҳисобга олиб, талабалардаги касбий идентификацияни ўзида касблар дунёсига йўналганлик ва ўзаро таъсирни таъминловчи, касбий фаолиятда шахснинг потенциални тўлиқ амалга оширувчи, қолаверса, танланган касбнинг натижасини ҳамда тараққиёт йўналишини олдиндан кўра билувчи шахснинг когнитив, мотивацион ва ахлоқий характеристикаларини мужассамлаштирган интегратив тушунча деб ҳисобласак бўлади. Муайян бир ахлоқий ва мотивацион тизимдаги, қолаверса, шахсий касбига нисбатан субъектив муносабатлар билан ҳамоҳанг тарзда кечувчи шахснинг меҳнат жамоасида тутган ўрни ҳақидаги тасаввурлари касбий идентификациянинг асосини ташкил қилади. Бу ғоялар талабалардаги касбий идентификация когнитив-мотивацион ва ахлоқий компонентлар билан яхлитликни ташкил қилиши кўрсатиб берилган ва эмпирик тадқиқотларда ўз исботини топган.

Касбий идентификациянинг когнитив компонентига нисбатан анъанавий ёндашув Д.Н.Завалишинанинг ёзишича, талабаларнинг мутахассислар гуруҳидаги нормалар, қадриятлар ва аъаналарни, зарурий билимларни ўзлаштириши билан белгиланади. Ушбу воқелик касбий идентификация сифатида намоён бўлади: «...Ҳеч қандай касбий фаолият ва шахсий тараққиёт касблар дунёсини ва ўз-ўзини англашга йўналтирилган субъектнинг когнитив фаоллигисиз амалга ошмайди».

Касбий идентификация мутахассис шахсининг шаклланишидаги муҳим мезонлардан бири ҳисобланиб, талабаларнинг келажакдаги касбий тараққиёти, касбий ўз-ўзини англаши учун муҳим вазифани бажаради.

Талабанинг касбий шаклланиш жараёнида унинг имкониятларини босқичма-босқич кашф қилиниши ва унинг алоҳида таркибий қисмлари ҳамда структураси ўзгаришининг муҳим манбаси бўлиб аниқ фаолиятнинг моҳиятини очиш динамикасидаги мақсадга йўналганлик ҳисобланади. Психологик тузилиш билан мувофиқ адекват фаолликни талаб қилувчи мақсадлар тизимини аниқлаш, танлаш, унга эришиш ва алоҳида фаолият таркибий қисмларининг мазмуни ҳамда кўзланган натижага эришиш учун психик зўриққанликнинг мувофиқлик даражаси ҳам талабанинг психик тараққиёти манбаси бўлиб ҳисобланади. Тараққиётнинг бу механизми предметли фаолият мотивларининг шаклланиш ва аниқлаштирилиш жараёни, унинг

меҳнат жараёнининг ҳар бир босқичида ўзгаришларни аниқ бир фазасини босиб ўтувчи, мазмун жиҳатдан бойиб боровчи ва фаолиятнинг йўналганлигига, психик ва касбий тараққиётни ҳаракатлантирувчи омилларга айланадиган мотивацион-эҳтиёжларни бошқариш билан бевосита боғлиқдир (Бодров, Бессонова, 2005).

Талабанинг касбий шаклланиши, шахснинг мутахассисга айланиш жараёни фаолиятнинг операционал томонини эгаллаш қобилиятини қидириш ва яратиш, фаолиятнинг психологик тизими компонентларининг ўзаро алоқаси ва мазмунини ўзлаштиришни ўз ичига қамраб олади.

Бу жараёни бошқаришнинг асосий механизмларидан бири ўзи ҳақидаги тасаввурларнинг (Мен-концепцияси), «Мен-мутахассис» образи ва мутахассис моделининг намунасини шаклланиши, қолаверса, бу тасаввурларнинг мувофиқлиги, улар орасидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган субъектив моделларнинг роли қатор тадқиқотларда ўз аксини топган бўлиб, улар: «стереотиплашган касбий намуналар шахс тажрибасининг тўлиқ интеграциясига йўл кўймайди, бу вазиятда касбий шаклланиш шахс тараққиёти учун тўсиқ бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин», деган ғояни тасдиқлайдилар (А.Ренан, 2003). Фақатгина индивидуаллаштирилган, қолаверса, шахснинг индивидуал хусусиятларини инobatга олган ҳолда яратилган касбий намунагина шахс тараққиёти учун хизмат қилиши мумкин, чунки улар муайян бир шахснинг ўзига хос хусусиятлари билан мувофиқ бўлади. Талабанинг психик соҳасини ўрганиш натижалари мутахассис шахси шаклланишини бошқариш жараёни билан психик функцияларнинг ривожланиш ҳолатини алоқадорлигини тушунишда муҳим аҳамият касб этиб, меҳнат фаолиятининг шахсга таъсири характерини акс эттирувчи меҳнат ютуқлари даражасини аниқлаб беради.

Талабанинг касбий шаклланиши, ўзининг ҳаётий позициясига, мақсади ва ҳаракатлар дастурига, фаолият жараёни ва натижаларига нисбатан муносабатга ҳамда шу каби қатор махсус хусусиятларга эга бўлган мутахассис шахсининг шаклланиши субъектнинг шахс тараққиёти қонуниятларини енгиб ўтиши, фаолият детерминантлари таъсирида унинг ҳаётга психологик қарашларининг ўзгариши натижаси ҳисобланади. Мутахассис

шахсининг шаклланишини ўзига хос хусусиятлари талабанинг касбий шаклланишига нисбатан профессиоенетик ёндашувнинг асосий хусусиятларини аниқлаб беради. Бу ёндашув талабанинг бўлажак касбий фаолияти давомида ижтимоий ва психологик ривожланиши қонуниятларини ўрганиш асосига қурилган. Бунда касбий тараққиёт жараёнини фаол бошқариш имкониятлари ва шахснинг меҳнат фаолиятига яроқлилиги кўриб чиқилади. У фақатгина шахс тараққиёти хусусиятларини ва мутахассис шаклланишини ўрганишга қаратилган бўлмай, балки мавжуд фаолият турларини, фаолиятга мослашиш жараёнини психик бошқариш механизмлари ва шахснинг мавжуд имкониятлари ҳамда касбий талаблар орасидаги мувофиқликни психологик таҳлил қилади, қолаверса, обрўли касб ва фаолият турларининг психологик хусусиятларини прогностлайди. Оммавий ва обрўли касбий фаолият турларини психологик таҳлил қилишнинг самарадорлиги фаолиятни режалаштиришдаги техник ва технологик қарорлар ва шу билан бир қаторда, шахсга нисбатан касбий талаблар характери ҳамда фаолиятнинг психологик назарияларини аҳволи ҳақидаги маълумотлар ёрдамида аниқланди.

Профессиоенезнинг марказий нуқтасида талабанинг касбий шаклланиши ва уни бир неча жиҳатларини кенг кўламда кўриб чиқиш туради:

Биринчидан, *шахс тараққиёти* сифатида – бу талабанинг фаоллик даражасига боғлиқ ва етакчи фаолият характериға асосланган ҳолда аниқ бир ёш даврида намоён бўлади. Психик тараққиёт энг аввало, меҳнат мотивларининг шаклланиши, касбий муҳим сифатларнинг фаоллашиши ва аниқ бир фаолиятнинг талабларига мувофиқ равишда шахс қобилиятларининг таркиб топиши билан яқунланади.

Иккинчидан, *субъект ижтимоийлашуви* сифатида – бу индивид томонидан ижтимоий нормаларнинг ўзлаштирилишида, ижтимоий тажрибани шахсий касбий установакалар тизимида қўллашда, кадриятлар ва фаолият дастурида, ижтимоий ролларни қабул қилиш ва ижтимоий масалаларда намоён бўлади.

Учинчидан, *субъектнинг касбий ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини намоён қилиши* сифатида – бу ҳаёт фаолияти давомида касбий шаклланишга замин тайёрлайдиган ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, ҳаётий тажриба ва ҳаёт тарзи орқали намён бўлади. Ҳаёт давомида тараққий этиш ва касбий

шаклланиш ёш даврларида, шахс ҳаёт-фаолияти босқичларида акс этиб, жамият талаблари ва шахснинг ўзини-ўзи намоён қилишга интилиши орасидаги қарама-қаршиликларга боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, касбий шаклланиш *шахс фаоллиги* шаклида намоён бўлади ва характерланади – бунда шахс шаклланишининг динамик шароитлари ва уни шахсий ҳаракатларининг фаолият билан мувофиқлиги кўриб чиқилади (Абульханова-Славская, 1991; Ананьев, 1981; Бодров, 1991; Климов, 1988; Маркова, 1996 ва бошқалар).

Юқорида кўрсатилган профессиогенезнинг ўзига хос хусусиятлари бўлажак мутахассис-талаба шахсининг узлуксиз равишда шаклланиши, талабанинг касбий камолотга эришишга интилиши, бундан ташқари шахснинг онгли фаолият соҳиби, ижтимоий қадриятлар ижодкори, ҳар томонлама камол топган шахс, олий тоифали мутахассис сифатида шаклланиш жараёнларида акс этади.

Шахс структурасининг архитектуранинг ҳолати ва махсус қобилиятлар, шахс тараққиётида фаолиятнинг роли ҳақидаги маълумотлар, фаолиятнинг динамик тузилиши ва мазмуни ҳамда бу жараён билан боғлиқ равишда шахсга нисбатан қўйиладиган касбий талаблар кейинчалик касбий шаклланишнинг ва бу тизим асосида мутахассисларни психологик саралашнинг такомиллаштириш жараёнини янги қирраларини ўрганишни белгилаб беради. Бу қарашлар экспериментал асосланган бўлиб, унинг негизида талабалардаги касбий яроқлиликни баҳолашга нисбатан структуравий-динамик ёндашув концепцияси ётади (Бодров, 1995; Бодров, Писаренко, 1994).

Талабанинг касбий шаклланиши тараққиёт жараёни сифатида мутахассиснинг қатор якуний натижаларга эришиши, айниқса, юқори даражадаги профессионализм, малакага, компетентликка ва етукликка интилишида мужассамлашади. Бу тавсифларнинг ҳар бири касбий шаклланганликнинг ўзига хос хусусиятларини, шахс тараққиёти даражаси ва хусусиятларини, энг асосийси, бу жараённинг натижаларини муҳокама қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлажак мутахассис-талабани етук шахсга айланиши субъектнинг фақатгина касбий тараққиёти босқичида амалга ошмайди. Умуман олганда, шахс бутун умри давомида комиллик сари одимлайди, яъни шахснинг маънавий-ахлоқий, этик,

психологик дунёқараши ва бошқа хусусиятлари жамият талабларига мувофиқ равишда шаклланиб боради. Талаба шахсининг касбий фаолият жараёнига жалб қилинганлиги уни янги талабларга мувофиқ равишда шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, мотивацион-қадриятлар тизимини, меҳнат установакаларини шаклланишида, ҳаёт мазмунини ва фаолиятни коррекция қилишда акс этади. Умуман олганда, касбий фаолият учун меҳнат самарадорлигини, ишончлилигини ва хавфсизлигини таъминлаш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг меҳнатда ривожланишига, талабаларда «Мен-бўлажак мутахассисман» концепциясининг шаклланишига, ўзини-ўзи тасдиқлашга, ўз имкониятларини намоён қилишга ва ижтимоий муҳит ҳамда меҳнат жамоасига тўлиқ мослашишга замин ҳозирлайдиган талабанинг шахсий ва касбий сифатлари, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

### **Талабаларда касбий сифатларни шакллантириш.**

Бўлажак педагогларнинг яхши ташкилотчи, уддабурон ходим, адолатли раҳбар, тадбиркор мутахассис бўлишлари учун уларда атрофдаги одамларнинг психологик хусусиятларини тезда пайқаб олиш, инсонларнинг хулқ-атворини хатти-ҳаракатларини таҳлил қила олиш бошқалар қобилияти, ташкилотчиликка хос бўлган кўникма ва малакаларни эгаллаш, атрофдаги одамларга сўз ва ифода кучи билан таъсир этиш. ташкил қилинаётган ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўзига хос хусусиятларига мос муносабат усулларини танлай олиш қобилиятларини шакллантириб бориш керак.


Педагогик фаолият муваффақиятини таъминловчи шахснинг касбий сифатларини ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнида қуйидаги вазифаларни тавсия қиламиз:

- бўлажак педагогларда касбига мойилликни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини I курсданок аниқлаш;

- талабаларда касбий мойилликни аниқлагач, уларни касбий сифатларини ривожлантириш.

Бўлажак педагогларни касбий тайёрлашни кучайтириш, ихтисосликка доир фанларни чуқур ўрганиш ва педагогик маҳоратни эгаллаш назарий билимларни амалиёт билан олиб боришга ўрганиш, ташкилотчилик қобилиятларини оширишга эътибор кучайди. Шунингдек замонавий педагогларга педагогика психологияга доир фанларни ўргатиш янада кучайди.

Талабаларда касбий қизиқишнинг шаклланиши



## Талабаларда касб одобини такомиллаштириш

Олий мактабда талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий йўналишларидан бири бўлажак мутахассисларда **касб одобини** шакллантиришдан иборат. Бу танлаган касбга муҳаббатни ўстириш, касб одобига хос ахлоқий тушунчалар, хулқий нормаларни ҳосил қилишни назарда тутати. Масалан, талабалар онгида педагогик касб одобини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар, педагогика ва психология ҳамда ихтисос фанлари кафедралари муҳим рол ўйнайди. Чунки ўқитувчи одобини педагогика ва психологияни, шунингдек, ихтисослик фанларини ўрганиш натижасида, педагогик касбни бевосита амалда эгаллаб олиш туфайли шаклланади.

Педагогик касбларни танлаган талабалар биринчи семестр давомида «Ўқитувчилик ихтисосига кириш»ни ўрганадилар. Бу курснинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- педагогик касбнинг шахсий ва ижтимоий қиммати, аҳамиятини, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган демократик жамиятда унинг ўрни, вазифалари ва хусусиятларини очиб бериш;

- ўқитувчини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг тизими, мазмуни, шакл ва методларини баён этиш;

- олий мактабда таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилишини, мустақил ишлаш методикасини ўрганишдан иборат. «Ўқитувчилик ихтисосига кириш» курсини ўрганиш педагогик касбнинг моҳиятини чуқур англашга, мустақил ўқиш, илмий ишлар, жамоат ишларида онгли равишда ва фаол қатнашишга ёрдам беради. Бу фанни ўрганиш бўлажак ўқитувчиларнинг фаолияти ва тафаккурини профессионал-педагогик йўналишда шакллантиришга, олий мактабда таълим олиш шароитларига кўнникиш ҳосил қилишларига имкон беради.

Айрим олий ўқув юртларида иккинчи курсдан бошлаб ўқитувчи одобини шакллантиришга ёрдам берадиган махсус фанлар ўқитилади. Масалан, «педагогик этика» ўқитувчи одобидан факультатив машғулотлар ўтказилади. Унда педагогик касбнинг ахлоқий характери, ўқитувчи одобининг тушунчалари, норма ва қоидалари баён этилади. Бу бўлажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммал шакллантиришга ёрдам беради.

Талабаларда ўқитувчи одобини шакллантириш педагогика ва психология ҳамда ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида ҳам

амалга оширилади. Бу фанлардан ўқитилаётган мавзуларнинг мазмуни билан боғлиқ равишда талабаларнинг эътибори касбий ахлоқ-одоб масалаларига жалб этилади.

Истиқболли режаларнинг баъзиларида олий ўқув юртини битириб мактабларда, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртларида, корхоналарда ишлаётган кишилар билан учрашувлар, уларнинг профессионал малакасини оширишга ёрдам берадиган бошқа тадбирлар ҳам мўлжалланади. Бу олий мактабни битириб чиққан кишилар билан учрашувлар, уларнинг профессионал малакасини оширишга ёрдам берадиган бошқа тадбирлар ҳам мўлжалланади. Бу иш алоҳида диққатга сазовордир. Чунки у мутахассислар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган барча ишлар натижасининг самарадорлигини аниқлашга, хусусан университетни тамомлаб чиққан ёш ўқитувчиларнинг ахлоқий сифатлари шу кундаги талабларга қай даражада мос келишини аниқлашга ёрдам беради.

Талабаларнинг баркамол шахс сифатида ривожланиши – унинг фаоллигига боғлиқ. Талабалар бажарадиган касбий ўқув-билув меҳнати, ижтимоий фойдали ишлар, унумли меҳнат ёшларда касбий малака ва кўникмаларни, қобилият ва характерни, бошқа шахсий сифатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқиш ва ижтимоий фойдали меҳнат натижасида шахснинг фуқаролик қиёфаси тарбияланади, шахс ва жамият манфаати йўлида хизмат қилиш кўникмаси ҳосил бўлади, меҳнатга ва мулкка муносабат ҳисси ривожланади. Фаолиятнинг барча турларида изчил қатнашиш талабанинг мустақиллиги ва ижтимоий фаоллигини оширишда асос бўлиб хизмат қилади, уларда профессионал-касбий сифатлар ва ахлоқий фазилатларни ўстиришга имкон беради.

### **Талабанинг касбий билимдонлиги**

Педагогик маҳорат юксак даражадаги маънавий етуклик ҳамда педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқени ифодалайди.

Педагогик маҳоратнинг асосини педагогик билимдонлик ташкил этади. Педагогик билимдонлик, деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, нормалар, стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.



Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиятини кўзда тутаётган экан, демак у етарли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим бўлади.

Касбий-педагогик билимдонликни бош кўрсаткичи, бу инсонга, шахсга йўналганликдир.

Касбий-педагогик билимдонлик педагогик воқеликни изчил идрок эта олиш ва унда изчил ҳаракат қила олиш малакасини қамраб олади. Бу хислат педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди ҳамда мақсадга мувофиқ фаолиятни конструкциялашни осонлаштиради.

Билимдонлик олий мактаб ўқитувчиси учун ўта муҳим бўлган 3 та ҳолат билан боғланган замонавий педагогик технологияларни эгаллашни тақозо этади:

- одамлар билан ўзаро алоқада бўлишда, маданий мулоқотда бўлиш;

- фан соҳаси бўйича ахборотларни қабул қила билиш ва уни ўқитиш мазмунига мослаб қайта ишлаш ва ундан мустақил таҳсил олишда фойдалана олиш;

- ўқув ахборотларини бошқаларга бера олиш.

Касбий-педагогик билимдонлик асосан 4 та компоненти билан характерланади:

- шахсга, инсонга йўналганлик;
- педагогик воқеликни изчил идрок этиш;
- фан соҳасига йўналганлик;
- педагогик технологияларни эгаллаш;

Ҳозирги таълим жараёнида касбий-педагогик билимдонлик яна 3 компонент билан тўлдирилади:

- билимдонлик, умуман, ўз фаолиятини жаҳон педагогик маданияти даражасида ишлаб чиқилган тажрибалар асосида ташкил этиш қобилияти ҳамда унга ва Ватанимиздаги педагогикага интеграциялаша олиш;

- ўз сафдоши вазифаси ва инновацион тажрибалар билан ўзаро самарали муносабат ўрнатиш қобилияти;

• ўз тажрибаларини умумлаштириш ва бошқаларга бера олиш малакасида намоён бўлади.

Педагогнинг касбий билимдонлиги креативлик билан характерланади.

Креативлик - бу касбий ҳаёт усули, кўп қиррали таълим жараёни ва тизимнинг мақсадлари, мазмуни, технологиялари сатҳида янги педагогик воқеликни яратиш истаги ва малакасидир. Креативлик ўқитувчига инновацион ўзгаришлар оқимига мослашиб олишига ёрдам беради.

Ҳар қандай даражадаги касбий билимдон педагогик рефлексияга қодирдир.

Рефлексия – фикрлашнинг махсус усули бўлиб, педагогик воқеликка, тарихий-педагогик тажрибага, муайян касбий мавқенинг ташувчиси бўлган ўз шахсиятига қайта назар ташлашдир.

Юқоридаги касбий педагогик билимдонликни ташкил этувчи барча компонентлар мураккаб тузилмани ҳосил қилиб, мутахассиснинг «идеал модели»ни шакллантира боради ва натижада зич бирлашиб кетади ҳамда ўқитувчи шахси фаолияти тавсифини белгилайди.

Билимдонлик фақат фаолият жараёнида ва фақат конкрет касб доирасида намоён бўлади ва баҳоланади.

Талабаларни касбий йўналтириш олий мактаб олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир. Шундай экан, талабаларнинг касбий сифатларини шакллантириш ва касбий педагогик мулоқотини ҳамда касбий билимдонлигини ривожлантириш зарур.

Касбий – педагогик мулоқот – педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ижтимоий психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айирбошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларни ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий билимдонлик- педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

Касбий тайёргарлик – бўлажак мутахассисларнинг психологик, психо физиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёрлиги ҳисобланади.

Ушбу юқоридаги хислатларни талаба-ёшларда шакллантириш ва такомиллаштириш замонавий етук мутахассисларни баркамол тайёрлашнинг асоси, пойдеворидир.

# ОЛИЙ ТУЙГУ ВА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

## Режа:

1. Олий туйгулар классификацияси. Ақлий, интеллектуал - эстетик ва праксис ҳислар
2. Талабаларда олий ҳисларни тарбиялаш, уларни нормаларини ўзлаштириш.
3. Талабаларнинг иродавий сифатларни ўз-ўзида тарбиялаш хусусиятлари.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда олий туйгулар классификацияси, ақлий, интеллектуал - эстетик ва праксис ҳислар, олий ҳисларни тарбиялаш, уларни нормаларини ўзлаштириш, талабаларнинг иродавий сифатларни ўз-ўзида тарбиялаш хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг олий туйгулар классификацияси, ақлий, интеллектуал - эстетик ва праксис ҳислар, олий ҳисларни тарбиялаш, уларни нормаларини ўзлаштириш, талабаларнинг иродавий сифатларни ўз-ўзида тарбиялаш хусусиятлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг олий туйгулар классификацияси, ақлий, интеллектуал - эстетик ва праксис ҳислар, олий ҳисларни тарбиялаш, уларни нормаларини ўзлаштириш, талабаларнинг иродавий сифатларни ўз-ўзида тарбиялаш хусусиятлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

## Олий туйгулар

Талабаларнинг олий ҳислари илмий дунёқараш асосида маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслигига боғлиқ равишда. ўзлаштирилган ҳаёт нормаларининг бажарилишига боғлиқ равишда юзага келади. Олий ҳислар орасида ахлоқий-сиёсий, интеллектуал ва эстетик ҳислар муҳим ўрин тутади. Ватанни севиш, ўқишни, ўз ўқув юртини, ўз касбини севиш, байналминаллик ҳисси ва бошқалар талабаларнинг ахлоқий, сиёсий ҳисларига қиради. Улар талабанинг дунёқарашини, ахлоқий маслакларини, қарашларини билан чамбарчас боғлиқ.

Талабаларнинг ақлий ҳислари, ақлий билиш фаолияти, айниқса янги қийин вазифаларни ҳал қилиш жараёнида яққол кўринади. Интеллектуал ҳисларга: янгиликни ҳис қилиш, қизиқувчанлик, ҳайрон қолиш, ҳайратга тушиш, топилган ечимдан қониқиш, шубҳаланиш кирилади. Интеллектуал ҳислар билимларни ўзлаштириш жараёнида, талабаларнинг барча ўқув ишларида муҳим ўрин эгаллайди, улар фикрлашга ундайди, предмет ва ҳодисаларнинг фаолиятини англашга ёрдам беради.

Маълумки, интеллектуал ҳиссиётлар деганда ақлий фаолият давомида одамда вужудга келувчи ўзига хос ҳиссий кечинмалар тушунилади. Турли муаллифлар (К.Изард, 2000; И.А.Васильев, 1998; К.К.Платонов, 1984) бундай ҳиссиётлар жумласига ҳиссий кечинмаларнинг ҳар хил турларини киритишига қарамай, деярли барча таснифларда ҳайратланиш, қизиқиш, шубҳаланиш каби ҳиссиётлар такрорланади. Ушбу ҳиссий кечинмаларнинг алоҳида ҳиссиётлар гуруҳига ажратилиши учун уларнинг ақлий фаолият билан ўзига хос функционал-генетик алоқадорлиги асос қилиб олинади. «Бундай ҳиссиётлар, - деб ёзади И.А.Васильев, - нафақат ақлий фаолият давомида вужудга келади, балки улар бундай фаолиятда йўналиш олади, унинг муваффақияти ва муваффақият-сизлигини ақлий фаолият мотивлари нуқтаи назаридан баҳолайди ва ушбу баҳо асосида яқинда субъектнинг билиш эҳтиёжини қондириш учун фикрлаш жараёнига фаол таъсир кўрсатади».

Ижодий қобилиятлар ҳамда ижод психологияси соҳасида чуқур изланишлар олиб борган деярли барча тадқиқотчилар креатив шахсларга одатда ҳиссий таъсирчанлик хос бўлишини, тарихда, ҳатто, айрим буюк ижодкорлар турли ижодий асарлар билан танишиш жараёнида кўз ёшгача ўта таъсирлангани, хушини йўқотгани ҳақида маълумотлар мавжудлигини қайд этадилар. Негаки, барча турдаги ижодий фаолият ва унинг маҳсулларида ўзига хос эстетика, шакл нафосати, композицион тартиблашганлик, тизимлилиқ элементларини топиш мумкин. Тадқиқотларда креативлик кўпинча одамнинг ўзига ишончи кенг маънода гўзалликни ҳис эта олиш, қизиқувчанлик, шахс сифатида етукликнинг юқори даражаларига эриша туриб, оламни болаларча идрок этишга мойиллик сингари хусусиятлар билан яқин алоқадорликда бўлиши исботланган.

Эстетик ҳислар борлиққа эстетик муносабатнинг кўринишидир. Эстетик ҳислар турлича: қониқиш, завқланиш,

қахрамонликни ҳис қилиш, нафратланишни ҳис қилиш ва бошқалар қиради. Бу ҳислар талабалар фаолиятини фаоллаштиради, таълимнинг зарурлигини тушуниш имконини беради, ўртоқларининг ноҳўя ҳаракатларини муҳокама қилиш, пунктуал бўлишга чорлайди ва хонанинг тозалигига эътибор беришга, ўқув ва бошқа вазифаларни аниқ ва тўғри бажариш имконини беради.

Талабаларда олий ҳисларни қандай қилиб ривожлантириш мумкин деган савол туғилади? Биринчи навбатда чуқур билим олиш орқали ривожлантириш мумкин.

Талабалар орасида ўртоқлик ва дўстлик муносабатларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўртоқлик ва дўстлик ҳислари уларнинг кайфиятини кўтаради, қийинчиликларни енгишга ва яхши интилишни кучайтиради. Ахлоқий ва эстетик ҳисларнинг ривожланишига аудиториянинг безатилиши, ётоқхонадаги тозалик ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Талабаларнинг ирода ва иродавий хислатлари доимо фаолиятда, ўқишдаги қийинчиликларни енгишда, якуний назорат топшириш, диплом ишларини химоя қилиш каби қийин вазиятларда кўринади.

Талабаларнинг иродавий хислатларида шахсининг фаоллиги, ўз-ўзини бошқариш қобилияти, ўз хулқ-атворини бошқаришда кўринади. Талабаларни иродавий тайёрлашда иродани намоён қилишга ижобий мотивларнинг орғиши, иродавий хулқ-атвор тажрибасини эгаллаш, ўз-ўзини тарбиялашда мақсадга интилувчанлик муҳим роль ўйнайди.

Ахлоқий-маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шаклланишнинг муҳим шартларидан бири бу ахлоқий ўз-ўзини англашдир. Э.Ғ.Ғозиев, В.А.Токарева раҳбарлигида Б.Т.Гаппиров «Талабаларда ахлоқий ўз-ўзини англашнинг ўқув жараёнидаги динамик тараққиёти» мавзудаги номзодлик диссертациясида бу муаммони ҳар томонлама ўрганган. (8) Муаллифнинг таъкидлашича, ахлоқий ўз-ўзини англаш тараққиётининг курслараро динамикаси талабанинг субъект сифатида ўзгариши билан белгиланади. Худди мана шу субъектликнинг ўзгариши шахсининг ўз-ўзига нисбатан муносабатини кескин ўзгартиради. Ахлоқий ўз-ўзини англашнинг тараққиёти субъектлик, ўзлик ва Менлик ўртасидаги ўзаро боғлиқнинг динамикасида акс этади.

Талабалар фаолиятининг шароитлари, вазифалари, уларнинг ҳиссий жараёнларида акс этади. Талабанинг ҳиссиёти унинг ички

дунёсини бойитади, унинг идрокини ёрқин ва мазмунли қилади, фаолликка ундайди, қийинчиликларни энгишга ундайди.

Фанда ҳиссий ҳолатларда организмдаги ўзгаришлар яхши ўрганилган. Талабалар фаолиятида, айниқса, зўриқиш пайтларида /олий ўқув юртига топшираётган, давлат имтиҳонлари ва ҳоказо/ ҳиссиёт мақсадга эришишда ва кучларни бир жойга тўплашда муҳим ўрин эгаллайди, психик фаолликка ундовчи ва кучайтирувчи ўзига хос регулятор вазифасини бажаради.

Ўқув ва жамоат вазифаларини бажариш қарор қабул қилиш, қийинчиликларни энгиш, ўзини бошқариш иродани талаб қилади. Шунинг учун ўзини бошқариш талабалар фаолиятларини муваффақиятли бажаришнинг психологик заминидир.

Талабаларда ироданинг ривожланганлиги турлича бўлиши мумкин. Ироданинг энгилмаслиги, ўқув тартибининг бўлишига сабаб бўлиши мумкин, талабанинг билимлардан нотўғри фойдаланишларига, имтиҳонларда ақлий қобилиятларининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Талабанинг психик ҳолати - бу психикасининг вақтинчалик ҳолати бўлиб, психик жараёнлар кечишига ва шахс хусусиятлари намоён бўлишига таъсир кўрсатади. Психик ҳолатлар, фаолиятда мустаҳкамланиб, шахснинг мустаҳкам хислатига айланиши мумкин. Талабалар фаолиятига таъсир қиладиган ҳолатларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

Ижобий Ўзига ишониш Тетиклик Кўтаринкилик Жамланганлик Фаол ҳаракатларга тайёрлик	Салбий Ўзига ишонмаслик Чарчаш Иккиланиш кўрқоқлик паришонлик
---	--

Талабанинг ижобий ҳиссий ҳолатларини қўллаб- қувватлашда ўқитувчининг роли катта. Талабани тушуниш, ҳаракатларнинг режалчилиги, ўйланганлиги уларда ижобий психик ҳолатларни сақлаб қолишга ёрдам беради. Талабалар психик ҳолатлари, сабаблари ва моҳиятини билган ҳолда, ўқитувчининг талабалар фаолиятини бошқариш маҳсулдор бўлиши мумкин.

# ТАЛАБАЛИК ДАВРИДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

## Режа:

1. Психологияда ирода муаммоси
2. Шахсда иродавий сифатларнинг шаклланиши
3. Талабалик даврида иродавий сифатларни намоён бўлиши

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда ирода муаммоси, шахсда иродавий сифатларнинг шаклланиши, талабалик даврида иродавий сифатларнинг намоён бўлиши ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг ирода муаммоси, шахсда иродавий сифатларнинг шаклланиши, талабалик даврида иродавий сифатларнинг намоён бўлиши ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг ирода муаммоси, шахсда иродавий сифатларнинг шаклланиши, талабалик даврида иродавий сифатларнинг намоён бўлиши ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

*Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган иродаси бақувват шймони бутун ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.*

*И.А.Каримов*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини таълим муассасаларида жорий этиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Улар қаторида таълим самарадорлигини ошириш учун ўқувчи-ёшларда иродавий сифатларни таркиб топтириш борасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу борада шундай дейди: «Эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган ўз кучи ва имкониятларига таянадиган. Атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган айни замонда

шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

### **Психологияда ирода муаммоси**

Гуманитар яъни инсон муаммоларига эътиборни ортиши билан ўз-ўзидан иродани ўрганиш ҳам долзарб муаммога айланиб бормоқда. 17-19 асрларда бу муаммо энг марказий психологик тадқиқот масалаларидан бири эди. Бироқ психология фанида 20-аср бошларида рўй берган инқироз туфайли у иккинчи даражали бўлиб қолди, уни мутлақо инкор этиш мумкин эмас.

Арасту ўз даврида иродани жон ҳақидаги фаннинг муҳим тушунчаси деб эътироф этган. Унинг фикрича, ирода инсоннинг хулқ-атворини ўзгартиришга, бошқариш имкониятига эга бўлган омили сифатида кўрсатади.

Ироданинг тадқиқоти узоқ тарихга эга бўлиб, инсон муайян билимлар тўпланиши туфайли шахснинг иродаси табиатини тушунишга илмий ёндашув вужудга келди. 18-асрдаёқ Гоббс ва Спинозалар таъкидлаб ўтганидек, ирода фаоллик манбаидир. Спинозанинг фикрича, ирода билан ақл айнан бир нарсадир. Унга бундай тасдиқий муносабатнинг туғилиши иродани илмий нуқтаи назардан тушунишни шакллантирган бўлса, иккинчи бир томондан у мустақил субстанция сифатида тан олинди. В.Вунтнинг фикрича, ироданинг негизда апперцепция актнинг субъекти томонидан ички фаоллик, уники эканлигини ҳис этиш ётади. Унинг бу таълимоти эмоционал ёки аффектив ном билан психология орасига кириб келди. У.Джемснинг тан олишича, иродавий ҳаракатларни руҳий жараёнларга қориштириб бўлмайди, бирламчи хусусиятга эгадирлар. Ҳар қандай гоя дастлаб динамик анъанага эга бўлганлиги туфайли иродавий актнинг вазифаси диққат маркази гоянинг бошқаси устидан устиворлигини таъминлашдан иборатдир.

Психологияда етарли даражада қатъий фикр қарор топганки, ирода бу инсоннинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган онгли фаоллигидир. Ирода тушунчаси моҳиятига инсон томонидан мақсад қўя олиш қобилияти, ўз эмоциясини бошқариш, шахсий гавдасини ва хулқини идора қилиш қиради. В.И. Селиванов томонидан иродани тадқиқ этиш негизидан келиб чиққан ҳолда айрим хулосалар чиқаради:



А) ирода - бу шахснинг фаолиятини ва ташқи оламдаги ўзини-ўзи бошқариш шаклларини англашнинг тавсифидир.

Б) ирода - инсоннинг яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб, у онгнинг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир.

В) ирода - бу амалий онг ўзгарувчи ва қайта қурилувчи олам шахснинг ўзини онгли идора қилишидир.

Г) ирода - бу шахснинг ҳиссиёти ва ақл заковати билан боғлиқ бўлган хусусиятдир, аммо қайсидир ҳаракатнинг мотиви ҳисобланмайди.

В.И.Селиванов ироданинг психологик жабҳаларини ёритаётиб, у шундай ғояни илгари суради, инсон онгини жараёнлар, ҳолатлар, ҳислатларни ўзида мужассамлаштирувчи яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шахснинг у ёки бу онгли ҳаракати ўзининг тузилишига кўра у бир даврнинг ўзида ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам иродавий ҳисобланади.

Тадқиқотчи В.А.Иванников эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади, шунингдек ҳаракат маъносининг ўзгариши ҳисобига уни тормозловчи ёки қўшимча туртки яратувчи имконият, янги реал мотивларни ҳаракат билан бирлаштирувчи ёинки вазиятнинг тасаввур мотиви тариқасида талқин қилади. Иродавий бошқарилувчи эса ҳаракатни «ихтиёрий бошқарилув кўринишларининг биттаси сифатида» тушунилади, бунда бошқарилув мотивациянинг ихтиёрий ўзгариши орқали амалга оширилиши таъкидланилади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ирода шахснинг ўз олдига қўйган қийинчиликларни енгиб ўтишида намоён бўлиш билан белгиланади.

Психология фанида иродани тушуниш таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмагандай, иродавий сифатларнинг маъновий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, умумий қарашлар мажмуаси мавжуд эмас. Жумладан, В.А.Крутецкий ўз асарларида иродавий сифатлар таркибига собитқадамлик, мустақиллик, қатъиятлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, интизомлилиқ, дадиллик, жасоратлилиқ ва тиришқоқликни киритади.

П.М.Якобсон бўлса ироданинг муҳим сифатларини мустақиллик, қатъиятлилиқ, тиришқоқлик, ўзини уддалашга ажратади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сирасига А.И.Шчербаков қуйидагиларни киритади, яъни собитқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилиқ, уринчоқлик

ва тиришқоқлик, дадиллик ва қатъиятlilik, чидамlilik ва ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлик.

Психолог В.К.Калин юқоридагиларга мувофиқ равишда иродавий сифатларни таснифлашга қарор қилади. Унинг нуқтаи назарича, асосий иродавий сифатлар иродавий жараёнлар асосида вужудга келади, аммо бунда унинг интеллектуал ва ахлоқий жабҳалари иштирок этмайди.

У асосий сифатларни аниқлаш учун онгнинг қуйидагича намоён бўлишини танлайди.

- А) фаоллик даражасини ортиши
- Б) зарур бўлган фасллик даражасини қувватлаш
- В) фаоллик даражасини пасайиши.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи қуйидаги сифатларни мулоҳаза учун тавсия қилади, яъни ғайратlilik, чидамlilik, вазминлик. Агарда бу жараёнларда интеллектуал негиз иштирок этмаса, шу нарсани тушуниб бўлмайди, қайсики ҳал қилувчи қурилма ҳисобига вазият баҳоланади ва ҳаракатни кучайтириш, қувватлаш, пасайтириш тўғрисидаги бўйруқ берилади.

В.К.Калин асосий тизимга кирмаган иродавий сифатларни иккиламчи деб номлайди, чунки уларда билимлар, кўникмалар, эмоция ва интеллектнинг пайдо бўлиши мужассамлашади. Муаллиф қатъиятlilikни иккиламчи сифатлар қаторига киритади, ваҳоланки унинг фикрича, у ўзига маҳлиё қиладиган ҳистуйғуларни енгилдан шунингдек, рад этилган вариантлардан ишончсизликни тўсишдан ташкил топади. У тиришқоқликни ҳам иккиламчи сифатлар таркибига киритади.

Чунки уларда объектнинг тўпланганлиги ифодаси ўз аксини топган, равшан ҳаётий кадр-қиммат мужассамлашган.

Психолог Н.Ф.Добринин тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга рангли қилиб ишланган олмахоннинг расмини кўрсатган, сўнг уни чизишни тавсия қилган. Сурат олиб қўйилганидан сўнг уни чизишни тавсия қилган. Сурат олиб қўйилганидан сўнг болаларда олмахон тўғрисида қатор саволлар пайдо бўлган. Бундан кўриниб турибдики, уларда ҳали ирода шаклланмаган.

Одатланиш орқали ирода сустлашади., шунинг учун К.Д.Ушинский болани фақат ўзини қизиқтирган нарса билан эмас, балки уни қизиқтирмаган нарса билан ҳам шуғулланишга ўргатинг,

бола ўз бурчини бажаришдан қаноатланиш учун ишлайдиган бўлсин, деб уқтирган эди.

Таълим жараёнида ўқув материалларининг маъносини, моҳиятини эслаб қолиш орқали ўқувчиларда ирода такомиллашади. Уларни А.А.Смирнов тавсия қилган усул ва воситалар билан куроллантириш ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади.

А.И.Висоцкийнинг таъкидлашича, кишининг иродаси ўз сифатлари яъни кучи, ахлоқийлиги, мустақиллиги жиҳатидан айрим ҳолларда турлича намоён бўлади. Ирода маълум кучга эга бўлади, баъзи ҳолларда иродаси кучли бошқа ҳолларда эса кучсиз намоён бўлади. Кучли иродага косманавтларнинг иродаси мисол бўлади. Киши иродасининг кучсизлиги унинг арзимас қийинчиликларни енга олмаслигида кўринади. Масалан, бирор ишни бажаришга ёки бирор ишни бошлашга ўзини мажбур қила олмайди. Ирода кучи - ўзини тута билишда, жасурлик, қатъият, матонат ва чидамликда намоён бўлади. Ўзини тута билиш - кишининг олдига қўйган мақсадларни амалга оширишга қаршилиқ қиладиган ички ҳолатини енгишда кўринадиган иродадир. Ўзини тута билиш оғриқ ҳиссини, толиқиш, кўрқув ва ғазабни енгишда намоён бўлади. Ўзини тута билиш айна пайтда кераксиз бўлган рефлексларга, одатларга йўл қўймасликдир. Дадиллик – кишининг ҳаёти ва омонлиги учун ҳавфли бўлган қаршилиқларни енгишда кўринадиган кучли ирода. Масалан, парашютчи ҳар гал сакраганда дадиллик қилади. Дадиллик ўзини тута билиш билан боғлиқдир.

Мустақиллик иродавий ҳаракатлар мотивларида ва шу билан биргаликда қарор қабул қилишда намоён бўлади, дейди Л.А.Шифман. Мустақилликнинг моҳияти шундан иборатки, одам ўз иш-ҳаракатларининг теварак атрофдагиларнинг тайзиқи, тасодифий, таассуротлар билан эмас, балки ўз ишонч эътиқодларини билимлари ва тегишли вазиятда қандай иш тутиши кераклиги ҳақида тасаввурларга асосланиб белгилайди. Мустақилликнинг қарама-қарши томони таъсирланувчанликдир. Бу шундан иборатки, бунда одам ўзгаларнинг таъсирига тез берилади ҳамда унинг ҳаракат мотивлари ўзида таркиб топган хусусий қарашлар ишонч ақидалар асосида эмас, балки ташқаридан кўрсатилган таъсир натижаси сифатида пайдо бўлади. Қатъият ўйлаб қўйилган қарорни муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи ғоят муҳим сифатдир. Қатъийлик одамдан узоқ вақт давомида ҳеч бир пасаймайдиган иродавий зўр бериш ва куч-қувватни тақазо қилади.

Белгиланган мақсадга эришишдаги қийинчиликлар одамни хайқиртирмайди, оғишмай интила боради. Қайсарлик одам оқилона асосларга эга бўлишига қарамай ҳаракат қилиш иллатида илгари оз ўйлаб қабул қилинган қарорлардан воз кечиш қобилиятига эга бўлишидир. Қайсарлик шароитга тик қарамай ўзгарган вазиятга эпчиллик билан мослаша олмаганликдир. Мана шундай ҳолларда одам иродасининг сустиги намоён бўлади.

### **Иродавий жараён босқичлари**

К.И.Корниловнинг таъкидлашича, иродавий иш-ҳаракатлар куйидаги жараёнлардан иборат. А) Иродавий иш-ҳаракатларда мақсад қўйиш. Шахснинг олдиндан бирор мақсад қўйиб ва шу мақсадга эришиш воситаларини олдиндан белгилаб, онгли равишда зўр бериши ирода дейилади. Кишининг шунга мос келадиган онгли ҳаракатлари эса иродавий ёки ихтиёрий ҳаракатлар деб юритилади.

Аммо шуни айтиш керакки, кишида ғайри ихтиёрий (ироладан ташқари) фаоллик ҳам бор. Бу фаоллик ихтиёрий ҳаракатларда ҳам катта роль ўйнайди. Ғайри ихтиёрий фаоллик онгимизга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан келиб чикувчи ҳаракатларда, яъни ғайри ихтиёрий иш-ҳаракатларда юзага чиқади. Масалан, рефлекс йўли билан бўладиган ҳаракатлар, йўтал, аксириш, кўз пир-пиратиш, қўл беҳосдан қуйиб қолганда ёки унга нина санчилганда қўлни силтаб тортиб олиш шундай ҳаракатларга киради.

Инстинктив ҳаракатлар мураккаб ихтиёрсиз ҳаракатлардандир, - дея таъкилайди П.П.Иванов.

Инстинктив ҳаракатлар одамда ҳам қисман бор. Ихтиёрий ҳаракатнинг дастлабки бошланғич нуқтаси - ҳаракат мақсадининг вужудга келиши ва шу мақсаднинг ўртага қўйилишидир.

Мақсад - кишининг шу пайтда маъқул ёки зарур деб топган иш-ҳаракатини тасаввур этиши демакдир. Мақсадни тасаввур қилиш одатда шу мақсадга эришиш, истак-орзуни ва зарур ишни амалга ошириш йўлидаги интилишга боғлиқ бўлади.

Хатти-ҳаракатдан кутилган мақсад турлича равшанликда тасаввур этилиши мумкин. Мақсад қанча равшан бўлса, унга етишиш йўлидаги интилиш ҳам ўшанча муайян бўлади.

Кишининг ҳаракат мақсади қўлинча бошқа кишиларнинг маслаҳати, илтимоси, буйруғи ва шу кабилар таъсирида келиб чиқади. Умуман ихтиёрий ҳаракатларнинг мақсадлари турли сабабларга, яъни шахсий-субъектив ва ижтимоий-объектив сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу ерда шуни айтиш керакки, кишида келиб чиқадиган эҳтиёжлар дарров яққол тасаввур қилинадиган мақсад тарзида ҳосил бўла қолмайди. Кўнгилдан кечаётган эҳтиёж ва интилишлар турли даражада англаниши ва турлича тасаввур қилиниши мумкин. Масалан, келиб чиқадиган эҳтиёж ва интилишлар баъзан истак тарзида кўнгилдан кечади, киши ҳозирги аҳволидан норозилигини ҳис қилиб туради-ю, лекин қандай мақсадга интилаётганини, бинобарин, шу мақсадга эришишга доир йўл-йўриқларни аниқ билмайди. Истак шундай ҳолатки, бунда одам ўзига алланима етишмаётганини, алланима кераклигини ҳис қилиб туради-ю, бу нарсанинг нима эканлигини аниқлаб ололмайди, яъни уни тасаввур қилолмайди, фаҳмига етмайди. Бундай одамнинг ўзи баъзан «менга бир нарса керак, бир нарса етишмаяпти, аммо бу нарсанинг нима эканлигини ўзим ҳам билмайман» деган гапни кўнгилдан ўтказди. Бошқа кишилар тўғрисида ҳам: «нима истаётганини ўзи билмайди» деймиз.

Е.П.Ильиннинг фикрича, истак пайтида киши қандай мақсадга интилаётганини, бу мақсадга эришишнинг йўл-йўриқларини англаб етмас экан, демак, истакни бевосита амалга ошириб юбориш ҳам мумкин эмас.

Киши нима истаётганини ўзи аниқлаб ололмаётган пайтда одатда бир хил кўнгил ғашлик ҳолатида бўлади. Яъни зериккандек, нимагадир кўнгил ғашдек ва қандайдир «алланечук» бир ҳолатда бўлади. Истак болаларда жуда ёрқин намоён бўлади. Бунинг сабаби шуки, болалар ўзларида туғилган эҳтиёж ва интилишларни турмуш тажрибаси ва билимлари етарли бўлмаганидан аниқ, англай олмайдилар, болалар бундай ҳолатда инжиқлик қиладилар.

Ҳаётда шундай ҳолатни кўпроқ ҳис қиладиган катта ёшли кишилар ҳам учрайди. Бундай киши доимо бир нимадан норози, кўнгил тўлмаган бўлади, доимо зерикади, нолийди, инжиқлик қилади. Бундай кишининг ҳаракати кўпинча палапартиш, уюшмаган бўлади.

Эҳтиёж кўнгилдан кечиб мудом кучайганда шу эҳтиёжни қондиришга интилиш мақсади ҳам англанила бошлайди. Бундай англанилган интилишлар тилак-ҳаваслар деб аталади. Аммо одам ўз интилишларининг мақсадини тасаввур қилганда ҳам, шу мақсадга етиш йўллари ва воситаларини ҳали тасаввур қилолмаслиги мумкин. Бундай тўла англанилмаган интилиш

(тилак-ҳавас) баъзан зўр ҳаёл суриш билан, баъзан эса «чексиз» орзу билан боғлиқ бўлади.

Б) Мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш. Бир кишининг англаб билиб кўнгилдан кечирадиган эҳтиёжлари унинг вазифалари ва интилишларидан кам эмас. Шунинг учун кишида хилма-хил мақсадлар доимо зоҳир бўлиб туради ва бу мақсадларни рўёбга чиқариш истаги туғилади. Ҳар бир кишида амалий ва назарий вазифалар вужудга келиб туради ва ана шу вазифаларни ҳал этиш керак бўлади. Баравар амалга ошириб бўлмайдиган бир неча мақсад келиб чиққанда қандай бўлмасин фақат биттасини танлаб олиб бошқа мақсадларни қўйиб туришга тўғри келади, қайси мақсадни олдинроқ, бошқасини эса кейинроқ амалга ошириш масаласини ҳал қилишга тўғри келади. Баъзи мақсадларни эса қўйиб туришга ҳам тўғри келади.

Баъзан шундай ҳам бўладики, киши олдида бир-бирига зид келадиган бир неча мақсад кўндаланг туради ва шу мақсадлардан бирини танлаб олиш шарт бўлади.

Мақсад қўйиш билан бир вақтда ёки ундан кейин шу мақсадга қайси йўл, усул ва воситалар билан етиш масаласи келиб чиқади.

Кўндалик турмушимизда, иш ёки фаолиятимизда мақсад қўйиш билан бирга уни амалга ошириш усуллари дарров англонади. Шунинг учун бу ерда мақсад қўйиш билан тўппа-тўғри ҳаракат бошланиб кетиши мумкин. Масалан, киши қўлига қалам олишни ҳоҳласа (шундай мақсадни қўяди) уни бемалол олади, ётгиси келса ётади ва ҳоказо. Оддий ихтиёрий ҳаракатлар шу билан таърифланади. Аммо янги мақсадларни қўйишда ёки аввалги мақсадларни янги шароитда кўришда ўша мақсадларга етиш усуллари қидириб топиш, тасаввур қилиш ва ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу ерда мақсад битта бўлгани ҳолда унга бир неча йўл ва усул билан етишиш мумкин. Қандай бўлмасин энг яхши йўл ва усулни танлаб олишга тўғри келади. Айрим ихтиёрий ҳаракатларнинг мураккаблиги, жумладан, шундан келиб чиқади.

Шу тариқа, бир неча мақсад кўнгилга келиб, шулардан бирига турли йўл ва усуллар билан эришиш мумкин бўлса, киши муайян бир мақсадни танлаб олиши ва шу мақсадга етиш учун муайян - энг мувофиқ йўлни танлаб олиши керак. Шунга кўра, ижтимоий меҳнат фаолиятида ҳам, касб-корда ҳам, шахсий ишларда ҳам, бошқа кишиларга бўлган муносабатда ҳам киши ўз интилишларини ва ихтиёрий ҳаракатларини олдиндан режалаштиради.

Режалаштириш мураккаб ақлий фаолият бўлиб, аниқ муайян ва равшан мақсадни белгилаш, шунингдек шу мақсадга етиш учун энг тўғри усул ва воситаларни қидириб топишдан иборат. Режалаштириш жараёнида мумкин ва зарур бўлган ҳамма ҳаракатлар, мумкин бўлган қийинчилик ва тўсқинликлар ҳисобга олинади, иш-ҳаракат натижаларига дастлабки баҳо берилади. Одам асосли режага эга бўлгач, бир қарорга келиши, мақсадига етиши мумкин.

Ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ўз истакларини тўғри режалаштира билиш кўникмасининг бўлиши учун ирода тарбияси ва ўз-ўзини тарбиялаш лозим.

В) Ҳаракат мотивлари ва мотивлар кураши. Турмуш тажрибаси шуни кўрсатадики, мақсадларни ва уларга етиш усулларини танлаш, шунингдек ихтиёрий ҳаракатларни режалаштириш кўпинча махсус қийинчиликлар билан боради.

П.П.Зиминнинг фикрича, киши бирон мақсадни, айниқса шу мақсадга етиш учун бирон йўл ва усулни танлар экан, нега бошқа мақсадни эмас, худди шу мақсадни танлаш керак, бу мақсадга нима учун бошқа йўллар билан эмас, балки мана шу йўллар билан етишиш керак, деган саволни кўнглидан ўтказди. Мақсадни ва унга етиш йўлини танлаш жараёнида унга маъқул ёки номаъқуллиги нуқтаи назаридан баҳо берилади.

Мақсадларнинг ва уларга етишиш йўлларининг маъқуллиги ёки номаъқуллигини белгилаб берадиган ҳамма нарса иш-ҳаракат мотивлари деб аталади. Киши нега бошқа бир мақсадни эмас, балки шу мақсадни ўз олдига қўймоқда, шу мақсадга етишмоқ учун бошқа йўл ва воситалар билан эмас, балки худди шу воситалар билан иш кўришининг ёки иш кўрмоқчи бўлаётганининг сабаби нима деган саволга жавоб мотив деб аталади.

Ихтиёрий (иродавий) ҳаракатлар ғайри ихтиёрий (иродадан ташқари) ҳаракатлардан фарқ қилиб, мотив туфайли содир бўлади.

П.П.Иванов фикрича, инсон иродавий фаолиятининг мотивлари хилма-хилдир. Кишининг интилиш ва хоҳишлари қайси эҳтиёжлардан келиб чиқса, аввало шу эҳтиёжлар ихтиёрий фаолият мотивларига киради. Маълум мақсад ва унга эришиш йўлларини танлаш кўпинча бирор эҳтиёжнинг мазмунига ва аҳамиятига боғлиқ. Кучлироқ эҳтиёж бошқа мотивлар орасида кучлироқ мотив бўлиши мумкин.

Иродавий ҳаракат натижалари тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам иродавий ҳаракат мотивлари бўла олади, чунки бу натижалар маълум ижтимоий ва шахсий аҳамиятта эга бўлиши мумкин. Тасаввур қилинадиган мақсад ва мақсадга эришиш йўллари турли ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлиши билан бирга, маълум даражада жозибали бўлиши мумкин. Ана шу жозибалилик ҳам ҳаракат мотиви бўла олади.

Бирон мақсад ва унга эришиш йўлларини танлаганда ҳар бир киши маълум, даражада ўз дунёқарашига, ахлоқий принципларига эстетик дидларига, шахсий ёки ижтимоий манфаатларига асосланади.

Жамоатчилик фикри ва кишининг шу фикрга муносабати бирон қарорга келишга мотив бўлади.

Одам бирон мақсадни қўйганда, шу мақсадга эришиш йўлларини танлаганда бирон ўртоғи ёки дўсти нима деб билар экан, у нима деяркин, теварак-атрофдаги кишилар нима дейишаркин — менинг ният ва ҳаракатларимни маъқуллашармикин ёки қоралашармикин, деган фикрни кўнглидан ўтказди.

Кўпинча киши фақат ўзи ўйлаб кўриш билангина кифояланмай, айниқса мураккаб вазиятда ва одамнинг ҳаракат мақсадлари бошқа кишиларнинг манфаатларига, коллектив ёки жамият манфаатларига бориб тақаладиган бўлса, ўз ниятлари ҳақида фикр олиш учун бошқа кишилар билан ҳам маслаҳатлашишади. Мақсад ва унга етишиш йўлини танлаш жараёнида одатда тафаккур ва ҳиссиёт иштирок этади.

Тафаккур фаолияти (фикр қилиш) бу борада, асосан ҳар бир мотивга «қарши» ёки «тарафдор»ликни муҳокама қилиб, асослашдан иборат бўлади. Киши мотивларни муҳокама қилишда ва асослаб берганда, одатда, айни ҳодиса юзасидан ёки ўзининг хатти-ҳаракатларида доимо асосланадиган маълум бир фактларидан принцип ва қоидалардан фойдаланади. Мотивни шу тариқа муҳокама қилиш ва асослаб бориш мотивациялаш деб аталади.

Мақсадни ва унга эришиш йўлини танлаш жараёнида ҳиссиёт туртки ролини ўйнайди. Ҳиссиёт айрим тасаввур ва мотивларни ёрқин, жонли ва жозибали қилиб кўрсатади. Ҳиссиёт кишининг интилишларини фаоллаштиради ёки сусайтиради; ҳиссиёт бирон мақсадни, бирон ҳаракат йўлини танлаб олишга туртки беради.



Мақсадларни, уларга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш жараёни баъзан ички кураш характерига эга бўлади, бу курашда турли куч ва жозиблага эга бўлган бир неча мотив «майдонга чиқади». Шунинг учун ҳам бу жараён мотивлар кураши деб юритилади.

Мотивлардан бири кўпроқ асосли, иккинчиси камроқ асосли эканлиги уларнинг кураш жараёнида ойдинлашиб қолади; баъзи мотивлар кучлироқ ҳиссиёт билан майдонга чиқса, баъзи мотивлар суст ҳиссиёт билан майдонга чиқади.

Кўпинча, мотивлар кураши тафаккур (ақл) билан ҳиссиёт ўртасидаги курашдан иборат бўлади; одам баъзан «иккига бўлиниб» қолади: «Ақл уни деса, ҳиссиёт (кўнгил) буни дейди.

Мотивлар кураши баъзан ҳар хил хислар ўртасидаги, масалан, бурч ҳисси билан унга зид бўлган қандайдир бошқа шахсий хис ўртасидаги кураш тарзида боради.

Е.Н.Бакановнинг таъкидлашича, бу мотивлар кураши бир-бирига ўзаро қарши таъсир кўрсатади, қарорга келиш ва уни ижро этишни пайсалга солиб, ирода жараёнини сусайтиради. Мотивларнинг шундай курашида кишида ички низо ҳолати вужудга келади.

Ана шундай ички зиддият ҳолати бу зиддиятдан қутилишга интилиш билан, кўпинча шу зид ҳолатдан қутилиш йўлини енгиллаштирувчи йўллари ахтариш билан боғланган бўлади.

Ички низо ҳолати ғоят кўнгилсиз, нохуш ҳолат сифатида кечишини ҳар ким ўз тажрибасидан билади. Киши дунё ва ҳаётни равшан тасаввур қилгандагина, иш ва ҳаракатларида ахлоқ қоидаларига амал қилгандагина унинг шахсий мотивлари жамият манфаатларига қўшилиб кетгандагина ички низо ҳолатига йўл қўймаслиги ёки ундан қутилиши мумкин.

Келгуси иш-ҳаракат натижаларини ва уларнинг дастлабки баҳосини яққол тасаввур қилиш ички низо ҳолатини юмшатиш учун ва шу нохуш ҳолатдан қутилиш учун айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Г) Қарорга келиш. Мақсадга етишиш йўллари ва воситаларини танлаш жараёни, режалаштириш мотивлар кураши билан боғланган бўлиб, қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш—муайян бир мақсадни ва шу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракат усуллари билан бирини танлаб олиш демакдир. Мотивлар курашида бунинг маъноси шуки, мотивлардан бири ҳал қилувчи роль ўйнаган

бўлади. Масалан, кечкурун қаёққа бориш керак - театргами, ёки ўртоғининг ёнигами деган мотивлар кураши натижасида киши ўртоғиникига бориш ҳақида қарорга келади. Касб танлашга алоқадор мотивлар курашидан кейин бир йигит тракторчи бўлиб етишиш тўғрисида қарор қабул қилади, иккинчиси педагогика институтига кириб ўқишга қарор қилади.

Киши баъзан тез қарорга келади, бу қарорнинг бажарилиши мумкинлигига ишонади - буни қатъият деб атаймиз. Баъзан мотивлар кураши узоқ вақтга «чўзилиб» кетади ва қарор бажарилишига ишончсизлик ҳамда иккиланишлар билан қабул қилинади. Бу қатъиятсизликдир. Масалан, ўрта мактабни битираётган ва битирган баъзи бир йигит-қизлар қайси ўқув юртига ёки корхонага кириш масаласини тез ҳал қиладилар, бошқалари эса жуда узоқ вақт иккиланиб, хаёлга толиб юрадилар. Қатъият одатда жиддийлик вазиятининг енгилланиши, мамнунлик туйғусини туғдирса, қатъиятсизлик иккиланиш ҳисси, жиддийлик туйғуси ва алоҳида ноаниқ, оғир ҳолат билан бирга содир бўлади.

Бирор қарорга келиш суръат бир қанча сабабларга, жумладан, эҳтиёжга, ҳал қилувчи мотив кучига, вазиятга, ҳиссиётга, тафаккур ва хаёлнинг тараққиёт даражасига, кишининг турмуш тажрибаси ва билимларига дунёқарашига, темпераменти ва характерига, бошқа кишиларнинг маслаҳат, буйруқ, илтимос ва таклифларига кулоқ, солишга боғлиқ бўлади.

Бирор қарорга келиш суръати асосан қўйилган мақсаднинг аҳамиятига, бирорта қарорга келтирувчи фаолиятнинг характерига боғлиқ бўлади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладикки, бирор қарорга келишдан олдин аввал ўйлаб, андиша ва эҳтиётлик билан ҳар бир мотивни салмоқлаб ва солиштириб кўришга, «етти ўлчаб, бир кес» қабилида иш тутишга тўғри келади.

Аммо, бошқа ҳолларда вазият ва фаолият мураккаб бўлса ҳам, иккиланмасдан, ҳеч қандай ички кураш йўқдай, суриштирмай бир қарорга келиш лозим бўлади. Мақсад тамсила аниқ бўлганда, бошқа мақсадлар ва бошқа йўл-йўриқлар бўлмаганда ёки бўлиши ҳам мумкин бўлмаганда, мақсадга эришиш (қарорни ижро этиш) жисмонан ёки ахлоқан зарур бўлиб қолганда киши иккиланмасдан тез қарор қабул қилади.

Мураккаб тарздаги мотивлар кураши ва қарорга келиш фақат шундай ҳолларда бўладикки, бунда одамнинг ҳаёти ва фаолияти

учун айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган янги мақсадлар қўйилади ва бу мақсадларни амалга ошириш учун янгича восита ҳамда усуллар талаб қилинади.

Кундалик ҳаётимизда жуда кўп англанилган, тамомила иродавий ҳаракатларимиз узоқ давом этадиган ва жиддий тусдаги мотивлар курашисиз амалга оширилаверади. Бундай ҳолларда одат бўлиб қолган бир тарзда ёки қабул қилинган қоида асосида бирор қарорга келинади.

Қатъият фақат тезлик билан қарорга келишдагина эмас, шунингдек, бу қарорни тез ва дадил бажаришда ҳам зохир бўлади. Тезлик билан қарорга келиши ва уни аниқ белгиланган муддатда бажариш — қатъиятни намоён қилиш демакдир.

П.А.Жоров, Т.Н.Шульганинг таъкидлашича, қабул қилинган қарор қатъий ва мустаҳкам ёки бўш, ўзгарувчан бўлиши мумкин. Бир марта қабул қилиниб, кейинчалик ўзгартирилмайдиган ва маълум вақт давомида албатта бажариладиган қарор қатъий ва мустаҳкам қарор деб аталади. Қарор ўйлаб қабул қилинса ва ижтимоий вазифаларга, шунингдек кишининг ҳаётининг манфаатларига, унинг дунёқарошига, маслақларига мос келадиган бўлса, бундай қарор кўпинча мустаҳкам бўлади.

Қарор қабул қилинса-ю, кейин ё ўзгартирилса, ёки бошқа янги қарор билан алмаштирилса, ёхуд бутунлай бекор қилинса, бундай қарор юзаки ёки бўш қарор деб аталади. Қатъий ва мустаҳкам қарорга келиш ироданинг энг юксак сифатидир.

Қабул қилинган қарорнинг ўзгариши кўпинча яна бу қарор тўғрисида етарли даражада ўйламасликдан, эмоционал ҳолатнинг ўзгаришидан ёки киши ҳаракат қилаётган шароит ўзгаришидан келиб чиқади. Қарорнинг ўзгариши кўпинча, мотивлар курашининг бошланиб кетишига ва охирига марта қатъий қарор қабул қилишга олиб келади.

Иродавий одатлар икки хил бўлади: жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.

Жисмоний ҳаракатларга ҳар хил меҳнат операциялари, ўйин, спорт машғулоти ва бошқалар киради. Ақлий-ҳаракатларга эса масала ечиш, ёзма ишлар, дарс тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва шунинг кабилар киради. Кўп вақт тақдорланиб, улашиб кетган, кўникма ва одат бўлиб кетган ҳаракатлар ҳам мураккаб иродавий ҳаракатлардандир.

Иродавий ҳаракатлар шу пайтда асосан ихтиёрсиз равишда юзага чиқадиган, мақсадларимизга зое келмайдиган ёки салбий ва хатто зарарли деб баҳоланадиган кераксиз ҳаракатларни тўхтатиш ё ўзгартиришда ҳузур этади.

Қарор ижро этиш, одатда, маълум вақт - муддат билан боғлиқ бўлади. Қарор кечикмасдан, белгиланган вақтида ижро этилса, бу - ироданинг ижобий сифатидан далолат беради. Бу эса ишчанлик, пухталиқни билдиради.

Аммо қабул қилинган қарор ҳамиша бажарилавермайди, айрим ҳолларда эса ўз вақтида ижро этилмай қолади. Кишининг баъзи бир ҳолатларида - аъзойи бадани бўшашиб турганда, хафалиқ чоғида, кучлари ва имкониятларидан ҳафсаласи пир бўлиб турганида қарор ҳа деганда бажарилавермайди. Қарорни бажаришда зўр берувчи тўсқинликлар олдиндан назарда тутилмаганда, ёки мақсаднинг ўзи вазият ўзгариши билан керак бўлмай қолганда шундай бўлади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, одам қарор қабул қилади, аммо, қарорнинг ижроси чўзилиб кетади, пайсалга солинади, бошқа муддатларга кўчирилади. Ижроси пайсалга солинадиган ёки бутунлай ижро этилмайдиган қарорлар, ниятлар деб аталади. Анчагина вақтдан кейин, лекин муайян муддат ўтгач ижро этиладиган қарорлар ҳам ниятлар деб аталади. Масалан, ўқувчи ёки студент ўқув йилининг бошида барча имтиҳонларни фақат «аъло» баҳолар билан топширишга қарор қилиши (ният қилиши) мумкин.

Баъзан киши қабул қилган қарорини вазият ўзгариши туфайли бекор қилиб, янги бир қарорга келади, ёки илгари қабул қилган қарорини ўзгарган вазиятга яраша ижро этади.

Кишининг характерини таърифлаганимизда фалон киши дадиллик қилди, рост, тўғри гапирди демасдан, балки бу одам қадил, ростгўй, тўғри сўз деб айтамыз. Бунинг маъноси шуки, дадиллик ва ростгўйлик тўғри сўзлик шу одамнинг хусусиятларидир, характер хислатларидир, тегишли шароитда бу киши дадиллик ростгўйлик тўғри сўзлигини намоён қилади деб кута оламыз. Киши характерининг хислатларини билиб олгач, унинг бирон иш-ҳаракатда қандай йўл тутишини анча аниқ била оламыз, олдиндан айтиб бера оламыз.

Ироданинг айрим хислатлари ва характернинг турли-туман хислатлари ижобий ва салбий бўлади. Ироданинг ижобий

сифатларини ўстириш ирода ва характерни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим вазифасидир.

Бирон кишига хос бўлган барча характер хислатларининг йиғиндиси характер деб аталади.

Кишининг характери ирода сифатлари билангина ифодаланмайди, албатта. Лекин шундай бўлса-да, ирода сифатлари кишининг характерида асосий, ҳал қилувчи ўрин тутати. Шу сабабли ирода, одатда, характернинг «ўзаги», «юраги», «суянган тоғи» деб юритилади.

Энди ирода сифатлари кўринишининг айрим турларига, шу билан биргаликда эса характернинг иродага боғлиқ бўлган айрим хислатларига тўхтаб ўтамиз. Ирода кучи ва характер қатъияти. Ирода маълум куч билан юзага чиқади; баъзи ҳолларда кишининг иродаси кучли суръатда намоён бўлса, бошқа ҳолларда кучсиз намоён бўлади.

Ирода кучи ироданинг муҳим сифатидир. Ирода кучининг турли даражаси иродавий жараённинг ҳамма босқичларида кўринади. Ирода кучи аввало эҳтиёжларни ҳис қилишда ва интилишда кўринади; биз кучли ҳамда кучсиз интилишларни, кучли ва кучсиз хоҳишларни фарқ қиламиз.

Ирода кучи равшан ва аниқ мақсад қўйишда, шунингдек, мазкур мақсадга етишга ёрдам берадиган йўл, восита ва усулларни очик тасаввур қилишда намоён бўлади. Бу очик-равшанлик даражаси эса кишининг турмуш тажрибасига, билимига ва умумий савиясига боғлиқ. Равшан мақсад қўйишда инсон тафаккури ва айниқса реал ҳаёли (фантазияси)нинг таракқий этиш хусусиятлари катта роль ўйнайди. Тасаввур қилинадиган мақсад ва унга етишиш учун тасаввур қилинадиган усулларнинг очик-равшанлигини ўша тасаввурларга боғлиқ бўлган ҳислар вужудга келтиради.

Ирода кучи тезлик билан бир қарорга кела олишда ва қарорнинг мустаҳкамлигида - саботлиликда кўринади.

Юксак гоъвий принципларга асосланган оқилона қатъиятлик ва саботлилик кучли ирода белгиларидандир; қатъиятсизлик иккиланиш, тараддудга тушиш, қабул қилинган қарорнинг бажарилишига шубҳа билан қараш ва саботсизлик кучсиз ирода белгиларидандир.

Ирода кучи жасорат деб аталадиган дадилликда айниқса равшан кўринади. Жасорат кишининг шундай иродавий ҳолати, бунда киши тез қарорга келади ва уни бажаришга азм қилади —

ҳатто ўз саломатлиги ва ҳаётини хавф остида қолдириши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмайди. Жасорат кишининг бошқа кишиларга эмас, балки ўзига берган амридир. Киши ахлоқий бурчининг талабига кўра, буюк мақсадга эришиш учун бир зумда ҳаёт билан ўлимдан бирини танлаб олса, бундан жасорат иродадан кучли эканини кўрсатади. Бундай жасорат мисолларига, жумладан Широқнинг мардонавор қаҳрамонликларини кўшамиз.

Жасорат шундай қарорки, у гуё дархол иш-ҳаракатга айланади, бу иш-ҳаракат эса талайгина зўр беришни талаб қилади. Характер хислати бўлган дадилликда одамнинг қанчалик пухта ўйлаб иш кўришига қараб, бу дадиллик махсус тусга киради.

Пухта ўйлаб иш кўришнинг ўзи юксак ғоявийликка ва кишининг ахлоқий принципларига асосланган тақдирда ижобий хислат ҳисобланади, албатта. Ўйлаб қолмасдан бир қарорга келадиган кишиларни характер эътибори билан мулоҳазақор кишилар деб атаيمиз. Одатда, ўзгарувчан айрим хислар, кайфиятлар таъсирида тез бир қарорга келадиган, характер эътибори билан дадил кишилар ҳам бор. Булар ҳиссиётга бериладиган, тасодифий кайфиятли кишилардир: бундай кишилар, одатда, саботсизлиги, шошма-шошарлиги ва калта ўйлаши билан ажралиб турадилар.

Киши унча иккиланмасдан, ўйлаб, асос-эътибор билан тўғри бир қарорга келса ва шу қарорни дадил амалга ошира билса, дадиллик характернинг ижобий хислати бўлади.

Бир неча имкониятдан бирини танлаб олишга тўғри келадиган, иш-ҳаракат бир қадар хавф-хатар билан боғланган бир мураккаб вазиятда дадиллик айниқса яққол кўринади.

Қатъиятсизлик характернинг салбий хислатидир.

Қатъиятсиз киши суствлик билан бир қарорга келади, қабул қилган қарорини кўпинча ўз вақтида бажармайди. Бундай одам қабул қилган қарори тўғрилигига ишонмай, шубҳаланади, турли имкониятлардан бирини танлаб олишда иккиланади, айниқса, қиладиган иш-ҳаракатлари хавф-хатар билан боғланган бўлса, шундай аҳволга тушади. Шу сабабли, қатъиятсиз кишилар, кўпинча, кам фаоликлари билан ажралиб турадилар, ёки умуман пассив бўлиб, ялқов, танбал деган таассурот туғдирадилар.

Саботлилик дадилликка чамбарчас боғлиқ бўлиб, характернинг ижобий хислати ҳисобланади. Характернинг бу хислатига эга бўлган кишилар қабул қилган қарорларини одатда ўзгартирмайдилар, бекор қилмайдилар ва бу қарорларни ижро этмасдан

қўймайдилар. Бу кишилар ваъдаларининг устидан чиқадиладар, айтган сўзларини албатта бажарадиладар: уларнинг сўзи билан иши бир бўлади. Улар ишонса бўладиган субутли кишилардир.

Қабул қилган қарорларини кўпинча бекор қиладиган, берган ваъдаларининг устидан чиқмайдиган, айтган сўзидан тонадиган кишилар субутсиз ҳисобланади. Булар ваъдасига ишониб бўлмайдиган, ишончни оқламайдиган, субутсиз кишилардир.

Киши иродасининг кучи ва қатъияти характернинг иродага боғлиқ бўлган қайси хислатларида ифодаланса ўша хислатлар энг ёрқин хислатлардан ҳисобланади. Бу хислатлар ҳар бир кишининг характерида бир қадар намоён бўлади. Аммо, ҳамма кишиларни ва ҳар қандай одамни иродаси кучли, характери қатъий деб бўлмайди, балки шу сифат (хислат)лари билан бошқа кишилардан ажралиб турган одамларгина иродаси кучли, характери қатъий деб аталади. Бизда иродаси кучли ва характери қатъий кишилар жуда қадрланади.

Ирода кучи ва қатъиятли одамнинг ўзини тута билишида, жасурлигида, матонатига ва чидамлилигида намоён бўлади.

Ирода кучи қабул қилинган қарорни ўз вақтида бажаришда кўринади. Шунинг учун, қарорни бажармаслик, ёки унинг бажарилиш муддатини доимо «пайсалга» солиш, «галдан-галга» қолдиравериш, бошланган ишни охирига еткази олмаслик ироданинг кучсизлик аломатидир.

Лекин қабул қилинган қарорни бажаришнинг ҳар қандай, қилинган иш-ҳаракатнинг ҳар қандай ироданинг кучли эканлигидан дарак беравермайди. Ирода кучи, асосан, иродавий ҳаракатлар ёрдами билан қандай тўсиқлар енгилганига ва шу йўл билан қандай натижаларга эришилганига қараб, аниқланади. Биз иродавий зўр бериш воситасида бартараф қиладиган қаршилик ва қийинчиликлар даражаси ва характери ирода кучининг объектив кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Киши катта тўсқинликларни, катта қийинчиликларни, катта қаршиликларни иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракатлар ёрдами билан бартараф қилиб, зўр муваффақиятларга эришса, бу киши иродаси кучли эканлигини кўрсатди, деб атаймиз.

Киши иродасининг кучсизлиги унинг жуда арзимас тўсқинликларни ҳам бартараф қила олмаслигида кўринади. Масалан, баъзан киши бирон керакли хатни ёзишга ёки бирон зарур ишни бошлашга ўзини мажбур этолмайди.

Ироданинг кучсизлиги, одатда, иродасизлик деб аталади. Қарорни бажариш жараёнидаги, ихтиёрий иш-ҳаракатлардаги ирода кучи ўзини тута билишда, жасурликда, сабот-матонат, чидам ва тоқатда намоён бўлади.

Ўзини тута билиш. Номидан ҳам кўриниб турибдики, ўзини тута билиш кишининг ўзини идора қила олиши ва ўзини қўлга ола билиши демакдир. Ўзини тута билиш кишининг олдига қўйган мақсадларига етишувига тўсқинлик қилувчи, иродасини бўшаштирувчи ички ҳолатларни енгилда кўринадиган кучли иродадир. Бундай ҳолатларга, масалан, кўрқиш, ўз кучларига ишонмаслик зеркиш, қайғуриш хисси киради. Бундай ҳолатлар кишини фаолият кўрсатмасликка рағбатлантиради ёки қўйилган мақсадларга қарама-қарши бўлган ғайри ихтиёрий ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатлар ҳар кимда бўлади. Аммо, одамнинг шахс сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у ўзидаги ана шу салбий ва кераксиз ҳолатларни ирода кучи билан ўзгартира олади ёки даф қила олади.

Маълумки, ҳар қандай ҳис бир қадар юзага чиқади - кишининг туркида, нуткида, ҳаракатларида, ранги-рўйининг ўзгаришида ва шу кабиларда намоён бўлади. Ҳисларнинг бу ташқи кўринишлари, жумладан кўрқиш хисси, одатда, шу ҳиснинг кўнгилдан кечишини кучайтиради, ўзини тута билмок — ўзини идора қила билмок демакдир.

Ўзини тута билиш ва дов юраклик кишининг кўрқиш хиссини кўнгилдан кечирмаслигида эмас, балки эс-хушни йўқотмай, бу ҳисларнинг юзага чиқишини ирода кучи билан бўшаштириш ва босишдадир. Ўзини тута билиш вазминликка оид юксак фазиладир. Киши вазминлик қилиши, яъни ўзини тийиши учун баъзан анчагина иродавий зўр беришга, яъни ирода кучини ишга солишга мажбур бўлади.

Иродаси кучли кишилар ўзини тута билладиган, вазмин, босиқ кишилардир. Шундай ирода сифати (характер хислати) бўлган кишилар зарур пайтда ўзларини тия билладилар, шу пайтда кераксиз бўлган рефлекслар, инстинктлар, одатлар, майлларни қайтара билладилар. Булар ҳақиқатан ҳам ўзини идора эта билладиган кишилардир.

И.В.Данилинанинг таъкидлашича, ўзини тута билиш киши характерининг хислати бўлиб, асосан, ички ироданинг намоён бўлишидан иборат. Бу хислат кишининг ўз хулқ-атворини назорат



қила билишида, ўзини, ўз ҳаракатларини, нутқини қўлга ола билишида, шу шароитда кераксиз ёки зарарли деб қараладиган ҳаракатлардан ўзини тия билишида ифодаланади. Характернинг шу хислатига эга бўлган кишилар ўзларини қўлга ола биладилар. Улар ўзларини тута биладилар. Улар уюшқоқ кишилардир.

Ўзини тута билмаслик ироданинг кучсизлигини яққол кўрсатувчи белгидир. Одам ўзини қўлга ола билмаганда, ўз майлларини, ихтиёрсиз ҳаракатларини назорат қила олмаган-да ғайри ихтиёрий активлик кўринишлари— рефлекслар, инстинктлар, тасодифан (бехос) кўнгилдан кечадиган хислар, қўрқув, ҳадик шубҳа, гумон, ғазаб, рашиқ, ичиқоралиқ аффектив ҳолатлар ва шу кабилар киши иродасини букиб қўяди. Бундай ҳолларда одам ўзини тия олмай қолади.

Жасурлик кишининг омонлиги ва ҳаёти учун хавфли бўлган тўсқинликларни бартараф қилишда кўринадиган ирода кучидир. Масалан, парашютчи ҳар гал самолётдан ўзини ташлаганида жасурлик қилади. Душманнинг орқа томонига ўтиб олган разведкачилар ҳам жасурлик кўрсатадилар. Жасурлик ўзини тута билишга чамбарчас боғлиқ. Жасурлик бор жойда ўзини тута билишлик бор. Киши ўзини тута билса, жасурлик қила олади.

Бирон мақсадга етиш йўлида муттасил жасурлик кўрсатиш дов юраклик жасорат деб аталади.

Спорт билан шуғулланиш ва айниқса спорт мусобақаларида қатнашиш ҳар кимдан кучли иродали бўлиш — ўзини тута билиш, дадиллик ва жасурлик талаб қилади. Бизнинг спортчиларимиз жасурлик ва ўзини тута билишнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ўзининг ҳаёти ва омонлиги учун ҳатарли тўсқинликларни енгилшга доимо тайёр турган ва шундай тўсқинликларни енга оладиган кишиларни характер эътибори билан жасур кишилар деб атаймиз. Булар хавф-ҳатардан чўчимайдиган, характери кучли, дов юрак, ботир кишилардир.

Жасурликнинг йўқлиги ироданинг кучсизлигини кўрсатади. Буни қўрқоқлик, номардлик деб атаймиз. Иродаси кучсиз бўлган бундай кишилар, одатда, қўрқоқ, юраксиз кишилар деб аталади.

Сабот-матонат ва токат. Сабот-матонат. Маълум мақсадга етишда, кўпинча, узоқ вақт давомида иродамизга акс таъсир этиб турувчи қатта тўсқинлик ва кийинчиликларни бартараф қилишга

тўғри келади. Ироданинг бундай кўриниши шахснинг энг муҳим сифати бўлиб, ирода кучини яққол кўрсатади.

Ишлаб чиқариш, ихтирочилик, фан, таълим ва тарбия соҳасида катта сабот-матонат кўрсата билган айрим кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мана шундай мисоллардан бир нечтаси. Машҳур физик Лебедев ёруғлик нурларининг каттик жисмларга ва газларга бўлган босимини ўн йил текшириб ўрганди. Лебедев белгиланган усулларни кўп йиллик шу текшириш жаарёнида кўп маргалаб ўзгартирди, кўйилган масалани ҳал қилишда қаноат ҳосил этмагунча янгидан-янги тажрибалар қилиб кўрди.

Сабот-матонат — қандайдир аниқ бир мақсадни кўзлаб мунтазам равишда иродавий зўр бериш демакдир.

Аммо кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, киши ўз олдига кўйган қандай бўлмасин зарур мақсадлар (вазифалар)ни бажаришда енгиб бўлмайдиган ёки кишига шундай бўлиб туюладиган тўсқинлик ва қийинчиликлар учраб қолади. Бундай ҳолларда киши баъзан қабул қилган қарорини ўзгартиради, бекор қилади, у қийинчиликлардан кўркиши ва ўз олдига кўйган мақсадидан воз кечиши мумкин.

Баъзан шундай бўладики, йигит ёки қиз тўсатдан ўқишни ташлайди, илгари танлаган ихтисосидан воз кечади, бошлаган ишини охирига етказмай, ўлда-жўлда қолдириб кетади.

В.А.Комогоркиннинг таъкидлашича, киши ўз ҳаракат мақсадини яхши ўйламаганда, мақсадга етишга ёрдам бера оладиган йўл, восита ва усулларни пухта ўйламаганда, ўзининг куч, имкониятларини етарли ёки тўғри ҳисобга олмаганда, одатда, белгиланган мақсаддан шу тариқа қайтади, иродасидан чекинади. Дастлабки муваффақиятсизликка ҳаддан ташқари катта аҳамият берилганда, бу муваффақиятсизликка нотўғри ёки янглиш баҳо берилганда, унга фақат салбий томондан қаралганда шундай бўлади. Киши муваффақиятсизликка учраш билан бир вақтда ўз кучларига, ўз имкониятларига, ўз қобилиятларига ишонмаганда, одам «руҳи тушиб», ўзини пассивликка, қўл қовуштириб ўтиришга маҳкум этганда, баъзан, эса турмушда умуман пассив ва беҳафсала бўлиб қолганда шундай ҳодиса кўрилади. Албатта, умуман иродаси кучсиз кишиларда шундай бўлади. Бундай кишилар иродасининг ўсмаганлиги, етарлича тарбияланмаганлиги билан фарқ қиладилар.

Аmmo, иродали мавжудот бўлган одам ҳаёт ва фаолиятида жамият ёки ўзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсадидан қайтмаслиги ҳам мумкин. У ирода кучига зўр бериб, тўсқинликларга қарши курашни кучайтириши, қабул қилган қарорига яраша узоқ вақт иш кўриши мумкин. Барча тўсқинлик ва қийинчиликларга қарамай, у зарур натижани қўлга киритмоқ учун дамба-дам, орада вақт ўтказиб зўр бериши, ғайрат кўрсатиб ишлаши мумкин.

Қўйилган мақсадга етишда катта қийинчиликлар ва енгил бўлмайдиган тўсиқлар бўлса, киши шу мақсадга етиш учун зарур йўл, восита ва усулларни ўзгартириб, янги усулларни кидириб топиши мумкин.

Катта тўсқинликларни бартараф қилиб, узоқ кунт қилиб мақсадга етишда кўринадиган бундай ирода кучи сабот-матонат деб аталади. Шундай ирода сифатига эга бўлган киши эса, сабот-матонатли, кучли иродали, қатъий характерли киши деб аталади.

Ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан, ўқиб-ўрганишнинг муваффақияти сабот-матонатга боғлиқ. Билимли бўлмоқ учун сабот-матонат керак; ҳар бир соҳада — техника, санъат, музыка, спорт ва шу каби соҳаларда билим ва малака орттирмоқ учун сабот-матонат керак.

Сабот-матонат характернинг энг қимматли хислатидир. Бу хислат кишининг мақсадга етиш йўлида қандай қийинчилик ва тўсқинликлар бўлишидан қатъий назар, шу мақсадга эриша олишида ўз ифодасини топади.

Характер хислати бўлган сабот-матонат баъзи кишилар фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади, бошқа хил кишиларда эса бу хислат уларнинг манфаатлари билан боғланган қандай бўлмасин айрим фаолият соҳаларида кўринади.

Сабот-матонатли кишилар бошлаган ишларини ҳамиша охирига етказа биладилар. Улар ўзларига нисбатан ҳам, бошқа кишиларга нисбатан ҳам талабчан бўладилар.

Сабот-матонатли киши муваффақиятсизликка учраганда руҳини туширмайди, балки, аксинча, қўйган мақсадига эришиш учун ишга янада қатъийроқ киришади, шу мақсадга эришишнинг янги йўл ва воситаларини излаб топади.

Сабот-матонатли кишилар ўзига ва бошқа кишиларга нисбатан талабчанлиги билан ажралиб турадилар. Улар ўз кучларига ишонадиган кишилардир. Улар белгиланган йўлдан боришларига

тўсқинлик қила оладиган ҳамма нарсага қарши тура оладиган ва бу тўсқинликларни енга оладиган матонатли кишилардир. Сабот-матонат ироданинг чидам ва тоқат деган сифатига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Мақсадга етишда бартараф қилинадиган тўсқинлик ва қийинчиликлар кишидан куч ва вақт сарф қилишни талаб этибгина қолмай, балки кўпинча жисмоний ва рухий азоб беради.

Кишининг ўз фаолиятида баъзан совуқ ва иссиқдан, ёмғир ва қордан, қаттиқ толиқиш ва оч қолишдан ҳамда турли касалликлардан азоб чекадиган ҳоллари бўлади. Шундай тўсқинликларга карамай киши ўз олдига қўйган мақсадига содиқ бўлиб, шу мақсадга етишга интилаверса, бундай интилишларда кўриладиган ирода чидам ва тоқат деб аталади.

Сабот-матонатли, чидамли ва тоқатли кишилар мақсадга етишда ва қийинчиликларга қарши курашда жисмоний ва рухий азобларга ҳамда бошқа машаққатларга чидай оладилар. Улар ҳар қандай вазиятда ўзларини тута оладилар, мардлик, жасурлик, ботирлик, қаътият кўрсата оладилар.

Бундай характерли кишиларга оптимистик кайфият— ҳаётга қувноқлик билан қараш, порлоқ келажакка доимо ишонч билан боқиш, бошқа кишиларга, ўз кучларига ва меҳнат имкониятларига ишонич каби хислатлар хосдир. Сабот-матонат, чидам ва тоқатнинг боиси шуки, киши ўз олдига аниқ мақсад қўяди, кучли мотивларга амал қилади ва айни вақтда бу мотивлар барқарор бўлади.

С.Я.Лайзаненинг таъкидлашича, ўзини тута билиш, жасурлик, сабот-матонат, чидам ва тоқатда кўринадиган кучли ирода мардлик деб аталади. Шу сифатлари билан фарқ қиладиган кишилар эса, мард кишилар деб аталади.

Кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида шундай ҳоллар кўп бўладики, бунда одам зарур пайтда ўзини тутолмай қолади, жасурлик, сабот-матонат, интизомлилик кўрсата олмайди. Характер хислати, шахс сифати ҳамда иродаси кучсиз кишилар бор. Бундай кишиларни иродаси кучсиз ёки иродасиз кишилар дейилади. Булар ҳатто арзимас қийинчилик ва тўсқинликларни ҳам бартараф қила олмайдиган кишилардир. Булар салгина муваффақиятсизлик ёки қийинчилик келиб чиққанда ҳам ўз олдига қўйган мақсадидан воз кечиб, иш-ҳаракатини тўхтатадиган, ўз қарорини бекор қиладиган юраксиз, кўрқоқ кишилардир. Улар вазият талаб қилганида зарур

сабот-матонат, чидам, қатъият, тоқат кўрсатолмайдилар. Булар чўчима, ялқов «жони пахта» кишилардир. Бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, одатда, уларнинг ўзидан кўра ташқи шароитга боғлиқ бўлади.

Бундай характер хислатларига эга бўлган кишилар пессимистик кайфиятда бўлиб дунёга ва ҳаётга умидсизлик билан қарайдилар. Улар доимо барча кишиларнинг фақат салбий, ёмон томонларини кўрадилар: бу кишиларнинг фикрича, ўзларининг барча камчиликлари ва муваффақиятсизликларининг сабабчиси бошқа кишилардир. Бу хилдаги баъзи кишилар пассив, бепарво кайфиятда бўладилар.

Кишиларнинг иродавий ҳаракатларига уларнинг мустақиллик даражасига қараб ҳам баҳо берилади. Биз одатда, мустақил ва мустақил бўлмаган ҳаракатлар тўғрисида гапирамыз.

П.П.Ивановнинг таъкидлашича, иродавий ҳаракатларнинг мустақиллиги кишининг аввало ташаббускорлигида кўринади. Ташаббускорлик — бирон-бир ишни шахсан бошлаб юбориш демакдир. Ташаббус кўрсатиш маълум кўрсатмани кутиб ўтирмай, бирон мақсадни илгари суриш, унга етиш учун йўл ва воситаларни танлаш ҳамда шу мақсадга мустақил равишда эришиш демакдир. Ташаббускорлик, одатда, теварак-атрофдаги шароит ҳамда ижтимоий ҳаёт талабларини эпчиллик ва моҳирлик билан ҳисобга олиш ва кўпинча, келажакни, янгиликни олдиндан кўра билиш қобилияти билан бир вақтда намоён бўлади.

Ташаббускорлик ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари учун зарур бўлган ғоят қимматли сифатдир. Ташаббускор киши шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам вазият ва турмуш талабларини ҳисобга ола билади, шу билан бир вақтда вазифаларни илгари суради, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун йўл ва воситалар танлайди ва бу вазифаларни ижро этишда бевосита актив иштирок этади.

И.П.Лаужикаснинг эътироф этишича, мустақиллик қилинаётган ёки қилинган иш-ҳаракатлар учун жавобгарлик сезишда кўринади. Жавобгарлик сезиш — айна ҳаракатларнинг тўғрилигига, мақсадга мувофиқ эканлигига ва зарурлигига ишонч ҳосил қилиш демакдир, қандайдир хато ва янглишликларга йўл қўйиб берилган вақтда жавобгарликни сезиш — ўз хатоларига самимий ва ошкора тан бериш, ҳаққоний танқидга эътибор билан кулоқ солишда кўринади.

Жавобгарлик сезиш ўз хатоларини тузатишга тайёр туриш ва шу хатоларни ҳақиқатан ҳам тузатиш демакдир.

Жавобгарлик сезиш шу кишининг мустақиллигини кўрсатадиган типик характер хислатидир. Мустақил киши топшириққа кўра, ўз ташаббуси билан қилган ёки қиладиган ишлари учун жавобгарликни дадиллик билан ўз зиммасига олади ва бошлаган ишини охирига етказди. Мустақил киши ҳаққоний танқидни қабул қилишга доим тайёр бўлади, ўз хатоларини тан олиш ва тузатишга лаббай деб туради.

Ироданинг мустақиллиги, яна, бошқа кишиларнинг фикр, маслаҳат ва таклифларини танқидий кўз билан мулоҳаза қилиб чиқишда ҳам кўринади. Одам бошқа кишиларнинг берган маслаҳат ва таклифларига мувофиқ иш кўрар экан, шу маслаҳат ва таклифларнинг тўғрилигига ишониб ҳаракат қилар экан, бу маслаҳат ва таклифлар жамият манфаатларига мос эканлигини тушунар экан, шу билан ўз мустақилигини намоён қилган бўлади.

Танқидий кўз билан мулоҳаза юритиш характер хислати бўлиб, бошқа кишиларнинг берган маслаҳат ва таклифларини диққат билан таҳлил қилишда кўринади. Характернинг шу хислати бўлган киши бошқа кишиларнинг фикр ва маслаҳатларига эътибор билан қулоқ солади, уларга муайян принциплар нуқтаи назаридан баҳо беради, ижобий, фойдали нарсани қабул қилиб, ундан фойдаланади, салбий, бефойда нарсани далиллар билан рад этади. Шу характер хислати бўлган шахс бошқа кишиларнинг фикр ва маслаҳатларини салмоқлаб кўриб, ахлоқ принципларига амал қилган ҳолда баҳо беради, фойдали ва қимматлиларини танлаб олади.

Ўз-ўзини танқид кўзи билан мулоҳаза юритадиган киши доимо масъулият ҳис қилганидан, унга хотиржамлик, беғамлик ёт бўлади. Бундай киши эришган мақсадини ортиқ ўйлаб ўтирмай, энди эришадиган мақсадини ўйлайди. Бундай-киши учун муваффақият кейинги ишлар учун фақат рағбат бўлади, холос.

Айрим кишиларнинг ирода мустақиллиги баъзан қайсарлик каби махсус ҳолатда кўринади. Бу ҳолат шундан иборатки, одам бошқа кишиларнинг айтган ҳамма гапларига, маслаҳат, илтимосларига койда ва бошқа йўл-йўриқларига қаршилик кўрсатади. Қайсарлик қилаётган одам ё буюрилган ишни қилмайди-да, ўз билганини қилаверади ёки буюрган ишнинг тескарисини қилади. Уч ёшдан етти ёшгача болаларда, асосан катта ёшли кишилар томонидан ортиқча талтайтирилган болаларда шундай

қайсарлик, хархаша кўринади. Бундай болалар бирон-бир мустақил фаолиятда фаоллик кўрсатиш имкониятидан кўпинча маҳрум бўлиб қолади.

Бундай қайсарликнинг характерли хусусияти ҳаракатларнинг асоссизлиги, беҳудалигидир. Бу ҳолатда одам нега шундай қилинган, нима учун бошқаларнинг таклифини бажармаган деган саволга аксари ҳеч қандай жавоб қайтармайди, индамай, тескарисини қилаверади.

Қайсарлик қилаётган киши, кўпинча, бошқа кишиларнинг изига юриш фикрига келиб, кўпинча шу қарорга мувофиқ иш кўради. Аммо, бу қарорини объектив равишда асослаб бермайди «Бу менинг ишим», «Ўзим биламан», деб субъектив далил келтиради, дея таъкидлайди Комогоркин В.А.

Асосан, мана бундай ҳолларда, масалан, киши бирон нарсдан қаттиқ хафа бўлганда ёки газабланганда, жаҳли чиққан-да ё бўлмаса, манманлиги тутиб кетганда қайсарлик қилади. Бундай ҳолларда кучли ҳиссиёт туфайли киши онги ўтмаслашиб, хиралашиб қолади. Киши қайсарлиги тутган вақтда объектив нуқтан назардан қарай олмайди ва бошқача эмас, балки айна шундай иш тутаётганига объектив асослар келтиролмайди. Қайсар одамни жуда яққол далиллар келтириб бирор нарсага кўндириш ёки ундан қайтариш қийин. Қайсарлик кўрсатишда бирон нарсага интилиш ва кучли ҳиссиёт бўлади-ю, тафаккур етарли иштирок қилмайди.

Мустақилсизлик, одамнинг иродавий хатти-ҳаракатларидаги мустақилсизлик шундай ҳолларда намоён бўладики, киши маълум бир хатти-ҳаракатни фақат бошқа кишиларнинг бевосита таъсирида (уларнинг маслаҳати, таклифи билан) қилади, бир қарорга келишда ва иш кўришда фақат бошқа кишиларнинг фикрига амал қилади. Киши мустақил иш кўрмаса, бошқалар иродасини амалга оширувчи бўлиб қолади.

Мустақилсизлик ташаббускорликнинг йўқлигида, тевақил-атрофдаги вазият ва бошқа кишиларнинг таъсирига берилиб бир қарорга келиш ва иш бажаришда ўз ифодасини топади. Айна вақтда одам бир қарорга келишда, аксари, асосли мотивларга амал қилмайди, кўпинча ҳеч қандай мотивсиз бир қарорга келади. Мустақилсизлик кўпинча кишининг - принципсизлиги (тутруксизлигига) боғлиқ бўлади. Мустақилсизликнинг характерли

белгиси шуки, киши бир қарорга келишда ва иш кўришда масъулият сезмайди.

Ташаббускорликнинг йўқлиги, танқидий кўз билан мулоҳаза юритмаслик, қиладиган ёки қилган иши учун масъулият сезмаслик одамнинг мустақилсизлигини, характери кучсиз эканлигини кўрсатади.

Мустақил бўлмаган киши кўпинча инерцияга мувофиқ иш кўради, ивирсиб, судралиб қолади, тўпослиги билан ажралиб туради. Бундай кишилар ўз ишларидаги муваффақиятсизлик сабабларини одатда ташқаридан кидирадилар, объектив шароитни баҳона қилиб кўрсатадилар. Улар бошқа кишиларнинг танқидий фикрларига қулоқ солмайдилар, ўз хатолари ва муваффақиятсизликларига бошқа кишиларни айбдор деб биладилар.

Интизомлилик, бошқа кишиларнинг фикр ва маслаҳатлари билан қилинадиган ҳамма иш ҳаракатларни мустақил бўлмаган ҳаракатлар деб ҳисоблайвермаслик керак. Бошқа кишилардан оладиган буйруқ, маслаҳат, илтимосларимиз ўзимизнинг асосли қарорларимизга мос келиши мумкин. Бу ҳолда мазкур қарорга мувофиқ қилинадиган иш-ҳаракат мустақил бўлади. Сиртдан бир хил кўринадиган икки иш-ҳаракатдан биттаси мустақил бўлмай, иккинчиси мустақил бўлади. Масалан, мактабда бир ўқувчи буйруқ шаклида эълон қилинган интизом қоидаларини бажармаганлиги учун бериладиган жазодан кўрққани туфайлигина бу қоидаларга амал қилади. Бу ўқувчи ўз хоҳишига қарши, чор-ночор бўйсунади. Иккинчи ўқувчи бу қоидаларни англаб-билиб, уларга амал қилади. Бунинг маъноси шуки, иккинчи ўқувчининг ўзи ўйлаб қабул қилган қарорлари шу мактабдаги интизом қоидаларига мос келади. Англаб-тушуниб олинган интизом — кишидаги мустақил ироданинг намоён бўлиши демакдир. Киши буйруққа, интизомга сўзсиз бўйсунар экан, шу буйруқ, интизомга бўйсунуш ахлоқий жиҳатдан зарурлигини ва мақсадга мувофиқлигини тушунгани (англагани) учун шундай қилади.

Кишининг онгли интизомлилиги жамоадаги хулқ-атворида ифодаланади. Интизомлилик характер хислати бўлиб, жамият талабларига онгли равишда ва ўз ихтиёри билан бўйсунуна билишда кўринади. Интизомлилик, жумладан, белгиланган тартибга аниқ риоя қилишда, олинган ваъдани виждонан бажаришда, ўз бурчига онгли равишда бўйсунушда ўз ифодасини топади.



Интизомли киши мустақил, ташаббускор бўлиб, айти вақтда, қабул қилинган қарорларни сўзсиз ижро этади, жамият манфаатларига ва ахлоқ принципларига итоат қила билади. Қабул қилинган қоидаларга ва ахлоқий принципларга бўйсунмай мустақиллик қилиш шахснинг ўзига бино қўйиш, манманлик, бепоклик, оғзи бузуклик баъзан эса маънавий бузуклик каби салбий сифатларида намоён бўлиши мумкин.

В.И.Камышева, И.К.Петровнинг эътироф этишича, мустақиллик кишининг ўз хатти-ҳаракатларида маънавий бурчни адо этишда кўринади. Мустақиллик айти вақтда ироданинг кучли эканлигини ҳам кўрсатади. Ирода кучи катта тўсқинликларни бартараф қила олиш қобилияти билангина ифодаланмай, ташаббускорлик кўрсатиш, мустақиллик, дадиллик кўрсатиш ва қабул қилинган қарорлар учун, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулият сезиш билан ҳам таърифланади. Ҳаёт ва фаолиятда ирода кучи ва унинг мустақиллигига ижобий ёки салбий баҳо берганда қандай тўсқинлик ва қийинчиликлар бартараф қилинганини назарда тутиш билангина чекланиб қолмай, асосан, кишининг ахлоқий қиёфаси иродавий ҳаракатларда қанчалик ифодалангани, бирон одамнинг иродаси нақадар ахлоқий эканлиги ҳам назарда тутилади.

Ироданинг ахлоқийлиги деганда, одатда, киши ўз олдига қандай мақсадлар қўйганлигини, бу мақсадларга қандай воситалар билан эришилишини, иродавий интилишлар (хоҳишлар) қандай майллар туфайли келиб чиқишини, маълум бир қарорга келишда киши қандай принципларга амал қилишини назарда тутамиз.

Иродавий ҳаракатларда кишининг ахлоқий хислатлари намоён бўлса, ирода кучи ижобий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Иккинчидан, кишиларнинг ахлоқий хислатлари ҳақида фикр юритганда айтган сўзларини эмас, балки уларнинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган иродавий ҳаракатларини назарда тутамиз. Шунинг учун, кучли ироданинг мардлик, ўзини тута билиш, сабот-матонат, чидам ва жасурлик каби хусусиятларини ахлоқий сифатлар ифодаси деб ҳисоблаймиз.

Киши бирор қарорга келишда ўз қарори ва ҳаракатлари учун ахлоқий масъулият сезса, унинг иродаси ахлоқий деб ҳисобланади. Ахлоқийлик даражаси иродавий жараённинг ҳамма босқичларида: мотивлар курашида, маълум бир қарорга келишда, кишининг

интилишларида, ўз олдига мақсад кўйишида, шу мақсадга етиш воситалари ва йўллари танилашида кўринади.

Кишининг ахлоқийлиги мотивлар курашида, маълум бир қарорга келишда бу қарорга баҳо беришда ва уни бажаришда айниқса яққол намоён бўлади.

Мотивлар кураши ва қарорга келишда ахлоқийлик маълум бир мотивни асослашда кўринади. Шунинг учун, қабул қилинган қарорлар ахлоқий томондан асосланган ёки асосланмаган бўлиши мумкин. Мотивлар курашидаги ҳиссий майллар ҳам ахлоқий ёки ахлоққа хилоф бўлиши мумкин, чунки кишининг ахлоқий ҳолати унинг интилишларида ва кўнглидан кечаётган ҳисларида ҳам ўз ифодасини топади. Ахлоқий принципларга мувофиқ, қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ишлар ахлоқий қарорлар деб аталади.

Кишининг маънавий қиёфаси қабул қилинган қарор ва амалга оширилган ҳаракатларга кейинчалик баҳо беришда ҳам кўринади. Одам ахлоқий жиҳатдан юксак камол топганда баҳо беришга тааллуқли ҳис ва ҳукмлар, хатто, узил-кесил қарорга келиш ва иш ҳаракат қилишдан илгари юзага чиқади. Одам ўз хатти-ҳаракатларининг натижаларини олдиндан кўрар экан, қабул қилиш мумкин бўлган қарорларни ва қиладиган ишларини олдиндан ё маъқуллайди ёки маъқулламайди.

Одам ўзининг фаолиятлари давомида ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни билибгина қолмай, балки фаол ҳаракат қилиб бу нарса ва ҳодисаларни ўзгартиради. Одам ўзининг фаол ҳаракатлари жараёнида табиатни ўзига ва ўзининг эҳтиёжларига бўйсундиради. Умуман одам ҳар доим маълум ҳаракат қилмасдан тура олмайди. Ана шу жиҳатдан олганда одамнинг барча ҳаракатларини икки туркумга бўлиш мумкин. Улардан биринчиси ихтиёрсиз ҳаракатлар бўлса иккинчиси ихтиёрий ҳаракатлардир.

Одамнинг ихтиёрсиз ҳаракатлари қатъий бир мақсадсиз кўпинча импульсив тарзда яъни рефлекс тарзда юзага келади. Масалан йўталиш, аксириш, кўз қоғонининг очиб юмилиши ва шу кабилар. Бундай ҳаракатларни одам олдиндан ўйлаб режалаштирмайди. Ихтиёрсиз ҳаракатлар ҳар қандай шароитда юз бериши мумкин. Ихтиёрсиз ҳаракатлар баъзан одамнинг ақлий фаолиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Чунончи ихтиёрсиз идрок ихтиёрсиз диққат ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ихтиёрсиз эсга тушириш ҳолатлари ҳам бўлади. Бундай ҳолларда одамнинг

ихтиёрсиз ҳаракатлари идрок қилинаётган нарсанинг бошқа нарсалардан кескин фарқ қилиши ёки одамнинг қизиқишлари эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Ихтиёрий ҳаракатлар ирода билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир. Ихтиёрий ҳаракатлар олдиндан белгиланган мақсад асосида тўла онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Лекин ихтиёрий ҳаракат деганда фақат жисмоний ҳаракатларгина эмас, балки ақлий ҳаракатлар ҳам тушунилади.

Шундай қилиб, ирода деганда биз олдиндан белгиланган қатъий бир мақсад асосида амалга ошириладиган ва айрим кийинчиликларни тўсиқларни енгиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни тушунаемиз.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики ирода шахснинг ўз олдига қўйган кийинчиликларни енгиб ўтишида намоён бўлиш билан белгиланади.

### **Шахсда иродавий сифатларнинг шаклланиши**

Психология фанида иродани тушуниш таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмагандай иродавий сифатларнинг маъновий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, умумий қарашлар мажмуаси мавжуд эмас. Жумладан В.А.Крутецкий ўз асарларида иродавий сифатлар таркибига собитқадамлик, мустақиллик, қатъиятлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, интизомлилиқ, дадиллик, жасоратлилиқ ва тиришқоқликни киритади.

П.М.Якобсон бўлса ироданинг муҳим сифатларида мустақиллик, қатъиятлилиқ, тиришқоқлик, ўзини уддалашни ажратади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сирасига А.И.Шчербаков қуйидагиларни киритади, яъни собитқадамлик, ташаббускорлик, ташкиллашганлик, интизомлилиқ, уринчоқлик, тиришқоқлик, дадиллик, қатъиятлилиқ, чидамлилиқ, ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлик.

Психолог В.К.Калин юқоридагиларга мувофиқ равишда иродавий сифатларни таснифлашга қарор қилади. Унинг нуқтаи назарича, иродавий сифатлар иродавий жараёнлар асосида вужудга келади аммо бунда унинг интеллектуал ва ахлоқий жабҳалари иштирок этмайди. У асосий сифатларни аниқлаш учун онгнинг қуйидагича намоён бўлишини танлайди.

А) фаоллик даражасини ортиши.

Б) зарур бўлган фаоллик даражасини қувватлаш .

В) фаоллик даражасини пасайиши.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи қуйидаги сифатларни мулоҳаза учун тавсия қилади, яъни ғайратлилик, чидамлилик, вазминлик. Агарда бу жараёнларда интеллектуал негиз иштирок этмаса, шу нарсани тушуниб бўлмайди, қайсики ҳал қилувчи қурилма ҳисобига вазият баҳоланади ва ҳаракатни кучайтириш, қувватлаш, пасайтириш тўғрисидаги команда берилади.

В.К.Калин асосий тизимга кирмаган иродавий сифатларни иккиламчи деб номлайди, чунки уларда билимлар, кўникмалар, эмоция ва интеллектнинг пайдо бўлиши мужассамлашади. Муаллиф қатъиятлиликни иккиламчилар қаторига киритади, ваҳоланки унинг фикрича у ўзига маҳлиё қиладиган ҳистуйғуларни енгишдан шунингдек, рад этилган вариантлардан ишончсизликни тўсишдан ташкил топади. У тиришқоқликни ҳам иккиламчи сифатлар таркибига киритади.

Чунки уларда объектнинг тўпланганлиги ифодаси ўз аксини топган равшан ҳаётий кадр-қиммат мужассамлашган.

Чидамлилик тавсифида «кўшимча импульслар», «кўшимча иродавий зўр бериш», «ирода кучи», «сабр-тоқат» жабҳалари ифодасининг ўрни мавжуд. Е.П.Ильиннинг таъкидлашига тиришқоқлик чидамлиликдан кейин жойлашган бўлиб қуйидаги таърифга эга «Тиришқоқлик- қийинчиликка ва муваффақиятсизликка қарамасдан мақсадга эришиш йўлида узлуксиз равишда интилишнинг пайдо бўлишидир».

Кишининг иродаси ўз сифатлари яъни кучи, ахлоқийлиги, мустақиллиги жиҳатидан айрим ҳолларда турлича намоён бўлади. Ирода маълум кучга эга бўлади, баъзи ҳолларда иродаси кучли бошқа ҳолларда эса кучсиз намоён бўлади. Кучли иродага косманавтларнинг иродаси мисол бўлади. Киши иродасининг кучсизлиги унинг арзимас қийинчиликларни енга олмаслигида кўринади. Масалан, бирор ишни бажаришга ёки бирор ишни бошлашга ўзини мажбур қила олмайди. *Ирода кучи*-ўзини тута билишда, жасурлик, қатъият, матонат ва чидамликда намоён бўлади. *Ўзини тута билиш* – кишининг олдига қўйган мақсадларнинг амалга оширишга қаршилиқ қиладиган ички ҳолатини енгишда кўринадиган иродадир. Ўзини тута билиш оғриқ хиссини толиқиш кўркув ва ғазабни енгишда намоён бўлади. Ўзини тута билиш айна пайтда кераксиз бўлган рефлексларга одатларга йўл қўймасликдир. *Далиллик* –кишилиқ ҳаёти ва омонлиги учун хавфли

бўлган қаршиликларни енгишда кўринадиган кучли ирода. Масалан парашютчи ҳар гал сакраганда дадиллик қилади. Дадиллик ўзини тута билиш билан боғлиқдир.

Мустақиллик иродавий ҳаракатлар мотивларида ва шу билан биргаликда қарор қабул қилишда намоён бўлади. *Мустақилликнинг* моҳияти шундан иборатки одам ўзининг иш-ҳаракатларининг теварак атрофдагиларнинг тайзиқи, тасодифий, таассуротлар билан эмас, балки ўз ишонч эътиқодларини билимлари ва тегишли вазиятда қандай иш тутиши кераклиги ҳақида тасавурларга асосланиб белгилайди. Мустақилликнинг қарама-қарши томони таъсирланувчанликдир. Бу шундан иборатки бунда одам ўзгаларнинг таъсирига тез берилади ҳамда унинг ҳаракат мотивлари ўзида таркиб топган хусусий қарашлар ишонч ақидалар асосида эмас балки ташқаридан кўрсатилган таъсир натижаси сифатида пайдо бўлади. Қатъият ўйлаб қўйилган қарорни муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи ғоят муҳим сифатдир. Қатъийлик одамдан узок вақт давомида ҳеч бир пасаймайдиган иродавий зўр бериш ва куч-қувватни тақазо қилади. Белгиланган мақсадга эришишдаги қийинчиликлар одамни ҳайқиртирмайди оғишмай интила боради. Қайсарлик одам оқилона асосларга эга бўлишига қарамай ҳаракат қилиш иллатида илгари оз уйлаб қабул қилинган қарордан воз кечиш қобилиятига эга бўлишдир. Қайсарлик шароитга тик қарамай ўзгарган вазиятга эпчиллик билан мослаша олмаганликдир. Мана шундай ҳолларда одам иродасининг суствлиги намоён бўлади.

Ҳар қандай иродавий ҳаракат даставвал одамда музйян мақсадни кўзлашни талаб қилади яъни одам иродавий ҳаракат жараёнида бирор ҳаракат орқали нимага эришмоқчи эканлигини англайди.

Олис мақсадларни кўзлаш уларнинг ижтимоий қимматга эга бўлиши бу мақсадларга эришиш йўлида зўр бериб интилиш ҳоҳиш саботлилиқ ва қатъият кўрсатиш ироданинг юксак сифатларини таъминловчи томонларидир. Иродавий ҳаркатларда олдиндан мўлжалланган ва тўла англаб олинган интилиш ҳоҳиш бўлади.

Кишида айни бир вақтнинг ўзида бир неча истак туғилиши мумкин. Шунингдек, айни бир истак айни бир мақсадга эришиш йўли ва эришиш воситаси сифатида турлича бўла олишини тасаввур этиш мумкин.

Бир неча мақсад ёки уларга олиб борувчи бир неча йўл бўлган тақдирда уларнинг маъқул ва номаъқул эканлиги чамалаб кўрилади. Бирон мақсад ва бу мақсадни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи ёки белгиламовчи ҳар қандай нарса ҳаракатнинг мотиви деб аталади. «Мотив, - деб ёзади П.И.Иванов. – киши нима учун ўз олдига бошқа бир мақсадни эмас балки айна шу мақсадни кўйиши керак нима сабабдан у ўз мақсадига эришмоқ учун бошқа бир йўллар билан эмас, балки худди шу йўл билан ҳаракат қилиши керак деган саволга жавобдир».

Ҳар бир киши бирор мақсад ва унга эришиш йўллари танлаганда маълум даражада ўз дунёқарашига, эътиқодига, ахлоқий тамойилларига, эстетик дидига, шахсий ёки ижтимоий манфаатларига асосланади.

Бирор бир мақсад ва уни амалга ошириш йўллари танлаш баъзи пайтда ҳар хил куч ва ҳар хил жозиблага бўлган бир қанча мотивлар қатнашиши туфайли ички кураш характерини касб қилади. Бу жараён мотивлар кураши дейилади.

Кўпинча мотивлар кураши ақл билан ҳиссиётнинг ўртасидаги курашдан иборат бўлади. Бирор мақсадни танлаш жараёнида тафаккур, ақлга суяниб иш кўриш ақлли қарор дейилади. Бирор бир мақсадни танлашда ҳис-туйғуларга унинг кучи ва жозибали эканлигига берилиб қарор қабул қилиш эса ҳиссий қарор дейилади. Демак мотивлар кураш натижасида бирор қарорга келинади.

Қарорга келиш – маълум бир мақсад ва бу мақсадни амалга оширишнинг бирон усули ёки маълум йўллари ҳақида бирор фикрга келиш демакдир. Қарорга келиш билан мотивлар кураши тугайди.

Қабул қилинган қарорни ижро этиш иродавий зўр бериш билан боғлиқдир. Қабул қилинган қарорни ижро этиш кўпинча бир қанча ички субъектив ва ташқи объектив қаршилиқларга дуч келади.

Ички субъектив қаршилиқлар ҳар бир кишининг ўзига хос маълум бир ҳолатидир. Бунда иродавий зўр бериш воситаси билан аввало организмнинг пассив ҳолатини ўзгартириб, уни фаол ҳолатга келтириш лозим бўлади.

Демак иродавий фаолият учун характерли бўлган иродавий зўр бериш қарама-қарши мотивлар ўртасидаги ихтилоф бўлганда шунингдек қабул қилинган қарорни батамом ижро этиш учун ташқи объектив характердаги қаршилиқларни енгиш зарурати туғилганда юзага келади.

Юкоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш лозим:

- талабаларнинг мақсадларга эришиш йўлида зўр бериб интилиши уларда мустақиллик, мақсадга интилувчанлик, қатъийлилик, ғайратлилик каби юксак иродавий сифатларни шаклланишига олиб келади;

- талабаларнинг қийинчиликларни енгишдан бош тортишига интилиши, иродавий куч-ғайрат кўрсатишни қатъий равишда истамаслиги натижасида ироданинг сустлиги келиб чиқиши мумкин;

- талабалик давридаги иродасизлик кўпгина салбий одатларни шаклланишига олиб келади.

- ўқув фаолиятида ролли ўйинлар усулини қўллаган ҳолда иродавий сифатларни шакллантиришга эришиш лозим.

# КАСБИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РОЛИ

## Режа:

1. Мутахассис фаолиятини ташкил этишда психик билиш жараёнларининг роли ва ўрни.

2. Сезги, тафаккур, идрок, хаёл, хотира ва нутққа қўйиладиган касбий талаблар.

3. Касбий кузатувчанликни шакллантириш.

## Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда мутахассис фаолиятини ташкил этишда психик билиш жараёнларининг роли сезги, тафаккур, идрок, хаёл, хотира ва нутққа қўйиладиган касбий талаблар, касбий кузатувчанликни шакллантириш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларнинг мутахассис фаолиятини ташкил этишда психик билиш жараёнларининг роли сезги, тафаккур, идрок, хаёл, хотира ва нутққа қўйиладиган касбий талаблар, касбий кузатувчанликни шакллантириш ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг мутахассис фаолиятини ташкил этишда психик билиш жараёнларининг роли сезги, тафаккур, идрок, хаёл, хотира ва нутққа қўйиладиган касбий талаблар, касбий кузатувчанликни шакллантириш дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

## Талабалар фаолиятида билиш жараёнлари

Талабалар фаолиятида билиш жараёнлари /сезги, идрок, хотира, тасаввур, хаёл, тафаккур ва нутқ/ катта роль ўйнайди. Юқори синф ўқувчиси даврида вужудга кела бошлаган тафаккурнинг мустақиллиги, теранлик, ихчамлик, ташаббускорлик, танқидийлик сифатлари кун сайин такомиллашиб боради. Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, ақл заковатнинг муҳим жиҳатлари тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилади.

Олий мактабдаги мустақил ишларнинг барчаси: конспект тузиш, реферат, аннотация, тезис, семинарга ҳозирлик, курс ва диплом ишлари талабалардан мустақилликни, ижодий ёндашишни /креативликни/, муаммоли ҳолатни мураккаб педагогик вазиятни ҳал қилишни тоқазо этади.



Таълим жараёнида фикр юрнтиш операцияларидан унумли фойдаланиш эвазига ҳар қандай мураккаб билимларни эгаллаш имконияти вужудга келади. Талабалар тафаккур шакллари /тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш/нинг функционал ва операционал жиҳатлари билан яқиндан танишадилар, шунингдек, улардан фойдаланиш учун барча интеллектуал захираларни ишга солишга ҳаракат қиладилар. Ҳукм чиқаришнинг барча /якка, хусусий, умумий, зиддиятли, фаразий, инкор/ кўринишларидан ўқув ва мустақил билим олиш фаолиятларида фойдаланиш шарт-шароитлари туғилади. Хулоса чиқаришнинг индуктив /хусусийдан умумийга фикрнинг йўналганлиги/ ва дедуктив /умумийдан хусусий ҳолга фикрнинг қаратилганлиги/ йўлларида муайян тарзда билиш фаолиятида фойдаланишга интиладилар. Бу нарсаларнинг барчаси тафаккурни ривожлантиришга ўз таъсирини ўтказadi.

Ҳозирги замон талабаларининг ижодий тафаккур орқали вужудга келтирган бадний асарлари, тақлиф этилган рационализаторлик тақлифлари халқ хўжалигини юксалтириш, мустақил республика фан ва техникасини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш учун хизмат қилмоқда. Энг юксак савияда тайёрланган битирув малакавий ишлари ва лойиҳалари талабалар тафаккурининг намуналари ҳисобланади, шу боисдан уларни илмий даражаси юқори бўлганлари номзодлик диссертациясига тақдим этилмоқда.

### **Талабаларнинг психологик хусусиятлари**

Талабалик даври ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17-22-25 ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари, қарама-қаршиликлари билан характерланади. Шу боисдан ўспиринлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашидан бошланади. Мазкур паллада ўспиринлик ўзига хос руҳий инқироз - ёки тангликни бошидан кечиради, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги /унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъий назар/ ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интиладилар, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди. Катта одамлар турмуш тарзининг ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ равишда ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Талабаларга мустақил таълим олиш, ўз фаолиятини ўзи ташкил қилиш, ўзини ўзи бошқариш, янги ғояларни ишлаб чиқиш

ва ҳоказолар ўргатилади. Бу вазифаларни амалга оширишнинг асосий омили — монологик маърузадан диалогик /талаба ва ўқитувчининг мулоқотига асосланган/ лекцияга ўтишдир.

Психологлардан Б.Г. Ананьев, Н.В. Кузмина, Н.Ф. Тализина, В.Я. Ляудис, И.С. Кон, В.Т. Лисовский, А.А. Бодалев, А.В. Петровский, М.Г. Давлетшин, И.И. Ильясов, А.В. Дмитриева, З.Ф. Есарева, А.А. Вербицк, В.А. Токарева, Э.Ф.Фозиев, Р.З.Гайнуddинов ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун кийин кечади, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари такомиллашади. Мазкур ёшдаги ижтимоий психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш мотивлари кучаяди. Талабаларда ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суст амалга ошса-да, лекин хулқининг энг муҳим сифатлари — мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек, уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қондаларга қизиқиш, уларни амалга оширишга интилиш тобора кучаяди.

Талабалик йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзини-ўзи камолотга етказиш жараёни муҳим роль ўйнайди, лекин ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари /ўзини-ўзи назорат қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва текшириш ва бошқалар/ ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Идеал /юксак, барқарор, баркамол/ «мен»ни реал /аниқ воқеа/ «мен» билан таққослаш орқали ўзини ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари амалий ифодага эга бўлади. Талабанинг нуқтаи назарича, идеал «Мен» ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, шунинг учун улар гоҳ, тасодифий, ғайри табиий ҳис этилиши муқаррар, бинобарин, реал «Мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир, талаба шахсининг такомиллашувида бундай объектив қарама-қаршилиқлар ўз шахсиятига нисбатан ички ишончсизликни, ўқишга нисбатан салбий муносабатни вужудга келтиради.

Ўспиринликнинг иккинчи даври хулққа, воқеликка баҳо беришда имкониятидан ташқари талаб кўйиш ва қатъийлик хусусиятлари билан фарқланади. Шунинг учун талабалар ҳар доим принципиал бўла олмайдилар. Баъзи қатъийлик катталарга салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши кўпинча низоларни келтириб чиқаради.

Б.Г.Ананьев раҳбарлигида ўтказилган илмий тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, талабалар камолот топишининг

жинсий ва нейродинамик хусусиятлари уларнинг ақлий имкониятларини тўла ишга солиш ва сермахсул ўқув фаолиятини ташкил қилиш учун муҳим имконият шарт-шароит яратади.

Ю.А.Самариннинг таъкидлашича, ёшларнинг камол топишида ҳар хил ижтимоий психологик хусусиятлар, қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Бу ҳол талабаларнинг хоҳишлари билан мавжуд имкониятнинг номуносиблиги туфайли содир бўлади.

### **Талабалар тафаккурининг хусусиятлари**

Талабаларда юқори синф ўқувчиси даврида вужудга кела бошлаган тафаккурнинг мустақиллик, теранлик, ихчамлик, ташаббускорлик, танқидийлик сифатлари кун сайин такомиллашиб, янги-янги белги ва аломатлар билан бойиб боради. Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш каби ақл-заковатнинг муҳим жиҳатлари тараққиётнинг янги юксак босқичига кўтарилади. Талабаларда тафаккурнинг ривожланишида, илмий дунёқарашнинг шаклланишида умум таълимий ва ижтимоий фанлар, жумладан тарих, фалсафа, мантик, иқтисодий назария асослари, маданиятшунослик, адабиёт, этика, эстетика, психология, педагогика каби ўқув предметлари муҳим роль ўйнайди.

Талабалар тафаккури, асосан ўқиш, амалий машғулот ва мустақил билим олиш фаолиятларида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Гоҳо маъруза жараёни улардан репродуктив /ўзлаштирилган билимларга асосланувчи/ тафаккурни тақозо этса ҳам талабалар ақлий меҳнати, мақсадга йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган диққати ёрдамида амалга оширилади.

Олий мактабдаги ишларнинг барчаси: конспект тузиш, реферат, аннотация, тезис, семинарга ҳозирлик, курс ва диплом ишлари талабадан мустақилликни, ижодий ёндашишни креативликни, муаммоли ҳолатни, мураккаб педагогик вазиятни ҳал қилишни тақозо қилади. Давлат ўқув режасида кўрсатилган, дастурда кўзда тутилган материаллар ва илмий маълумотлар ўзлаштириш, билим савиясини кенгайтириш билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки уларни тушуниш, англаб етишни талаб қилади, бу эса бевосита тафаккурнинг функциясидир. Хотира бисотидаги билимларни изчил равишда тартибга келтириш, эсга тушириш, улар ичидан энг муҳим жиҳатларини ажратиш, ўзаро таққослаш йўли билан, яни тафаккур ёрдами билан амалга оширилади.

Таълим жараёнида фикр юритиш операцияларидан унумли фойдаланиш эвазига ҳар қандай мураккаб билимларни эгаллаш имконияти вужудга келади.

Талабалар тафаккури шаклларининг функционал ва операционал жиҳатлари билан яқиндан танишадилар, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш учун барча интеллектуал резервларни ишга солишга ҳаракат қилади. Ҳукм чиқаришнинг барча /якка, хусусий, умумий, зиддиятли, фаразий, инкор/ кўринишларидан ўқув ва мустақил билим олиш фаолиятларида фойдаланиш шарт-шароитлари туғилади. Хулоса чиқаришнинг индуктив /хусусийдан умумий фикрга фикрнинг йуналганлиги/ ва дедуктив /умумийдан хусусий ҳолларга фикрнинг қаратилганлиги/ йўллари билан муайян тарзда билиш фаолиятида қўллашга интиладилар. Тушунчалар /якка, хусусий, умумий, яққол, мавҳум, тўпланма/ моҳиятини англаган ҳолда маълумотларни эгаллаш билимларни англаган ҳолда барқарорлигини таъминлайди.

Олий таълим узлуксиз равишда ижодий тафаккурни талаб қиладиган, муаммоли хусусиятдаги топшириқ ва масалалар тизимидан иборатдир.

Ҳар бир маъруза, семинар машғулот, мустақил топшириқлар, ҳатто лаборатория ишлари ҳам муаммоли вазият, ҳолатнинг таркибий қисмларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал қилиш ижодий изланишни вужудга келтиради.

Талаба ўспиринлик даври, илк ёшлик даври ўзининг мсхсулдорлиги, рефлексив /англанганлик, онгли режалаштира олишлик/ хусусияти билан бошқа ёш давридаги одамлардан ўзига хос равишда ажралиб туради.

Талабалик йиллари ижодий изланишлар, ақл-заковат захираларини ишга сола билиш, ақлий қобилиятни сафарбар қилиш имкониятларига эга бўлган шахснинг етуқлик даври ҳисобланади. Хуллас: бу ёш даврида тафаккур сермаҳсул, сермазмун босқичга кўтарилиб, яратиш, ихтиро, ижод ва кайфият қилиш арафасида туради.

Олий таълимда ўзлаштирилган назарий билимларни ишлаб чиқаришга, амалиётга, турмушга, татбиқ этиш, эл ўртасида ёйиш, тарғиб қилиш ҳам талабалик давридаги хос хусусиятлардан биридир.

Шундай қилиб, талабалар фаолиятида билиш жараёнлари муҳим ўрин эгаллайди.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ

### Режа:

1. Мустақил таълим ҳақида тушунча.
2. Мустақил таълим турлари.
3. Олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака кўникмаларини шакллантириш.

### Мавзунинг ўқув мақсади:

**Таълимий:** Талабаларда мустақил таълим, унинг турлари, олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака, кўникмаларини шакллантириш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларда мустақил таълим, унинг турлари, олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака, кўникмаларини шакллантириш ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг мустақил таълим, унинг турлари, олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака, кўникмаларини шакллантириш ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

### Талабаларнинг мустақил таълим олиши

Мустақил таълим, мустақил ишларнинг турлари, шакллари, маъруза устида ишлаш (тинглаш, ёзиб олиш), амалий иш, семинарларга тайёрланиш, китоб ва манбалар билан ишлаш, мустақил таълимни режалаштириш.

### Мустақил таълим олиш малакалари зарурлиги

1. Ўзбекистон Республикасининг олий таълимга доир меъёрий ҳужжатларида мустақил таълим, талабаларнинг мустақил ишлари ўқув машғулотларининг турларидан бири, таълим олишнинг муҳим шакли, усули сифатида кўрсатилган.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2001-йил 16-августда тасдиқлаган Олий таълимнинг давлат таълим стандартида олий таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар қаторида бакалаврият таълим дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган.

Магистратура таълим дастури мазмунига қўйиладиган умумий талаблар қаторида: «магистратура мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш, фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли

ёндошиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак... мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш» зарурлиги таъкидланган. Олий таълим муассасасини битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган давлат стандарти умумий малака талабларидан бири «Янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш» (18-бет) ҳисобланади.

3. Давлат таълим стандарти талабаларига мувофиқ бакалаврият ва магистратура таълими ўқув режаларида мустақил таълим, мустақил ишларга нисбатан кўпроқ вақт (соат) ажратилган.

4. Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, сиртки экстернат ва масофавий таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкинлиги назарда тутилган (Меъёрий ҳужжатлар, 2-қисм, Тошкент, 1998, 88-бет). Шунингдек, олий таълим ҳақидаги низомда: «Талабалар билим эгаллаши, белгиланган муддатда ўқув режалари ва таълим стандартларида кўрсатилган топшириқларнинг ҳамма турларини бажариши шарт» (Меъёрий ҳужжатлар, 1-қисм, Тошкент, 1998, 90-бет) дейилган.

5. Ўзбекистон Республикаси олий таълимни ислоҳ қилишга доир меъёрий давлат ҳужжатларидан келтирилган ушбу талаблар, фикрлар олий ўқув юртида мустақил таълим олишга катта эътибор бериш, талабаларни мустақил ишлаш методикаси билан қуроллантириш зарурлигидан далолат беради.

6. Мустақил таълим белгиланган ўқув топшириқларни талабалар томонидан мустақил ва ижодий (ёки профессор-ўқитувчининг кўрсатмасига мувофиқ) бажариш мақсадига йўналтирилган ўқув фаолиятидир. Мустақил таълим негизини таълим олувчининг мустақил ишлари ташкил этади. Мустақил ишлар ўқув-билим фаолиятининг бир тури, ўқув фаолиятининг ташкилий шакли – усули, билим ўзлаштириши йўли, воситаси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари дидактик мақсади, мустақил ўқув фаолиятининг даражаси, яқка ёки гуруҳга мўлжалланганлиги, ахборот манбан, билим олиш методлари, шакли ва бажариш ўрнига кўра ҳам таснифланади, фақланади.

7. Олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака, кўникмаларини шакллантириш ишларини режали ва секин-аста мураккаблашиб, юқорилаб борадиган босқичлар (даражалар)

шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараён кўп қаватли бинонинг юқори қаватларига зинапоаялар орқали кетма-кет, изчил чиқиб борилгани сингари содир бўлади. Талабанинг мустақил таълим олиши босқичли (даражали) ташкил этилганда, масалан, куйи курсларда – биринчи босқичда мустақил ишлар репродуктив даражада, яъни профессор-ўқитувчининг топшириғи ва кўрсатмасига биноан бажарилади; иккинчи босқичда – юқорироқ – маҳсулдор даражада, масалан, танланган мавзу бўйича дарс ишланмаси лойиҳасини тайёрлаш каби мустақил ишлар шаклида; учинчи босқичда – яна юқорироқ – маҳсулдор, эвристик даражада, қисман ижодий изланишни талаб этадиган мустақил ишлар даражасида ва ниҳоят тўртинчи – энг юқори ижодий характердаги мустақил ишлар даражасида ташкил этилиши мумкин.

Олий мактабда талабаларнинг мустақил таълимини режали ва босқичли ташкил этилиши ундан кўзда тутилган таълим мақсадларини рўёбга чиқаришга, бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-гуманитар ва касбий тайёргарлиги даражасини юқори кўтаришга, таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

8. Мустақил таълим барча ўқув ишларининг яқунловчи шаклидир. Мустақил таълим жараёнида у ёки бу фан соҳасига доир ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, уларни мустақкам билимга, барқарор малака ва кўникмаларга айлантириш каби вазибалар амалга оширилади.

9. Маъруза тинглаш пайтида ундаги айрим назарий масалаларни тушуниб олиш қийин бўлиши мумкин. Маъруза жараёнида тушуниш қийин бўлган, ноаниқ жойларини белгилаб қўйиш, маърузадан кейин, мустақил ишлаш, китоб ўқиш, алоҳида суҳбатлар, маслаҳат (консултация)лар ёрдамида ўзлаштиришнинг юқорироқ даражасида эгаллаш лозим.

### **Мустақил таълимнинг турлари**

Мустақил таълим олий таълим муассасасида ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у қуйидаги соҳаларда бажарилади:

1. Маъруза мавзуси ва материали бўйича мустақил ишлар: маърузада баён қилинган асосий тушунчалар, муҳим масалаларни идрок этиш ва англаб олиш маърузадан кейин ўз ёзувлари (конспекти)ни тартибга келтириш, тавсия этилган ўқув адабиётлари, биринчи манбаларни ўрганиш билан ўз ёзувларига

тузатишлар киритиш ва тўлдириш, ўқилган манбалардан қўшимча матнлар олиш.

2. Амалий машғулотларга, семинар ва лаборатория ишларига тайёргарлик соҳасида мустақил ишлаш: ахборотларни тартибга келтириш, саволлар тузиш, жавоблар ҳозирлаш, ўқув машғулотли лойиҳаларини тузиш, савол-жавобларга, муҳокамада қатнашишга, амалий ишларни бажаришга тайёрланиш.

3. Рефератлар, маърузалар, курс ишларини ёзиш бўйича ўқув-билув топшириқларини бажариш бўйича мустақил ишлар.

4. Назорат ишлари (жорий, оралик, якуний назорат ишлари) соҳасида ўқув-билув топшириқларни бажаришга доир мустақил ишлар.

5. Малакавий амалиётлар билан боғлиқ ўқув-билув топшириқларини мустақил бажариш: педогогик амалиёт, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ бўлган топшириқлар шулар жумласига киради.

6. Махсус курс ва махсус семинарларни ўрганиш билан боғлиқ мустақил ишлар: маъруза мавзусига доир адабиётларни ўқиб, ўрганиб, бирор масала бўйича матн тайёрлаш, маъруза ўқишга ҳозирланиш кабилар.

7. Малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациясини тайёрлаш соҳасида мустақил ишлар.



# **БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

## **Режа:**

1. Шахс ва унинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг хусусиятлари.

2. Ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятида индивидуал услуб.

3. Ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари

## **Мавзунинг ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларда шахс ва унинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг хусусиятлари, ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятида индивидуал услуб, ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларда шахс ва унинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг хусусиятлари, ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятида индивидуал услуб, ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг шахс ва унинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг хусусиятлари, ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятида индивидуал услуб, ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

## **Шахсда бошқарув ва ташкилотчилик қобилиятларини шакллантириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар қабул қиладиган қарорнинг аҳамияти ортиб боради. Иқтисодчиларнинг фикрича, бўлимнинг бошлиғи қабул қиладиган битта қарор шу бўлимнинг беш-олти ойлик ишига таъсир қилар экан. Қабул қилинадиган қарорнинг оқиллиги бир неча омилларга боғлиқ. Улардан асосийлари куйидагилардир:

қарор қабул қилиш жараёнида ахборотнинг тўлаллиги ва сифати;


қарор қабул қилувчи раҳбарнинг шахсий сифати;

қарор қабул қилишда ташкилий масалаларнинг оқилона ечилиш даражаси (масалан, қарор қабул қилишда мутахассисларни жалб этиш, қарор қабул қилиш тизимининг такомиллик даражаси, қарорни ижрозчиларга етказиш, назорат қилиш ва бажарилиш даражаси ва ҳоказо). Бошқарув қарорлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

### Бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар

T/p	Талаблар	Изоҳ
1	Илмий асосланган бўлиши лозим	Бошқарув қарорлари муайян ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилишдан келиб чиқиши, иқтисодий, техникавий ва бошқа ижтимоий қонунларнинг амал қилишини ҳисобга олиши, ҳозирги замон фан-техника ютуқлари негизида қабул қилиниши лўнда ва аниқ бўлиши лозим.
2	Бир-бири билан алоқадор ва яқдил бўлиши керак	Муайян вазифани ҳал этишда кўпинча асосий масалалардан келиб чиқадиган кўшимча вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Бу вазифалар қарор қабул қилинаётган бош вазифага бўйсундирилиши лозим. Барча қарор, кўрсатма, қоидалар бир-бири билан боғланади. Шунингдек, улар олдиндан қабул қилинган ва амалдаги қарорлар билан мувофиқлаштирилади.
3	Ҳуқуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши лозим	Раҳбар қарорни ўзига берилган ҳуқуқлар доирасидагина қабул қилиши мумкин. Бу ерда гап бошқаришнинг барча бўғинларида ҳуқуқ ва жавобгарлик кўлами тўғрисида борапти. Ҳуқуқлар катта, маъсулияти эса кам бўлса, маъмурий ўзбошимчалikka, ўйламасдан қарор қабул қилишга йўл очилади. Ҳуқуқлар озу, маъсулият катта бўлса, бу ҳам ҳеч қандай наф келтирмайди.
4	Аниқ ва тўғри йўналишга	Ҳар қандай қарор аниқ ва бажарувчига тушунарли бўлиши лозим. Қарордан бир

	эга керак бўлиши	неча маъно келиб чиқишига ва уни турлича талқин қилиш ёки тушунишга йўл қўймаслик керак.
5	Вақт қисқа керак бўйича бўлиши	Ахборотлар билан ишлаш вақтини тежаш мақсадида қисқа муддатли қарорлар қабул қилиниши лозим.
6	Вақт аниқ лозим бўйича бўлиши	Ҳар қандай қарорнинг бажарилиш муддати аниқ кўрсатилиши керак. Акс ҳолда унинг бажарилишини объектив назорат қилиш имкониятига эга бўлинмайди.
7	Тезкор керак бўлиши	Ҳар қандай қарор ўз вақтида, яъни ишлаб чиқаришдаги вазият талаб қилган вақтнинг ўзида қабул қилиниши зарур. Кечикиб ёки шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорнинг ҳар иккиси ҳам зарарлидир.
8	Соғлом лозим бўлиши	Қабул қилинган қарорнинг самаралилиги деганда қўйилган мақсадга энг кам ҳаҷажат билан эришиш тушунилади.



**Бошқарув қарорлари юқоридаги унсурлардан ташкил топади.**

Маълумки, қарор қабул қилиш зарурияти, амалдаги ҳолатнинг муаммони ҳал этиш учун талаб этиладиган ҳолатга мос тушмаслиги натижасида юзага келади. Ана шу ернинг ўзида муаммо келиб чиқади. Бу муаммонинг ечими куйидаги саволларга жавоб беришни талаб қилади:

Нима қилиш керак (масалан, истеъмолчиларнинг яна қандай янги талабларини кондириш керак ёки маҳсулотнинг қандай сифат кўрсаткичларини яхшилаш лозим)?

Қайси воситаларни (қандай технологияни) қўллаш лозим?

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари қай даражада, қандай миқдорда бўлиши керак?

Ким жавобгар бўлиши керак?

Кимга ва қайси баҳода сотиш лозим?

Бу ишлаб чиқариш ёки хизмат инвесторга ва жамиятга нима беради?

Қайси муддатларда бажарилиши керак?

Қарор қабул қилишда раҳбарнинг ваколати ва жавобгарлиги муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар бир раҳбар қабул қиладиган қарорнинг доираси ҳар хил бўлади. Масалан, уста (мастер) асосан тезкор тусдаги кундалик масалаларга доир, цех бошлиғи худди шу тезкор масалалар юзасидан цех ва иш участкаларининг ишини мувофиқлаштиришга, ўзаро мослаштиришга доир қарорлар қабул қилади. Директор (раис) асосан истиқболдаги масалалар бўйича қарор қабул қилади.

Ҳар қандай даражадаги раҳбар ўз ҳуқуқ ва бурчларини, масъулият ва жавобгарлигини, ўз вақтида қабул қилинмаган ёки кечиктириб қабул қилинган қарор учун жавобгар бўлишини аниқ тасаввур қилиши керак. Раҳбар зиммасига юкланган вазифалар юзасидан бир марта ва узил-кесил қарор қабул қилишга эришмоғи лозим. Ҳар қандай майда-чуйда нарсалар юзасидан юқори турган раҳбарларга мурожаат қилавериш, биринчидан, уларни ишдан чалгитса, иккинчидан, бу раҳбарнинг билим доираси торлигидан, ўз соҳасини яхши билмаслигидан, ўз вазифасини удалай олмаётганлигидан далолат беради. Ҳар қандай раҳбар ҳам, қолаверса оддий ходим ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишни ўзининг бурчи эканлигини яхши билиши керак.

## 2. Бошқарув қарорлари таснифи.

Бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан, турли даражада хилма-хил моҳиятга ва мазмунга эга бўлган минглаб қарорлар қабул қилинади. Уларни қуйидаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиш мумкин.

Т/р	Гуруҳлаш белгилари	Бошқарув қарорлари турлари
1	Амал қилиш даврига кўра	Стратегик қарорлар Тактик қарорлар

2	Мазмуни ва амал қилиш хусусиятига эга	Ижтимоий-иқтисодий қарорлар Техникавий қарорлар Стереотип қарорлар Ташаббусли қарорлар
3	Такрорланиш ёки янгилик даражасига кўра	анъанавий қарорлар тавсияли қарорлар
4	Ахборот билан таъминлан-ганлик даражасига кўра	аниқ қарорлар ноаниқ қарорлар
5	Амал қилиш хусусиятига кўра	вақтинчалик қарорлар оператив (тезкор) қарорлар мунтазам қарорлар вакти-вақти билан қабул қилинадиган қарорлар
6	Қарорни қабул қилиш шаклига кўра	яккабошчилик принципи асосида қабул қилинган қарорлар коллегиаллик (кўпчилик фикри) асосида қабул қилинган қарорлар якдиллик принципи асосида қабул қилинган қарорлар консенсус принципи асосида қабул қилинган қарорлар «Ринг» усули асосида қабул қилинган қарорлар

Пайдо бўлиш босқичи янги ташкилотнинг ташкил этилиш босқичи ёки янги бошлиқнинг келиши билан боғлиқдир. Бу босқичда мақсадли йўл-йўриқлар (ташки ташкилотники) берилади, меҳнат жамоасининг расмий тузилиши, бошқарув органлари, ҳисобот бериш тизимлари лойиҳалаштирилади.

Шаклланиш босқичи норасмий кичик гуруҳларнинг вужудга келишини назарда тутаяди, бунда ташки таъсир ички турткилар билан алмашади, шунингдек, жамоанинг ижтимоий фикри шаклланади.

Мазкур босқич жамоани бошқариш учун айниқса, мураккабдир. Бир томондан, кичик гуруҳларнинг ташкил этилиши объектив жараён бўлиб, раҳбар бунга ҳалақит бера олмайди.

Барқарорлашув босқичида жамоанинг етуқлик ҳолатига эришилади. Бунда жамоанинг норасмий тузилмаси ташкил этилган ва ишлаётган бўлади, мувозанат шартлари белгиланган, жамоанинг ижтимоий нормалари ташкил топган, жамоатчилик фикри қарор топган бўлади. Бундай жамоа етарли даражада барқарор, ташқи таъсирларга қаршилиқ кўрсатиши мумкин.

Ташқи ва ички омилларнинг таъсир кўрсатиши натижасида (иқтисодий вазиятда, ташқи муҳитда) жамоа барқарорлашув (такомиллашув) ёки инқироз босқичига ўтиши мумкин.

### **Шахснинг гуруҳлардаги хулқ-атвори**

Персонални бошқариш соҳасидаги ўзаро боғлиқ ҳаракатлар занжирида ходимни ишга олишдан тортиб, унинг ташкилотдан кетишига қадар менежерлар вақтининг 50-80%и гуруҳлардаги фаолият турларига сарфланади. Ҳар қандай раҳбар ишининг самарадорлиги гуруҳлардаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва менежерлар гуруҳининг аъзоси сифатида тўғри ҳаракат қилиш ҳамда ўзининг гуруҳдаги ишини бошқариш билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар гуруҳларда амал қиладиган ва иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган айрим кучларга аниқлик киритди.

Менежерлик гуруҳларининг самарали ишлашига таъсир қилувчи омилларни қараб чиқишга ўтишдан олдин, умуман, ташкилотларда муайян муаммоларни ҳал қилиш учун тузиладиган гуруҳларга тааллуқли кўпчилик ғоялар, қоидаларни санаб ўтишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бунга аниқлик киритиш учун М. Шерифнинг классик экспериментини эслатиб ўтаемиз. М. Шериф гуруҳни битта қоронғи хонага жойлаштириб, ҳамманинг эътиборини тушиб турган ёруғлик доғига қаратади. Сўнгра, гуруҳнинг ҳар бир аъзосидан ёруғлик қайси йўналишда тушаётганлиги ва қандай масофада келаётганлиги сўралган. Гарчи, ёруғликнинг ўрни алмаштирилмаган бўлса ҳам бу саволга яқка тартибдаги жавобларда муайян фарқлар бўлган. Бироқ, ҳар ким ўз жавобини айрим ҳолда айтганда, гуруҳ ёруғликнинг йўналиши ва масофаси ҳақида жуда тез бир фикрга келган ва гуруҳий қарорга эришилган, лекин бунда кўп ҳолларда бу фикрлар олдингисидан бир мунча фарқ қилган. Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки:

кишилар гуруҳларда доимий равишда бир-бирлари билан боғлиқ равишда яшайдилар;

бир гуруҳнинг одамлари умумий нормаларга эга бўладилар ва умумий мақсадларни қўллайдилар;

гуруҳлар бир хил вазифаларни бажармасликлари мумкин. Уларнинг ҳаммаси маълум даражада ихтисослашган. Ҳақиқатда уларнинг ихтисослашуви одамларнинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлади;

шахслар кўпгина гуруҳларда иштирок этадилар. Гуруҳ инсон ҳаётининг табиий ва муқаррар бир қисми ҳисобланади. Гуруҳлар доимий муваққат ва тасодифий бўлади, айрим гуруҳлар эркин бўлади. Уларга одамлар ўз хоҳишлари бўйича кирадилар. Бошқалар мажбурий характерда бўлади (масалан, биз дунёга келиб оила, этник гуруҳ ёки миллат танламаймиз).

Гуруҳлар ўртасида ва гуруҳ ичида келишмовчиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Келишмовчиликлар шахсий, шахслараро, гуруҳлараро, ижтимоий бўлиши мумкин. Келишмовчиликлар оқибатида кичик гуруҳлар пайдо бўлади, бошқача фикрловчилар гуруҳдан чиқиб кетади, «ҳамма балога гирифтор одам» танланади, гуруҳда ташкилий ўзгаришлар содир бўлади, янги раҳбар келади ёки алмаштирилади, гуруҳ тарқалиб кетади.

Гуруҳларни (уларни шакллантирувчи ва таъсир кўрсатувчи кучлар) тушуниш самарали бошқарувни йўлга қўйиш учун жуда муҳимдир. Гуруҳнинг умумий мақсадлари маълумки, шахснинг ҳулқ-атвори унинг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида вазиятни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатидир. Хулқ-атворнинг мақсади вазиятни ўзгартиришдир. Мақсадга эришилмаса ва вазиятни ўзгартиришга муваффақ бўлинмаса, янги хатти-ҳаракатларга олиб келувчи янги ҳолат бошланади. Шундай қилиб, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро ёрдам гуруҳ ривожининг бошланғич нуқтаси бўлади. Бу жараён қуйидагиларни изоҳлаб беради.

Шахснинг гуруҳга мансублиги, гуруҳнинг жозибadorлиги ва гуруҳга аъзолик.

Гуруҳда ролларнинг вужудга келиши (айрим шахслар гуруҳ эҳтиёжларига бошқаларга нисбатан кўпроқ мос келадилар ва гуруҳда вазиятнинг яхшиланишига имкон берадилар. Масалан, гуруҳда хушчақчақ киши, команданинг жонидили, ғоялар ташувчи киши ва ҳ.к.лар бўлса шундай бўлади).

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, гуруҳ бу кишиларнинг ўзаро ҳаракати натижасида вужудга келадиган мажмуидир. Бу кишилар ўзаро ҳар кимнинг кескин ҳолатини камайтириб, ҳар кимга ўз

мақсадларига эришиш имконини берадилар. Аммо булар корхонада муайян вазифаларни ҳал қилиш учун ташкил этиладиган расмий гуруҳларнинг ишида самарага эришиш учун етарли бўлмайди.

Раҳбар у ёки бу усулни танлашда аниқланган қатор омилларни ҳисобга олишимиз лозим:

Вазият (стресс, тинч аниқланмаган). Масалан, вақт зик вазиятларда авторитар услуб ўзини оқлайди.

Топширик (аниқ тузилишга кўра). Мураккаб топшириқларни бажаришда экспертларни жалб этиш, давра суҳбатлари ташкил этиш керак.

Гуруҳ (унинг аъзоларнинг жинси, ёши, барқарорлиги). Топшириқларнинг бажарилишига қизиқувчи ўзаро иноқ жамоа учун демократик ёки либерал усулни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Бошқариш ҳақида тушунча**

«Функция» - бу лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради.

Функция фақат ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади. «Вазифа» эса ўз фаолият доирасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин, яъни вазифа – бу амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, эришилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад.

Бошқариш функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуи тушунилади.

Демак, бошқарув муайян функциялар орқали амалга оширилади. Бошқарув функцияларининг мазмуни у ёки бу фаолиятни ташкил қилишдан келиб чиқади.

Бошқарув функцияларининг мазмуни у ёки бу фаолиятни ташкил қилишдан келиб чиқади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш ва уни узлуксиз давом эттириш учун:

- ишлаб чиқариш воситалари, техника;
- хом ашё;
- энергия;
- транспорт каби моддий таъминот воситалари зарур.

Шундан кейин бошқа бир қатор ташкилий функциялар келиб чиқади.

Функциялар фаолият турларини, субъектнинг бошқариш объектига аниқ таъсир қилиш йўналишларини акс эттиради.



Бошқарув функциялари - кўп қиррали тушунчадир. Шу сабабли уларни муҳим белгилар бўйича туркумларга ажратиб ўрганиш зарурияти туғилади.

### Бошқариш функциялари:

1. Қўлланиш ва фойдаланиш миқёсига қараб:
  - умумий (асосий) функциялар;
  - аниқ функциялар.
2. Бошқариш фаолияти турларига қараб:
  - иқтисодий функциялар;
  - социал функциялар;
  - маънавий-маърифий функциялар;
  - ташкилий функциялар.
3. Объектни қамраб олишига қараб:
  - худудий функциялар;
  - тармоқ функциялари.
4. Меҳнат тақсимоли белгисига қараб:
  - раҳбарнинг функциялари;
  - ижрочининг функциялари.

Бошқарув функцияларининг моҳияти, таснифи ва мазмунини ўрганиш бошқарувнинг бутун жараёнини тартибга солиб туриш учун зарурдир, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарув мазмуни жараён сифатида унинг функцияларида намоён бўлади.

Қуйидаги асосий (умумий) функцияларга устуворлик берилади:

### Бошқаришнинг асосий функциялари

№	Асосий функциялар	Функцияларнинг мазмуни ва ўрни
1	Режалаштириш	<p>- Бошқаришнинг асосий ва дастлабки функциясидир. Ҳар қандай бошқариш режа тузишдан бошланади.</p> <p>Бу режада:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни амалга ошириш муддатлари белгиланади;</li> <li>- вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади;</li> <li>- бугунларда ўзаро алоқалар ўрнатилади.</li> </ul>

		Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда ҳар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режалаштиради, ўз иш жойидаги фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларни қандай бажараётганини назорат қилишни уюштиради.
2	Ташкил қилиш	Бу функция бошқарув объекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ташкил қилиш ички ва ташқи шарт-шароитларнинг ўзгариб туришига қараб, амалдаги тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузиш демакдир. Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича биринчи қадамдир.
3	Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш	- Режалаштириш бошқаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилади. - Бу функциянинг асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан бошқариладиган тизимнинг турли қисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришни таъминлашдир. -Тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб, у содир бўлиб турадиган оғишларни бартараф қилади. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эҳтимол тутилган оғишларнинг олди олинади.
4	Назорат	- Бу функциянинг мақсади «тутиб олиш», «айбини очиш», «илинтириш» эмас, балки бошқарув объектида содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш,

		<p>текшириш, таҳлил қилиш ва маълум тартибда шу объект фаолиятини ўз вақтида созлаб туришдир.</p> <p>Назорат ўрнатилган меъёрий ҳужжатлардан, режалардан оғишларни, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради.</p> <p>- Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда пировард натижаларга эришиб бўлмайди.</p>
--	--	--

Демак, бошқариш режалаштиришдан бошланиб, фаолиятни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш билан давом эттирилиб, назорат билан тугайди. Бу ерда мувофиқлаштириш барча функциялар жараёнида ўз аксини топади.

Бу функциялар бошқарувнинг ҳамма босқичларига хос бўлган умумий хусусиятларга эга бўлиб, бошқарув аппаратининг барча раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятида мавжуд бўлади.

Бошқариш фаолиятининг турларига кўра, функциялар куйидагича бўлади:

- бошқаришнинг иқтисодий функциялари, яъни, маблағларнинг доиравий айланишини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, маркетинг хизматини уюштириш ва ҳ.к.

- бошқаришнинг социал функциялари: меҳнат шароитини яхшилаш, ходимларнинг уй-жойга эҳтиёжини қондиришга ёрдам бериш, моддий рағбатлантиришни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва ҳ.к.

- бошқаришнинг маънавий-маърифий функциялари: ходимларни инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш ва ҳ.к.

- бошқаришнинг ташкилий функциялари, яъни, таълим жараёнини ташкил қилиш, ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мувофиқлаштириш, вазифалар тақсимлаш, бошқариш аппарати ходимлари ўртасида маъсулиятларни белгилаш ва ҳ.к.

Қайд қилинган функциялар бир-бири билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп унсурлардан, таркибий

қисмлардан иборат бўлиб, улар яхлитликка эга. Шунинг учун ҳам бошқариш жараёнида уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Бошқаришнинг функцияларидан яна бири – бу тармоқли бошқариш билан ҳудудий бошқаришнинг мутаносиблигини таъминлашдир. Ҳар бир корхона қандайдир бир тармоққа киради. Айтиш мумкин, у бир туман ҳудудида жойлашганлиги жиҳатидан маҳаллий ишлаб чиқариш – ҳудудий мажмуига киради. Бошқариш жараёнида бу функция ҳам ҳудудий, ҳам тармоқ манфаатини кўзда тутиши лозим. Тармоққа доир бўлган бошқарув функциялари зарур. Бусиз тармоқ «йўқолади», ягона техник ва технология сиёсатини амалга ошириш ва бутун тармоққа тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этиш қийин бўлади.

Раҳбар ходимнинг вазифасига йўналтиришда унинг психологик хусусиятларини инобатга олиш керак. Ходимларнинг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришда эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат жамоада бир вазифани адо этишда иштирок қилувчи ходимларнинг ўзаро киришимлигини таъминлашдир. Тадқиқотларда аниқланишича, ходимларнинг ўзаро киришимлиги асосида тузилган жамоаларда психологик муҳит соғломлиги туфайли меҳнат унумдорлиги 30 % гача ўсган.

Раҳбар ўзаро муносабатдаги ходимларни бир жамоада бирлаштирар экан, вазифани тақсимлашда ходимнинг маъсулиятлилигига диққат қаратиши, етакчиликка мойиллиги бир ходимга ижрочи ходимни бириктириши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ходимларни бир вазифа устида жамлашда миллий психологияга асосланган меъёрий ҳулқ шакллари алоҳида эътибор қаратиш зарур. Хусусан ходимларнинг ёши, аввал эгаллаган ёки айтиш мумкин пайтдаги лавозимини, маълумоти ва жинсини ҳисобга олиш лозим. Шу тариқа раҳбар ходимларни бир вазифа устида қувонтириш орқали нафақат ушбу вазифани муваффақиятли тарзда адо этиш, балки гуруҳдаги мақбул муҳитни шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

Ходимлар фаолиятини ташкиллаштиришнинг яна бир жиҳати жамоага хос айрим психологик қонуниятларни билишдир. Психология фанининг алоҳида йўналиши ҳисобланмиш ижтимоий психология гуруҳларига хос шундай ривожланиш қонуниятларни аниқладик, улар ҳар қандай жамоада ҳам кўзга ташланади.

## **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ**

### **Режа:**

- 1.Таълим-тарбия жараёнини бошқариш, унинг мақсади, тузилиши ва самарадорлигини ошириш.
- 2.Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини мувафакқиятли бошқаришнинг асосий психологик шарт-шароитлари.
- 3.Олий ўқув юртидаги соғлом руҳий муҳит.
4. Олий ўқув юрти раҳбар ходимларининг шахсий фазилатлари ва авторитети.

### **Мавзунинг ўқув мақсади:**

**Таълимий:** Талабаларда таълим-тарбия жараёнини бошқариш, унинг мақсади, тузилиши ва самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини мувафакқиятли бошқаришнинг асосий психологик шарт-шароитлари, олий ўқув юртидаги соғлом руҳий муҳит, олий ўқув юрти раҳбар ходимларининг шахсий фазилатлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** Талабаларда таълим-тарбия жараёнини бошқариш, унинг мақсади, тузилиши ва самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини мувафакқиятли бошқаришнинг асосий психологик шарт-шароитлари, олий ўқув юртидаги соғлом руҳий муҳит, олий ўқув юрти раҳбар ходимларининг шахсий фазилатлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш.

**Ривожлантирувчи:** Талабаларнинг таълим-тарбия жараёнини бошқариш, унинг мақсади, тузилиши ва самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини мувафакқиятли бошқаришнинг асосий психологик шарт-шароитлари, олий ўқув юртидаги соғлом руҳий муҳит, олий ўқув юрти раҳбар ходимларининг шахсий фазилатлари ҳақида дунёқарашини шакллантириш орқали шахсини ривожлантириш.

**1.Таълим-тарбия жараёнини бошқариш, унинг мақсади, тузилиши ва самарадорлигини ошириш.**

Мақсад – бу муддао, мурод, яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларини ушалишига йўналтиради. Мақсадимиз:

- бўлажак ҳаракатимизни олдиндан аниқлаб беради;
- фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
- фаолиятимизни аниқ соҳага, ишга йўналтиради;
- у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик даражасини белгилаб

беради;

- пировард натижамизнинг баҳолаш меъёрини белгилайди ва х.к.

Мақсаднинг илмий асосланганлиги ва тўғри белгиланганлиги бошқарув учун жуда муҳимдир. Чунки айнан шу мақсадга биноан:

- бошқариш функциялари;
- бошқариш усуллари;
- бошқаришнинг тузулмавий таркиби;
- лавозимларни белгилаш ва кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ҳал этилади.

Бошқарув мақсади қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- мақсад бир маъноли ва аниқ бўлиши керак;
- мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак;
- мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши керак;
- мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор;
- мақсад бўлимлар ва масъуллар бўйича деталлаштирилган

бўлиши керак;

- мақсад кўп қиррали бўлиши керак.

Мураккаб бошқарув жараёни турли имконият ва захираларга асосланади. Раҳбар ўз билими, тажрибасига кўра шу имкониятлардан бирига кўпроқ эътибор қаратиши мумкин. Бошқарувнинг психологик жиҳатини ажратиб олиш ўта шартли бўлиб, шахс руҳиятига оид омиллар раҳбар фаолиятининг барча жабҳаларида акс этади. Бошқарувдаги психологик жиҳатларни умумлаштирган ҳолда уларни уч асосий гуруҳга киритиш мумкин:

1. Ходимларга хос психологик хусусиятлар;
2. Раҳбар шахсига хос хислатлар;
3. Раҳбар ҳамда ходим муносабатларини шакллантириш муаммолари.

Биринчи тоифага кирувчи психологик масалалар кўпроқ ходим ёки гуруҳ руҳиятига йўналган бўлиб, ходимларни танлаш ва жойлаштириш ташкилот мақсадига эришиш ва бошқарув

самарасини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Шу боис, ходимнинг бу билими ва малакасига асосланган танлов ва шундай маълумот асосида раҳбарнинг ходимларига индивидуал ёндошуви бошқарув субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатни шакллантирувчи муҳим омилдир. Ходимларни иш ўринларига тайинлаш тадбири илмий асосланган бўлиши ҳамда ушбу касбга кўйилган талабларга жавоб берувчи шахс хислатларини инobatта олиши зарур.

Касб ва лавозимга кўйилган талаблар мажмуаси касб профессиограммасида ўз аксини топади. Ушбу касб профессиограммасига мос келувчи шахс сифатлари мажмуасининг динамик тузилмасига эга бўлган ходимлар самарали меҳнат кўрсаткичларини кутиш мумкин. Шу сабабли ҳар қандай лавозимга кўйиладиган талабларнинг аниқ ва равшан ифодаланганлиги янги ходимни ишга қабул қилишда шу талабларга жавоб берувчи шахс хислатларини аниқлашга эътибор қаратилиши самарали бошқаришни таъминловчи омилдир. Ходимларга хос индивидуал психологик хусусиятларни аниқлаш психология фанида шахс типологияси тушунчаси билан боғлиқ. Ҳозирга келиб психология фанида шахс типларига оид таснифларнинг бир қанча кўринишлари ва бу борада турли хил ёндошувлар бўлиб, улар орасида инсоннинг етакчиликка ёки ижро фаолиятига мойиллиги, яқка ёки гуруҳий меҳнат турида ўзини яхши ҳис этиши кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Раҳбар ходимнинг вазифасига йўналтиришда унинг психологик хусусиятларини инobatта олиш керак. Ходимларнинг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришда эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат жамоада бир вазифани адо этишда иштирак қилувчи ходимларнинг ўзаро киришимлилигини таъминлашдир. Тадқиқотларда аниқланишича ходимларнинг ўзаро киришимлиги асосида тузилган жамоаларда психологик муҳит соғломлиги туфайли меҳнат унумдорлиги 30 % гача ўсган.

Ходимлар фаолиятини ташкиллаштиришнинг яна бир жиҳати жамоага хос айрим психологик қонуниятларни билишдир. Психология фанининг алоҳида йўналиши ҳисобланмиш ижтимоий психология гуруҳларга хос шундай ривожланиш қонуниятларни аниқладик, улар ҳар қандай жамоада ҳам кўзга ташланади.

Масалан, ҳар қандай янги ташкил этилган жамоа аввалги оддий гуруҳ сифатида танишув босқичидан ўтади, сўнгра эса гуруҳдаги

ходимларнинг нуфузли аниқлик киритувчи босқич юзага келади. Учинчи босқич эса гуруҳда меъёрий жиҳатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Шундан кейин гуруҳ асосий мақсадга йўналган фаолиятни бажариш босқичига кўтарилади.

Этиборли томони шундаки, ҳар қандай жамоа ушбу босқичларга вақти-вақти билан қайтиб туради ва жамоада кузатиладиган айрим низоли вазиятлар гуруҳ ҳаёти учун табиий ҳолдир. Гуруҳ ички ҳаётининг бундай хусусиятларидан воқиб бўлган раҳбар ушбу зиддиятларнинг тезроқ ва безарар ўтиши ҳақида қайғуради, уларнинг олдини олиш чораларини кўради. Ҳатто жамоа аъзоларининг биргаликдаги спорт йўналишидаги иштироки, табиат қўйнида дам олиши, ўзаро муносабатларни ҳал қилиши мумкин.

Бошқарув самарасини таъминловчи асосий психологик захира раҳбар шахсдир. Бошқарувни мавжуд раҳбарлик роли ва раҳбарлик шахси ўртасидаги доимий уйғунлашув жараёни, деб аташ мумкин. Рол ва шахс ўртасидаги мавжуд номуносиблик раҳбар ички дунёсида айрим дискомфорт ҳолатини юзага келтиради ва будай нохушлик нафақат ишга ва ходимларга бўлган муносабат, балки раҳбарнинг оилавий ҳаётига ҳам салбий таъсир этиши мумкин.

Раҳбар ўзи учун одатий иш услубини амалга оширар экан, асосан ходимларга нисбатан муносабатда турли стратегик усулларга мурожаат этади. Низоли, муаммоли ва қийин вазиятларда раҳбар ҳаракатини таҳлил этиш орқали психология фанида муносабатларнинг беш хил тури аниқланган:

*Рақобат* - бундай позицияда турган раҳбар муҳокамага оид вазиятни ўзи айтганича ҳал этишга интилади. Ўзга томоннинг манфаат ва қизиқишлари мутлақо ҳисобга олинмайди ҳамда бу кўпроқ аторитар бошқарув услубини эслатади.

*Ён бериш* ҳолати. Бунда раҳбар муҳокамага доир масалада ходим манфаатини ёқлайди.

*Компромисс* муҳокамадаги масала юзасидан меъёрий муносабатни шакллантириш. Бошқа муносабат турларидан фарқ қилган ҳолда, компромиссда келишув вақтинчалик бўлади ва муҳокама қилинаётган масалага кейинчалик яна қайтилади.

*Масалани муҳокама қилишдан қочиб* баъзи пайтда раҳбар ўз муносабатини чеклаши ва муҳокама қилинаётган муаммо бўйича ечимни маълум вақтга кечиктириши муаммога оид маълумот



етарли бўлгандан сўнг у муносабатини ташкиллаши ва ходим билан мулоқатни давом эттириши мумкин.

*Ҳамкорлик* энг самарали мулоқат услуби бўлиб, бунда раҳбар ва ходим муносабатларини ўзаро манфаатларни назарда тутган ҳолда давом этади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган уч тоифадаги психологик жиҳатлар нафақат ташкилотни бошқаришнинг психологик омиллари, балки раҳбар маҳоратини юксалтирувчи имкониятлар ҳамдир.

Файласуфлар қадим замонлардан буён шахс хулқ атворининг у ёки бу шакллари қонуниятларини аниқлашга, нима сабабдан бир киши билан умумий тил топиш осон-у, бошқа киши билан умумий тил топишнинг ҳеч қандай иложи йўқлигини, айрим кишининг хулқ-атвори мантиғи нима билан белгиланишини аниқлашга уриниб келганлар.

Хулқ-атвор шахснинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш шаклларида иборат бўлиб, улар бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Шахсни ва унинг хулқ-атворини тавсифлаб берадиган асосий омилларга қуйидагилар киради.

шахснинг табиий хусусиятлари, унинг ўзига хос психологик хусусиятлари, эҳтиёжлари, сабаблари, қизиқишлари тизими, шахсни бошқариш тизими, унинг «мен-образи», шахснинг табиий хусусиятлари, булар унда туғилган вақтидан бошлаб мавжуд бўлган нарсалардир. Одатда улар фаоллик ва таъсирчанлик сингари динамик тавсифларнинг маълум даражада ифодаланиши билан ажралиб туради. Шахснинг фаоллиги турли хил фаолиятларга интилишида, ўзини намоён қилишида, психик жараёнларнинг, ҳаракат реакциясининг кечиш кучи ва тезлигида ифодаланади, яъни шахснинг фаолиятига хос бўлган хусусият сифатида намоён бўлади. Фаолликнинг энг охириги ифодаси, бир томондан, катта кучгайрат сарфлаш, ҳаракатдаги, фаолиятдаги, нутқдаги шиддаткорлик бўлса, иккинчи томондан, руҳий фаолият, нутқ, имо-ишоранинг заифлиги, пассивлигида акс этади. Таъсирчанлик шахснинг асаби кўзгалувчанлигининг турли даражасида, унинг атрофимиздаги оламга бўлган муносабатини кўрсатиб берувчи хис-туйғуларининг шиддаткорлигида намоён бўлади. XX аср 20- йилларининг бошларида швейцариялик психолог К.Г Юнг шахснинг психологик хусусиятларини «экстраверсия» ва «интроверсия» тушунчалари орқали таърифлаб беришни таклиф этди.

Экстраверсия (ехтра- ташқари) шахснинг шундай психологик хусусиятларини кўрсатиб берадики, бунда шахс ўзининг қизиқишларини ташқи омилга, ташқи объектларга қаратади, баъзан буни ўзининг қизиқишлари ҳисобига, шахсий аҳамиятнини пасайтириш ҳисобига амалга оширади.

Экстравертларга хулқ-атворининг таъсирчанлиги, имо-ишоралардаги фаоллик, самимийлик, ташаббус кўрсатиш (баъзан ортиқ даражада), ижтимоий кўникувчанлик, ички оламнинг очиклиги хос бўлади.

Интроверсия (интро - ички) шахснинг ўз шахсий манфаатларига, ички оламга диққат эътиборининг қайд қилиниши билан ажралиб туради.

Интровертлар ўзларининг манфаатларини энг муҳим деб ҳисоблаб, уни юқори даражада қадрлайдилар. Улар учун одамовилик, биқиклик, ижтимоий пассивлик, мустақил таҳлил қилишга мойиллик, етарли даражада мураккаб ижтимоий адаптация (кўникувчанлик) хосдир.

Интроверсия экстраверсиянинг ҳиссий тавсифлар билан бирга кўшилиб келиши шахс темпераментини белгилаб беради.

«Темперамент» тушунчаси латинча темпераментум - қисмларнинг тегишли нисбати, мутаносиблик деган сўздан келиб чиққан.

Темпераментнинг энг машҳур турлари (сангвиник, меланхолик, флегматик ва холерик) милоддан аввалги асрадаёқ Гиппократ томонидан жорий қилинган бўлиб, уларнинг номлари ҳанузгача сақланиб қолган, лекин мазмуни ўзгарган.

Темперамент - шахснинг ўзига хос хусусиятлари мажмуидан иборат бўлиб, улар инсон фаолиятининг динамик ва ҳиссий томонларини, шунингдек, хулқ-атворини акс эттиради ва қуйидагича намоён бўлади:

Холерикларда шиддатли реакциялар, очиклик, кайфиятнинг кескин алмашинуви, беқарорлик ва умумий ҳаракатчанлик билан намоён бўлади, рационаллик (хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги) билан ифодаланadi. Флегматиклар сусткашлик, барқарорлик, биқиклик, ҳиссий ҳолатини ташқарига унчалик намоён қилмаслик, мулоҳазаларининг мантикийлиги билан ажралиб туради. Меланхоликлар беқарорлик, осонгина таъсирланиш, одамларга кўшилмаслик, ҳатто арзимас нарса ва воқеалардан ҳам чуқур куйиниш билан ажралиб туради. Сангвиниклар ҳаракатчанлик,

таассуротларни алмаштириб туришга мойиллик, таъсирчанлик, одамшавандалик билан ажралиб туради.

Темпераментнинг санаб ўтилган бу хиллари нисбатан барқарор бўлиб, мухит ва тарбия таъсирида ўзгаришларга кам бўйсунди. Шу билан бирга улар шахснинг мазмун томонини, кадриятлари ва эҳтиёжларини ифодаламайди.

Инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг хулқ-атворини тушунтириб берадиган назариялар кўпроқ ривож топди. Бундай назарияларнинг энг машхур муаллифлари А. Маслоу, Э. Кант, Д Мак Клелланд, Ф Герсбург ва бошқа бир қатор олимлардир.

Шахснинг эҳтиёжи - инсонда ҳаракатга интилишни вужудга келтирувчи бирор-бир нарсанинг йўқлигини англашдир. Унинг нормал ҳаёт кечириши учун озуқа, уй-жой, об-ҳаво зарур бўлса, хотин-қизларга эса уларнинг кўзга ташланиб туриши учун чиройли безаклар даркор.

Инсон эҳтиёжларининг микдори ва хилма-хиллиги ниҳоятда катта бўлиб, бошланғич эҳтиёжлар ажратиб кўрсатилади. Булар инсон физиологияси томонидан вужудга келтириладиган озиқ-овқатга, ҳаво, уйқу, хирсий бўлган эҳтиёжлар бўлиб, улар инсоннинг биологик тур сифатида мавжуд бўлишини таъминлайди.

Иккиламчи эҳтиёжлар ҳаётий тажрибани ривожлантириш ва ҳосил қилиш жараёнида пайдо бўлади. Улар бирламчи эҳтиёжлардан анча фарқ қилиб (хилма-хил бўлиб), шахснинг психологик ривожланишига, турмуш шароитига, жамиятда, гуруҳда қабул қилинган ижтимоий нормаларга боғлиқдир.

### **Шахснинг гуруҳлардаги хулқ-атвори**

Персонални бошқариш соҳасидаги ўзаро боғлиқ ҳаракатлар занжирида ходимни ишга олишдан тортиб, унинг ташкилотдан кетишига қадар менежерлар вақтининг 50-80%и гуруҳлардаги фаолият турларига сарфланади. Ҳар қандай раҳбар ишининг самарадорлиги гуруҳлардаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва менежерлар гуруҳининг аъзоси сифатида тўғри ҳаракат қилиш ҳамда ўзининг гуруҳдаги ишини бошқариш билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар гуруҳларда амал қиладиган ва иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган айрим кучларга аниқлик киритди.

Гуруҳлар ўртасида ва гуруҳ ичида келишмовчиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Келишмовчиликлар шахсий, шахслараро,

гурухлараро, ижтимоий бўлиши мумкин. Келишмовчиликлар оқибатида кичик гурухлар пайдо бўлади, бошқача фикрловчилар гурухдан чиқиб кетади, «ҳамма балогоа гирифтор одам» танланади, гурухда ташкилий ўзгаришлар содир бўлади, янги раҳбар келади ёки алмаштирилади, гурух тарқалиб кетади.

Гурухларни (уларни шақллантирувчи ва таъсир кўрсатувчи кучлар) тушуниш самарали бошқарувни йўлга қўйиш учун жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, гурух бу кишиларнинг ўзаро ҳаракати натижасида вужудга келадиган мажмуидир.

## ***ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШ***

1. Олий таълим ҳақидаги низом (1998)га биноан Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаси - университет, академия, институт шаклида ташкил этилади.

**Университет** - билим соҳалари ва таълим йўналишлари, мутахассисликлари бўйича олий ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади; олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш амалиётини бажаради; фанлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради; билимларнинг тегишли соҳалари бўйича илмий ва усулбуй марказ бўлади.

**Академия** - муайян билим соҳалари ва кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича олий ва ундан кейинги таълимнинг касбий таълим дастурларини амалга оширади; маълум соҳалар учун олий малакали кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади; фан, маданият, санъат соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни бажаради; ўз фаолияти соҳасида етакчи илмий ва услубий марказ бўлади.

**Институт** - одатда, билимларнинг бир соҳасида олий ва ундан кейинги таълимларнинг касбий таълим дастурларини амалга оширади; халқ хўжалигининг маълум соҳаси учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади; амалий ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боради.

2. Олий мактабларнинг мақсади - олий таълимнинг асосий ва қўшимча касбий дастурларини рўёбга чиқариш орқали талаба

ёшларни юқори малакали, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош мутахассислар қилиб етиштиришдан иборат.

### 3. Олий мактабларнинг вазифалари:

- талабалар шахсининг интеллектуал, маданий, маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- талаба ёшлар шахсини мамлакатимиз фуқаросини Ватан, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустақкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- мамлакатимизда илм-фанни тараққий эттириш, илмий тадқиқотлар натижалари, тавсияларидан таълим жараёнида фойдаланиш;

- жамиятимизнинг, халқимизнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва кўпайтириш;

- аҳоли ўртасида илмий билимларни кенг тарқатиш, халқнинг маданий ва билим даражасини кўтариш.


4. Олий таълим муассасалари ўқув илмий-услугий мажмуалар шаклида тузилади. Олий ўқув юртининг таркибида факультетлар, кафедралар билан бир қаторда академик лицей, касб-хунар коллежи, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари (институтлари), бизнес мактаби, компьютер маркази, ахборот технологиялари, масофавий таълим, педагогик технологиялар марказлари, илмий тадқиқот лабораториялари, конструкторлик буюролари каби бўлинмалар ҳам бўлиши мумкин.

5. Олий мактабни бошқариш - яқка раҳбарлик ва олий ўқув юртининг Илмий Кенгаши орқали **жамоатчилик бешқарувини** уйғунлаштириш принципи асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртини бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлаган ректори томонидан амалга оширилади.

6. Олий таълим тўғрисидаги низомга мувофиқ олий ўқув юрти фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун **илмий кенгаш** ташкил этилади. Илмий кенгашга ректор раислик қилади, кенгаш таркибига, шунингдек, проректорлар, факультет деканлари, битирувчи кафедраларнинг мудирлари, касаба кўмитаси вакиллари қиради. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари факультетларнинг йиғилишларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади, уларнинг сонини ректор белгилайди. Илмий кенгаш низомга биноан фаолият кўрсатади.

7. Олий ўқув юртини бошқарувчи жамоатчи орган сифатида ҳомийлар кенгаши тузилади. Унинг таркибига муассис вазирлик, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва ҳомийлар, бошқа таълим муассасаларнинг вакиллари киради. Унинг фаолияти ҳомийлар кенгаши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

8. Олий ўқув юртида касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Улар талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари олий ўқув юрти низомида кўрсатилади. Ректорат ва илмий кенгаш олий ўқув юрти жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятида уларни ҳисобга олади.



## Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг ислоҳ этилиши.

1. Ўзбекистон Республикасида олий таълим 1997-йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳ этилади. «Талим тўғрисида»ги Қонунда: «Олий талим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш

университетлар, академиялар, институтлар ва бошқа олий таълим муассасаларида ўрта махсус, касб - ҳунар таълими негизда амалга оширилади», - дейилган.

2. Олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси амалга ошираётган давлат сиёсатининг асосий принципларини куйидагича ифодалаш мумкин:

- олий мактабда таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

- таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги;

- олий таълимнинг мақсади ва мазмуни дунёвий характерда эканлиги;

- давлат таълим стандартлари асосида олий таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;


- олий таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

3. Олий таълимнинг мақсади Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакатимизни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланган давлатга айлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу эҳтиёжлар давлат буюртмаси сифатида «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, Президентимизнинг асарлари, нутқларида ифодаланади.

Ўзбекистонда олий таълимни **ислоҳ қилиш мақсади** - олий таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва усуллари тубдан ўзгартириш, уни ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлардан тўла халос этиш асосида, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

4. Ўзбекистон Республикасида олий таълим икки босқичли қилиб ташкил этилади. Биринчи босқичи - бакалаврият (камида 4 йиллик), иккинчи босқичи - магистратура (камида 2 йиллик) шаклида ислоҳ этилади. Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари ва пуллик - шартномавий асосда амалга оширилади. Фуқаролар иккинчи олий маълумотни шартнома асосида олиш ҳуқуқига эга.



**2-расм. Олий таълим принциплари.**



## **Олий ўқув юртининг факультети**

1. Факультет олий ўқув юртининг ўқув, илмий ва маъмурий тармоғи бўлиб, тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талаба, аспирант ва докторантларни ўқитиш ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятга тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, шунингдек, кафедраларнинг илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

2. Олий ўқув юртининг факультети таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш мақсадида йирик корхона ва муассасалар қошида ҳам белгиланган тартибда тузилиши мумкин. Факультет мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширади. Факультет таркибида бўлимлар ташкил этилиши ҳам мумкин.

3. Факультет, одатда, ўз таркибига киритилган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига тааллуқли кафедра ва лабораторияларни, шунингдек, олий ўқув юрти таркибидаги бошқа кафедраларни бирлаштиради. Факультет олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруқи билан ташкил этилади ва тугатилади. Факультет ишига раҳбарликни декан амалга оширади. Факультет декани вазирлик билан келишилган ҳолда тажрибали профессор ёки доцентлар орасидан тайинланади.

### **4. Факультет деканининг вазифалари:**

- Факультетда ўқув, илмий, маънавий - маърифий ва илмий-услубий ишларга бевосита раҳбарлик қилади;

- олий ўқув юрти илмий кенгаши ва Факультет кенгаши қарорларининг бажарилишини, ўқув тарбиявий жараён, талабаларнинг малакавий ишлари, амалиётлари бажарилишини назорат қилади, ўқув машғулотлари жадвалини тузиш ва бажарилишини, талабалар давоматини таъминлайди;

- талабаларнинг мустақил ишлари, улар билимини рейтинг асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этади; талабаларни курсдан-курсга ўтказиш, стипендия тайинлаш тўғрисида буйруқ лойиҳасини тайёрлайди; уларни давлат аттестациясига, малакавий бнтирув ишларини ҳамоя қилишга киритади;

- иқтидорли талабаларни излаш, улар билан ишлаш, «Истеъдод» жамғармалари, Президент ва бошқа номли стипендиялар, олимпиада танловларда иштирок этишга тайёрлашни

ташқил этади. Аспирантларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштиради, алоҳида ўртак кўрсатганларни турли танловларда иштирок этишлари учун тавсия беради;

- кафедраларнинг фанлар бўйича дарслик, ўқув услубий қўлланмалар тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилади, компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар ташқил этади. Факультет кенгашига раҳбарлик қилади, кафедралараро йиғилишлар, илмий-назарий, илмий - услубий семинарлар, конференцияларни ташқил этади;

- олий ўқув юртини маркетинг хизмати бўлими билан ҳамкорликда корхона ва муассасаларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрнатади, шунингдек, педагог кадрлар, талабалар, илмий ахборотларни ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатади. Таълим хизматларини ташқил этиш, бюджетдан ташқари маблағлар топиш ва улардан ўқув мақсадларида фойдаланиш йўлларини кидиради;

- маънавий - маърифий ишларни ташқил этади, факультетни тамомлаганлар билан алоқа ўрнатади, факультет ихтисослиги бўйича олий маълумотли мутахассисларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини ташқил этади;

- ўз ваколатлари доирасида Факультетнинг барча ходимлари, талабалари учун мажбурий бўлган фармойиш ва кўрсатмаларни чиқаради.

**Олий мактабда таълим ишларини ташқил этишга меъёрий талаблар**

1. Олий ўқув юртида ўқув - тарбия ишлари Ўзбекистон Республикасида жорий этилган Олий таълимнинг давлат таълим стандартини амалга оширишни таъминлайди.

Аудиторияда машғулотларнинг барча турлари учун 45 (ёки танаффуссиз жуфт маърузалар учун 40) минутлик академик соат жорий этилган. Машғулотлар ўртасидаги танаффус, одатда, 10 минутдан кам бўлмаслиги лозим.

2. Олий мактабда ўқув йили икки семестрга бўлинади, ўқув семестри талабалар ўзлаштириши натижаларини яқунлаш билан тугалланади. Талабаларнинг фанларни ўзлаштириши «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳоларга муқобил рейтинг кўрсаткичи - баллар орқали аниқланади.

3. Талабаларни курсдан-курсага ўтказиш факультет деканининг тақдимига биноан ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади, шартли равишда ўтказишга йўл қўйилмайди. Олий ўқув юртини битириш якуний давлат аттестацияси билан тугалланди.

4. Малакавий амалиётнинг барча турлари ўқув режалари ва низомга мувофиқ давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда шартномага биноан ўтказилади.

5. Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, экстернат ва масофавий таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин. Тўлов - контракт асосида ўзга шаклда иккинчи тур таълим олишга йўл қўйилади.

**Экстернат**-олий таълимнинг танланган йўналиши (мутахассислиги) бўйича касбий таълимга мувофиқ фанларни мустақил ўзлаштириш ва таълим муассасасида даврий (жорий, якуний) аттестациядан ўтишдан иборат.

**Масофавий таълим** - олий таълим касбий таълим дастурининг иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда, таълим муассасасидан узоқда замонавий ахборот технологиялари ва телетармоқлар техникаси воситасида ўзлаштиришдир.

6. Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро боғланиши амалдаги қонунларга мувофиқ ўқув - илмий, ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари, бирлашмалари, ассоциациялари тузиш йўли билан ҳамда йирик олим ва мутахассисларни ўқув жараёнига тақлиф этиш ва илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларда олий таълим муассасасининг марказлари, лабораториялари, кафедралари ва бўлимларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

7. Олий таълим муассасаси талабалар сафидан, шунингдек, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумий таълим муассасалари ўқувчилари билан олимпиадалар, конкурслар, тест синовлари ташкил этиб, истеъдодли ёшларни танлаш ишларини амалга оширади, уларга ўз қобилиятларини ривожлантиришлари учун шароитларни яратади.

8. Олий мактабда ёшларнинг юксак маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш таълимни инсонпарварлик мазмунида бўлиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга, миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафқурасига асосланганлиги билан рўёбга чиқарилади.

## Олий мактабда таълимнинг шакл - усуллари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Низом»га биноан олий мактабларда ўқув машғулотларининг маъруза, маслаҳат, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс иши, малакавий битирув иши, магистрлик диссертациясини тайёрлаш каби шакл - усуллари жорий этилган.

2. **Маъруза** - олий ўқув юрти таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланиб келинаётган шакл - усуллардан биридир. Маърузаларда катнашиш мажбурий ҳисобланади, унда талаба касбий тайёргарлик учун зарур бўлган билимларни эгаллайди.

Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуқтаи назарлар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади, умумлаштирилади. Маърузаларни тинглай билиш, муҳим ўринлари, асосий ғояларини ёзиб олиш мақсадга мувофиқ.

3. Маъруза жараёнида профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади, маъруза мазмунида ҳали дарсликка кирмаган янги фикр ва ғоялар, янги нуқтаи назарлар баён қилинади. Маъруза талабага билимлар оламига кириш йўлларини кўрсатади. Маърузачи, одатда, ўқув дастурининг бутун мазмунини эмас, балки муҳим, мураккаб жойларини аниқлаб, уни очиб беради, фандаги фаразларни келтириб, мустақил фикр юритишга ундайди, муаммолар қўйиб, уни ҳал қилиш йўлларини кўрсатади.

Айниқса, куйи курслар талабалари учун маърузалар муҳим рол ўйнайди, чунки маъруза талабани фан оламига олиб кириш билан бирга билимларни мустақил эгаллашнинг манбалари, йўллари, воситаларини кўрсатади. Профессор - ўқитувчи маърузада қарама-қарши фикрлар, нуқтаи назарларни айтади, талаба манбалар устида мустақил ишлаш, танқидий фикрлаш йўли билан илмий хулосаларга келади.

4. Олий мактабда маъруза ўқиш, одатда юқори малакали, тажрибали домлалар (профессор, доцентлар)га топширилади. Маърузада ҳозирги замон фани - мамлакатимиз ва чет эл олимларининг эришган муваффақиятлари ҳақида илмий ахборотлар берилади.

5. Маърузалар кириш, мавзулар бўйича, умумлаштирувчи (обзор) турларга бўлинади. Ҳар бир фандан ўқиладиган назарий курслар кириш маърузасидан бошланади. Унда ушбу ўқув

курснинг шу фандаги ўрни, олий мактабда ўрганиладиган бошқа фанлар билан алоқаси, боғлиқлиги кўрсатилади; курс мазмунида очиб бериладиган асосий илмий муаммолар, муҳим масалалар қайд этилиб, ушбу курсни ўрганишнинг умумий мақсади, объекти, предмети. вазифалари баён этилади. Фаннинг методологик асослари ва методлари, манбалари, ўзига хос хусусиятлари, амалий аҳамияти кўрсатилади.

6. Ўқув фаннинг мавзулари бўйича маърузалар ўқув дастурида кўрсатилган мавзуларга ажратилган вақт (соатлар)га мувофиқ ўтказилади. Уларда фан таракқиётининг ҳозирги босқичида эришилган ютуқлар, исботланган назариялар, асосий тушунчалар, қонунлар, мавжуд мунозарали масалалар, нуқтаи назарлар, масаланинг тарихи, эришилган даражаси, назарий ва амалий аҳамияти изчил тарзда баён қилинади.

7. Умумлаштирувчи, якуний маърузалар, одатда, назарий курсни ўрганишнинг охирида, якуний давлат аттестацияси олдида ўтказилади. Бунда шу ўқув курси тинглангандан сўнг ўтган давр ичида ушбу фан оламида содир бўлган ўзгаришлар, эришилган ютуқлар, кашфиётлар, чоп этилган асарлар ҳақида ахборот берилади.

8. Амалий машғулотлар олий мактабда маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқурроқ ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларининг сифатини аниқлаш ва тўлдириш, мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотлар, одатда, кичик гуруҳларда олиб борилади. Бу машғулотларни кўпинча ассистентлар, ёш ўқитувчилар олиб борилади. Амалий машғулотларга жиддий тайёргарлик кўриш, талабаларнинг ўз билимларини чуқурлаштиришга қаратилган мустақил ишлари унинг сифатли ўтишини таъминлайди. Бу машғулотлар талабаларни мустақил ишлаш малакасини эгаллашга, китоб ва бошқа манбалар билан ишлаш, фактлар, илмий ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, умумлаштиришга ўргатади.

9. Семинар машғулоли олий мактабда таълимнинг амалий шакл- усулларидан бири бўлиб, дастур материални жиддий ва чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Олий таълимнинг давлат таълим стандартига биноан бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида семинар ва амалий машғулотларга кўпроқ вақт (соат) ажратилади.

Семинар машғулогларига тайёрланиш талабадан жиддий эътиборни талаб этади. Талаба, аввало, семинар мавзусига оид маърузани кунт билан тинглаши, семинар режаси билан танишиши, зарур адабиётни танлаши, тавсия қилинган манбаларни ўрганиб, матн тайёрлаши, сўзга чиқиб гапириб бериш учун тайёр бўлиши зарур. Бу ишлар талабадан кўп вақт ва меҳнатни, жиддий ўқув-билув фаолиятини талаб этади. Семинар машғулоти баҳс-мунозарали тарзида бўлиши мумкин, бу семинар мавзусига, дарсликнинг бор - йўқлигига, гуруҳнинг тайёргарлик даражасига боқлиқ. Семинарда фаол қатнашиш талабанинг билим ўзлаштириш сифатини оширади, нутқ маданиятини ўстиради.

10. **Лаборатория ишлари** - олий мактабда эгалланадиган ижтимоий-гуманитар, касбий билимларни мустақкамлаш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга хизмат этади, ўрганилган назарий билимни амалда, тажрибада синаб кўриш йўли билан уни мустақкамлайди, касбни эгаллашга йўл очади. Лаборатория ишлари тадқиқот характери (тавсифи)га эга бўлиб, кузатиш, тажрибада синаб кўриш йўли билан масала (муаммо)га доир фактлар тўплаш, уларни умумлаштириб, назарий хулосалар чиқаришга ўргатади.


11. Олий мактабнинг ўқув машғулотлари жараёнида барча талабаларнинг ўрганилаётган фан юзасидан билим ўзлаштириш даражасини, мустақил ишлари ва тайёргарликларининг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида кўп балли рейтинг тизими; жорий. оралик, якуний назорат турлари; баҳолашнинг оғзаки, ёзма, тест шакл-усуллари қўлланилади.

12. **Малакавий амалиёт** - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Низом» (1998) асосида ўтказилади. Низомда малакавий амалиётни ўтказиш тартиби, шакл-усуллари белгиланади. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган малакавий амалиёт илғор корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтказилади. Малакавий амалиёт олий мактабда ўқиш жараёнининг ишлаб чиқариш шароитида ўтказиладиган давоми, таркибий қисмидир. Малакавий амалиёт давлат таълим хужжатларида кўзда тутилган шаклларда ташкил этилади.

Ҳар бир амалиётнинг мақсади, мазмуни ва муддати ўқув режалари ҳамда амалиёт дастурларида белгиланади. Амалиёт дастурлари танланган йўналиш, мутахассисликнинг малакавий талаблари; амалиёт объектлари - корхона, муассаса,

ташкilotларнинг тавсифи ҳисобга олинган ҳолда ўқув муассасаси томонидан ишлаб чиқилади, ректор тасдиқлайди. Малакавий амалиётни ўтказиш учун олий таълим муассасаси яқинида жойлашган объектлар танланиб, шартнома тузилади. Малакавий амалиёт тегишли битимлар асосида хорижий давлат корхона, муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

13. Амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланади. У зарурий тайёргарлик ишларини бажаради, талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат этади, талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, ёзма ҳисоботни кафедра мудирини ва деканатга тақдим этади. Амалиёт объекти ходимлари шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаради.



3-расм. Олий мактабда ўқув ишлари.

Талаба малакавий амалиёт жараёнида: амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши; амалиёт объектининг ички тартиб-қоидаларини ўрганиши ва бажариши; бажарилган иш натижалари учун жавобгарликни бўйнига олиши; кундалик дафтар юритиши; амалиёт раҳбарига ёзма ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши зарур.

## **РАҲБАРЛИК – АМАЛ КУРСИСИ ЭМАС!**

Раҳбар бўлиш, яъни раҳбарлик қилиш:

- катта санъат;
- махсус мазмунга эга бўлган касбий фаолият;
- фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган ижодий фаолият;
- педагогик бошқарувдир.

**Аслида бошқарув** – раҳбарлик фаолияти таркибида одамлар билан биргаликдаги фаолият ва улар ўртасидаги мулоқот ҳисоблангани учун, раҳбар ва жамоа томонидан бўладиган барча ҳаракатлар ўқув юрти фаолияти учун қулай ва керакли шароитнинг яратилиши ҳамда ўқитувчилар ва талабалар жамоаси ўртасидаги ўзаро самимий психологик муҳит ва ижодий фаолиятни ташкил этишга қаратилади. Бу эса раҳбардан ходимларни билиш, уларнинг қобилият ва билим савияларига қараб ўқув муассасасининг, ўқув – тарбия жараёни учун танлай билиш ва ўз ўрнига тайинлай олиш, керакли кўрсатма, буйруқларни бера билиш ва уларни тўлиқ бажарилишини талаб қила олиш, ўқитувчи ва ходимларнинг шахсий хусусиятларини сеза олиш, жойида уларни имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишлата билиш каби касбий қобилият ва маҳоратни талаб этади.

### **Раҳбар**

- Обрўли, нуфузли ва ишончли;
- Ишбилармон, удадурон ва ёқимли;
- Меҳрли ва ўз ишининг фидойиси;
- Қатъиятли ва сўзининг устидан чиқувчи;
- Виждонли, андишали, инсофли ва ўзига ишонч уйғота оладиган;
- Ўзига яраша келишган, ораста, хушбичим ва башанг кийинишга берилмаган

бўлмоғи лозим.



Шу сабабли биз, куйида раҳбарлик тушунчасига изоҳ беришга, унинг касб сифатида мазмунини очишга ва директор, раҳбарлик вазифасининг мезонларини аниқлашга оид баъзи маълумотлар ва тавсиялар беришни лозим топдик.

## 1. ДИРЕКТОРЛИК – РАҲБАРЛИК ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳаёт раҳбарлар зиммасига, ўқитувчи ва ўқувчилар жамоалари эса директор зиммасига улкан масъулият юклайди. Таълим муассасасида эришилаётган барча ютуқлар ҳам, уларни оқсаб қолиши ҳам кўп жиҳатдан директорнинг раҳбар сифатида моҳирлигига, унинг керак вақтда айнан шу шароитга мос тўғри қарор қабул қилишига боғлиқ.

Республикаимиз мустақилликка эришган ҳозирги кунда ёшларга масъул лавозимлар, жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлиги ишониб топширилаётган даврда моҳирона раҳбарлик ғоят муҳим аҳамият касб этади.

## 2. РАҲБАРЛИК – АМАЛ КУРСИСИ ЭМАС!

Раҳбар (директор)лик лавозими таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнининг ривожини ва ўз қўл остидагиларга ҳомийлик қилишда масъулият демакдир.

Шу сабабли, ушбу лавозимда асосий вазифаларингиз, шунингдек, иш фаолиятингиз нимадан иборат бўлишини, ўзингиз қандай махсус билим, кўникма, малакаларга эга бўлишингизни билиб олишингиз керак.

Директор бўлиш - шу лавозимдан оқилона фойдаланиб таълим муассасаси ўқитувчи, тарбиячилари ва бошқа ходимлари шароитини яхшилаш, улар орасидан лаёқатли мутахассисларни топиш ва раҳбар ходимлар тайёрлаш йўли билан таълим тизими ривожига ҳисса қўшишдир.

## 3. ИШ УСЛУБИ

Ишни ўзингиз раҳбарлик қила бошлаган кунгача бўлган муассасидаги аҳвол билан бевосита танишишдан бошлаш керак. Бундан мақсад фақат танишиш, маълумот олиш айтилган вақтда уларни таҳлил қила бориб, келажакда ривожлантириш учун асосий йўналишларни белгилаб олишдир. Кундалик фаолиятингизда бевосита мулоқотда бўладиган ўринбосарлар, ўқитувчилар,

мутахассис ва бошқа ходимлар билан яқиндан танишиб олинг. Уларнинг бевосита иш жойлари (кабинетлари, предмет бўйича синф хоналари, устахона, ошхона, спорт заллари, кутубхоналари)га кириб суҳбатлашган маъкул.

Дастлаб уларнинг ўзларига бириктирилган соҳа предметлари нуктаи назаридан баҳо беришга ҳаракат қилинг. Кейинчалик ўқитувчи ва ходимлар билан бўладиган мулоқотларда уларнинг маънавий дунёси ҳақида маълумот тўплаб боришингиз мумкин. Иложи борича бир ой ичида ўзингиз бошқараётган таълим муассасасининг барча бўлимлари фаолияти билан танишиб чиқишга ҳаракат қилинг. Қайси бўлимда қандай кишилар, қайси шароитда ишлаётганлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишга интилинг.

Яқиндан танишиб олганингиздан сўнг, ишдаги камчиликларни маънавий хайрихоҳлик билан муҳокама қилиб, ишнинг яхшиланишига ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Ходимга камчиликларни бартараф этишга маълум муддат беринг. Берилган муддат тугаганидан сўнг ҳам камчилигини йўқотмаган ходимга, эгаллаб турган лавозимига нолойиқ эканини аниқ айтинг.

Директорнинг ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасига нисбатан раҳбарлиги икки томонлама амалга оширилади: ташкилий ва услубий.

**Ташкилий томони** — педагогик жараёни билиши, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараёни амалга оширишда ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқара олишдир.

**Услубий томони** — раҳбарлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган назарий, амалий, касбий ва педагогик-психологик билимларга эга бўлиш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишдек илмий малакага ҳам эга бўлишдан иборат.

*Раҳбарлик* тушунчасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

### **РАҲБАРЛИК – бу:**

<b>йўналтириш</b>	педагогик ва ўқувчилар жамоасини миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари, тамойиллари асосида фаолият кўрсатишларига йўналтириш
-------------------	--

<b>вазифа кўйиш</b>	«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, шу каби расмий ҳужжатлар асосида педагогик ва ўқувчилар жамоаси олдига шахс ҳамда жамоани тарбиялаш бўйича аниқ вазифалар кўйиш
<b>ўргатиш</b>	педагогик жамоани таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиши учун аниқ мақсад кўйиши ва керакли метод, шаклларни топишга ўргатиш
<b>ёрдам бериш</b>	жамоада меҳнат фаолияти ва таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва фаоллаштиришга ёрдам бериш
<b>қўллаш</b>	педагогик ва ўқувчилар жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилар ташаббусини, ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириши
<b>маслаҳат бериш</b>	жамоага, ўқитувчи ва ўқувчиларга ўз имкониятларини тўлиқ ишлатишлари учун керакли амалий ва услубий маслаҳат бериш
<b>кузатиш</b>	катталар ва болалар жамоасининг савияси, ахлокий ва маданий-маърифий ўсишини, такомиллашиб боришини кузатиш, ўрганиш
<b>тартибга солиш</b>	жамоанинг ишга бўлган ва ўзаро муносабатларини, жамоа аъзоларининг меҳнат фаолиятларини ижобий, салбий томонларини тартибга солиш
<b>талаб этиш</b>	ҳар кимнинг ўз вазифасини ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришларини талаб этиш
<b>кўрсатма бериш</b>	жамоага меҳнат фаолиятларини ташкил этишларига керакли кўрсатмалар бериш
<b>назорат қилиш</b>	ўқитувчилар, ўқувчилар, ходимлар фаолияти ва уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш ва баҳолаб бориш
<b>бошқариш</b>	<b>авторитар</b> , яъни якка ҳокимлик усулида барча ишни якка ўзи ҳал этишга ҳаракат қилиши, ҳамиша ўз фикрини маъқуллаши, «Мен»ини бошқалардан юқори кўйиши; <b>демократик</b> , яъни ўқитувчи ва ўқувчилар

	жамоаси билан ҳамкорликда фикрлашиб таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш йўллари кидириш, такомиллаштиришга интилиш; либерал, яъни ўз ишига, вазифаларига эътиборсизлик билан қараши, масъулиятни сезмаслиги
--	--

## РАҲБАРЛИК ВАЗИФАСИ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Мезонлар
1.	<i>Маънавий-маърифий, сиёсий етуклик:</i> давлат ва таълим сиёсатини тўғри тушуниш ва талқин қилиш, таълим муассасаси, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар асосида ташкил эта олиши.
2.	<i>Директорлик лавозимига зарур бўлган</i> тажриба, билим, кўникма, малакага эга бўлиши ҳамда бошқарув педагогикаси тамойилларини билиши ва эгаллаб турган лавозимининг барча қирралари бўйича билимдонлиги.
3.	<i>Таълим тизими ва ўқув муассасаси ўқитувчилари,</i> ходимлари, ўқувчилари фаолияти ривожини олдиндан сеза билиши, шунга қараб керакли чора-тадбирларни белгилаши, ташкиллаштириши, йўналтириши ва назорат эта олиши.
4.	<i>Ахлоқи ва тарбияланганлиги, обрў-эътибори</i> ростгўйлик, адолатлилик, соддалик ва камтарлик, ўзига ва бошқаларга нисбатан юқори талабчанлик, масъулият ва ўз бурчи, вазифаларига бўлган фидоййлик ҳиссининг юксак даражада ривожланганлиги ҳамда барча камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиши.
5.	<i>Сўз билан иш бирлиги</i> - ишчанлик ва уддабуронлик, ўқитувчи, ходим ва ўқувчилар томонидан берилган ҳамда ўқув муассасасига келган ва қабул қилинган қарорларни ўз вақтида тезкорлик билан мустақил равишда бажаришларига таъсир ўтказа олиши.
6.	<i>Инсон психологиясини билиши</i> - аниқ бир мақсадга йўналтирилган, ҳар томонлама ривожланган, илмий, ижодий салоҳиятли жамоани шакллантира олиши ҳамда катталар ва болалар жамоалари ўртасида самимий психологик муҳит ўрнатишга интилиши, эриша олиши.

7.	<i>Таълим муассасасининг барча</i> раҳбарияти, ўқитувчилари ва ходимларининг вазифаларини тўғри тақсимлай олиши ва уларни муваффақиятли натижасини ҳолисона баҳолай билиши.
8.	<i>Таълим муассасасининг ўқитувчилари</i> , ходимлари ва ўқувчилари билан самимий, адолатли муносабатда бўлиши ҳамда жамоани унумли меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, самарали натижага эришишларига мумкин қадар қулай шароитлар ярата олиши.
9.	<i>Ўз меҳнат фаолиятини тўғри ташкил эта олиши</i> , бажариладиган ишларининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, уларни биринчи ва иккинчи даражага ажрата олиши. Ўз фаолиятини тўғри режалаштириш асосида педагогик ва ўқувчилар жамоасининг мўътадил ишлашларини ҳамда ўқувтарбия жараёнининг самарали бўлишига имконият ярата олиши.
10.	<i>Педагог-ўқитувчилар</i> , ходимлар, ўқувчиларнинг соғлом бўлишлари, ишчанлик ҳолатларини сақлаши, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга керакли бўлган шароитни яратиши ва зарур моддий ҳамда маънавий ёрдам беришнинг имкониятларини топа билиши.

## РАҲБАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Раҳбарнинг вазифалари жуда ранг-барангдир, яъни расмий қоғоз ва ҳужжатларни кўриб чиқиш, имзо кўйиш, ходимларга керакли кўрсатма ва топшириқларни бериш, йиғилишлар ўтказиш, ўқув жараёнини кузатиш, ўрганиш ва шунга ўхшаш қанчадан-қанча ишларни амалга оширишдан иборат.

Раҳбар фаолиятини ташкил этишда учрайдиган тўсиқларни маҳорат ва назокат билан енга олиш, кўп жиҳатдан раҳбарнинг соғлиғи, кайфияти, ўзини тута билишига боғлиқ. Лекин кўпчилик раҳбарлар ишга берилиб кетиб, ўз соғлиқлари ҳақида қайғурмай кўядилар. Бу ҳақида фақат улар юрак, асаб ва ошқозон касалликлари бошлангач, ўйлай бошлайдилар. Бундай касалликларни келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири – раҳбарларнинг ўз меҳнатлари, иш фаолиятлари, кунларини тўғри ташкил эта олмасликлари ёки бунга ўрганмаганликларидандир. Шу

сабабли ҳамма вақт ҳам директорларнинг ишлари самарали натижа беравермайди.

Умуман олганда, «ишобий натижаларга эришиш» ва «натижалар самаралилиги» тушунчаларининг ҳар бири ўз маъносига эга. Масалан, бирон бир ишни бажариб, натижага эришиш мумкин, лекин ўша иш ўз вақтида бажарилмай, бир оз кечикиб бажарилса натижа бўлади-ю, аммо унинг самараси бўлмаслиги мумкин.

**Ўқитиш технологияси педагогик стратегия сифатида талаба ва ўқитувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш воситаларига эга бўлади. Бундай технологияларга қуйидагиларни келтириш мумкин:**

- педагогик жараёнда шахсни кўзда тутишга асосланган педагогик технология (Ш.А.Амонашвили технологияси);

- ўқув материални схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитишни жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов технологияси);

- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш асосига қурилган технология (С.Н.Лисенкова технологияси, Н.П.Гузикнинг ўқитиш тизимини режалаштириш технологияси);

- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси (Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков технологияси);

- ўқитишни дастурлаш технологияси (Б.П. Беспалько).

### **Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар**

Шахсга йўналтирилган педагогик технология асосида инсонпарварлик фалсафаси, психологияси ва педагогикаси ётади.

Бу технология шахсга таянади. Шахсга йўналтирилган технология ҳар томонлама ривожланган шахс-фуқаронинг шаклланиши, ижодий қобилиятини намоён қилиш, маънавий-ахлоқий тарбия билан бевосита боғланган интеллектуал ривожланишга қаратилган.

Мамлакатимизда қилинаётган ислохотлар таълим-тарбия жараёнини сифат жиҳатидан тамомила янги даражага кўтаришни тақозо этмоқда.

Шахс манфаати ва таълим устуворлиги юртимизда амалга оширилаётган таълим ислохотининг асосий омилларидан бири эканлиги сабабли ҳам, жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳасида таълим-тарбия ишларига эътиборни кучайтириш,

фуқароларнинг тарбияси савиясини янги даражага кўтариш, ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялаш замон талаби бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиниши туфайли қўйилаётган замон талабларини амалга ошириш жараёнини жадаллик билан бориши, кўп жиҳатдан, ўқув муассасалари раҳбарларининг ушбу жараёни янада самарали бўлишига қўшадиган ҳиссалари ва раҳбарлик фаолиятларини тўғри ташкил этишларига боғлиқдир. Шундай экан, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даврида таълим муассасаларига юқори ташкилотларнинг кўрсатма ва директив ҳужжатлардаги вазифаларни кўр-кўрона бажарадиган раҳбарлар эмас, балки ўз фаолиятига ва ҳар бир ишга ижодий ёндашадиган, янги тафаккурдаги замон талабига жавоб бера оладиган, педагогика, психология, бошқарув фанларидан хабардор бўлган ва улардан моҳирона фойдалана биладиган, шунингдек, мукаммал шахсий фазилатларга, ўзига хос хусусиятларга, бошқарувчилик қобилиятига, муайян муомала маданиятига, имон-эътиқодга, ғоявий-сиёсий ўринга, қиёфага эга, ҳис-туйғуларни, анъаналарни, расм-русумларни англай оладиган, фидойилик, катъийлик, саводхонлик, ижтимоий фаоллик, ташкилотчилик ва тадбиркорликка лаёқатли ходимлар тайинланишлари лозим.

Мустақиллик шароитида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлик (директор, директор муовини) лавозимларига кўплаб янги ёш кадрлар қўшилди. Бу ҳол академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларга бошқарув иш услубини ўргатишни тақозо қила бошлади. Умуман олганда, таълим муассасаси раҳбарининг иши – ижодий фаолият ҳисобланади. Шунинг учун улар ҳамини таълим муассасаси, ундаги ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси фаолиятида учрайдиган турли педагогик вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, уларни бошқаришни янада такомиллаштириш ва янгиларини яратишга интилишлари зарур.

## III-ҚИСМ. ТАЛАБАЛАРДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ТАФАККУР РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ

### «Таснифлаш» методикаси<sup>1</sup>

Мазкур методика семантик материалда дивергент тафаккур маҳсулдорлигини текшириш учун қўлланади.

**Методиканинг қўлланиш тартиби.** Синалувчиларга нарсабуюмларнинг бир гуруҳи – ўк, ари, тимсоҳ, балиқ, илон, қайиқ, мусича кабиларни турли белги ва хусусиятларига кўра имкон қадар кўпроқ (хилма- хилроқ) таснифларга ажратиш таклиф қилинади.

**Иш учун ажратилган вақт** – 8 дақиқа.

Натижаларни қайта ишлаш. Синалувчи томонидан нарсабуюмларни таснифлаш орқали ҳосил қилинган гуруҳлар миқдори ҳисобланади ҳамда ушбу кўрсаткич семантик материал билан ишлашда дивергент тафаккур маҳсулдорлиги кўрсаткичи сифатида талқин этилади.

### «Гаплар» методикаси<sup>2</sup>

Мазкур методика рамзий материал билан ишлашда дивергент тафаккур маҳсулдорлиги (вербал креативлик) даражасини аниқлаш учун қўлланади.

**Методиканинг қўлланиш тартиби.** Синалувчиларга уч ҳарф – Д, М, Т ҳарфлари билан бошланувчи сўзлардан ташкил топадиган гаплар тузиш таклиф қилинади.

**Иш учун ажратилган вақт** – 8 дақиқа.

Натижаларни қайта ишлаш. Синалувчи томонидан ажратилган вақт ичида қойдага биноан тарзда нечта гап тузилгани

<sup>1</sup> Головей Л. А., Рыбалко Е. Ф. Практикум по возрастной психологии. СПб., 2001. С. 234–238.

<sup>2</sup> Головей Л. А., Рыбалко Е. Ф. Практикум по возрастной психологии. СПб., 2001. С. 234–238.




ҳисобланади ҳамда ушбу кўрсаткич рамзий материал билан ишлашда дивергент тафаккур маҳсулдорлиги (вербал креативлик) кўрсаткичи сифатида талқин этилади.

### «Вартега доиралари» методикаси<sup>1</sup>

Мазкур методика ижодий тафаккурнинг уч асосий сифати – тезлиги, эгилувчанлиги ва оригиналлиги даражасини аниқлаш учун қўлланади.

**Кўрсатма:** «Хурматли иштирокчи! Ушбу тест сизга ўз ижодий қобилиятларингизни синовдан ўтказиш имконини беради. Бунинг учун сизга берилган варақда тасвирланган 20 та доиранинг тасвиридан асос сифатида фойданиб, турли нарса-ҳодисаларни чизишингиз зарур бўлади. Расмларни доиралар ичида ҳам, улардан ташқарига чиқиб ҳам чизиш мумкин. Расмлар чапдан ўнгга қараб чизилиши керак. Иш учун сизга жами 5 дақиқа вақт ажратилади. Унутманг расмлар имкон қадар оригинал (бетакрор) бўлишига интилиш лозим».



#### Натижаларни ҳисоблаш.

1. Тафаккур тезлиги бўйича: расмларнинг жами миқдори ҳисобланади ва ҳар бир расм учун 1 баллдан баҳо қўйилади.

<sup>1</sup> Головей Л. А., Рыбалко Е. Ф. Практикум по возрастной психологии. СПб., 2001 С. 234–238.

2. Тафаккур эгилувчанлиги бўйича: расмларнинг гуруҳлари миқдори (неча хил тоифадаги нарсa чизилгани) ҳисобланади ва ҳар бир гуруҳ учун 1 баллдан баҳо қўйилади. Расмлар қуйидаги гуруҳлар бўйича таснифланади – табиат, маиший буюмлар, фан ва техника, спорт, безак буюмларни, одам, иқтисод, олам.

3. Тафаккур оригиналлиги бўйича: ҳар бир камёб расм учун 2 баллдан баҳо қўйилади.

### «Ижодий қобилиятларни баҳолаш сўровномаси» (Е.Е.Туник)<sup>1</sup>

Мазкур сўровнома шахсда ижодий фаоллик билан боғлиқ бўлган тўрт асосий хусусият – қизиқувчанлик, яхши ривожланган ҳаёл, мураккаблик (мураккаб ҳодиса ва тушунчаларни англашга интилувчанлик, мураккаб масалаларни мустақил ечишга интилувчанлик, мураккаб топшириқларни хуш кўриш), таваккалчиликка мойиллик даражасини аниқлашга хизмат қилади.

**Кўрсатма:** «Хурматли иштирокчи, қуйидаги сўровнома сизга ўзингизнинг ижодий қобилиятларингиз даражасини баҳолашингиз учун имконият беради. Бунинг учун сиздан сўровномада келтирилган таъкидларга муносабат билдиришингиз талаб этилади. Бунда сиз таъкидларда ифодаланган хусусият сизга қанчалик хослигини билдиришингиз лозим бўлади. Бунинг учун сиз жавоб варақасида келтирилган тўрт хил жавоб варианти – «умуман олганда тўғри» (ха), «қисман тўғри»(эҳтимол), «умуман олганда нотўғри» (йўқ), «билмайман» вариантдан бирини танлаб, тегишли таъкид рақами рўпарасида танланган жавоб варианти остида белги қўйишингиз керак. Унутманг, бу ерда тўғри ёки хато жавоблар бўлмайди. ўзингиз учун тегишли хусусият қанчалик хос бўлса, уни кўп ўйламай белгиланг. Сўровнома билан ишлаш вақти чекланмаган, аммо жавобларингизни имкон қадар тезроқ беришга ҳаракат қилинг».

#### Сўровнома матни.

1. Агар тўғри жавобни аниқ билмасам, уни чамалаб толишга ҳаракат қиламан.
2. Нарса-буюмларни уларнинг аввал кўзга ташланмаган деталларини пайкаш учун батафсил кўздан кечиришни ёктираман.
3. Билмаган нарсамни одатда сўраб биллишга интиламан.

<sup>1</sup> Фетискин Н.П., Козлов В.В., Мануйлов Г.М. Социально-психологическая диагностика развития личности и малых групп. – М., 2002. С.59-64.

4. Ишни аввалдан режалаштириш менга ёқади.
5. Янги ўйинда иштирок этишдан аввал мен унда галаба қозонишимга амин бўлиб олишим керак.
6. Менга ўзим билиб олишим ёки бажаришим керак бўладиган нарсалар ҳақида ўйлаш ёқади.
7. Агар бирор ишни бир уринишда амалга ошира олмасам, то мақсадимга эришгунча уринавераман.
8. Бошқаларга таниш бўлмаган ўйинни унда иштирок этиш учун ҳеч қачон танламайман.
9. Бирор ишни бажаришнинг янгича усуллари ўйлаб топгандан кўра ҳаммасини ҳар доимгидек бажаравераман.
10. Қандайдир маълумот тўғри ёки нотўғри эканини текширишни ёқтираман.
11. Менга ўзим учун янги бўлган иш билан шуғулланиш ёқади.
12. Янги дўстлар орттиришни яхши кўраман.
13. Менга ўзим билан ҳеч қачон рўй бермаган ходисалар ҳақида ўйлаш ёқади.
14. Мен қачонлардир машхур санъаткор, шоир ёки артист бўлиш ҳақидаги хом хаёлларга берилмайман.
15. Айрим ғояларим мени шунчалик ўзига жалб этиб кетадики, дунёдаги барча нарсани унутиб қўяман.
16. Менга Ердан кўра кўпроқ космик станцияда яшаш ва ишлаш ёқар эди.
17. Кейинчалик нима рўй беришини билмаганимда асабийлашаман.
18. Ноодатий нарсаларни ёқтираман.
19. Мен кўпинча бошқа одамлар нима ҳақида ўйлаётганини тасаввур қилишга интиламан.
20. Менга ўтмишда рўй берган ҳикояларни ўқиш ва телекўрсатувларни томоша қилиш ёқади.
21. Менга ўз ғояларимни дўстларим даврасида муҳокама қилиш ёқади.
22. Бирор хатоликка йўл қўйганимда ҳам мен асабимни бузмайман.
23. Келажакда менгача ҳеч кимнинг қўлидан келмаган ишни амалга оширишни хоҳлар эдим.
24. Мен ҳамма нарсани одатий йўл билан қиладиган одамлар билан дўстлашишни маъқул кўраман.
25. Кўпчилик мавжуд қоидалар мени одатда қониқтирмайди.

26. Менга ҳатто тўғри жавоби мавжуд бўлмаган масалани ечишга уриниш ёқади.
27. Мен кўп нарсалар билан тажрибалар ўтказиб кўришни хоҳлайман.
28. Агар бирор марта тўғри жавобни топган бўлсам, кейинчалик бошқа вариантларни кидириб ўтирмайман.
29. Гуруҳ олдида чиқиш қилишни ҳушламайман.
30. Бадий асар ўқиганимда ёки кинофильм томоша қилганимда ўзимни ундаги қаҳрамонлардан бирининг ўрнида тасаввур қиламан.
31. Менга узок ўтмишда одамлар қандай яшаганини тасаввур қилиш ёқади.
32. Менга дўстларимнинг қатъиятсизлик қилиши ёқмайди.
33. Менга эски қути ва сандикларни уларда нималар борлигини билиш учун текшириб чиқиш ёқади.
34. Мен ота-онам ва ўқитувчиларим ўзгарувчан бўлмай доим бир хил бўлиб туришини хоҳлар эдим.
35. Мен ўзимнинг ички сезгимга ишонаман.
36. Менга бирор фаразни илгари суриб, қанчалик ҳақ эканимни текшириш қизиқарлидир.
37. Кейинги бир неча қадамни олдиндан билиб иш тутиш талаб қилинадиган ўйинларни ёқтирман.
38. Мени турли механизмлар, уларнинг ичи қандай тузилгани ва улар қандай қилиб ишлаши қизиқтиради.
39. Менинг энг яқин дўстларимга ахлоқона фикрлар ёқмайди.
40. Менга янги нарсаларни, ҳатто, уларни, амалиётда қўллаб бўлмаса ҳам, ўйлаб топшиш ёқади.
41. Мен ҳамма нарса ўз жойида туришини ёқтираман.
42. Келажакда пайдо бўладиган саволларнинг жавобини кидириш менга қизиқарли бўлиши мумкин.
43. Мен янги ишга унинг оқибати қандай бўлишини билиш учун қўл уришни ёқтираман.
44. Менга ўзим ёқтирган ўйинларни шунчаки кўнгилочарлик учун ютуқ ҳақида ўйламай ўйнаш қизиқарлидир.
45. Менга ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган нарсалар ҳақида ўйлаш ёқади.
46. Мен нотаниш одам акс этган фотосуратни кўрганимда ундаги одамнинг кимлигини билишга қизиқаман.

47. Менга китоб ва журналларни шунчаки уларда нималар борлигини билиш учун varaкляб кўриш ёкади.

48. Менимча, кўпчилик саволларга ягона тўғри жавоб мавжуд.

49. Бошқалар ўйлаб кўрмаган нарсалар хақида савол беришни ёктираман.

50. Ўқишда ҳам, уйда ҳам жуда кўп кизиқарли машғулотларим бор.

### **Натижаларни қайта ишлаш ва баҳолаш.**

Натижаларни баҳолаш синалувчи жавобларини куйидаги калит билан солиш асосида амалга оширилади.

#### **Калит**

1. Қизиқувчанлик шкаласи бўйича:

1) «ха» жавоби – 2, 3, 11, 12, 19, 27, 33, 37, 38, 47, 49 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

2) «йўқ» жавоби – 28 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

3) барча «эхтимол» деган жавоблар – 1 баллдан;

4) барча «билмайман» деган жавоблар – -1 баллдан.

2. Мураккаблик шкаласи бўйича:

1) «ха» жавоби – 7, 15, 18, 26, 42, 50 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

2) «йўқ» жавоби – 4, 9, 10, 17, 24, 41, 48 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

3) барча «эхтимол» деган жавоблар – 1 баллдан;

4) барча «билмайман» деган жавоблар – -1 баллдан.

3. Хаёл шкаласи бўйича:

1) «ха» жавоби – 13, 16, 23, 30, 31, 40, 45, 46 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

2) «йўқ» жавоби – 14, 20, 39 (хар бир мослик учун 2 баллдан);

3) барча «эхтимол» деган жавоблар – 1 баллдан;

4) барча «билмайман» деган жавоблар – -1 баллдан.

#### **Натижаларни умумлаштириш.**

Синалувчининг барча жавоблари калитнинг «ха» ва «йўқ» жавоб вариантларига мос келса жами 100 бали тўпланиши мумкин.

Агар синалувчи барча таъкидларга «эхтимол» деган жавоб варианты орқали муносабат бидирган бўлса, унинг якуний натижаси 50 баллга тенг келади.


Сўровномадаги «билмайман» жавоби диагностик кийматга эга бўлмай қатъиятсиз, ижодий ёндашувдан ўзини тўлиқ олиб қочадиган синалувчини жазолаш учун хизмат қилади.

Синалувчининг натижаси қанчалик баланд бўлса, унда ижодий фаоллик билан боғлиқ шахсий сифатлар (қизиқувчанлик, ижодий ҳаёл, мураккаблик, таваккалга мойиллик) даражаси шунчалик юқори экани ҳақида хулоса чиқарилади.

### «Векслер катталар интеллектини ўлчаш шкаласи» нинг 7-субтести («Рақамларни шифрлаш» тести)<sup>1</sup>

Мазкур субтест визуал перцепиянинг мустаҳкамлик, кўз-мотор координациясининг ривожланганлик, малаканинг ҳосил бўлиш тезлиги даражасини аниқлашда қўлланади. Методика психомотор нуқсонлар, кўриш хотираси кучи, ўрганишга укувлиқ даражасига таъсирчанлик билан тавсифланади.

**Кўрсатма:** «Хурматли иштирокчи! Сизга икки сатрдан иборат жадваллар тақдим этилган. Ҳар бир жадвалнинг юқори сатрида аралаш кетма кетликда 1 дан 9 гача бўлган рақамлар ёзилган. Ҳар бир рақам остида бўш катакча келтирилади. Сизнинг вазифангиз 90 сония давомида ушбу бўш катакчаларга намунада келтирилгани каби ҳар бир сонга мос шартли белгини қўйиб чиқишдан иборат».



2	1	3	7	2	4	8	1	5	4	2	1	3	2	1	4	2	3	5	2	3	1	4	6	3
1	5	4	2	7	6	3	5	7	2	8	5	4	6	3	7	2	8	1	9	5	8	4	7	3
6	2	5	1	9	2	8	3	7	4	6	6	9	4	8	3	7	2	5	1	5	4	6	3	7
8	2	8	1	7	9	4	6	8	5	9	1	1	8	3	2	9	4	8	5	3	7	9	8	6

<sup>1</sup> Дружинин В. Н. Психология общих способностей. – СПб.: Питер, 1999. – 356 с.

## «Эхтиёжлар иерархиясини ўрганиш методикаси»<sup>1</sup>

Мазкур методика синалувчининг ўз фикрига кўра моддий таъминланганлик, хавфсизлик, мулоқот ва муносабат, ҳурмат қозониш ҳамда шахсий салоҳиятни рўёбга чиқаришга бўлган эҳтиёжи канчалик қондирилаётганини текшириш учун хизмат килади. Методика тўлиқ стандартлаштирилган бўлиб, унинг қайси шкаласи бўйича синалувчи энг юқори кўрсаткичга эга бўлса, у ўзининг шу йўналишдаги эҳтиёжи етарлича қондирилмаётган, деб ҳисоблаётгани маълум бўлади.

**Кўрсатма:** «Сизга 15 та тасдиқ маъносидаги ҳукмлар берилади. Ушбу ҳукмларнинг ҳар бирини жуфт-жуфт қилиб бир-бири билан солиштиринг. Бунда, масалан, 1-ҳукмни 2-ҳукм билан солиштириб қайси бирига кўпроқ қўшилсангиз унинг рақамини жавоб варақасидаги жадвалнинг 1-катакчасига ёзинг. Кейин 1-ҳукмни 3-ҳукм билан солиштириб, бу жуфтликдан қайси бирида сизга маъқул фикр ифодаланган бўлса, ўшанинг рақамини кейинги (горизонтал бўйлаб) каттакчага кўйинг. Сўнгра 1-ҳукмни 4-ҳукм билан ва шу тариқа барча 15 та ҳукм билан солиштириб чиқиш зарур. Шундан кейин 2-ҳукмни 3-ҳукм, 4-ҳукм ... 15-ҳукм билан, кейин 3-ҳукмни 4-ҳукм, 5-ҳукм ... 15-ҳукм билан солиштириб чиқиш ва жавоб варақасини тўлдириш керак.

### Сўровнома:

1. Мен ҳурмат ва эътибор қозонишни хоҳлайман.
2. Мен одамлар билан илиқ муносабатларга эга бўлишни хоҳлайман.
3. Мен ўз келажакимни таъминлашни хоҳлайман.
4. Мен ҳаёт учун пул ишлашни хоҳлайман.
5. Мен яхши суҳбатдошларга эга бўлишни хоҳлайман.
6. Мен ўз мавқеимни мустақкамлашни хоҳлайман.
7. Мен ўз кучим ва иқтидоримни ривожлантиришни хоҳлайман.
8. Мен ўзимга моддий қулайлик яратишни хоҳлайман.
9. Мен маҳорат ва билимим даражасини оширишни хоҳлайман.
10. Мен нохушликлардан қочишни хоҳлайман.

<sup>1</sup> Акиндинова И.А. Особенности самоактуализации личности в профессиях различного уровня социального престижа: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – СПб.: СПбГУ, 2000. – 24 с.





Тўлиқ қониқшиш 0-13 балл

Қисман қониқшиш 13-26 балл

Тўлиқ қониқмаслик 26-39 балл

### «Интеллектуал хиссиётларга мойиллик даражасини аниқлаш сўровномаси»

Мазкур психодиагностик методика одамнинг аклий фаолияти давомида билимларни эгаллаш жараёни ва унинг натижаларига муносабат тариқасида вужудга келувчи хиссий ҳолатнинг алоҳида тури, яъни интеллектуал хиссиётлар мавжудлиги ҳақидаги тасаввурга асосланади. Методика ёпиқ турдаги сўровномалар туркумига кириб, одамнинг интеллектуал хиссиётларга мойиллик даражасини аниқлаш учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Сўровноманинг стимул материални ташкил этувчи 20 та таъкид 4 та шкалани ҳосил қилади. Бунда уч шкала асосий психодиагностик шкала бўлиб, алоҳида бир шкала ижтимоий маъқулланиш мотивининг даражасини текширишга мўлжалланган таъкидлардан иборат ёлғон шкаласидан ташкил топган. Сўровномадаги таъкидларга синалувчи 2 хил вариантдаги жавобнинг бири – «ҳа» ёки «йўқ» варианты билан муносабат билдириши керак бўлади. Унинг ёпиқ шаклда экани билан синалувчи учун пайдо бўлётган ноқулайлик, биринчидан, таъкидларга «одатда», «кўпинча», «аксарият ҳолларда» каби маънодаги сўзларнинг киритилиши ва шу тариқа уларда қатъий ҳукм оҳанги сусайиши, иккинчидан, методика йўриқномасида «ҳа» жавоб варианты «ҳа, шундай бўлса керак» вариантидек, «йўқ» жавоб варианты «йўқ, ундай бўлмаса керак» вариантидек тушунилиши мумкинлиги ҳақида маълумот бериш ҳисобига енгиб ўтилиш назарда тутилган.

Сўровноманинг диагностик шкалалари одам интеллектуал хиссиётларнинг уч тури билиш жараёнига қизиқишни билдириш, ушбу жараён ва унинг натижаларига ҳайратланиб ёки шубҳаланиб қарашда намоён бўлувчи хиссий кечинмаларни ҳис этишга қанчалик мойил эканини аниқлашга хизмат қилади.

Кўрсатма: «Хурматли иштирокчи! Ҳар бир одам кундалик ҳаёти давомида деярли ҳар кун ўзи учун янги бўлган нарса-ҳодисаларни учратади. Улар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун бу

нарс-ҳодисаларнинг хосса-хусусиятлари, мазмун-моҳиятини билишга интилади. Билиш жараёнининг ўзи ва албатта, унинг якунида эришиладиган муваффақият ёки рўй берадиган муваффақиятсизлик одамда муайян ҳис кечинмаларни уйғотиши табиий. Қуйидаги сўровномада келтирилган таъкидларга билдирадиган муносабатингиз орқали бундай ҳис кечинмаларни ҳис этиш сиз учун қанчалик хослигини аниқлаш пмконияти пайдо бўлади. Бунинг учун ҳар бир таъкидга унда ифодаланган фикр сизнинг одатий хулқ-атворингиз ва умуман, шахсингизга қанчалик хос экани ҳақида ўйлаб кўриб муносабат билдиришингиз талаб қилинади. Бунда ўз шахсий муносабатингизни икки хил жавоб вариантдан бирини – «ҳа» ёки «йўқ» вариантини танлаш билан билдиришингиз керак бўлади. Бирор таъкидга муносабат билдиришингизда қайсидир вариантни танлашга иккиланганингизда «ҳа» деган вариант мазмунан «ҳа, шундай бўлса керак» вариантига, «йўқ» деган вариант эса «йўқ, ундай бўлмаса керак» вариантига тенглаштирилишини эътиборга олинг. Самимий жавобларингиз учун аввалдан миннатдормиз!».

### Сўровнома матни.

1. Бир неча уринишдан кейин ҳам қандайдир масаланинг ечимини топа олмасам, одатда унинг жавобига бўлган қизиқишим янада ортади.
9. Бадий асар билан танишганимда ундаги воқеа-ҳодисалар нима билан тугалланишини билишга кўпинча сабрим етмайди.
5. Ҳар қайси одам умумий дунёқараш кенглиги учун билиб қўйиши фойдали, аммо айни вақтда мендан билиш талаб қилинмаётган нарсаларга қизиқишим кўпинча юқори бўлмайди.
13. Бирор саволнинг жавобини кўпчилик топа олмаётганини билсам, кўп ҳолларда жавоб қандайлигига қизиқишим пасаяди.
17. Кўпдан бери мени қизиқтириб келаётган нарс-ҳодиса ҳақида уни яхши билган одамнинг хафсаласиз ва юзаки гапириб бериши ҳам одатда унга бўлган қизиқишимни сусайтира олмайди.
6. Одатда мен бадий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг шунчалик хилма-хил якунларини тасаввур қиламанки, ҳеч қандай кутилмаган якун мени ҳайрон қолдира олмайди.
12. Қандайдир масаланинг мен топган ечими тўғрилигига иккилансам ҳам унинг тўғри жавоби бошқача эканини билганимда кўпинча ҳайрон қоламан.

14. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкинлигини билганимдан ҳеч қандай ноодатий воқеа ҳодиса мени одатда ҳайрон қолдира олмайди.

10. Кўп ҳолларда қандайдир мураккаб масала ечимининг бир қанча йўлини топиб, кейин жуда оддий ечим усули мавжудлигини билиб таажжубланаман.

18. Ўзим яхши билган таниган одамнинг кутилмаган ҳаракатлари, унга унчалик ярашмайдиган хулқ-атвор ҳақидаги хабар кўпинча мени шошириб қўяди.

3. Ечимини топишим жуда кийин кечгач масаланинг жавоби ахири оқибат хаддан ташқари осон бўлиб чиқса, унинг тўғрилиги одатда менда шубҳа уйғотади.

7. Бирор масалага ўхшаш масалаларни авваллари кўп марта ечган бўлсам, унинг жавобини топгач, тўғрилигига кўпинча шубҳаланмайман.

11. Қандайдир кўринишидан осон топширикни узок вақт бажара олмасам, унинг бажарилиши учун керак барча маълумотлар менга тўлиқ етказилганига кўп ҳолларда шубҳалана бошлайман.

19. Одатда ҳазил аралаш, муайян сўз ўйинига асосланган саволларнинг тўғри, илмий асослаб бериш мумкин бўлган жавоблари мавжудлигига шубҳа билан қарайман.

4. Кўп марта уриниб бирор масаланинг ечимини барибир топа олмаганим асабий ҳолатимга мутлақо таъсир кўрсатмайди.

8. Ҳар доим масала шартини яхшилаб ўрганиб чиққандан кейингина унинг ечимини топишга киришаман.

12. Бадий асардаги воқеа-ҳодисалар нима билан тугалла-нишини олдиндан билиб қолган бўлсам ҳам, ҳеч қачон унинг мазмунига қизиқишим пасаймайди.

16. Масаланинг мен топган ечими билан асл тўғри жавоби бир-бирига мос келмаганда келтирилган жавоб тўғрилигига ҳеч қачон шубҳаланмайман.

20. Кимдир менга ўзим яхши билмаган нарсани бағафсил тушунтирганда уни доим катта қизиқиш билан тинглайман.

Натижаларни ҳисоблаш. Қўйидаги калит асосида ундаги вариантлар ва синалувчи жавобларининг ўзаро мос ҳар бир ҳолати учун 1 баллдан баҳо қўйилади.

## Калит

№	Жавоб вариантлари	Диагностик шкалаларга тегишли бандлар			Ёлгон шкаласи бандлари
		Қизиқиш	Хайратланиш	Шубҳаланиш	
1	Ха	1,9,17	2,10,18	3,11,19	4,8,12,16,20
2	Йўқ	5,13	6,14	7,15	

### Натижаларни баҳолаш

1. Ёлгон шкаласи бўйича: 4-5 баллга тенг натижа синалувчининг жавоблари ижтимоий маъқулланиш мотивациясининг кучли таъсирида эканни кўрсатади; 2-3 баллга тенг натижа синалувчининг жавоблари умуман олганда самимий, аммо ёлгон жавоблар эҳтимолни кам даражада бўлса ҳам мавжудлигини кўрсатади; 0-1 баллга тенг натижа синалувчи жавоблари ишончли даражада самимийлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

2. Диагностик шкалалар бўйича: 4-5 балл синалувчи тегишли интеллектуал ҳиссиётни ҳис этишга юқори даражада мойил эканни билдиради; 2-3 балл синалувчи тегишли интеллектуал ҳиссиётни ҳис этишга ўрта даражада мойиллигини англайди; 0-1 балл синалувчида тегишли интеллектуал ҳиссиётни ҳис этишга мойиллик паст даражада эканни кўрсатади.

Э.Ғ.Ғозиевнинг «Талабаларнинг амалиётга муносабатини  
аниқлаш» методикаси

Ф.И.Ш.

Факультет

Курс

I.Мазкур мутахассисликни танлашингизга нима сабаб бўлди  
(тегишли жавобнинг тартиб рақамини айлана ичига олинг):

- 1) ҳар қандай фан билан шуғулланиш имконияти;
- 2) мутахассислик бўйича ўз қобилиятимга ишонаман;
- 3) ўқитувчининг тавсияси;
- 4) оиламиз анъанаси;
- 5) ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий нуфузи;
- 6) шу мутахассислик бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
- 7) бундан бошқа иложим йўқ эди;
- 8) яна нималар сабаб бўлганини ўзингиз ёзинг.

II. Агар институтга қайтадан кириш мумкин бўлса, Сиз яна шу  
мутахассисликни танлайсизми?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

III. Мутахассислик бўйича факультетдаги умумий тайёргарлик  
жараёни сизни қониқтирадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

IV. Муҳандис касби ва унинг истиқболи сизга ёқадими?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

---

V. Агар институтга қайтадан кириш мумкин бўлса, яна шу  
факультетни танлайсизми?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмайман.

VI. А. Муҳандис фаолиятининг нимаси  
ўзига тортади?

1. Ижод қилиш имконияти
  2. Ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиш
  3. Муҳандис фаолиятининг ижтимоий нуфузи
  4. Севимли фан билан шуғулланиш имконияти
  5. Ишнинг ўз қобилиятимга мослиги
  6. Ишнинг характеримга мослиги
  7. Ўзини-ўзи такомиллаштириш имконияти
  8. Яхши иш ҳақи
  9. Қисқа иш куни
- Б. Муҳандис фаолиятининг нимаси ўзига тортмайди?

---

\* Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1997. Б.43-47.

1. Мухандис фаолиятининг етарлича баҳоланмаслиги
2. Ёқадиган фан бўйича баркамолликка имкон йўқлиги
3. Ижодга имкон йўқлиги
4. Ишнинг характеримга мос эмаслиги
5. Ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатмаслик
6. Маошининг ёмонлиги

7. Ишнинг ўз қобилиятимга мос эмаслиги

8. Кераксиз фанлар ўқитилиши.

Ҳ. Сиз олдинда турган амалиётга қандай муносабатдасиз?

1. Уни ўртача қизиқиш билан кутяпман.

2. Менимча амалиёт фойдали бўлади.

3. Мен ундан чўчимайман.

4. У мени ўзим ёқтирган фандан чалғитади.

5. Амалиётдан ҳеч қандай натижа кутаётганим йўқ.

Ғ. Агар ишлаб чиқаришда мухандис бўлиб ишлаш зарурати туғилса сиз унга тайёрмисиз?

1. Ҳа. 2. Йўқ. 3. Билмадим.

Д. А. Мутахассислик фанни ўқитишнинг қандай ижобий жиҳатларини биласиз?

1. Ҳозирги замон масалалари билан алоқаси борлиги

2. Илмийлик, муаммолик, билимнинг чуқурлиги.

3. Таълимда кўрсатмалик ва техника воситаларининг қўлланилиши.

4. Маърузаларнинг жонли, қизиқарли ўтиши.

5. Илмий тадқиқот усуллари мавжудлиги.

Е. Мутахассислик фанини ўқитишнинг қандай салбий жиҳатларини биласиз?

1. Маърузаларнинг зерикарли ва сустлиги.

2. Таълимда кўрсатмалик ва техника воситаларининг қўлланилмаслиги.

3. Ҳозирги замон масалалари билан алоқаси йўқлиги.

4. Илмийлик, муаммолик, чуқурликнинг етишмаслиги.

5. Илмий тадқиқот усуллари йўқлиги.

6. Мутахассислик фанларидан дарс кам бўлиши.

З. Машғулотлардан ташқари вақтларда ижодий фаолиятнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?

1. Фаолиятнинг бошқа турлари

2. Ўз устида ишлаш

3. Талабалар илмий жамиятида

4. Спорт секциясида
5. Рақс тўғарагида
6. Бадний сўз устаси тўғарагида.
7. Қўтирчоқ теагрида.
8. Муסיқа ансамблида қатнашаман.

### Э.Ф. Ғозиевнинг «талаба шахсини ўрганиш» методикаси<sup>1</sup>

**Қўлланма:** «Хурматли талабалар! Сизни илмий тадқиқот фаолиятида эксперт сифатида иштирок этишингизни сўраймиз, бу ишнинг асосий мақсади талабалар шахсининг объектив ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

1. Бунинг учун талаба шахсининг беш гуруҳдан иборат куйидаги фазилат, сифат ва хислатларига ўз аҳамияти бўйича тегишли тартиб номерлари қўйишингизни сўраймиз:

Шахсининг ғоявий-сиёсий сифатлари.

Касбий ихтисослик фазилатлари.

Ахлоқий-этик хислатлари.

Тарбиявий-педагогик сифатлари.

Ташкилий-ишчанлик фазилатлари.

2. Ҳар бир гуруҳга киритилган сифатларни ўзингиз муҳим бўлмаган деб ҳисобласангиз, у ҳолда уни ўчириб ташланг ва ўрнига ёқтирганингизни қўшиб қўйинг (1-5 жадваллар).

3. Ҳар бир гуруҳдаги алоҳида фазилатларни аҳамиятлилигига қараб, уни беш балли шкала билан баҳоланг:

«5» – талаба шахсининг тизимида мутлақо зарур деб ҳисоблаганда қўйилади;

«4» – талаба шахсининг тизимида бу сифат қатнашиши шарт;

«3» – мазкур сифат иштирок этса кўнгилдагидек иш бўлар эди;

«2»- ушбу сифатнинг мавжудлиги заруриятдан ташқари;

«1» – уни эътиборсиз қолдирса.

<sup>1</sup> Ғозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси. -Т.: Ўқитувчи, 1997. Б.40-43.

## Талабаларда шахснинг ғоявий-сиёсий сифатлари

№	Шахс хислатлари	балл	
1	Принципиаллик		
2	Сиёсий саводхонлик		
3	Ғоявий эътиқод		
4	Жамоат ишларида фаол қатнашиш		
5	Ўз ижтимоий бурчини англаш		
6	Тарбия муаммоси муҳимлигини тушуниш		
7	Ижтимоий-сиёсий фикрлаш кўникмаси		
8	Ташкилотчилик қобилияти		

## Талабаларда касбий ихтисослик сифатлари

№	Шахс хислатлари	балл	
1	Илмий иш билан шуғулланиш		
2	Касбий етуклик		
3	Ўқишдаги ижодий фаоллик		
4	Мустақиллик		
5	Билимдонлик		
6	Ақлнинг танқидийлиги		
7	Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш Ўз фикрини ифода қилиш		
8	Илмий-тадқиқот ўтказиш кўникмаси		
9	Сўз-мантиқ луғат бойлиги		
1			

## Талабаларнинг ахлоқий-этноик хислатлари

№	Шахс хислатлари	балл	
	Ўзига талабчанлик		
	Ўзгаларни хурматлаш		
	Камтарлик		
	Ўзига ишонч		
	Иболилик		
	Ҳалоллик		
	Адолатпарварлик		
	Самимийлик		



Бегразлик		
Ички маданиятлилик		
Ҳамдардлик		
Виждонлилик		
Жамаотчилик	меҳнатини	ортиқча
баҳоламаслик		
Юмор ҳисси		
Дилкашлик		
Ўзини камол топтиришга интилиш		
Гуманитар билимларга	чанқоқлик	
Замованийлик		
Ўзини туттиш		
Ўзини назорат қилиш		
Ўз манфатини	ҳамма	нарсадан юқори
кўймаслик		
Ахлоқ қоидаларига риоя қилиш		

4-жадвал.

#### Талабаларнинг ташкилий-ишчанлик сифатлари

№	Шахс хислатлари	балл
1	Ўқишда ва илмий фаолиятда натижаларни қўлга киритиш уқуви	
2	Бўлиш вақтини ташкил қилиш уқувчанлиги	
3	Ўқув фаолиятини ташкил қила олиш уқуви	
4	Ёндош касб-ҳунар илмига қизиқиш	
5	Бош мақсадни ажратиш қобилияти	
6	Жамоада ижодий ҳолатни сақлаб туриш қобилияти	
7	Ўз ҳамкасбларига ғамхўрлик	
8	Мустақил қарор қабул қила олиш қобилияти	
9	Танқидни қабул қила олиш қобилияти	
	Ўз хатосини тузата билиш уқуви	
	Ёқтирган соҳасига бутунлай берилиб кетиш одати	
	Вақтдан тежаб тергаб фойдаланиш	

## Талабаларнинг тарбиявий сифатлари

№	Шахс хислатлари	балл	
1	Бошқалар билан ўз билим ва тажрибасини ўртоқлашиш		
2	Орқада қолганларга кўмаклашиш		
3	Ҳақиқатни далиллаш ва уни тан олиш уқуви		
4	Ўзгаларни ишонтириш қобилияти		
5	Курсдошлари таклифларидан яхши жиҳатни топа олиш		
6	Руҳини кўтариш ва кайфиятини барқарорлаштириш топқирлиги		

И.Г. Сеннининг «Қадриятлар йўналишлари» сўровномаси<sup>1</sup>

Кўлланма: «Кишининг ҳар хил истак ва хоҳишларини акс эттирадиган саволлар диққатингизга ҳавола этилади. Ҳар бир саволни яхшилаб ўқинг ва унинг мазмунини ўзингизга қиёслаб кўринг. Жавоб вариантлари қуйидагича:

1. Мен учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.
2. Унчалик муҳим эмас.
3. Маълум аҳамиятга эга.
4. Муҳим, зарур.
5. Жуда муҳим, эҳтиёжий зарур.

Билинги, бу ерда яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри жавоблар йўқ. Энг тўғри жавоб чин кўнгилдан, ҳолисона берилган жавобдир. Шу сабабли барча саволларга ўйлаб, ҳаққоний жавоб берасиз, деган умиддамиз».

Марҳамат, бошладик.

- 1.Бирор ишимга атрофдагиларнинг юкори баҳо бериши.
- 2.Иш жойим орқали ҳар хил камёб нарсаларга эга бўлиш.
- 3.Барчанинг хурматига сазовор бўлиш учун ўқиб, илм олиш.
- 4.Иш фаолиятимда ихтирочи бўлиш. Янгилликка интилиш.
- 5.Кўп ўқиш, кўпроқ маълумотга эга бўлиш эвазига фаровон ҳаёт манбаига эришиш.
- 6.Оилам аъзоларининг мени ҳурмат қилишлари.

<sup>1</sup> Кодиров Б.Р., Кодиров К.Б. Касбий ташхис методикалари тўплами.-Т.:ЎзМУ. 2003. Б.32-47.

7. Ҳамкасбларим билан бажарилаётган иш хусусида тез-тез маслаҳат олиб, суҳбатлашиб туриш.
8. Ўрганаётган билим соҳамда бирор бир янгилик яратиш.
9. Онламинг бой-бадавлат ҳаёт кечиринчи.
10. Атрофдагиларнинг назарига тушадиган даражада ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиш.
11. Касбий маҳоратимни доимий равишда ошириб бориш.
12. Ҳар хил одамлар билан фаол мулоқотда бўлиш учун юқори маълумот даражасига эга бўлиш.
13. Уй шароитининг кўринишини доимо ўзгартириб, янгилаб туриш.
14. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, моддий мукофотлар олиш.
15. Ҳавас ва қизиқишларим билан атрофимдагиларни ҳайратга солиш.
16. Касбий фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.
17. Олган билимларимни тинимсиз ривожлантириш, кенг доирадаги илмий маълумотга эга бўлиш.
18. Оилада етакчи бўлиш, мулоқотчанлик муҳитини яратиш.
19. Жамият ҳаётига ҳар хил янгиликлар киритиш, одамларда янгича онг, янгича фикрни шакллантириш.
20. Бўш вақтларимда даромад келтирадиган ишлар билан шуғулланиш.
21. Обрў-эътибор келтирадиган касб соҳасида ишлаш.
22. Бирор ишни бошлагач, унга чин қалбдан, берилиб ишлаш.
23. Бирор соҳада таълим олиб, катта муваффақиятларга эришиш.
24. Онламда ҳар хил тушунмовчиликларга йул қуймаслик учун бошқа оилалардаги воқеаларни синчковлик билан ўрганиш.
25. Ижтимоий ҳаётнинг янада қизиқарли бўлиши учун одамларни бир-бирига бирлаштириш, ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш.
26. Бўш вақтимда илгари мавжуд бўлмаган бирор янги нарсани ихтиро этиш.
27. Иш шаронтидан фойдаланиб, шахсий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.
28. Илмий даражалар ва унвонларга эга бўлиб, обрў-эътибор қозониш.
29. Бошқа касблардан ижобий фарқ қиладиган ўзига хос касб соҳасида ишлаш.

30. Чин юракдан берилиб ўқиш, илм олиш.
31. Фарзандларимнинг ҳар томонлама ривожланиши, тенгдошларидан устун бўлиши.
32. Жамоат ишлари билан шуғулланиб, ташкилотчилик қобилиятимни ривожлантириш.
33. Қизиқишларим доирасида ўртоқларим билан биргаликда бирор бир тўғаракка, клубга аъзо бўлиш.
34. Касбий фаолиятимда ҳар хил иш услубларини синаб кўриш.
35. Ўқиган соҳам бўйича кўшимча моддий таъминланиш имконияти (масалан, ҳар хил пуллик мукофотлар, грантлар ёки танқис моллар учун алоҳида имтиёзлар).
36. Турмуш ўртоғимнинг обрў-эътиборли оиладан бўлишлиги.
37. Оддий кишилардан фарқ қилиш учун тинмай ўқиб, илм олиш.
38. Фарзандларимни маънавияти бутун ва тўғрисиўз инсонлар қилиб тарбиялаш.
39. Аниқ мақсадлар билан жамият ҳаётида фаол иштирок этиш.
40. Бўш вақтлардаги қизиқишларимда бутун қобилиятларимни намоён қилиб, ўз устимда ишлаш.
41. Одамлар билан тез- тез мулоқотда бўлиш имконияти бўлган касб соҳасида ишлаш.
42. Илм-фанда янги, қизиқарли кашфиётлар қилиш, илмий унвонлар олиш.
43. Турмуш ўртоғим оладиган маошининг юқори бўлиши.
44. Бирор ташкилотга раҳбарлик қилиб, обрў- эътиборли бўлиш.
45. Кўпчиликнинг фикрига қарши бўлса ҳам оилавий ҳаётда ўз қарашларимга таяниш.
46. Жамоат ишида фаол иштирок этиб, маънавий озуқа олиш.
47. Қизиқишларим доирасидаги мақсадларимга тезроқ эришиш.
48. Касбий вазифамни юқори савияда бажариш.
49. Турли илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган анжуманларда фаол қатнашиш.
50. Оилани бошқариш, бола тарбиялашнинг ҳар хил усуллари- ни ўйлаб топиш.
51. Жамиятда ўз ўрнимни топиб, бадавлат яшаш.
52. Ҳавас ва қизиқишларим доирасида эришган ютуқларим билан мағрурланиб юриш.

53. Ижтимоий-сиёсий дунёқарашимда ўзгаларнинг таъсирига берилмаслик, ўз қарашларимга эга бўлиш.

54. Бўш вақтлардаги машғулотларим билан бутунлай берилиб шуғулланиш.

55. Касбий фаолиятимда аниқ мақсадлар сари интилиб, тез орада уларга эришиш.

56. Ўқиш, таълим олиш жараёнида ақлий қобилиятларимни ривожлантириш.

57. Оилам аъзоларининг тўй-маъракаларда, турли байрам ва маросимларда фаол қатнашиши.

58. Жамиятимиз тараққиётига, унинг иқтисодий ва маънавий юксалишига янги таклиф ва ғояларим билан ҳисса қўшиш.

59. Шахсий қизиқишларимни моддий бойлик келтирадиган фаолиятга қаратиш.

60. Меннинг ҳавас ва қизиқишларим ўзимга хос хислат ва қобилиятларимни акс эттириши.

61. Қайси касб эгаси бўлмайин, у мазмунли, одамлар учун фойдали, ҳалол бўлсин.

62. Илмий даража ёки унвон олиш учун аниқ режа асосида ҳаракат қилиш.

63. Аҳил ҳаёт кечириб учун турмуш ўртоғимнинг феъл-атворини тушуниш ва унга мослашиш.

64. Жамият ҳаётида фаол қатнашиш, тажрибали одамлар билан ҳамкорлик қилиш.

65. Бўш вақтларимда ҳар хил қизиқарли, ижодий ишлар билан шуғулланиш.

66. Иш фаолиятимда ўзимнинг услубимга эга бўлиш.

67. Маънавий дунёмни бойитиш учун илм билан шуғулланиш.

68. Оилавий ҳаётимни обдон режалаштириш.

69. Жамоат ишлари жараёнида одамларни ўз фикрларимга икром этишни, ишонтира олишни ўрганиш.

70. Бўш вақтларда дўстлар билан ҳамкорликда қизиққан машғулотларим билан банд бўлиш.

71. Ўқиш ва таълим олишда бошқа кишилар билмаган, «теша тегмаган» билимларни эгаллаш.

72. Онлага нисбатан ҳалол ва садоқатли бўлиш.

73. Ижтимоий ва ташкилотчилик фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.



# Касбий установакаларни аниқлаш методикаси<sup>1</sup>

(И.М.Кондаков)

Кўлланма: «Куйида берилган жумлаларни диққат билан (лозим бўлса, қайта-қайта) ўқиб чиқинг. Ҳар бир топширик касб танлаётган ёшларнинг руҳий ҳолатини тавсиф этувчи 5 та жумладан иборат. Уларнинг баъзилари Сиздаги вазиятга кўпроқ мос келса, бошқалари Сиздан узоқроқ, ёки Сизни тавсиф этмайди. Сиздан мазкур жумлаларни ўзингизга яқин –узоқлигига кўра тартиблаб чиқиш сўралади, яъни Сизни энг кўп характерлайдиган жумланинг тартиб рақами жавоб варақасининг 1- катакчасига, иккинчи навбатда мос келадиган жумланинг тартиб рақами эса 2 - катакчага ёзиб қўйилади ва х. Демак, Сизга нисбатан энг «узоқ» фикр ифода этилган жумланинг тартиб рақами -5 - катакчага киритилади.

Марҳамат, бошладик!»

## I Топширик

1. Касблар оламини яхши билмайман.
2. Касб танлашда ўтқинчи хаваслардан қочишни афзал кўраман.
3. Ўзимга мос касбни тўғри танлаш учун кўп нарсалардан кечишга розиман.

4. Ҳар қандай касбнинг уддасидан чиқа оламан.

5. Касб танлашим ҳақида менга берилган ҳар хил маслаҳатларни диққат билан тинглайман.

## II Топширик

1. Касбни тўғри танлаш учун ёрдамга муҳтожман.

2. Ҳар хил ўй-хаёллар билан вақтни бекор кетказмасдан, бўлажак касбимга аниқ кадамлар қўйиш зарур, деб ўйлайман.

3. Насиб килса, танлаган касбим ўзига хослиги билан ажралиб туради.

4. Келажақда юксак малакали мутахассис бўлишимга шубҳа йўқ.

5. Тенгдошларим қатори бирон бир касб эгаси бўлсам, шу мен учун кифоя.

## III Топширик

1. Касб танлашда қатъиятли эмасман.

2. Касбни тўғри танлаш учун аниқ режа тузиб олишим керак, деб ўйлайман.

<sup>1</sup> Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий таъхис методикалари тўплами. -Т.:ЎзМУ. 2003. Б.60-64.

3. Бўлажак касбимга муносиб бўлишим учун кўп хислатларимни ўзгартиришга тайёрман.

4. Мендаги хислатлар ҳар қандай касбга мос келади.

5. Менинг бўлажак касбим бошқаларни ҳам безовталантирса, ўзимни бардамроқ хис этаман.

#### **IV Топшириқ**

1. Бўлажак касбни танлашда нималарга (ўз имкониятларим, ота-онам истаги ва ҳ.) асосланишимни билмай, иккиланаман.

2. Турли касбларга ҳар хил одамлар томонидан берилган ижобий ёки салбий тавсифларга ишонавериш мақсадга мувофиқ эмас.

3. Худо хоҳласа, бўлажак касбим менинг барча имкониятларимни руёбга чиқаришимга ёрдам беради.

4. Яхши мутахассис бўлишим учун барча имкониятларим етарли.

5. Менимча, ёшларнинг бўлажак касбларини танлашлари учун одатда катталар яхши шароит яратиб беришмайди.

#### **V Топшириқ**

1. Касбий ҳаётимни нимадан, қандай бошлашимни мутлақо билмайман.

2. Бўлажак касб аллақачон танланган бўлса ҳам, бу мавзу устида қайта- қайта ўйлаб кўрилса, зарар қилмайди.

3. Тезроқ бирор жойда ишлаб, эркинликка эришишни жуда ҳам хоҳлайман.

4. Касбий ҳаётда ўзимнинг муносиб ўрнимни топишимга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

5. Касб танлашда одамларнинг маслаҳатларига, ҳар хил ҳаётий ўрнакларга кўп эътибор бераман.

#### **VI Топшириқ**

1. Гоҳида касб танлашда ўта беқарорлигимдан хафа бўлиб кетаман.

2. Касб танлаш ва касбий маҳорат сирларини чуқур ўрганишни жуда муҳим, деб биламан.

3. Баъзан бўлажак касбимнинг менга очадиган имкониятларини ўйлаб, кўнглим ёришиб кетади.

4. Ўзимдан кечиб бўлса ҳам касбий ҳаётимда учрайдиган ҳар қандай тўсиқни албатта енгиб ўтаман.

5. Ҳозирча «катта бўлишга» (яъни бирон касб эгаси бўлишга) интилишни унчалик зарур эмас, деб ўйлайман.



### **VII Топширик**

1. Омадсизлигим туфайли касб танлашда ҳам бахтим чопмайди, деб кўрқаман.

2. Касб танлашда касбларнинг ташки жилосига учини ногўри деб биламан.

3. Истикболи кенг бўлган касбни танлашда биринчи навбатда қалбим амрига ишонаман.

4. Мен танлаган касб қатъий бўлади, уни ҳеч қачон ўзгартирмайман.

5. Агар атрофдагилар менинг бирон бир касбни эгаллашим устида қаттиқ туриб олишса, эҳтимол уларга кўнишим мумкин.

### **VIII Топширик**

1. Бўлажак касбим тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга эмасман.

2. Касб танлашда ҳиссиётларга эмас, фикр - мулоҳазага таянишни маъқул кўраман.

3. Умид қиламан-ки, бўлажак касбим менга бахт келтиради.

4. Келажакда касбий ҳаётимда фавқулодда бир янгилик киритмоқчиман.

5. Ўқишни давом эттириш имкони бўлса эди, иш топишга ҳеч қачон шошилмаган бўлардим.

### **Касбий установкаларни аниқлаш методикаси жавоб варақаси**

Фамилия \_\_\_\_\_ Исмои \_\_\_\_\_

Топшириклар	1	2	3	4	5
I					
II					
III					
IV					
V					
VI					
VII					
VIII					

## НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

	1-устунда	2-устунда	3-устунда	4-устунда	5-устунда	Хомаки балл
1 лар сони	<input type="checkbox"/> x5=○	<input type="checkbox"/> x4=○	<input type="checkbox"/> x3=○	<input type="checkbox"/> x2=○	<input type="checkbox"/> x1=○	○
2 лар сони	<input type="checkbox"/> x5=○	<input type="checkbox"/> x4=○	<input type="checkbox"/> x3=○	<input type="checkbox"/> x2=○	<input type="checkbox"/> x1=○	○
3 лар сони	<input type="checkbox"/> x5=○	<input type="checkbox"/> x4=○	<input type="checkbox"/> x3=○	<input type="checkbox"/> x2=○	<input type="checkbox"/> x1=○	○
4 лар сони	<input type="checkbox"/> x5=○	<input type="checkbox"/> x4=○	<input type="checkbox"/> x3=○	<input type="checkbox"/> x2=○	<input type="checkbox"/> x1=○	○
5лар сони	<input type="checkbox"/> x5=○	<input type="checkbox"/> 4=○	<input type="checkbox"/> x3=○	<input type="checkbox"/> x2=○	<input type="checkbox"/> x1=○	○

### ЯКУНИЙ НАЗОРАТ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1.Олий мактаб психологиясининг муҳим вазифасини аниқланг.

А) талабаларнинг билиш жараёнларини ўрганиш.

\*Б) ўқитувчи ва талаба фаолиятини психологик таҳлил қилиш.

С) талабаларни фанларга ва билимларга қизиқтириш.

Д) талабаларни индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш.

2.Замонавий олий таълимнинг муҳим элементи нимадан иборат?

\*А) Методологик тайёргарликдир.

Б) касбга йўналтиришдир.

С) ўқув тарбиявий жараёни ташкиллаштиришдир.

Д) тажрибали мутахассислар билан суҳбатлар уюштиришдир.

3.Олий мутахассислик таълими неча босқичда амалга ошади?

А) 3

\*Б) 2

С) 4

Д) 5

**4. Олий таълимда талабаларнинг етакчи фаолияти қайси?**

- А) ўйин фаолияти;
- Б) меҳнат фаолияти;
- \*С) ўқиш фаолияти;
- Д) ижодий фаолият.

**5. Талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари қайси жавобда аниқ кўрсатилган?**

\*А) илмий рефератлар, диплом ишлари, курс ишлари, олимпиадаларда иштирок этиш.

Б) курс ишлари, ижодий фаолият, анжуманларда иштирок этиш, ўқув тарбиявий жараёни ташкиллаштириш.

С) олимпиадаларда иштирок этиш, тажрибали мутахассислар билан суҳбатлар уюштириш.

Д) талабаларни индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш, ижодий фаолият.

**6. Талабалар жамоаси бошқа жамоалардан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?**

\*А) ёш ва фаолиятнинг асосий тури бир хиллиги билан.

Б) меҳнат ва ўқиш фаолиятининг бир хиллиги билан.

С) кўйилган мақсаднинг ва вазифанинг ҳар хиллиги билан.

Д) маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги билан.

**7. Жамоани ўрганишнинг асосий методларини аниқланг.**

А) турли вазиятларда кузатиш;

Б) суҳбатлашиш, социометрия методи;

С) анкеталар ўтказиш;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

**8. Талабалар жамоаси шаклланишининг биринчи босқичи нимаси билан характерланади?**

А) мусобақаларда иштирок этиш;

Б) талабаларнинг илмий фаолияти билан шуғулланиш;

\*С) ўқув жараёнига ва янги жамоага кўниқиш;

Д) ўзлаштириш пасайиши.

**9. Талабалар жамоаси ривожланишининг иккинчи босқичи нечанчи курсларга тўғри келади?**

\*А) қисман 2 ва 3 курс

Б) 1 курс ва қисман 2 курс

С) 3 курс

Д) 4 курс

**10.Талабада шахс хислатларини шакллантиришда тарбиянинг қайси тамойилларидан фойдаланилади?**

\*А) жамоада тарбиялаш, ижобий хислатларга суяниш, индивидуал ёндошув, мақсадга интилувчанлик;

Б) индивидуал ёндошув, қўйилган мақсаднинг ва вазифанинг ҳар хиллиги, киришувчанлик, мулоқатчанлик, мутахассислар билан суҳбатлар уюштириш;

С) мақсадга интилувчанлик, ижобий хислатларга суяниш;

Д) олимпиадаларда иштирок этиш, тажрибани мутахассислар билан суҳбатлар уюштириш.

**11.Талабалар ўқув мотивациясига таъсир этувчи асосий ижобий омилларни аниқланг.**

\*А) машғулоғларнинг мазмуни, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси.

Б) талабанинг жамоадаги мавқеи, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси.

С) гуруҳларда ўқишга қизиқмаслик, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси.

Д) касбий истиқболни кўра билмаслик, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси

**12.Талабалар жамоасини ривожланиши неча босқичдан иборат?**

А) 2

\*Б) 3

С) 5

Д) 1

**13.Олий мактаб психологияси предмети қайси жавобда тўғри кўрсатилганлигини аниқланг.**

А) олий мактаб психологиясининг предмети фақат методологияни ўрганиш ҳисобланади.

Б) олий мактаб психологияси бошқа фанлар билан боғлиқлиги, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси, касбий истиқболни кўра билмаслик фаннинг предмети ҳисобланади.

\*С) олий мактаб психологияси предмети олий ўқув юрти шароитида вужудга келадиган индивидуал ва ижтимоий психологик ходисалар ҳисобланади.

Д) олий мактаб психологияси фанининг предмети талабаларнинг шахслараро муносабати, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахси ташкил этади.

**14. Олий мактаб психологияси қайси фан ютуқларини ўзда мужассамлаштиради?**

\*А) педагогик психология, ижтимоий психология, ёш психология, меҳнат психологияси;

Б) ижтимоий психология, юридик психология, патопсихология, сурдопсихология, тифлопсихология;

С) ёш психология, меҳнат психологияси, спорт психологияси;

Д) патопсихология, сурдопсихология, тифлопсихология, паропсихология.

**15. Олий мактаб психологияси фан сифатида нималарни ўрганади?**

А) психологияни табиий илмий асосларини ўрганади.

\*Б) олий ўқув юрти раҳбарларининг, ўқитувчилари, талабалари фаолиятининг психологик хусусиятларини ва психикасини ўрганади.

С) факатгина талабалар жамоасини ва уларнинг шахслараро муносабатларини ва методологияни ўрганади

Д) олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методикаси талабаларнинг шахслараро муносабати, ўқитиш методикаси, ўқитувчи шахсини ўрганади.

**16. Олий мактаб ўқитувчисининг дарс ўтишда талабалар олдидagi муҳим вазифасини белгиланг.**

А) гуруҳда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

Б) миллий психологик хусусиятлар асосида таълим-тарбия бериш.

С) талабаларни ватанпарварлик руҳида олий туйғуларни тарбиялаш.

\*Д) талабаларга мустақил иш йўналишини кўрсатиш, методикалари билан таништириш.

**17. Талабалар жамоаси ривожланишининг биринчи босқичи нечанчи курсларга тўғри келади?**

А) 4

Б) 2

\*С) 1-2

Д) 5

**18. Битирув малакавий иш олий таълимнинг қайси босқичида ёзилади?**

\*А) бакалавр таянч ихтисослигини олишда.

- Б) магистратура мутахасислигини олишда.
- С) касб-хунар коллежларини тугатаётганда.
- Д) курсдан- курсга ўтаётганда.

19. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда олий таълимнинг бакалаврият босқичларида таълим муддати камида неча йил деб белгиланган?

- А) 3 йил
- Б) 6 йил
- С) 2 йил
- \*Д) 4 йил

20. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари қандай номланади?

- А) кадрлар малакасини ошириш;
- \*Б) аспирантура, докторантура;
- С) магистратура, доктарантура;
- Д) магистратура.

21. Касбга йўллашнинг тайёрлов босқичида психолог томонидан нима ишлар қилинади?

\*А) ўқувчига касб ҳақида умумий маълумотлар тўлиқ берилди.

Б) ўқувчининг танлаган касби бўйича ўқиётганлигини назорат қилинади.

С) ўқувчиларга танлаган касби бўйича тўғарақларга қатнашиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилди

Д) ўқувчилар меҳнат фаолиятини назорат қилади

22. Олий мактаб деб юритиладиган муассасаларни аниқланг.

- А) касб-хунар коллежи;
- Б) академик лицейлар, умумтаълим мактаби;
- С) гимназиялар, техникумлар;
- \*Д) университет, институтлар;

23. Ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисмларига нималар киради?

- А) мақсад, ўқитиш, усул;
- \*Б) мотив, мақсад, усул;
- С) ўқитиш, усул, мотив;
- Д) мақсад, мотив, тажриба.

24. Фаолиятнинг тасаввур қилинган натижаси, бу—

- А) мотив;

\*Б) мақсад;

С) мотив;

Д) усул.

25. Талабаларда янги материални тушуниб ва ўзлаштириб олиши учун муҳим аҳамиятга эга бўладиган жавобни кўрсатинг?

А) ўқитувчининг билимдонлиги, ўқитувчининг ижодкорлиги.

Б) ўқитувчи нутқининг такомиллашганлиги.

С) ўқитувчининг тажрибалилиги.

\*Д) барча жавоблар тўғри

26. Педагогик мулоқот жараёнида маълумотлар алмашишуви қандай шаклларда амалга оширилади?

\*А) монолог, диалог, полилог;

Б) новербал, вербал;

С) коммуникатив, интерактив, перцептив;

Д) лингвистик, паралингвистик.

27. Аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашишувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайдиган, яъни тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан, унинг субъектига айланадиган мулоқот шакли ...?

А) монолог;

Б) диалог;

С) коммуникатив;

\*Д) полилог.

28. Талабаларга таълим бериш жараёнида қандай фаолиятларни қўллаш зарур?

А) перцептив, ўқув, меҳнат;

Б) ўқув, меҳнат, фикрлаш;

\*С) перцептив, мнемик, фикрлаш;

Д) ўйин, ўқув, меҳнат.

29. Нарса ва ҳодисаларнинг мақсади ва мазмунига алоқадор материалларни эслаб қолиши, эсга тушириши ҳамда эсда сақлаб туриши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури ...?

А) перцептив фаолият;

\*Б) мнемик фаолият;

С) фикрлаш фаолият;

Д) ўқув фаолият.

30. Ўқитувчи фаолияти маҳсулдорлигининг психологик шарт-шароитлари умумий схемасига нималар кирди?

- А) шахсий шарт-шароитлар, ўз фанини чуқур билиш, маданият;
- Б) ўз ишини севиш, ҳар соҳадан хабардор бўлиш, қатъийлик;
- С) кўп фанлардан чуқур билимдонлик, талабчанлик, поклик;
- \*Д) барча жавоблар тўғри.

**31. Ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият нечта ақлий ҳаракат ва фазадан ташкил топган?**

- А) 6-1
- Б) 5-3
- \*С) 6-3
- Д) 4-3

**32. Ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолиятнинг учинчи фазаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- А) фаолиятга киришиш;
- Б) талабаларни ўқитувчи билан келишган ҳолати;
- \*С) эгаллаган ҳамкорликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш;
- Д) ўқитувчи ва талабалар орасида ҳаракатларни тақсимланиши.

**33. Олий мактаб ўқитувчисининг меҳнати қандай шароитда маҳсулдор бўлади?**

- \*А) илмий ташкил этилганда;
- Б) ахборот алмашиш натижасида;
- С) янги билимларни олганда;
- Д) кафедра мажлисларида ўзаро маслаҳатлар натижасида.

**34. «Ўқитишнинг самарадорлиги талаба билан ўқитувчи ҳамкорлик кўламига боғлиқ, чунки ҳамкорликдаги маҳсулдор фаолият доираси қанча кенг бўлса, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар шунчалик паст бўлади, муомалага киришишга нисбатан енгил кечади» деб ўқитувчи ва талабани ҳамкорликдаги фаолияти ҳақида ким фикр билдирган?**

- А) Э.Ғ.Ғозиев;
- Б) Б.Э.Утанов;
- \*С) Н.Азимов;
- Д) А.В.Маргулис.

**35. Педагогик маҳоратнинг ташқи кўринишларига нималар кирди?**

- А) фаолиятни бошқаришнинг юқори даражаси, кўникма ва ма-лака;
- Б) ўқитувчи ишининг сифати, ўқитувчининг зарур касбий хислатлари;



С) касбга мос характер хислатлари, психик жараёнлар хусусияти;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

**36. Педагогик маҳоратнинг ички кўринишларга нималар киради?**

А) касбга мос характер хислатлари, темперамент кўринишлари.

Б) фаолиятга психик тайёргарлик, ўқитувчининг педагогик вазиятларда мақсадга йўналтирилган мос ҳаракатлар қилиши.

С) талабалар мустақил ишида таълим тарбияда натижаларга эришиш.

\*Д) А ва Б жавоб.

**37. Олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлар неча гуруҳга бўлинади?**

А) 1

\*Б) 2

С) 3

Д) 4

**38. Олий мактаб ўқитувчисига зарур билимларни биринчи гуруҳга нималар киради?**

\*А) ўз фанини билиш, педагогик билимлар, таълим-тарбия методлари, тамойиллари;

Б) фанни ўқитиш бўйича методикани билиш, қатор илмий фанлар бўйича билимлар;

С) фан ва техника, адабиёт ва санъатдан асосий ютуқлар бўйича билимлар;

Д) олий мактабдаги ўқув жараёнини бошқариш ва раҳбарлик қилиш назарияси бўйича билимлар.

**39. Олий мактаб ўқитувчисига зарур билимлардан иккинчи гуруҳга нималар киради?**

А) олий мактабдаги ўқув жараёнини бошқариш ва раҳбарлик;

Б) қатор илмий фанлар бўйича билимлар;

С) фан ва техника, адабиёт ва санъатдан асосий ютуқлар бўйича билимлар;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

**40. Ўқитувчи педагогик фаолиятини автоматлашган таркибий қисмлари бўлиб, бу ҳаракатларни амалга оширишда диққатни бир жойга тўплаш, юқори даражада такомиллашган ҳаракатлар бу—**

А) ўқитувчи билимдонлиги;

\*Б) ўқитувчи малакаси;

С) педагогик маҳорати;

Д) ўқитувчи меҳнати.

**41. Ўқитувчининг кўникмалари нималарда кўринади?**

А) талабалар фаолиятини ўрганишда;

Б) ўқишдаги ҳатолари ва қийинчиликларини ўрганишда;

\*С) янги ва мураккаб педагогик вазиятларда билимлар ва малакалардан тўғри фойдаланишда;

Д) талабалар фаолияти ҳолатини ва жамоадаги ўзаро муносабатини ўрганишда, билимлар ва малакалардан тўғри фойдаланишда.

**42. Ўқитувчининг педагогик назокати (такти) нималарда намоён бўлади?**

\*А) талабаларга тўғри муносабатда бўлишда, уларнинг ҳолатини тўғри ҳисобга олишда, талабчанликда меъёридан чиқмасликда;

Б) талабчанликда меъёридан чиқмасликда, ўқитувчилик тажрибасини тўплашда;

С) билимлар ва малакалардан тўғри фойдаланишда;

Д) талабалар фаолиятини, уларнинг ҳолатини жамоадаги ўзаро муносабатини ўрганишда, диққатни бир жойга тўплашда, юқори даражада талабчанликда.

**43. Лекция сўзи қайси тилдан кирган ва қандай маънони англатади?**

А) лотинча- нотик;

Б) юнонча- ўқиш;

С) лотинча –сўзлаш;

\*Д) лотинча-ўқиш.

**44. Тасаввур қилинган натижа ёки ўқитувчи эришмоқчи бўлган нарса бу—**

\*А) маъруза мақсади;

Б) маъруза мотиви;

С) семинар мотиви;

Д) маъруза усули.

**45. Маъруза ўқиш ва унга тайёрланиш усуллари нималарга кўра аниқланади?**

А) ўқитувчи мотивига ва эҳтиёжига;

Б) ўқитувчи малакасига ва талабалар қизиқишига;

С) ўқитувчи билимига;

\*Д) ўқитувчи фаолиятини вазифа ва мақсадига.

**46. Семинар сўзи қандай маънони англатади?**

- А) лотинча ўқаш, кучайтириш;
- Б) лотинча ўлчаш, мустаҳкамлаш;
- \*С) билимларнинг манбаи, ўчоғи;
- Д) синов, такомиллаштириш.

**47. Семинар олиб борувчи ўқитувчининг мақсади қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- \*А) талабаларни маърузада олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;
- Б) талабаларга зарур билимларни бериш, мустақил ижодий фикрни ривожлантириш;
- С) талабалар ўқиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- Д) қийин материалларни ўзлаштиришда талабаларга ёрдам бериш.

**48. Талабаларнинг ижодий фаоллигини ва мустақил фикрларини ривожлантириш бу—**

- А) семинарнинг мақсади;
- Б) маърузанинг мотиви;
- \*С) семинар вазифаси;
- Д) семинар усули.

**49. Адабиётларда талабаларда чарчаш ва зўриқиш ҳосил қилувчи омил сифатида қараладиган дарс шакли қайси?**

- А) маъруза;
- Б) семинар;
- \*С) яқуний назорат;
- Д) амалий машғулот.

**50. Фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти, мақсади раҳбарлик нисбатан доймо мавжуд махсус гуруҳ бу—**

- А) кичик гуруҳ;
- Б) расмий гуруҳ;
- С) норасмий гуруҳ;
- \*Д) жамоа.

**51. Ўқитувчилар жамоаси учун ўқитувчилик фаолиятида қандай ишларни қўшиб олиб бориш лозим?**

- А) ташкилотчилик ишлари;
- \*Б) илмий тадқиқот ишлари;
- С) илмий ишлар;
- Д) малакасини ошириш.

**52. Олий мактаб психологиясининг муҳим вазифасини аниқланг?**

А) талабаларнинг билиш жараёнларини ўрганиш;  
Б) талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш;

С) ижтимоий психологик ходисаларни ўрганиш;  
\*Д) талабалар фаолиятини психологик таҳлил қилиш.

**53. Талабаларнинг асосий фаолият турлари?**

А) ижодий, ижобий, меҳнатсеварлик фаолияти;  
Б) мулоқатчанлик, маъсулият, ишбилармонлик фаолияти;  
\*С) ўқув, илмий тадқиқот ва жамоатчилик фаолияти;  
Д) ўқув, мустақил таълим, курс ишлари ёзиш.

**54. Қуйидаги хусусият қайси жамоага таалукли: бир ёки бир неча фанларни ўқитишда юқори илмий даража, гуруҳий ёки индивидуал илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқитувчиларнинг ғоявий-сиёсий касбий тайёргарлиги, малакасини ошириш?**

А) ректорат;  
Б) деканат;  
\*С) кафедра;  
Д) методологик семинар.

**55. Талабалар жамоаси бошқа жамоалардан қайси хусусиятларни билан фарқ қилади?**

\*А) ёш ва фаолиятнинг асосий тури бир хиллиги билан;  
Б) меҳнат ва ўқиш фаолиятининг бир хиллиги билан;  
С) кўйилган мақсад ва вазифанинг ҳар-хиллиги билан;  
Д) маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги билан.

**56. Талабалар жамоасининг шаклланишини биринчи босқичи нимаси билан характерланади?**

А) мусобақаларда иштирок этиш;  
Б) талабаларнинг ўқиш ва илмий фаолият билан шуғулланиш;  
\*С) ўқув жараёнига ва янги жамоага фаол кўникиш;  
Д) ўзлаштиришнинг пасайиши.

**57. Кафедра жамоаси учун... хос?**

А) ўз-ўзини назорат қилиш;  
Б) ўз-ўзини такомиллаштириш;  
\*В) ўз-ўзини бошқариш;  
Д) ўз-ўзини ривожлантириш.

58. Кафедра мажлисларида ҳар бир ўқитувчининг чиқишлари қандай ҳужжатда қайд этилади?

- А) қарор;
- Б) дафтар;
- \*С) баённома;
- Д) буйруқ.

59. Кафедра ўқитувчилари ҳар ярим йилда юкламаларнинг бажарилиши ҳақида нима топширадилар?

- А) қоғоз;
- Б) дафтар;
- С) ҳисоб-китоб;
- \*Д) ҳисобот.

60. Илмий салоҳият ўқитувчига .....ни эгаллаш имконини беради?

- А) педагогик назокат;
- \*Б) педагогик маҳорат;
- С) педагогик авторитет;
- Д) педагогик тажриба.

61. Кафедра жамоасини жиҳслаштиришнинг муҳим омили..?

- А) жамоада қаттиққўллик;
- Б) жамоада авторитар бошқарув услуби;
- \*С) жамоада интизомни сақлаш;
- Д) биргаликда тadbирлар ўтказиш.

62. Олий мактаб ўқитувчисининг дарс ўқишида талабалар олдидаги энг муҳим вазифасини белгиланг

- А) гуруҳда маънавий маърифий ишларни ташкил этиш;
- Б) миллий психологик хусусиятлар асосида таълим тарбия бериш, биргаликда тadbирлар ўтказиш;
- С) талабаларни ватанпарварлик руҳиятида тарбиялаш;
- \*Д) талабаларга мустақил иш йўналишини кўрсатиш, методикалар билан таништириш.

63. Кафедра ўқитувчилари орасида энг қуйи ва юкори даражани аниқланг?

- А) ўқитувчи, профессор;
- Б) катта ўқитувчи, доцент;
- \*С) стажер-ўқитувчи, академик;
- Д) лаборант, профессор;

**64. Кафедра мудирни қандай илмий даража ва унвонга эга бўлиши лозим?**

- A) фан номзоди, доцент;
- \*B) фан доктори, профессор;
- C) фан номзоди, академик;
- D) университет доценти;

**65. Агар кафедра мудирни фан номзоди бўлса, у қанча вақт кафедранинг бошқариши мумкин?**

- A) 10 йил;
- \*B) 5 йил;
- C) танловдан ўтгунча;
- D) ректоратдан сайлангунча.

**66. Кафедра фаолияти маҳсулдорлигига, жиёлашганлик даражасига, натижасига, ишчанликка ва ҳар бир ўқитувчи шахси шаклланишига нима таъсир кўрсатади?**

- A) ижобий муҳит;
- \*B) психологик муҳит;
- C) психологик қобилият;
- D) салбий муҳит.

**67. Олий ҳислар орасида муҳимини аниқланг?**

- \*A) ахлокий-сиёсий, интеллектуал, эстетик;
- B) практик, эмоционал, аффектив, стресс;
- C) яхши кайфият, дистресс, паралингвистик;
- D) билишга қизиқиш, юксак мотивлар, шубҳаланиш.

**68. Ахлокий-сиёсий ҳисларга қуйидагилар қиради?**

- A) нафратланиш, жирканиш, муҳаббат;
- B) ўзини юқори баҳолаш, байналминаллик;
- \*C) Ватанни севиш, ўқишни, ўз ўқув юртини, ўз касбини севиш, байналминаллик ҳисси;
- D) ўқишни, ўз ўқув юртини ёқтириш, психологик қобилият, ҳайрон қолиш, шубҳаланиш.

**69. Талабалар илмий фаолиятининг муҳим хусусиятини аниқланг:**

- A) талабалар илмий фаолиятининг муҳим хусусияти талабанинг тадбирларда иштирок этишидир;
- B) илмий фаолиятнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг маънавий-маърифий ишларда қатнашишидир;

С) илмий фаолиятнинг муҳим хусусияти шундаки, талабанинг кафедра йиғинларида иштирок этиши илмий фаолиятни ташкил этади;

\*Д) илмий фаолиятнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда талаба шахсида касбий йўналганлик яққол кўзга ташланади.

**70. Талабаларнинг илмий ишларида иштирок этишдан асосий мақсад нима?**

А) кафедра ўқитувчиларининг илмий фаолиятларини ўрганиш;

Б) педагогик маҳоратни ошириш, талабалар ҳаёт ва фаолиятини ўзаро муносабати, жамоа кайфияти ва анъаналари, гуруҳда яхши ўқийдиган талабаларни аниқлаш;

\*С) касбий мустақилликни, меҳнат фаолиятига киришганда амалий вазифаларни ижодий ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш;

Д) талабалар жамоасининг психологиясини ўрганиш

**71. Қайси жавобда психик хусусиятлар тўғри кўрсатилган?**

А) характер, қобилият;

Б) йўналтирилганлик;

С) темперамент;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

**72. Талабалар жамоасини нечанчи курсдан бошлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ?**

\*А) 1;

Б) 2;

С) 3;

Д) 4.

**73. Талабаларни тарбиялашда тарбия методларининг қайси биридан фойдаланилади?**

А) ишонтириш;

Б) тақдирлаш, машқ қилдириш;

С) намуна бўлиш;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

**74. Олий ўқув юртида талаба шахсида қандай хислатга асос қўйилади?**

А) ижобий хислатга;

Б) салбий хислатга;

\*С) мутахассислик хислатга;

Д) интизомлилик хислатга.

75. Талабалар жамоасини психологияси талабалар ҳаётининг қайси жиҳатларини ўз ичига камраб олади?

А) талабалар академик гуруҳи;

\*Б) талабалар ҳаёт ва фаолиятининг ўзаро муносабати, жамоа кайфияти ва анъаналари;

С) гуруҳда яхши ўқийдиган талабаларни тақдирлаш, машқ қилдириш, талабалар жамоасининг психологиясини ўрганиш;

Д) талабаларнинг фақат ўзаро дўстона муносабати.

76. Талабанинги гуруҳдаги психологик статуси нимага боғлиқ?

А) талабанинги фаолиятига;

Б) гуруҳдаги муносабатга;

С) ёшига;

\*Д) талабанинги ўқув фаоллигига.

77. Талабаларда ўқув мотивацияси мазмунига кўра қандай бўлади?

\*А) ўзгарувчан;

Б) барқарор;

С) йўналтирилган;

Д) ижобий.

78. Олий мактабда ўқув фаолиятини бошқариш деганда қайси фаолиятлар назарда тутилади?

А) мақсадга йўналтирилган фаолият;

Б) системалаштирилган фаолият, назорат қилинган фаолият;

С) ташкил қилинган фаолият;

\*Д) барча жавоблар тўғри.

79. Талабаларнинг илмий фаолиятда, илмий ишларида яншироқ этиши уларнинг қайси хислатларини ривожлантиради?

А) продавий хислатларни;

Б) меҳнат фаолиятини;

\*С) ижодий тафаккурини, ташаббускорлигини;

Д) ғоявий, сиёсий қарашларни;

80. Эҳтиёжларнинг қондирилиши натижасида қандай психик ҳолат юзага келади?

А) депрессия;

Б) невроз ҳолати;

С) агрессив ҳолатлар;

\*Д) ҳиссий кечинмалар ҳолати.



**81. емис психологи К Левин эхтиёжларни қандай турларга ажратган?**

- \*А) қуйи ва юқори эхтиёжлар;
- Б) ижтимоий ва гуруҳ эхтиёжлари;
- С) индивидуал эхтиёжлар;
- Д) бирламчи эхтиёжлар.

**82. Талабаларда йўналганлик қайси ҳолатларда яққол намоён бўлади?**

- А) хулқ- атвор мақсадида;
- Б) мотивларида ва эхтиёжларида;
- С) қизиқиш ва эътиборда;
- \*Д) барча жавоблар тўғри.

**83. Олий мактаб психологияси фанида талабаларнинг ўқув фаолияти қандай қисмларга ажратилади?**

- А) талабанинг имтиҳонларга тайёрланиши;
- \*Б) аудитория ва аудиториядан ташқари;
- С) кутубхонада ишлаш;
- Д) жамоатчилик ишларида фаоллик.

**84. Олий мактабда «таълимнинг индустрлаштириш» деганда нимага тушунасиз?**

А) ўқитувчининг билим бериш фаолиятини ишда зарур бўлган характерга, қобилият ва темпераментга эгаллик, жамоатчилик ишларида фаоллик;

Б) фаол ўқитиш методлари;

С) ўқув тарбиявий жараёнини бошқариш;

\*Д) компьютерлаштириш ва технологиялаштириш орқали талабаларнинг ақлий фаолиятини кучайтириш.

**85. Юқори синф ўқувчиларини олий мактабга тавлаш ишлари психологияда нимага асосланиши керак?**

\*А) профессиографияга;

Б) креативликка;

С) ишлаб чиқаришдаги талабларга;

Д) ўқувчининг фан бўйича тайёргарлигига .

**86. Олий ўқув юрти битирувчисининг бўлғуси мутахассис сифатида умумий таълим тайёргарлиги нималардан иборат бўлиши керак?**

А) иш учун зарур билимга эга бўлишдан;

\*Б) мутахассислик бўйича зарур кўникма ва малакаларга эга бўлишдан;

С) ишда зарур бўлган характерга, қобилият ва темпераментга эгалликдан;

Д) ўз соҳасини севиш, қадрлашдан.

**87. Олий мактаб психологияси фанида кузатиш методининг объекти нима?**

А) юкори синф ўқувчилари фаолияти;

Б) академик лицей ўқувчиларининг билиш жараёни;

\*С) ўқитувчи ва талабалар хатти-ҳаракатлари;

Д) ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти.

**88. Талабаларининг амалий ҳаракатдаги муваффақияти нимага боғлиқ?**

\*А) гуруҳий муносабатларга;

Б) психик ҳолатга;

С) ижтимоий келиб чиқишига;

Д) хулқ-атворга.

**89. Замонавий ишлаб чиқариш олий ўқув юртини тугатган мутақассисдан қандай ҳислатларни талаб қилади?**

А) ижодий фикрлашни

Б) мослашувчанлик, интизомлиликни;

С) ташкилотчиликни;

\*Д) барча жавоблар тўғри;

**90. Касбий йўналганлик бу....**

А) ишда зарур бўлган характерга, қобилият ва темпераментга эга бўлишдир;

Б) системалаштирилган фаолият, назорат қилинган фаолиятдир;

С) гуруҳда яхши ўқийдиган талабаларни тақдирлаш, машқ қилдириш, талабалар жамоасини психологиясини ўрганишдир, уларга намуна бўлишдир;

\*Д) ўз билим, тажриба ва қобилиятини танлаган касби соҳасида қўллаш учун шахсий интилишнинг пайдо бўлишидир.

**91. Интеллектуал ҳисларга..... киради?**

А) ўз касбини севиш, курсдошларини севиш;

Б) Ватанин севиш, ўқишни, ўз ўқув юртини, ўз касбини севиш, байналминаллик ҳисси;

С) ўқишни, ўз ўқув юртини ёқтириш, психологик қобилият, ҳайрон қолиш, шубҳаланиш;

\*Д) янгиликни ҳис қилиш, кизикувчанлик, ҳайрон қолиш, ҳайратга тушиш, шубҳаланиш.

**92. Эстетик хисларга ..... киради?**

\*А) қониқиш, завқланиш, нафратланиш, қахрамонликни хис қилиш;

Б) Ватанни севиш, ўқишни, ўз ўқув юртини, ўз касбини севиш, байналминаллик ҳисси;

С) ўқишни, ўз ўқув юртини ёқтириш, психологик қобилият, ҳайрон қолиш, шубҳаланиш;

Д) янгиликни хис қилиш, кизиқувчавлик, ҳайрон қолиш, ҳайратга тушиш, шубҳаланиш.

**93. Олий мактабда маърузанинг қандай турларидан фойдаланилади?**

А) ахборот берувчи, полилог;

\*Б) ахборот берувчи, йўналтирувчи, рағбатлантирувчи, методик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи;

С) ахборот берувчи, бинар маъруза, хатолари олдиндан режалаштирилган маъруза, номигагина ўтказиладиган маъруза;

Д) анъанавий маъруза, муаммоли маъруза, конструктив маъруза.

**94. Олий таълимни бошқариш услублари қайси жавобда тўғри келтирилган?**

А) авторитар, позитив, демократик;

\*Б) авторитар, либерал, демократик;

С) авторитар, негатив, демократик;

Д) авторитар, деструктив, демократик;

**95. Олий мактаб психологияси фақининг методлари?**

А) кузатиш, эксперимент, эгизаклар, лонгитюд;

Б) суҳбат, кулдириш, анкета, фаолият натижаларини таҳлил қилиш;

\*С) кузатиш, эксперимент, суҳбат, тест, анкета, талабалар ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш методи, тажрибали ўқитувчилар фикрлари, ЭЭГ, социометрия;

Д) кузатиш, эксперимент, суҳбат, тест, анкета, талабалар ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қилиш методи, тажрибали ўқитувчилар фикрлари, ЭЭГ, анализ, синтез, лонгитюд.

**96. Олий мактабни бошқариш –**

\*А) Яқка раҳбарлик ва олий ўқув юртининг Илмий Кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш принципи асосида амалга оширилади;

Б) факультет декани томонидан амалга оширилади;

С) системалаштирилган фаолият, назорат қилинган фаолиятдир;

Д) авторитар, либерал, демократик услубларнинг бирида амалга оширилади.

**97. Олий ўқув юртини бевосита бошқариш**

А) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тайинлаган ректори томонидан амалга оширилади;

Б) Президент томонидан амалга оширилади;

С) илмий Кенгаш томонидан амалга оширилади;

\*Д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлаган ректори томонидан амалга оширилади.

**98. Эътиқоднинг мезонлари қуйидагилар:**

А) қониқиш, завқланиш, нафратланиш, қаҳрамонликни ҳис қилиш;

Б) Ватанни севиш, ўқишни, ўз ўқув юртини, ўз касбини севиш, байналминаллик ҳисси;

С) ўқишни, ўз ўқув юртини ёқтириш, психологик қобилият, хайрон қолиш, шубҳаланиш;

\*Д) қатъийлик, маслак, иш ва сўз бирлиги, ўз фикрини ҳар қандай ҳолатда ўзгартирмаслик.

## ГЛОССАРИЙ

**Олий мактаб психологияси** олий ўқув юрти раҳбарларининг, ўқитувчилари, талабалари фаолиятининг психологик хусусиятларини ва психикасини ўрганadi.

**Методология** - борлиқни ўзгартириш ва билиш методлари ҳақидаги, билиш ва тажриба жараёнларига дунёқараш тамойилларини қўллаш ҳақидаги таълимотдир.

**Олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методологиясини** диалектик материализм қонунлари ва психология фанини психиканинг моҳияти, онг ва фаолият бирлиги ҳақидаги, олий мактабдаги таълим ва тарбия шароитида психик ҳодисаларни ўрганиш жараёнига умумий талаблар ташкил қилади.

**Электрэнцефалография** методи /мия биотокларини ёзиб олиш/

**Касб** - меҳнат фаолиятининг тури бўлиб, уни бажариш учун инсон махсус билимларга, кўникма ва малакаларга, қобилиятларга эга бўлиши зарур.

**Касб танлаш** - бу танловчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ равишда бўлғуси танлаган касбида энг кўп касбга яроқлилигини намоён қила олишга имкон берадиган танлаш жараёнидир.

«Талаба» атамаси лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, билимларни эгалловчи, ўз устида тинмай мустақил ишловчи деган маънони билдиради.

**Талабалар жамоаси** деганда, бирор умумий мақсад йўлида бирлашган кишилар гуруҳи, бирор вазифани бажариш учун жамият томонидан махсус равишда ташкил этилган одамлар бирлашмаси тушунилади.

**Монолог** маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир.

**Диалог** ўқув мавзуси муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир.

**Полилог** гуруҳ ичидаги мунозарадир.

**Педагогик маҳорат** бу ўқитувчи касбий фаолиятининг юқори даражасидир.

**Ўқитувчининг педагогик назокати /такти/** талабалар билан ўзаро муносабатда ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлигидир.

**Лекция** лотинча «Lectio» сўзидан олинган бўлиб, ўқиш деган маънони англатади. Маъруза илмий тафаккурни, ўқитувчининг ўзини ва аудиторияни тута олиши, маданиятини, чуқур билимдонлигини намоён қиладиган ақлий меҳнатнинг қийин турларидан биридир.

**Маърузанинг мақсади** бу тасаввур қилинган натижа ёки ўқитувчи эришмоқчи бўлган нарсадир.

**Маъруза ўқиш ва унга тайёрланиш мотивлари** бу ўқитувчи ҳаракатларига у ёки бу бу мазмун берадиган фаолликка ундовчи кучдир.

**Маъруза ўқиш ва унга тайёрланиш усуллари** ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва мақсадларига кўра аниқланиши мумкин.

**Семинар** сўзи лотинча «seminarium» сўзидан олинган бўлиб, билимларнинг манбаи, ўчоғи деган маънони англатади. Семинар олиб боровчи ўқитувчи ўз олдига талабалар маърузада олган билимларни мустақамлаш ва чуқурлаштиришни мақсад қилиб қўяди.

**Жамоа** бу – фаолиятнинг ижтимоий аҳамияти, мақсади, аҳамиятли мақсади, раҳбарлик нисбатан доимий мавжуд-маҳсус гуруҳдир.

**Кафедра** жамоасининг муҳим хусусияти – бу бир ёки бир неча фанларни ўқитишда юқори илмий даража, индивидуал ёки гуруҳий илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқитувчиларнинг ғоявий-сиёсий касбий тайёргарлигини, малакасини оширишдир.

**Инсоннинг дунёқараш** бу теварак атрофдаги борлик, табиат ҳақидаги, онгнинг борлиққа муносабати, бошқа одамлар ва ўзи ҳақидаги билимлар, қарашлар, маслақлар системасидир.

**Билимлар** бу инсоннинг борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни билиши натижасидир.

**Қарашлар** бу билимларни ўзлаштириш, баҳо тушунишдир. Улар материалистик, идеалистик, тўғри ва хато бўлиши мумкин.

**Маслақ** инсоннинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ички асосидир

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997.
2. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қондалар. 2002-йил 16-августда тасдиқланган.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. Тошкент, 2001 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислох қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. II - қисм, Тошкент. 1998; 2 - қисм, Тошкент, 1999.
6. Азимов Н.Ж. Динамика совместной учебной деятельности преподавателя со студентами. Автореф дис. . . к.п.н.Т.1996.
7. Бўри Зиёмухаммадов, «Педагогик маҳорат асослари», Т.: «ТІВ-КІТОВ» 2009.
8. Гапширов Б.Т. Динамика развития нравственного самосознания личности студента ва процесса обучения. Автореф. дис. . . . к.п.н. Т., 1993.
9. Давлетшин М.Г. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва олий мактабда психология фанини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари. «Олий педагогик ўқув юртлирининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишининг илмий асослари. Конференция материаллари.- Т. 2000.
10. Давлетшин М.Г., Жалилова С.Х. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари. -Т., 2001. - 10 б.
11. Джалилова С.Х. Психологические особенности личностной профессионализации студентов педагогического вуза. Автореф. дис. . . к.п.н. -Т. 1994.
12. Джусубалиева Д.М. Теоретические основы формирования информационной культуры студентов в условиях дистанционного обучения. Автореф. дис. . . .док. к.п.н. — Алматы. 1997.
13. М.И.Дьяченко, Л.А.Кандыбович. Психология высшей школы. Изд-во БГУ. Минск. 2007.
14. Замонавий педагогик технологиялар. Т., 2002. - 186б.
15. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишининг психологик техникаси Т.- 2000. -166.
16. Крайг Г. Психология развития. Питер. 2000.- 99 с

17. Крету Д. Критическое мышление в высшей школе. //Перемена. Международный журнал о развитии мышления через чтение и письмо. 2000. №2. С.13-16.
18. Мажидов И.Н. Психологические аспекты профориентационной работы на профессию учителя. Автореф. дис. . . к.п.н. - Т., 1991.
19. Олпорт Гордон В. Личность и психология.- М.:Ювента. 1998. - 34 с.
20. Реан А.А, Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. Санкт-Петербург. 1999.
21. Рухиева Х.А. Психологические особенности самоуправления учебной деятельностью студентов. Автореф. дис. . . к.п.н. – Т. 1993.
22. Утанов Б.Э. Сотрудничество преподавателя и студентов как фактор повышения эффективности учения. Автореф. дис. . . -к.п.н. – Т. - 1993.
23. Халперн Д. Психология критического мышления . «Питер». 2000. -512 с.
24. Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. -Т.:Ўқитувчи, 1997. - 102 б.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I-ҚИСМ.ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
Олий мактаб психологияси предмети.....	4
Талабалар фаолияти асосий турларининг психологик хусусиятлари .....	12
Талабалар жамоасининг шаклланиши ва ривожланишининг психологияси.....	22
Ўқитувчи фаолиятининг психологик хусусиятлари.....	38
Педагогик махоратнинг психологик асослари.....	52
Кафедра жамоасининг психологик хусусиятларини шакллантириш йўллари .....	56
<b>II-ҚИСМ. ОЛИЙ МАКТАБДА ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ</b>	
Талабаларнинг дунёқараши ва эътиқодини шакллантириш..	61
Талаба шахсининг касбга йўналганлигини шакллантириш..	67
Олий туйғу ва иродавий сифатларни шакллантириш.....	83
Талабалик даврида иродавий сифатларни шаклланганлигининг психологик асослари.....	87
Касбий хусусиятларнинг шаклланишида билиш жараёнининг роли.....	120
Талабаларнинг мустақил иши.....	125
Бўлажак мутахассисларнинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантириш.....	129
Олий ўқув юртрларида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг психологик шарт-шароитлари.....	141
<b>III-ҚИСМ. ТАЛАБАЛАРДА ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ТАФАККУР РИВОЖЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ</b>	
Яқуний назорат тест саволлари.....	194
Глоссарий.....	213
Фойдаланилган адабиётлар.....	215



**З.Т.НИШАНОВА, П.С.ЭРГАШЕВ**

## **ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИ**

Мухаррир: М.Ҳайитова  
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: Ҳ.Ғуломов  
Мусахҳих: Ф.Исмоилова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Босишга рухсат этилди: 03.01.12.2011 йил.**  
**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси.**  
**Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 14,0.**  
**Нашр босма табоғи 13,75. Тиражи 500. Буюртма № 274.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.  
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**